

М.И.АЗИМОВ

ЖАРРОХЛИК СТОМАТОЛОГИЯ ПРОПЕДЕВТИКАСИ



М.И. АЗИМОВ

ЖАРРОҲЛИК СТОМАТОЛОГИЯСИ ПРОПЕДЕВТИКАСИ

Тиббиёт олий ўкув юртлари учун дарслик

“ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ”
ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ-2009

56.6

A37

Азимов М.И.

Жарроҳлик стоматологияси пропедевтикаси:
тиббиёт олий ўқув юртлари учун дарслик/ М.И.Азимов. - Т.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2009-2546.

ББК 56.6я73

ISBN 978-9943-07-092-9

МУНДАРИЖА

1 БОБ.

Жаррохлик стоматология бўлимларини стационар ва
поликлиникада ташкил қилиш.....7

**2 БОБ. Жаррохлик стоматологияда bemорларни текшириш
асослари.....11**

3 БОБ. Стоматологияда оғриқсизлантириш

Маҳаллий оғриқсизлантириш.....15

Стоматологияда оғриқсизлантириш турлари ва
уларнинг таснифи.....15

Уч шохли нерв иннервация соҳасини инфильтрациялаш
(бўқтириш) аппликацияли (суртиш) сүяк ичи,
интралигаментар оғриқсизлантириш усуллари.....18

Уч шохли нервни иккинчи толасини иннервация соҳасини
ўтказувчан оғриқсизлантириш усуллари24

Уч шохли нервнинг учинчи толаси оғиз ичидан
ўтказувчан оғриқсизлантириш.....34

Пастки альвеоляр нервни ташкаридан оғриқсизлантириш
усуллари.....38

Маҳаллий оғриқсизлантириш асоратлари. Сабаблар, ташҳис,
даволаш ва олдини олиш чоралари.....41

Кучайтирган маҳаллий оғриқсизлантириш. Йўлдош
касалликлари бор bemорларни маҳаллий оғриқсизлантириш
ва жаррохлик амалиётига тайёрлаш44

Умумий оғриқсизлантириш46

Стоматологик поликлиника шароитида умумий
оғриқсизлантириш усуллари.....47

Стационар шароитида юз ва оғиз бўшлиги
операцияларида ўтказиладиган наркоз усуллари, унинг
асоратлари ва реанимация асослари48

4 БОБ. Тиш олиш

Доимий тишларни олишга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар.

Беморни кўрикдан ўтказиш ва тиш олиш операциясига
тайёрлаш. Кўлни ювиш ва операция майдонига ишлов бериш52

Тиш олиш учун ишлатиладиган омбур ва элеваторлар	56
Омбур ёрдамида тиш олиш операцияси услублари. Тиш олаётганда бемор ва шифокорнинг жойлашиш ҳолати	59
Юқори жағдаги тож қисми сақланиб қолган тишларини олиш	63
Пастки жағдаги алохида гурух тишларни олиш услублари	67
Тиш илдизларини олиш (омбурлар, элеваторлар ва бормашина ёрдамида).....	71
Тиш олингандан кейинги ярага ишлов бериш ва парваришилаш	71
Тиш олинаётгандан рўй бериши мумкин бўлган маҳаллий асоратлар	81
Тиш олинганидан сўнг кузатиладиган асоратлар	85
5 БОБ. Юз –жаг соҳалари одонтоген яллигланиш касалликлари.....	90
Периодонтитлар таснифи. Ўткир ва сурункали периодонтитнинг клиник кечиши, ташҳислаш	90
Ўткир периодонтитни даволаш	90
Сурункали периодонтитни даволаш	95
Ўткир ва сурункали одонтоген периостит	108
Жағлар одонтоген остеомиелитининг ўткир даври (оқма касаллиги)	118
Одонтоген остеомиелитнинг ўткир ости ва сурункали даври, ташҳислаш ва даволаш принциплари	127
Ўқир одонтоген остеомиелитни периодонит, периостит касалликлари билан <u>киёсий ташҳисланш</u>	130
Юз-жаг ва бўйин соҳалари абсцесс ва флегмоналари.....	133
Юз-жаг ва бўйин соҳаслари абсцесс ва флегмоналари этиологияси.....	134
Жағ ости, даҳан ости абсцесс ва флегмоналари. Инфекциянинг тарқалиш йўллари. Клиникаси. Ташҳислаш.	
Жарроҳлик даволаш усувлари	147

Кулоқ олди чайнов, чайнов мушаги ости соҳаларнинг флегмонаси. Клиникаси. Ташҳислаш Жарроҳлик даволаш усули	149
Ютқин олди, қанотсимон-жағ ва жағ орти соҳаларининг абсцесс ва флегмоналари. Тўқималаро оралиқларнинг топографик анатомияси	151
Тил-жағ тарнови, тил ости, ретромоляр соҳаларининг абсцесси. Клиникаси. Ташҳислаш Жарроҳлик даволаш усули.	156
Тил танаси ва илдизи абсцесслари, оғиз туби флегмонаси. Клиникаси, ташҳислаш, жарроҳлик даволаш усули	159
Кўз ости, кўз косаси, ёнок ва лунж соҳалари абсцес ва флегмоналари	164
Чакка, чакка ости ва қанотсимон-танглай чукурчаси соҳасининг абсцес ва флегмоналари. Инфекция тарқалиш йўллари. Клиникаси, ташҳислаш, жарроҳлик даволаш усули.....	169
Юз-жағ ва бўйин соҳалари <u>лимфангити</u> , <u>лимфаденити</u> , <u>аденофлегмонаси</u>	174
Юз жағ яллиғланишлари касалликларининг асоратлари: <u>сепсис</u> , <u>септик шок</u> , <u>медиастенит</u> , <u>юз веналари тромбофлебити</u> ва говаксимон бўшлиқ тромбози	183
Юз-жағ ва бўйин соҳалари абсцес ва флегмоналарни даволаш принциплари	188
6 БОБ. Юз -жағ соҳаларининг инфекцион яллиғланиш касалликлари	197
Актиномикоз	197
Сил (туберкулез)	202
Захм(сифилис)	204
ОИВ инфекция – ОИТС касаллиги	205
<u>Чипқон, хуппоз</u>	206
<u>Сарамас</u>	209
7 БОБ. Тиш чиқиши касалликлари (перикоронарит, перикоронит)	210
8 БОБ. Одонтоген гайморит. Юқори жағ бўшлиғи тубининг тешилиши	217

9 БОБ. Сүлак безларининг касалликлари.....	226
Сүлак безларининг ўткир яллиғланиши (сиалоаденит)	226
Сүлак тош касаллиги	231
Сүлак безларининг дистрофик касалликлари (сиалозлар, сиалоаденозлар)	234
10 БОБ.Чакка-пастки жағ буғими касалликлари.....	240

КИРИШ ҚИСМИ

«Жарроҳлик стоматология пропедевтикаси» ўқув дарслиги тиббиёт институтларининг стоматология факультети 3-4 курс талабаларининг ўқитиш учун шу фаннинг намунавий дастури талабларига жавоб беради.

Китобдаги маълумотлар тиббиётнинг охирги илмий ва амалий ютуклари асосида тайёрланган. Ёзилган дарслик Тошкент тиббиёт академиясининг жарроҳлик стоматология кафедраси ишчи дастури асосида мавзуларга бўлинган бўлиб келтирилган маълумотларни ўзлаштириб олиш учун кулагай бўлишига ёрдам беради.

Дарслик алоҳида бўлимлардан ташкил топган бўлиб, Узбекистонда жарроҳлик стоматология фанининг ривожланиш тарихини; жарроҳ, стоматолог ишини поликлиника ва стационар шароитида ташкил қилиш; беморларни текшириш, оғриқсизлантириш, тиш суғуриш, юз-жаг соҳаси яллиғланиш касалликлари ва уларнинг асоратлари кенг ёритиб берилган.

Юз-жаг соҳаси яллиғланиш касалликлари бўлими талабаларга кулагай бўлиши учун мавзулар кетма-кетлиги Т.Г.Робустова тақризи остидаги «Хирургическая сто-матология» (М-2000г) дарслиги каби келтирилган. Яллиғланиш касалликлари мавзуларида касалликнинг ҳар бир шаклида унинг келиб чиқишига, патогенезига, патологик анатомиясига, клиник кечишига ва даволаниш жараёнларига катта эътибор берилган. Жарроҳлик йўли билан даволашга ва асоратларга алоҳида эътибор берилган.

Ушбу дарслик давлат тилида илк бор нашр қилинмоқда. Шу боис камчилиқлардан ҳоли эмаслиги табиий. Билдирилган тақлиф ва танқидий мулоҳазалар дарсликни кейинги нашрга тайёрлашда уни мазмунан бойитилишига катта хисса кўшади деган умиддамиз. Муаллиф дарслик сифатини ошириш юзасидан билдириладиган тақлиф ва танқидларга олдиндан миннатдорчилик билдиради.

Жарроҳлик стоматология бўлимларини стационар ва поликлиникада ташкил қилиш

Ўзбекистон Республикасида МДҲдаги давлатлар сингари бозор муносабатларига ўтиш, мулкчиликнинг ҳар хил шакллари ҳосил бўлиши, аҳолига стоматология хизматининг кўрсатилишида ўз таъсирини кўрсатмокда.

Бугунги кунда ахолига күрсатилаётган стоматологик хизмат, шу жумладан жаррохлик стоматология хизмати янгидан шаклланиб бормоқда. Республикада ўтказилаётган тиббиётдаги ислоҳотлар натижасида икки йуналиш шаклланди: бири шошилинч тиббий ёрдам ва иккинчиси эса ихтисослашган тиббий ёрдам. Республикаизда ислоҳотлар натижасида кенг тармокли шошилинч тиббий ёрдам ти-зими ташкил қилинди.

Тошкент ш. Республика шошилинч тиббий ёрдам институти, вилоятларда унинг филиаллари ташкил қилинди. Тез ёрдам шифохоналари таркибida жарроҳ стоматологлар штати киритилган, ахоли эҳтиёжидан келиб чиқкан ҳолда ўринлар ажратилган. Бу муассасаларда тез ёрдамга мухтоҷ беморларга юз-жағ суяқ ва юмшоқ тўқималар жароҳатлари, яллиғланиш касалликлари билан мурожаат килган беморларга юқори малакали ёрдам кўрсатилади.

Тошкент шаҳрида ихтисослашган жаррохлик стоматология ёрдами уч касалхонада: ТМА клиникасида, 17 шаҳар клиник касалхонаси ва шаҳар тез тиббий ёрдам касалхонасида ташкил қилинган бўлимларида кўрсатилади. Бу бўлимларда юз-жағ жаррохлик ёрдамига мухтоҷ беморларга режали ва тез ёрдам кўрсатилади.

Юз-жағ жаррохлик бўлимлари тузилиши барча жаррохлик бўлимларидагидек операция –боғлам блоки, палаталар ва ёрдамчи хоналардан (шифокорлар хоналари, овқатланиш хонаси, моддий неъматлар хонаси, гигиёник хоналар ва бошкалардан) ташкил топади. Жаррохлик стоматология ёрдами хусусиятларини эътиборга олган ҳолда кўшимча хоналар ажратилади. Оғиз ирригацияси учун, ортопед стоматолог учун, тиш-техник лаборатория хонаси ва эҳтиеждан келиб чиқкан ҳолда бошқа хоналар мавжуд.

Катта бўлимларда (50 ўриндан кўп) юз-жағ соҳасида ўтказиладиган катта тиклаш операцияларининг ўтказилиши ва бир вақтда бўлимда яллиғланиш касалликлари бўлганини эътиборга олинса, иккита операция ва иккита боғлам хоналари ташкил қилиш мақсадга мувофик бўлади. Операция хонаси битта бўлса, дастлаб йириңгиз (тоза) беморлар кейин, йириңгли беморлар операция килинади. Бундай вазиятда операция ва боғлам хоналарида тозаликка эътибор берилиши, кимёвий ва физик (бактериоцид лампалар) ишлов берилиши тақозо этилади.

Боғлам хонасида операцион столидан ташқари стоматологик курси бўлиши мақсадга мувофик бўлади.

Стоматологик поликлиникаларда жаррохлик бўлими ёки хона-ларини ташқил қилиш шу корхона иш ҳажми ва штат бирлигидан ке-либ чиққан ҳолда очилади. Стоматологик поликлиникалар шифокор-лар сонига караб бўлинади. Тоифалик поликлиникалардан катта тар-кибда 40 дан ортиқ шифокор бирлиги бўлган корхона, 1-тоифали по-ликленикада 31-40, 2 тоифали поликлиникада 26-30, 3 тоифали поли-клиникада 21-25, 4 тоифали 16-20 ва 5 тоифали 11-15 стоматолог шифокор ишлашига мўлжалланган поликлиникалар тоифаси ажрати-лади. 2-5 тоифали поликлиникалар таркибida жаррохлик хонаси ташқил қилиниб, у камида уч хонадан иборат бўлади. Иккита опера-ция хонаси: бирида операцион стол, иккинчисида стоматологик курси ўрнатилади.

Катта (1 тоифали) ва ундан катта стоматологик поликлиника-ларда жаррохлик бўлими очилади. Бўлим таркибida 5 хона бўлади. Шу жумладан операция хонаси – бир операция столи (кресло) кўйилса, хона сатҳи камида 23m^2 ва ҳар бир кўшимча столга (кресло-га) яна 7m^2 , яна кутиш хонаси, операция олди хонаси, стерилизация хонаси, операциядан чиққан беморлар дам олиш хонаси ташқил қилинади.

Жаррохлик бўлими хоналари девори (операцияга кириш олди хонаси, боғлам хонаси) текис, силлик бўлиши, камида $1,8\text{m}^2$ баланд-ликда кафель терилган, операция хона девори шифтгача кафель ёки пластик билан қопланган бўлиши шарт. Пол ҳамма хоналарда лино-леум ёки керамик плиткалар билан қопланади.

Ҳамма хоналар шифти сув-эмульсияли, елимли ёки мой-бүёклар билан оқланган бўлиши шарт. Эшик, ойналар эмаль ёки мой-бүёклар билан қопланилиши, деворлар ва эшик ойналари намлаб ар-тишга чидамли бўлиши керак. Хоналарга албатта совуқ ва иссик сув марказлашган иситиш тармоғига уланиши ва хоналар иситилиши ло-зим. Хоналар мажбурий вентиляция қилиниши, ойналарда дарчалар бўлиши лозим.

Штатлар. Биринчи-учинчи тоифадаги поликлиникаларда 2-3 жаррох стоматолог лавозими: шу жумладан бўлим мудири, тўртинчи-бёшинчи тоифали поликлиникаларда тегишли равища 2 жаррох стоматолог лавозими киритилади.

Бир жаррох стоматолог лавозимига бир ҳамшира ва 3 врачлик бирлигига бир кичик тиббий ходим бирлиги ажратилади.

Жаррохлик стоматология бўлими ва кабинетларида тозалик са-нитария эпидемиология меъёрларига жавоб берадиган даражада

бўлиши шарт. Бўлим хизматчилари антисептика ва асептика услубларини ишлатиб, тозаликни тъминлаб беришади. Бу талаблар стационар ва поликлиникаларда бир хил бажарилади.

Операция вактида кийиладиган халатлар, чойшаблар ва операцияда ишлатиладиган боғлаш материаллари биксларда, автоклавда стерилизация килинади. Жарроҳлик хонасида стерил стол ташкил килинади. Үнга кун давомида ишлатиладиган стерил матолар ва асбоблар қўйилади. Ҳар куни стерил стол янгидан солинади.

Асбобларни стерилизация қилиш учун маҳсус хона ажратилади, иссиклик шкафи ўрнатилади, ёки асбоблар оддий 20-30 минут қайнатиш усулида стерилланади. Кесув асбоблари (скальпель, қайчи, игналар) спиртга 2 соатга солиб олинади ва кейин бошқа антисептикларда сақланади. Стерилизация хонаси жарроҳлик кабинети ёнида бўлгани маъқул, икки хона орасида ойна орқали асбобларни узатиш имкони бўлса, у мақсадга мувофиқ бўлади. Хоналарнинг санитар ҳолати бактериологик текширув билан назорат қилиниб турилади.

Поликлиникада жарроҳлик стоматология бўлими (кабинет)ни жихозлаш.

Беморни қабўл қилиш учун жарроҳлик стоматология бўлими (кабинети)да стоматологик кресло, соя бермайдиган лампалар, асбоблар учун стол, темир винтда айланувчи стуллар, бормашина, бектериоцид ва ультрабинафша лампалар, асбоблардан пинцетларнинг ҳар хили шпателлар, тиш олиш учун омбурлар ва элеваторлар комплекти, кесиши асбоблари-скальпель, қайчилар, ажраткичлар, (распатор) киравчи қошиқчалар, исканалар, болға (тиббий), суяқ кесувчи ўткир жағли омбурлар, кон тўхтатувчи қисқичлар, тилни сиқиб ушловчи қисқичлар, оғиз очқич омбурлар, алюмин симдан шина ясаш учун асбоблар, трахеотомик найдалар бўлиши керак.

Жарроҳ стоматолог иш либосида олди ёпик ҳалат, докали никоб, боши берқ, (калпоқча билан) ҳимояловчи кўзойнак тақиши, кўлига кўлқоп кийиши керак.

Жарроҳлик стоматологик бўлимда (кабинетда) ишни ташкил қилиш.

Эрталабдан ҳамшира хонани иш ҳолатига тайёрлиги-санитар ҳолатни назорат килиб чиқади ва иккита стерил столни тайёрлайди.

Биринчиси асбоблар учун, иккинчиси боғлам материаллар учун. Катта стол бўлса яримига асбобларни, яримига боғлам материалларни жойлаштириш мумкин.

Поликлиника шароитида bemорларга кўрсатиладиган жарроҳлик муолажалар ҳажми шундай бўлиши керакки, bemор ўзи ёки ёнидаги хамроҳ ёрдамида уйга етиб бора оладиган бўлиши керак. Поликлиникада кичик операциялардан ташкари стационар бўлимга етказиладиган bemорлар текширилади ва операцияга таёргланади. Стационардан чиқарилган bemорлар охиригача даволанади. Диспансер гурухларга киритилган bemорлар кузатилади, ҳар бир шифокор маҳсус шаклдаги кундалик иш ҳисботини тўлдириб боради.

Жарроҳлик стоматологияда bemорларни текшириш асослари

Жарроҳлик муолажасига муҳтож стоматологик bemорлар тибиётда қабўл килинган анъанавий усулда текширувдан ўтказилади. Бу сўров-(шикоятларни сўраш, касаллик ривожланиш тарихи, ҳаёт даврида кечирган касалликлар).

Дастлаб – bemор билан сұхбат ўтказиб касаликка оид маълумотлар тўпланади. Бу жуда масъулиятли иш. Шифокор биринчи саволидаёқ bemор ишончини қозонишга ҳаракат қилиши зарур. Хушмуомалалик билан, касалликни билан боғлиқ шикоятларни аниқлаш керак. Шикоятлар жуда кўп ва хилма-хил бўлиши билан айримларининг аҳамияти ҳам бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун шифокор аҳамиятли бўлганини ажратса олиши керак.

Кўпчилик bemорларнинг шикояти оғрикка бўлади. Аниқлаш керак - оғрикнинг бошланиши нимага боғлиқ, кучи қандай, қайтариувчанми, тарқалувчанми, тез-тез хуруж бериб турадими. Жағнинг ҳаракатига боғлиқми, йўқми?

Бир гурух bemорлар оғиз очилишининг чегараланишига, ютиниш қийинлигига, ҳолсизликка, терлашга, тана ҳароратининг кўтарилишига шикоят киласилар. Бундай шикоятлар яллиғланиш касалликларига кўпроқ хос бўлади.

Агарда bemор оғиз куришига шикоят киласа бу сўлак безларининг касаллигига, ёки қанд касаллиги белгиси бўлиши мумкин.

Бемор юзининг шакли ўзгаришига шикоят қиласа, унга сабабини аниқлаш учун йўналтирилган саволлар бериб, қачондан бери бу ҳолатни сезгани, нимага боғлиқлигини сўраш зарур.

Баъзан bemor ўзи шикоятларини айтиб бера олмайди (масалан ёш бола, ёки кекса одам). Шундай ҳолда болани ота-онасидан, кексанинг ҳамроҳ бўлиб келганларидан сўраш керак бўлади.

Пайпаслаш – бу услубда юз териси, юмшоқ тўқималар ва суккнинг ҳолатига баҳо берилади. Терини ушлаб унинг зичлиги, чўзилувчанлиги, остидаги мушак ва сукларга ёпишганлигини аниқлаш мумкин. Юзда чандиклар бўлса уларни пайпаслаганда қанчалик чуқур, тагидаги тўқималар билан ёпишганлигини аниқлаш мумкин.

Пайпаслаганда юмшоқ тўқималардан ҳосил бўлган ўсма, ёки катталашган сўлак бези, ёки лимфатик тугун аниқланиши мумкин. Пайпаслаб яллигланиш жараённининг катта-кичиклиги, тўқима каттиклашгани, ёки юмшаш аломатлари (флюктуация - билқиллаш) аниқланади.

Ташхис кўйишда юз-жаг ва бўйин соҳасида лимфатик тугунларга эътибор берилади. Уларни катталашиши яллигланиш жараёни билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Катталашган, зич лимфатик безлар ҳавфли ўсманинг метастазаси бўлиб чикишини унутмаслик керак. Бу белги ўсма касаллиги даврини аниқлаш имконини бериши мумкин.

Ташки кўринишга баҳо бергандан сўнг офиз бўшлиғи аъзолари кўриқдан ўтказилади. Бунинг учун шпатель, стоматологик кўзгу, стоматологик пинцет ва бурчак шаклидаги зонд ишлатилади. Алоҳида эътибор оғиз очилишига берилади, очаётганда оғриқ борми, катта очиладими ёки чегараланганми. Оғиз очилиши чекланган бўлса чакка-пастки жаг бўғими фаолиятига аҳамият бериш керак. Бўғим бош-часини экспурсияси иккала томонда баробарлигига, қирсиллаш ёки оғриқ борлигига, лунж ва лабларни суриб оғиз ўтув бурмаси ҳолатига, оғиз шиллик қавати ҳолатига баҳо берилади. Тишлар ҳолати, атрофидаги пародонт ҳолати, тил ости ва жаг тил тарновчasi ҳолатига, юмшоқ ва қаттиқ танглай тузилишига эътибор берилади.

Оғиз бўшлиғи намлиги, сўлак кўп-камлиги ҳам эътиборсиз қолмаслиги керак. Сўлак бези найчаларидан сўлак чикишига эътибор берилади. Кам ёки умуман сўлак ажралмаса, у бездаги яллигланиш, ўсма ёки тош касаллик ҳисобига бўлиши мумкин. Сўлак йўлларида

тош борлигини икки қўл бармоқлари билан оғиз ичидан ва ташқаридан пайпаслаб аниқлаш мумкин.

Агарда альвеоляр ўсикда окма йўл аниқланса унинг йўналиши, давомийлиги ва қаерга бориб тугашини зонд киритиб аниқланади.

Айрим ҳолларда юкори жағ тишлари олингандан сўнг окма ҳосил бўлади, окма йўл юкори жағ бўшлиғига туташган бўлиши мумкин. Уни аниқлаш учун зонд киритиб, ёки шприцда окма йўлга сув юбориб, уни бурундан чиқишини кузатиш, бурунни сиқиб пуфлаганда ҳавонинг оғизга кетишидан ёки тескариси оғиздан бурунга ҳаво ўтишидан аниқлаш мумкин.

Катта аҳамият тиш ва милкларга берилади: оғизнинг гигиёник ҳолатига (тишлар шиллик кават ҳолати терапевтик стоматологияяда ўтилади, шунинг учун биз уни ёритмадик) Жарроҳ-стоматолог оғиз даҳлизи бурмасининг ҳолатига алоҳида эътибор бериши керак. Бурманинг саёзланиши, унда шиш ҳосил бўлиши ва бу шиш тишлар ва атрофдаги парадонт касалликлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Тишларининг бир гурухи қимирлаши ва милк-тиш чўнтакларидан йиринг ажралиши жағ суюгининг оғир яллиғланиш касаллигидан далолат беради.

Оғиз бўшлигини текшираётганда прикусни (тишларини жиспсланиш ҳолатига) эътибор берилади (бу масала ортопедик стоматологияда батафсил ўтилгани учун тўхтамадик). Даствабки текширувда аниқланган касалликнинг маҳаллий ва умумий белгилардан шифокор таҳминий ташҳис кўйиб, кайси гуруҳ касаллигига (яллиғланиш, жароҳат, ўсма, туғма нуқсон) мансублигини аниқлайди ва қўшимча текширув ўтказади.

Рентгенологик текширувлар жарроҳлик стоматологик касалликларда тишлар атрофидаги тўқималарга баҳо бериш, сүяқдаги ўзгаришлар, емирилиш, синиш, ўсмаларни аниқлаш учун ишлатилади. Юкори жағ бўшлиғи ҳолати, тубининг тишларга муносабатини билиш, бегона жисмларни аниқлаш мақсадида ўтказилади. Сўлак ўйлидан контраст модда йодолипол юбориб сўлак безлари ҳолатини, яллиғланиш шакли ёки ўсма касаллигини аниқлаш мумкин. Сўлак бези ёки сўлак йўлларида тош борлигини аниқлаш мумкин: контраст моддани окма йўлга юбориб унинг йўналиши, тугаган жойи аниқланади.

Компьютер томография ўта сезгир текширув усули. Бу усулда маълум, кесимда нафакат сүяқ, балки юмшоқ тўқимадан ҳосил бўлган ўсма унинг чегараси, қобиғи ва ички тузилишини кўриш мумкин.

Айниқса бу усулда юз ва жағ сүяклари жароҳатларини ўта аниклик билан ташҳислаш, мушаклар ҳолатини аниклаш, динамик текширувда сүяқдаги репаратив остеогенез кечишини қузатиш мумкин. Шунинг билан бирга сүяқ тузилмаларида кечәётган минералланишни сон ва сифат ўзгаришларни, сүяқ усти пардаси ҳолатини баҳолаш учун ишлатилади. Бу усул айниқса юз ва жағ сүякларida реконструктив операцияни режалаширишда катта ёрдам беради.

Магнито-резонанс томография- энг янги текшириш усуллардан бири асосида доимий магнит майдонида радиотүлкини импульсларни водород ядросидан электромагнит тембранишларни хисоблаб, уни мониторга тасвир қилиб беришга асосланган. Компьютер томографиядан афзаллиги юкори даражада аниклик билан юмшок тўқималарни бир неча хил кесимда томограф қисмларини ва беморни силжитмаган ҳолда кўрсата олиш. Афзалликлардан яна бири бу усулда ионланган нурланиш йўклигидир.

Электроодонтодиагностика-бу усул тиш ичидаги ва илдиз атрофидаги тўқималарни, нерв толаларининг сезувчанлик ҳолатини аниклаш учун ишлатилади. Бу услубда тиш пульпаси ҳолатини, яллигланиш жароҳат, ўсма ва бошқа касалликда аниклаш мумкин.

Микробиологик текширувлар-яра ажралмалари, бўшликларнинг ювиндилари, қон ва сўртамалар касаллик қўзгатувчиси ва унинг антибиотикларга бўлган сезувчанлигини аниклаш имконини беради.

Иммунологик текширувлар-қайталанувчи, узок чўзилувчи ва тузалиш суст кечәётган яллигланиш ва дистрофик касалликларда организмнинг қаршилик ҳолатини аниклаш мақсадида қон ва сўлакда Т. В лимфоцитлар ва иммуноглобулинлар аникланади ва иммун тизимга баҳо берилади.

Радио изотоплар билан ташҳислаш юз-жағ травматологияси ва парадонтологияда сүяқдаги ўзгаришларни аниклаш, сўлак безлари фаолиятини ва ўсма касалликларини ташҳислаш мақсадида ўтказилади. Радиоактив изотоплар юборилиб улардан таркалаетган гамма-нурлари ташқаридан радиометрия ва компьютер сцинтиграфия килиб патологик жараён аникланади.

Морфологик ташҳислаш. Патологик жараённи (гиперпластик яллигланиш, ёки ўсма) одий усулларда аниклаш кийин бўлади. Шундай ҳолатларда патологик жараёндаги тўқима ёки унинг ҳосилалари морфологик текширилади. Текширишнинг икки хил усули бор: цитологик ва гистологик. Цитологик текширув анча осон ва поликлиника шароитида тез амалга ошириладиган усул. Бунда сўлак, пунктат ёки

сүлак, пунктат ёки суртма ойнага туширилиб микроскопия қилинади, ҳужайралар түркими ва улардаги ўзгаришларга караб патологик жараёнга нисбатан хulosса қилинади. Гистологик текширувлар ўтказиш учун патологик жараён ва атрофидаги соғ *түқима диагностик биопсияга олинади* ва 10-20% формалин эритмасига иложи борича тезрок солинади ва лабораторияга жүнатилади. Бу текширувда патологик жараён түқималар түркими ва улардаги сифат ўзгаришлардан хulosса қилинади. Биопсияга олинган түқима шу захотиәк бўялмаган ҳолда кўрилиб хulosса чиқарилса – *экспрес биопсия* деб аталади, 2-3 кун ичидаги тайёрланиб хulosса қилинса-*цитобиопсия*, агарда олинган түқима қатор маҳсус бўёкларга тайёрланиб кесилиб бўялса, у *оддий биопсия* ҳисобланади ва камидаги 10 кун ичидаги тайёр бўлади.

Биопсия ҳажмига караб бўлинади: очик (патологик жараён соғ түқима чегарасидан кесиб олинади), кенгайтирилган (патологик жараён ҳаммаси олинади) пункцион маҳсус ичи кенг игна ўсмага киритилади ва игна оралиғи түқима билан сугурилиб олинади ва гистологик текширув қилинади.

III – БОБ Стоматологияда оғриқсизлантириш турлари ва уларнинг таснифи

Бугунги кунда стоматологик муолажаларни оғриқсизлантиришсиз бажарилишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бу тиш даволаш бўладими, олиш бўладими ёки протезлаш мақсадида чархлаш бўладими оғриқсизлантиришсиз бажариб бўлмайди.

Оғриқсизлантириш турлари ва бажариш усуллари бугунги кунда жуда яхши ишлаб чиқилган. Бажариладиган муолажанинг давомийлиги ва мураккаблигини эътиборга олиб, адекват оғриқсизлантириш услубини ва анестетикни тўғри танлаш учун улар ҳакида яхши маълумотга эга бўлиш шарт. Оғриқсизлантириш усуллари куйидаги схемада келтирилган:

Оғриқсизлантириш		
A. маҳаллий	Б. умумий (наркоз)	В.комбинацияланган (биргаликда қилинган)
1. Инъекцион (игнали) а) инфильтрацион (тўқимани тўйинтириш) б) ўтказувчан уч шохли	1.Ингаляцион (нафас ўйли орқали) а) маскали бурун оғиз-бурун орқали.	а) нейролептанаалгезия (НЛА) б) атаралгезия премедикация

<p>нервни бирон тармогини блокада килиш. в) регионар – уч шохли нервни калла суюгидан чикиб бўлинган жойида блокада килиш. 2. Ноинъекцион (игнасиз) а) аппликацион (сўртгаиш, сепиш) б)электранестезия в) аудиовидио анелгезия. г) акупунктура</p>	<p>б)эндотрахеал (кекирдакка маҳсус найда киргазиб) 2. Ноингаляцион (нафас ўйли иштирокисиз) а) вена орқали б) мушаклар орқали в) ректал</p>	<p>+ ингаляция. в) баланслаштирилган – премедикация +вена орқали г) Премедикация + маҳаллий</p>
--	---	---

Стоматология амалиётида маҳаллий оғриқсизлантириш энг тарқалган усул. Бу усулнинг афзаллиги унинг осон бажарилишида ва катта самарадорлигида, оғриқсизлантирувчи дори восиаталар бемор онгига таъсир этмаган ҳолда нервларни сезиш ва оғриқни ўтказишни вақтинча тўхтатади.

Анестетикларга ва маҳаллий оғриқсизлантириш усуллари га умумий талаблар

1. Ҳар қандай оғриқсизлантирувчи препарат умум таъсир этувчи дори воситаси.

2. Албатта стерил ва тўқималарга безиён бўлиши шарт.

3. Оғриқсизлантиришга ишлатиладиган анестетик ҳарорати тана ҳароратига тенг бўлиши керак.

4. Оғриқсизлантириш муолажасини бажараётган врач юз-жаг анатомиясини, хусусан кон томирлар, нерв толалари топографиясини, суяқ ва юмшоқ тўқималарнинг жойлашишига қараб мўлжал олишини билиши шарт.

5. Анестезия муолажасини бажаришдан олдин игна санчиладиган юзани антисептиклар (фурациллин ёки 1% спиртли йод, эритмаси) билан ишлов бериш шарт.

6. Ишлатилаётган игна ўткир бўлиши, санчилаётган кесув юзаси суякка қаратилиши керак.

7. Оғриқсизлантирувчи эритма игна санчилиши билан тўқимага юборила бошланиши микдоран қанча кам ва секин юборилса шунча оғриқсиз бўлишини эътиборга олиш керак.

8. Бир нуктага игнани икки, уч маротаба санчиш, игнани суякка тақаб, анестетикни тўқимага зўриқтириб киритиш, суяқ усти парда-сининг шикастланишига олиб келишини эътиборга олиш керак.

9. Нерв ва кон томирларни шикастламаслик учун анестетикни тўқимага юбориш иғнани ичкарига киритиш билан баробар бажарилиши шарт.

10. Игна эритмадан ортда юриши керак.

Бугунги кунда стоматологияда оғриқсизлантириш учун жуда кўп препаратлар ишлатилмоқда. Уларнинг асосий сифатлари фармакологик структураларни оксиллар билан бирикиши, ёғлар эрувчанлиги, тўқима орасида тарқалувчанлиги билан баҳоланади. Оғриқсизлантирувчи модданинг оксили билан боғланиши қанча юқори ва ёғларда эрувчанлик паст бўлса у шунча яхши оғриқсизлантиради ва зарари кам бўлади. Шуларни эътиборга олганда бугунги энг самарали оғриқсизлантирувчи воситалар қаторида новокаин, тримекайн, **лидоқайн, артикаин препаратлари**дир.

Новокаин – жуда кенг ишлатиладиган анестетик – пара аминбензойкислотани мураккаб эфири, сувда жуда эрувчан, молекулалари тўқималар билан мустахкам бўлмаган боғлам ҳосил қилгани учун заҳарловчи хусусияти жуда кам. Сезувчанлиги баланд бўлган нерв тўқималари молекулаларни танлаб ўз ичига камраб олади, айниқса симпатик нерв системаси Новокаин таъсирида дастлаб совуқ ва иссикни сезиш, оғриқ, кейин эса босимни сезиш йўқолади. Бу ҳолатда юмшок тўқималарда ва тиш олиш операцияларини ўтказиш мумкин. Лекин эндодонтик муолажалар учун новокаин билан оғриқсизлантириш етарли бўлмайди, сабаби пульпа асосан новокаинга чидамли миэминлашган нерв толалардан тузилган.

Тримекайн – ароматик оминлар гурухига киради – тўқимага тез сурилади ва чуқур анестезия беради. Новокаиндан уч марта кучли оғриқсизлантиради, аммо 1,5 марта тоқсик.

Лидокаин – ароматик аминни амиди – анимид сувда яхши эривчан, қайнатганда кислота ва ишқорлар таъсирида ўз хусусиятларини йўқотмайди. Новокаиндан 4 марта кучли оғриқсизлантиради, аммо 2 барабар заарли. Секин парчаланади ва узок (3-5 соат) таъсир қиласи. Ҳамма гурух нерв толаларига баробар таъсир қиласи. Синонимлари астракайн, псилоқайн, лигноқайн, бутвакайн.

Энг охирги замонавий маҳаллий анестетик бу артикаин-сионими ультракайн у тиофён қатори ҳосиласига мансуб, бир вақтда қон томирларнинг кенгайиши ва текис мушакларга спазмолитик таъсир этади. Оксиллар билан юқори даражада боғланиши, ёғда кам эрувчанлиги яхши омил ҳисобланади. Шунинг учун ультракайнни

күшімча касалліклари бўлган, айниқса қари ва хомиладор аёлларга ишлатиш тавсия қилинади. Инъекциянинг 3-4 минутдан сўнг таъсири бошланади ва 25 минутгача давом этади. Қисқа муддат таъсир этиши эътиборга олинса, бу анестетикдан узоқ давом этмайдиган муолажаларда фойдаланиш тавсия этилади.

Анестетикнинг таъсирини кучайтириш ва давомийлигини ошириш мақсадида одатда 100,0 мл 2% новакаинга 1 мл. 0,1% адреналин кўшилади. Шунда адреналин миқдори 1:100000 ташкил қиласи. Бу миқдорда кўшилган адреналин анестетикни тўқимага сўрилишини узайтиради, уни заҳарлилигини камайтиради, етарли даражадаги оғриқсизлантириш кам миқдор билан эришилади. Адреналинни кўшиб ишлатиш коидаларига тўлиқ риоя қилинмаса салбий оқибатлар кузатилиши мумкин. Одатда адреналин миқдори кўп юборилса, маҳаллий ишемия кузатилади, тўқима ранги ўчиб оқаради, катта миқдорда юборилса некроз бўлиши мумкин. Умумий таъсири натижасида бош оғриши, бўшашиш, тахикардия, артериал босим тушиши ва бошқа белгилар намоён бўлади.

Салбий асоратлар олдини олиш учун стандарт ампуланган адреналин кўшилган, айниқса карпула шаклида чиқарилган анестетиклардан фойдаланган маъкул.

Уч шохли нерв иннервация соҳасини инфильтрациялаш (бўқтириш) аппликацияли (сўртаниш) суюк ичи, интралигамёнтар оғриқсизлантириш усуллари

Аппликацион анестезия

Оғриқсизлантирувчи модда тўқималарга (игнасиз) суртилиши ҳисобига таъсир қиласи. Одатда бу усулдаги оғриқсизлантириш, оғиз ва бурун шиллик пардасида ўтказилади. Эритма ҳолидаги анестетиклар (2% дикаин, 2% пиromекайн 5%, 10% лидокаин) кичик тампонга шимдирилиб, куритилган шиллик парда устига суртилади ёки бир неча дақиқа бостириб ушлаб турилади. 5% лидокаин ёки 5% пиromекайн малҳами шиллик пардага ишқалаб суртилади. Оғриқсизлантириш 1-3 минутдан сўнг бошланади ва 20-30 минут давом этади. (Расм 1, 2).

Бу усулга кўрсатма - шиллик қатламдаги кичик жарроҳлик ҳаракатлар, игна санчишни оғриқсиз ўтказиш, тишлар тошини олиш, юқори жағ бўшлиги пункциясини бажариш.



Расм - 1



Расм - 2

ИНФИЛЬРАЦИОН ОГРИҚСИЗЛАНТИРИШ (тўқимани анестетик билан тўйинтириш)

Юз юмшоқ тўқималарида бажариладиган жарроҳлик муолажаларни оғриқсизлантириш мақсадида бевосита операция майдонига игна санчилиб анестетик юборилади ва шу соҳада тўқима тўйинтирилади. Оғриқсизлантирувчи модда нервнинг периферик рецепторлари ўтказувчи толалари оркали мия марказига таъсир этади. Маҳаллий оғриқсизлантириш асосида анестетик хужайра липид қобиғи оқсили билан ҳосил қилган макромолекула натрий каналини блокка тутиши ётади. Натрий канали ички деворидаги рецептор анестетик билан боғланади. Бунинг учун анестетик липид мемранадан ўтиши керак. анестетик ёғда қанчалик яхши эриса у шунча тез мемранадан ўтади ва оқсил билан қанча узоқ боғланса шунча кучли ва давомли оғриқсизлантириш кузатилади.

Инфильтрацион оғриқсизлантиришга кўрсатмалар

Юз юмшоқ тўқималари, юқори жағ альвеоляр ўсиғи ва танглайдаги операция муолажалари тишларининг кариес кавагига шакл бериш, эндодонтик даво ўтказиш ва тишларини қопламаларга чархлаш.

Анестетик юмшоқ тўқимага юборилган соҳада оғриқсизлантириш шу заҳоти бошланади. Анестетик юборилган тўқимага нисбатан тери, тери ости ёғ қатлами, мушак, шиллик ости,

сүяк кобиги ости, сүяк ичи интралигамёнтар инфильтрацион усуллар фарқланади.

Шиллик парда ости инфильтрацион оғриқсизлантириш Бажариш техникаси. (Расм - 3)

1. Аnestетик шприцга олинганидан сўнг уни ўнг қўлга қаламни ёзиш учун ушлагандек уч бармоқ орасига олинади ва бош бармоқ шприц поршёни устига қўйилади.


2. Чап қўлни кўрсаткич бармоғи билан юқори лаб кўтарилади.

3. Юқори лабни кўрсаткич ва бош бармоқ орасига олиб кўтариш хам мумкин. Шундан сўнг альвеоляр ўсиқдаги сурilmайдиган милкдан 3-4 мл. юқорироқда игна санчилади, аnestетик юборилиб игна тўқимага киритилади ва илдиз учи томон йўналтирилади (тиш даволаш мақсадида).

4. Игна киритилганидан сўнгги ҳолат.

5-6. Муолажа альвеоляр ўсиқнинг бир неча тиш оралиғида бажариладиган бўлса, юқори лабни чап кўрсаткич бармоқ билан кўтариб игнани ўтув бурма шиллик пардага 40-45 градусда санчилади ва аnestетик юборилиб, игна ўтув бурма бўйлаб керакли қўламда киритилиши билан 2-3 мл. аnestетик юборилади.

7. Танглай шиллик пардаси оғриқсизлантирилаётганда игна кесиги сүякка қаратилиб, $40-45^0$ бурчак остида тўқимага киритилади ва 0,5 мл. аnestетик юборилади.



Расм - 3

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН.

Инфильтрация усулида бажарилган оғриқсизлантиришдан сўнг юмшоқ тўқималардаги жарроҳлик амалиётини бир неча дақиқадан сўнг бошлаш мумкин. Суяк ва тишлардаги амалиётни 7-10 дақиқадан сўнг бажариш мумкин.

Узок ва чукур оғриқсизлантириш зарур бўлса анестетикнинг хар 10 мл.га 2-3 томчи адреналин эритмаси қўшилади.

Интрапигментар периодонтал оғриқсизлантириш. Ҳозирги даврда кенг қўлланилаётган усул. Анестетик периодонт тўқимасига босим билан киритилади. Бу усул карпула тутувчи шприц ва карпуладаги анестетик ва калта игна билан амалга оширилади. (Расм-4).

Аnestезияни бошлашдан олдин тиш ва атрофидаги тўқималарга антисептик ишлов берилади, юмшоқ караш ва тошлар олиб ташланади.


2. Аплекция усулида милк тиш чўнтағи оғриқсизлантирилади.

3. Карпулали шприц игнаси тиш марказидан ўтказилган шартли ўқига нисбатан 30° градус қияликда, игна кесигини илдиз юзасига қаратиб, периодонт тўқимасига санчилади ва зич тўқимага киргани сезилгунча 1-3 мм чуқурликка суриб борилади, олдин вестибуляр кейин тил ёки танглай томонидан қилинади.

4. Аnestетик 0,2-0,6 мл миқдорда босим билан аста секин периодонтал оралиқка киритилади.

5. Игна қайтарилиб олинаётганда албатта босимни ушлаб тортиб олиш керак, чунки карпула ичидаги резинкали тутқич тўқима босимидан орқага қайтиб тўқима суюклигини карпула ичига тортиши мумкин.

Оғриқсизлантириш шу заҳотиёқ бошланади ва 30 минутгача давом этади.



Бажарилиш схемаси.




Интерлигаментар оғриқсизлантириш учун игнанинг санчиладиган нукталари.

Расм – 4

Суяк усти пардаси тагига (субпериостал) анестезия қилиш тавсия қилинмайды, чунки анестетик суяк пардасини ажратиб оғриқ беради ва бир неча кун шу соҳа оғриб туради.

Суяк ичи анестезияси. Инфильтрацион анестезия етарли оғриқсизлантириш бермаса, суяк ичи (интраоссал) оғриқсизлантириш ўтказса бўлади. Бунинг учун :1) операция майдонида инфильтрацион ёки аппликацион оғриқсизлантириш ўтказилади 2) вестибуляр томондан альвеоляр ўсикнинг икки тиш орасидаги компакт суяги думалоқ бор билан тешилади.

3. Очилган йўл орқали суякнинг ғовак қисмига игна санчилиб 1-2 мл анестетик босим билан юборилади. Игна санчилган томондаги икки тиш шу заҳотиёқ оғриқсизлантириллади ва 60 минутгача давом этади. Пульпа ва периодонтга таъсир этгани учун стоматологик муолажаларнинг барчасини (кариес кавакка шакл бериш, пульпит, периодонтитни даволаш, илдиз учини резекция қилиш, тишни протезлаш мақсадида чархлаш ва бошқа) бажариш имкониятини беради.




Расм - 5

Уч шохли нерв иккинчи толасининг иннервация соҳасини
ўтказувчан оғриқсизлантириш усуллари

ЎТКАЗУВЧАН (ТАРМОҚЛИ) ОҒРИҚСИЗЛАНТИРИШ

Ўтказувчан оғриқсизлантириш одатда операция майдонидан четда, уч шохли нервнинг катта тармоқлари атрофида ўтказилади. Ўтказувчан оғриқсизлантириш катта ҳажмдаги узок давом этадиган юз-жағ жарроҳлик аралашувларида ва тишларда даволаш, чархлаш муолажаларини бажариш учун ишлатилади.



Расм - 6



Fig. 10.—A. Maxillary division, V₂, of the trigeminal nerve. *n.*, Nerve; *m.*, muscle; *s.*, skin. (After T. W. Broman.)

Инфраорбитал анестезия

Юкори жағ олдинги гурух тишларини даволаш, олиш қўйиш мақсадида чархлаш, альвеолар ўsic ва унинг устидаги шиллик парда жарроҳлик муолажалар ўтказиш.

Кўз ости нервни ўтказувчан оғриқсизлантиришни икки услубда бажариш мумкин: оғиз ичидан ва ташқарисидан.

Кўз ости нерви жойлашган канал кия бўлиб, у тепадан пастга, олдинга ва ичкарига (медиал) йўналган бўлади. Шунинг учун игна санчилгандан сўнг пастдан юкорига, ташқарига қараб йўналтирилади.

Кўз ости канали чиқиши тешигини аниқлашнинг уч усули бор:



1. Кўз косаси пастки кирғонини пайпаслаб юкори жағ ёноқ ўсимтаси ва ёноқ суяги чокини ҳосил қилган бўртмани топамиз, тешик шу бўртмада кўз косаси пастки киррасидан 0,5-0,75 см. пастроқда жойлашади.

2. Кўз косаси пастки киррасидан 0,5-0,75 см. пастроқда шартли горизонтал чизик ўтказамиз, иккинчи чизиқни вертикал ҳолатда иккинчи кичик озиқ тиш илдизи ўртасидан ўтказамиз. Шу чизиқлар кесишган нуқтани кўз ости нерви тешиги жойлашган деб тасаввур қиласиз.




Расм - 8

3. Кўз косаси пастки киррасидан 0,5-0,75 см. пастроқда шартли горизонтал чизик ўтказамиз. Иккинчи вертикал чизик тўғрига қараб турган кўзни кора четидан ўтказилади. Шу чизикларнинг кесишган нуктаси кўз ости каналига кириш жойи бўлади.

ОГИЗ ИЧИДАН БАЖАРИШ УСУЛИ.

Бажариш усули

1.Оғиз ичидан ўтказиш учун юқорида айтилган услубларнинг биридан фойдаланиб кўз ости канали тешиги мўлжалга олинади. 2.Чап кўлнинг кўрсаткич бармоғи тешик таҳмин қилинган нуктага кўйилади. 3.Катта бармоқ билан оғиз ичидан юқори лаб кўтарилади .4.Игна марказий ва ён курак тишлар оралиғидан ўтув бурмага санчилади. Шу заҳотиёқ оғриқсизлантирувчи эритма юборилади ва тешик таҳмин қилинган соҳага сүякка етқунча киритилади. 5.Шу соҳага 1-2 мл. юбориб бир икки дақиқа ўтиб игна бир оз оркага тортилади ва тешикни топиш учун сүякка бир неча марта санчиб тешик топилади 6.Игна каналга кирса “чукурга тушгандай” бўлади, 0,5 см. каналга кириб 1 мл эритма юборилади.



расм - 9

2. Оғиз ташкарисидан бажарилиш усули.

1. Юқорида келтирилган усуллардан бирини ишлатиб күз ости канал тешиги соҳаси таҳмин қилинади.

2. Чап кўлнинг кўрсаткич бармоғи билан тўқималар шу соҳага тақаб ушланади 3. Игна таҳмин қилинган тешикдан 1 см. Пастга ва ёнга (медиал) ўтиб санчилади 4. Давоми оғиз ичидан бажарилган услубида ёзилганидек ўтказилади.




Расм - 10

Огоҳ бўлинг!

Анестезия муолажасини бажаришда услугуб тўғри бажарилмаса куйидаги асоратлар – гематома, диплопия, кўз ости нерви жароҳатланиши мумкин.

Туберал анестезия

Уч шохли нервнинг иккинчи шохини юқори орқа альвеоляр тармоқлари юқори жағ сугининг қанотсимон танглайга қараган орқа бўртмаси юзасидан бир неча тола орқали суюкка кириб келади ва юқори жағни учта катта озиқ тишлар, шу соҳадаги суюк ва милкни иннервация қиласи. Анестетик модда айнан шу соҳага етказилиши керак.



Расм - 11

Бажариш техникаси

1. Оғиз ярим очиқ ҳолатида чап кўлнинг кўрсаткич бармоғи, ёки шпатель ёрдамида лунж кўтарилади

2. Игна учи кесигини сүякка қаратиб ёнок альвеоляр қирраси ортидан иккинчи ва учинчи катта озиқ тиш ораси рўпарасидан ўтув бурмага санчилади.

3. Игнани киритиш билан эритма юборилади ва сүяк усти пардаси устидан юқорига орқага ва ичкарига қараб 2-2,5 см. киритилади. Игна киритиш билан бирга 1,5-2,0 мл. анестетик юборилади.

Огох бўлинг!

Нотўғри бажарилган муолажа қон томирларни жароҳатлашини (гематома) ёки қон томирига тушиб анестетик томир ичига кетиши мумкин.

Эҳтиёт чоралари.

Қон томирларни шикастламаслик учун игнани тўқимага киритилиши заҳоти анестетикни юбориш. Қон томирларга игна тушганлигини текшириш мақсадида шприц поршёнини орқага тортиб кўриш, қон чиқса игнанинг ҳолатини ўзгартириш лозим. Анестезия қилиб бўлганидан сўнг кафт билан лунжни сиқиб ушлаб туриш конталаш олдини олади.

Танглай катта тешигида ўтказиладиган анестезия.

Уч шохли нервни иккинчи шоҳидан қанот-танглай чукурчасида ҳосил бўлган қанот-танглай тугунидан ажралиб танглай нерви катта танглай канали орқали катта танглай тешигидан чиқади ва танглай шиллик пардасининг орқа кисмини иннервация қиласди.




Расм – 12



Расм - 13

Бажарыш техникаси

1.Игнани санчишдан олдин танглай катта төңгигининг жойлашишини тасаввур килиш керак. Тешик проекциясими топиш учун ҳаёлан иккита бир бирини **кесиб** ўтвучи чизик ўтказамиз, бири учинчи катта озиқ тиши ўртасидан танглай параллел чокигача. Шу масофа учга бўлинади ва альвеоляр ўсиқ томондан масофанинг $\frac{1}{3}$ қисми мўлжалида иккинчи кесиб ўтвучи чизик ўтказилади. Шу чизиклар кесишган нуқта катта танглай тешиги проекцияси бўлади. Оғиз очиб турганда бу тешикка игнани перпёндикуляр саншиб бўлмайди. Игна киялаб боришини эътиборга олиб, у тешик проекциясидан 0,5 см. олдирок ва ўртарок санчилади.



Расм - 14



Расм - 15

Оғиз катта очилади, оғриқсизлантиришга қарама-карши томондан ўнг қўлда ушланган шприц катта танглай тешиги таҳмин килинган нуқтага каратилади, игна санчилиб анестетик юборилади. Игна тўқимага сужка қадалгунча киритилади ва 0,5 мл. анестетик юборилади.

Огоҳ бўлинг !


Анестетик кўп юборилса, юмшоқ танглай мушакларини ҳаракатлантирувчи нерв толалари блоклаб тўсиб танглай мушаклари ҳаракатсизланади. Натижада йўтал ва қусиши ҳаракатлари пайдо бўлади.

Бурун-танглай нервини оғриқсизлантириш.

Бу нерв қанот-танглай тугунидан ажралиб латерал ва медиал тармоққа бўлинади. Латерал тармоғи *n.nasopalatinus* бурун тўсиғидан пастга ва олдинга *can. Insisivus* орқали қаттиқ танглайнинг олд қисмига чиқади.



Расм - 16



Расм - 17

Огриқсизлантиришга күрсатма: Юқори жағ фронтал тишиларини даволаш, олиш ва чархлаш, альвеоляр ўсиқ ва қаттиқ танглай шиллик қаватидаги жарроҳлик муюлажалари.

Бажариш техникаси

Оғиз ичидан

Бурун-танглай нерви танглайга иккى марказий курак тишилар ўртасидан ўтказилган чизикда жойлашган тешикдан чиқади. Тешик устида шиллик пардадан ҳосил бўлган сўргич бўлади. Игна санчишдан олдин шу сўргич ва атрофига 10% лидокаин суртилади.



Расм - 18



Расм - 19

Бемор боши орқага ташлаб оғизни катта очиш сўралади. Игна сўргичнинг орқа қисмига санчилади ва шу заҳоти 0,5 мл. анестетик юборилади. Игна тўқимага 5-6 мм киргач сүякка қадалади. Шу ерга анестетик 0,25-0,5 мл юборилади. Канал ичига тушиш қийин, чунки тикка қаратилган игна кириши мумкин, аммо пастки жағ бунга ҳалақит қиласи.

Бурун ичидан бажариш.

Оғриқсизлантириш бурун даҳлизи тубига ва тўсиғига икки томондан дикаин суртилгандан сўнг бажарилади. Шприц ўнг қўлда бўлиб оғриқсизлантириш икки тамондан ўтказилади, игна бурун йўлининг тубига тўсиқ асосига санчилиб юқоридан пастга ва ўртага қараб йўналтирилди ва қадалгунча киритилади ва 0,5-1 мл. анестетик юборилади.

Ёдингизда бўлсин!

Бурун-танглай нерви ҳосил қилган сўргичга игна санчишдан олдин албатта аппликация усулида оғриқсизлантириш шарт. Игна каналга чукур киритилса бурун шиллик пардаси жароҳатланади ва конайди.

SUBMAXILLARY GLANDS

LINGUAL NERVE V3

RECEIVES
FROM
SUBMAXILLARY
GLAND

SYNAPSES ON
SUBMAXILLARY
NERVE

HYPOGLOSSAL N. (XII)

TO SUBMAXILLARY
DUCT

BRANCHES
TO SUBMAXILLARY
GLAND

BRANCHES
TO SUBMAXILLARY
GLAND

FOR SUBMAXILLARY
GLAND




ПАСТКИ АЛЬВЕОЛЯР НЕРВНИ ОГРИҚСИЗЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ.

Мандибуляр оғриқсизлантириш

Бу оғриқсизлантиришни бажариш учун пастки альвеоляр нерв жағ сүягига кирадиган тешик проекциясини яхши тасаввур қилиш керак. Тешик пастки жағ шох қисмининг ички юзасида жойлашган ўртача бўлиб, у жағнинг олд киррасидан - 15 мм, орқадан - 13 мм, юкоридан - 22 мм, жағ бурчаги киррасидан – 27 мм масофада жойлашган. Катта одамда тешик пастки қатта озиқ тишлар чайнов юзасидан горизонтал ўтказилган шартли чизик баландлигига жойлашган. Тешик олд қисмини *Linqila mandibulae* тўсиб туради. Шунинг учун игна тешикдан 0,75-1 см. юқорироқса санчилиб нерв каналига киришидан олдин жойлашган сүядаги тарновча (*sulcus coli mandubulae*) атрофига анестетик юборилади.


УЧ ШОХЛИ НЕРВНИНГ УЧИНЧИ ТОЛАСИНИ ОГИЗ ИЧИДАН ЎТКАЗУВЧАН ОГРИҚСИЗЛАНТИРИШ



Расм - 21

Пайпаслаб бажариш

Бу усулда пастки жағ сүягидаги анатомик тузилмалар пайпаслаб топилади. Оғриқсизлантириш ўнг томонда ўтказилса чап кўлнинг кўрсаткич бармоғи,



Расм - 22

чап томонда - чап кўлнинг бош бармоғи билан пастки жағ шохининг қирраси оғиз ичидан пайпаслаб топилади ва ичкарига киритилиб чакка қирраси аникланади, ретромоляр чукурчага бармоқни тираб ушланади. Ўнг кўлга шприцни олиб игна қарама-қарши томондан кичик озиқ тишлар соҳасидан бармоқ билан аникланган чакка қиррадан ичкарига 0,75-1 см. охирги катта озиқ тиш чайнов юзасидан 0,75-1 см. баландликда санчилади.



Расм - 23



Расм - 24

Шу йұналишда 0,5-1 мл. эритма юборилади, игнани 2-2,5 см. орқага ва ташқарига киритилиб, яна 2-3 мл аnestетик юборилади


Аподактил (бармоклар ёрдамисиз) усул

Бу усул оғриқсизлантиришда асосан қанот-жағ бурмаси (plica pterigomandibularis) мүлжал ҳисобланади. У пастки жағ шохининг чекка киррасидан ичкарида вертикал йұналишда жойлашган.

- 1.Оғиз катта очилған ҳолда шприц ва игна карши томондан иккінчи кичик ва бириңчи катта озиқ тишлар ораси соҳасига жойластирилади.
- 2.Игна бурма олд қирғоғи вертикал узунлиги ўртасига санчилади.
- 3.Ичкарига ва ташқарига 1,5-2 см. сүякка теккүнча киритилади.
- 4.Игна сүякка тегмаса шприц бир оз орқага қайтарилади ва иккінчи учинчи катта озиқ тишлар соҳасидан қайтадан киритилади.



Расм - 25



Расм - 26

ПАСТКИ ЖАҒ ТОРУСИ СОҲАСИДА М.М.ВАЙСБРЕМ УСЛУБИДА ОҒРИҚСИЗЛАНТИРИШ


Бу услугуда бир вактда лунж, тил ва пастки альвеоляр нерв оғриқсизлантирилади.

Бажариш техникаси.

- 1.Беморни түғрига қаратиб энгак сал пастроқ туширилади ва оғиз катта очилади.
- 2.Чап құлға шпатель ёки Фарабеф илмоғи олиниб, лунж ёнга тортилади.
- 3.Үнг құлға шприц олинади ва оғриқсизлантиришга қарши томон моляр тишлар соҳасидан игна учи санчиш нүктасига йўналтирилади.

4. Санчиш нүктаси юкори жағ чайнов тишлар юзасидан 0,5 см. пастроқ үтказилган шартли горизонтал чизикни қапот-жағ тарнов-часи латерал кирғозидан үтказилган вертикал чизик билан кесишигана жойига түғри келади.

5. Игна шу нүктага перпендикуляр килиб санчилади ва сүякка қадалгунча киритилади 1,5-2 мл аnestетик юборилади.



Расм – 27

ЭСЛАТМА: айрим ҳолларда бу услубдаги оғриқсизлантиришда лунж нерви сезувчанлиги сақланиб қолади ва қўшимча инфильтрацион оғриқсизлантиришни такозо этади.

ОҒИЗ ИЧИДАН БАЖАРИЛАДИГАН УСУЛ:

1. Бемор тишларини жипслайди.

2. Пастки лабни чап кўлнинг кўрсаткич ва бош бармоғи билан ушлаб ташқарига суриласди.

3. Ўтув бурмада кичик озиқ тишлар орасида тешик проекцияси таҳмин қилинади.

4. Таҳмин қилинган тешикдан 0,5 см. юкоридан биринчи катта озиқ тиш рўпарасидан игна санчилиб каналга қараб юкоридан пастга, ичкарига ва олдинга сүякка қадалгунча киритилади. Игна уни билан тешик топилади ва 3-4 мм ичига кириб 1-2 мл аnestетик юборилади.



Расм – 28


Пастки альвеоляр нервни ташқаридан оғриқсизлантириш усуллари

Жағ остидан оғриқсизлантириш техникаси.

1. Кулок супраси козелогининг юқорисидан чайнов мушаги олди киррасининг жағ танасига ёпишган жойига шартли чизик ўтказилади ва тенг бўлинади. Бўлинган нуқта foramen-mandibularisга тўғри келади.

2. Игна пастки жағ бурчагидан 1,5 см. олдинга санчилиб анестетик юборилади ва сукни сезган ҳолда унинг ички юзасидан, шохнинг орқа киррасига параллель равишда 3,5-4 см. юқорига мўлжал қилинган нуқтага қараб киритилади ва 2 мл анестетик юборилади.

3. Игна шу йўналишда яна 1 см. ичкарига ва юқорига киритилса тил нерви ҳам оғриқсизлантирилади.



Расм - 29

Ёнок суяги ровоғи остидан ўтказиладиган оғриқсизлантириш (Бершे-Дубов усули).

1. Игна ёнок суяги ровоғининг пастки қирраси ости қулок супраси (козелок) дан 2 см. олдинга санчилади.

2. Шприц юзага нисбатан перпёндикуляр ҳолатга келтирилиб ичкарига 2-2,5 см. киритилади. (Бершे усули)

3. Киритиш давомида доим анестетик юборилиб турилади. Мўлжалга етиб борганда 2 мл. анестетик юборилади.

4. Игна янада чуқурроқ 3-3,5 см. киритилса пастки альвеоляр, тил ва айрим ҳолатларда лунж нерви оғриқсизлантирилади (М.Д. Дубов усули).

Берше усулига кўрсатма – яллиғланган жағлар контрактурасини камайтириш, оғиз очилишини таъминлаш.

М.Д.Дубов усулида контрактурани камайтириш билан бир вактда пастки альвеоляр нерв оғриқсизлантирилади.

ЭНГАК НЕРВИНИ ОҒРИҚСИЗЛАНТИРИШ.

Бу нервни оғриқсизлантириш учун for mentalae проекциясини топиш ва нерв жойлашган канал йўлини яхши тасаввур қилиш керак. Нерв етган канал пастки жағ ичидан ташқарига биринчи ва иккинчи кичик озиқ тишлар тўсиги оралигида пастки жағ танасининг пастки қиррасидан 12-13 мм юқорида очилади. Суяк ичida у ярим ҳалқа шаклида бурилиб ташқарига, юқорига, орқага қараб очилади.

Энгак нервини оғиз ташқарисидан оғриқсизлантириш техникаси

1. Агар оғриқсизлантириш ўнг томонда қилинса шифокор беморнинг оркасига ўнг ёнига ўтади, агар чап томонда бажарилса, олдида ва чап ёнида туради.

2. Чап қўл кўрсаткич бармоғи билан таҳмин қилинган даҳан нерви чиққан тешикка, юмшоқ тўқималар суюкка босиб ушланади.

3. Игна йўналиши каналга мос қилиб қаратилади ва мўлжалдан 0,5 см. юқори ва орқага санчилади. Анестетикни юбориши билан бир вактда игна юқоридан пастга, ичкарига ва олдинга қараб суюкка қадалгунча киритилади – 0,5 мл. анестетик юборилади.

4. Бир дакиқа кутиб, игна учи билан суюкдан нерв чиққан тешик топилади ва 3-4 мм ичига кириб 1-2 мл анестетик юборилади.



Расм – 30

Юкори ва пастки альвеоляр нервларни қанот-тандглай чуқурчасида С.Н.Вайсблат усулида оғриқсизлантириш

Бажариш техникаси.



Расм – 31



Расм – 32



1. Кулок козелогидан күз косасининг ташки қиррасига ўтказилган чизик (траго-орбитал) ўртаси белгилаб олинади.

2. Шприц ўнг кўлга олинниб 1x1 см резинка лахтагини игнага ўтказилади.

3. Белгиланган нуктага, юзага нисбатан вертикал ҳолда, игна санчилиб, ичкарига 5-6 см. уни понасимон суюкнинг ташки қанотсимон пластинкасига тақалгунча киритилади.

4. Игна орқага 2/3 қисмига тортиб олинади ва 15-20° орқага қаратиб қайтадан игнадаги резинка (пробка) терига теккунча киритилади ва 3-4 мл. анестетик юборилади. Техник жихатдан тўғри анестезия бажарилса юкори жағ шу томонидаги ҳамма тишлар ва атрофидаги юмшоқ тўқималар оғриқсизлантириллади.

5. Агарда игна орқага 2/3 қисмига тортиб олинниб яъни шу

масофага фақат 1 см. орқароққа киритилиб 4-5 мл. анестетик юборилса, уч шохли нервнинг учинчи шохини калла суюгидан чиқиши жойида оғриқсизлантиришга эришилади. Бир вактда пастки альвеоляр, тил ва лунж нервлари оғриқсизлантириллади.

Махаллий оғриқсизлантириш асоратлари: сабаблари, ташхислаш, даволаш ва олдини олиш чоралари

Махаллий оғриқсизлантириш натижасида ҳосил бўладиган асоратлар кўпинча хатолардан келиб чиқади. Ҳар бир асорат беморга ва шифокорга анча нохушликлар келтиради. Масалан анестетик ўрнига бошқа дориларни юбориш (кальций хлорид эритмаси, этил спирт, формалин ва бошқа моддалар) Ёки анестетикни кўп юбориб-заҳарланиш, ёки анестетикка алергик реакциялари бўлиши мумкин.

Бегона модда юборилганлиги белгилари:

Игна санчилиб шприцдаги модданинг биринчи томчилари тўқимага юборилиши билан ўткир кучли оғриққа шикоят – бегона моддани юборилганлиги белгиси. Шу заҳоти моддани юбориш тўхтатилади, янги шприцга шу ерга новокаин эритмаси юборилади ва тўқима кесилади, натижада тўқимадаги бегона модда чикиб кетади ва унинг концентрацияси пасаяди.

Анестетиклардан заҳарланиш.

Стоматологик муолажаларда ишлатиладиган анестетиклар новокаин, тримекайн кам заҳарли моддалар, масалан, новокаин эритмасини бир маротаболик мушак орасига юбориш мумкин бўлган дозаси 1 г. ёки 2% - 50 мл.

Тримекайн новокаиндан кучли ва давомли оғриқсизлантирувчи анестетик 2% эритмасини 50 мл. юбориш мумкин. Лидокаин новокаиндан анча кучли оғриқсизлантирувчи препарат 1% ва 2% лидокаин новокаиндан 40-50% заҳарланиши баланд. Шунинг учун микдоран новокаинга нисбатан икки марта кам юборилади.

Одатда бу анестетиклар стоматологик муолажаларни бажараётганда кўп микдорда юборилмайди ва соғлом организмда заҳарланиш кузатилмайди. Анестетиклардан заҳарланиш қон зардобини холинэстероз активлиги пасайганда (гипертериоз, оғир алергик ахвол, алимёнтар дистрофия) гепатит, жигар циррозида бўлиши мумкин айниқса шундай беморларда қон томирга юборилса. Анестетик қонцентрацияси катта бўлиб у кўп юборилса, шунча заҳарланиш ошади.

Новокаиндан заҳарланиш белгилари

Бош айланиш, бош оғриши, холсизлик, бўшанқираш, кўнгил айниб кусиши, кўркув. Махаллий тери ва шиллиқ қават рангининг учиши

(окариш), муздек тер чиқиши, тез-тез ва юза нафас олиши, безовтапаниш, айрим ҳолда тутқаноқ бўлиши. Артериал қон босим тушиб, пульс тезлашиб, сусайиши кузатилади. Кам учрайдиган ҳол бўльбар марказнинг сусайиши – брадикардия - пировердида юрак тўхташи ва нафас тўхташи.

Ёрдам чоралари. 1) Дарҳол анестетик юборилиши тўхтатилади, 2) Кресло горизонтал ҳолатга келтирилади, 3) нашатир спирт хидлатилади, 4) вена ичига 20 мл 40% глюкоза 1-2 мл кордиамин, 5% аскарбин кислота (2-5мл). Юрак гликозидларидан 0,06% корглюкон (1-0,5мл.) 0,05% строфантин 0,5 мл, 5) кучли безовталаниш бўлса вена ичига 1% натрий тиопентал 1-2 мл, 6) юрак-қон томир етишмовчилиги бўлса – сунъий нафас олдириб, томчилик юбориш учун венага система уланиб физиологик эритма ёки реополюглюкин 500-1000 мл қуилади. Сийдик ҳайдаш мақсадида 2-4 мл лазикс юборилади.

Адреналиндан заҳарланиш белгилари: безовталаниш, кўркув, қалтираш, совук қотиш, тери ранги окариш, ҳансираш, бош оғриғи, юрак уриб кетиши, қон босими қўтарилиб юракда оғриқ бўлиши. Айрим холларда юрак уриш режими бўзилиб хушсизлик, бош мияга кон куйилиши мумкин.

Ёрдам чоралари: 1) горизонтал ҳолатга келтириб, 2) вена ичига 0,6-1 мл. 0,1% атропин сульфат. 3) 0,5 мл 0,05% строфантин эритмаси юбориш, 4) амилнитрит ва кислород билан нафас олдириш, 5) қон босими ошса – 6-8 мл 0,5% дивазол, 5-10 мл 2,4% эуфиллин, 5-10 мл 25% магний сульфат эритмаси 6) тил остига 1-2 таблетка нитроглицерин тавсия қилинади.

Хушдан кетиши – кўп учрайдиган асорат. Маҳаллий оғриқсизлантиришнинг ҳамма босқичларида учрайди. Бош миянинг кислород билан кам таъминланганидан келиб чиқади. Белгилари: бош айланиши, қулоқлар шанғиллаши, кўнгил айниши эснаш. Тери ранги ўчади, намланади, кўз корагичи кенгаяди, пульс тезлашиб, кучсизланади. Қон босим тушиб кетади. Нафас сийраклашади ва юза олинади. Бехушлик ҳолати юзага келиб мушаклар тонуси тушиб кетади.

Ёрдам чоралари – 1) Горизонтал ҳолатга келтириб, тоза ҳаво оқими кўпайтирилади (ойналар очилиб, ёқа ечилиб, вентилятор йўналтирилади) 2) Нашатир спирт билан чаккалар артилиб, хидлатилади 3) Сочиқни мўздек сувда ҳўллаб, юз, бўйин ва тананинг очиқ қисмлари артилади. Шулар натижасида бемор ўзига ке-

лади. 4) Ахвол ўзгармаса ва чуқурлашса вена ичига юрак қон томирга таъсир этувчи дорилар юборилади. Бу ҳолатни олдини олиш мақсадида доимий равишда беморни руҳий ҳолатида тангликни бартараф қилиш керак.

Ўткир томир етишмовчилиги (коллапс)

Бемор хушини йўқотмайди, бўшашади, атрофга бепарво, боши айланади. Тери ранги ўчиб, музлайди ва намланади. Пульс тезлашади, уриши суст, тўлиқ эмас. Артериал босим тушиб кетади, нафас олиш юза.

Ёрдам чоралари

1)Бемор горизонтал ҳолатга, боши гавдасидан пастрок ҳолатга келтирилади 2)Вена ичига 20-60 мл. 40% глюкоза эритмаси, 2-5 мл 5% аскорбин кислотаси эритмаси, 2-3 мл. кордиамин, 1-2 мл. кофеин эритмаси юборилади. Шулардан сўнг 10,0 мл. 10% кальций хлорид эритмаси юборилади. 

Анафилактик шок

Новокаин анафилактик шок берадиган дори воситалар ичida тўртингчи ўринда туради. Бу оғир асорат одатда аллергик касалларга мойил, олдин ҳам дориларга аллергик реакция берган одамларда учрайди, ёки яқин қариндошларида аллергологик муаммолари бўлган тоифадаги bemорларда учраши мумкин. Адабиётда анафилактик шокнинг 5 хил кўриниши фарқланади: кардиал, астмоид, церебрал, астмоид ва абдоминал. Кечиши бўйича – ўта тез, оғир, ўртача оғирликда ва енгил бўлиши мумкин. Анафилактик шок типик шаклида анестетик юборилганидан сўнг бир неча дақиқа ўтиб bemор безовталанади, кўркув бошланади, юз, бош қўллар териси қишишиб ачишади, кулоклар шангиллайди, бош оғриб муздек тер чиқади. Юз териси олдин қизарив кейин ранги ўчади. Тутқаноқ тўтиб bemор хушидан кетиши ҳам мумкин. Шунда кўз қорачиги кенгайиб ёруғликни фарқламайди. Кардиал кўринишда кўпроқ нафас олганда оғриқ юракка ўтади. Юрак уриши тезлашиб, қон босим тушади. Абдоминал кўринишда ошкозон атрофида пайдо бўлган оғриқ бутун қорин бўйлаб тарқалади, кўнгил бузилиб қайд қилиш кузатилади. Айримларда корин димланади, беҳосдан ичи кетади ва сияди Астмоид кўринишда нафас олиш қийинлашиб, ҳаво ўтмай қолиши мумкин.

Бошқа кўринишидаги анафилактик шокда ички аъзолар фаялиятининг бузилиши билан кечади. Ўта тез ва оғир кечаётган анафилактик шок қисқа вакт ичидаги ўлим билан тугаши мумкин. Енгил

ва ўрта кечәётган анафилактик шокнинг ҳамма белгиларини кузатиш ва ёрдам бериш мумкин.

Ёрдам чоралари: Ахволга баҳо бериб дарҳол қилинадиган чоралар амалга оширилади 1. Юқори нафас йўлларидан ҳаво ўтишини таъминлаш – бошини ёнга буриш, тилни чиқариб олдинга тортиш, оғиз бўшлиғини тозалаш, пастки жағни олдинга чиқариб сунъий нафас олдириш. 2. Антигеннинг қонга тушишини тўхтатиш. Шу жойнинг ўзига 0,5 мл 0,1% адреналин юбориш, иложи бўлса адреналинни 5-10 мл физиологик эритмага қўшиб атроф тўқималарига юбориш. 3. Сенсибилизацияни камайтириш – антигистамин препаратлар (2-4 мл 1% димидрол, ёки 2-3 мл 2,5% супрастин, ёки 2 мл 2,5% пиполфён) 3-5 мл 3% преднизолон, 0,5 мл 0,1% адреналин гидрохлорид вена ёки мушак ичига, 5% эпсилон анимокапрон кислотаси – 100-120 мл. 4. Нафасни тиклаш ва бронхлар спазмини олиш мақсадида – 2,4% эуфиллин 10 мл. ёки 0,5% изадрин – 2 мл.

5. Юрак қон томир фаолиятини яхшилаш учун: 1-0,5 мл 0,06% корглюкон, 2-4 мл лазикс юборилади.

Ахволда ўзгариш бўлмаса препаратлар қайта юборилади. Бемор реанимация бўлимига ўтказилади.

Кучайтирилган маҳаллий оғриқсизлантириши. Ёndoш касалликлари бор bemорларни маҳаллий оғриқсизлантириш ва жарроҳлик амалиётига тайёрлаш

Маҳаллий анестетиклар ёрдамида чуқур ва давомий оғриқсизлантиришга эришиш мумкин, аммо бажариладиган муолажани олдида bemор кечәётган ҳиссиётини (рухий кечинмасини) ва вегетатив ўзгаришларни бартараф этмайди.

Кўпчилик bemорларда стоматологик муолажа албатта оғриқ билан кечади деган ўз-ўзини ишонтириш, қўрқувни хосил киласди. Бемор ҳали стоматологик креслога ўтирасдан беҳузур бўлади, пульс тезлашади, қон босими ошади, қонда катехоламинлар, гистамин ошади, қон томирлар торайиб ранги ўчади. Албатта бундай bemорларда стоматологик муолажаларни умумий тайёргарликсиз бажариб бўлмайди.

Кўрқув ва ҳаяжонланиш натижасида бўладиган, нейровегетатив ўзгаришларни пасайтириш мақсадида ҳар хил

йұналишдаги бир-бируни күчайтирувчи дори воситалар ишлатилади.

Бу усул премедикация деб атала迪. Премедикация қилиш учун беморга анальгетиклар, антигистаминлар, транквилизаторлар, үйқу дорилари, стационар шароитида наркотиклар ишлатилади.

Премедикация учун ишлатиладиган дорилар хили ва мікдори ҳар бир беморнинг рухий ҳолатини эътиборга олиб индивидуал танланади. Улар маҳаллий анестетиклар таъсирини ўзгартирумайды, аммо умумий таъсири билан маҳаллий оғриқсизлантиришни күчайтиради.

Премедикация беморда қўрқувдан ҳосил бўлган рухий ва вегетатив асабнинг салбий таъсирини фармакологик бартараф этиб маҳаллий анестезияни күчайтирадиган, шунинг учун бу тур оғриқсизлантириш күчайтирилган (потенциялашган) оғриқсизлантириш деб аталади.

Поликлиника шароитида премедикация учун транквилизаторлардан элениум, седуксен, триоксазин, фенозепам ва бошқалардан фойдаланиш мумкин.

Бемор ҳолсизликка, бош оғриғига, сабрсизликка шикоят қиласа унга - фёнозепам ёки диазепам таблеткаси ичиш тавсия қилинади.

Бемор жуда қўрқса, кайфияти ёмон бўлса оғриқсизлантириш ва муваффакиятли даволанишга ишонмаса, премедикация учун транквилизаторлардан седуксён, реланиум, сибазон 0.3 мг кг мас-сага ичиш тавсия қилинади.

Бемор эшлишини ҳам хоҳламаса, жазаваси тутса, бўлмаган сабаблар билан қилинадиган муолажани орқага суришга ҳаракат қиласа премедикацияни анестезиолог билан биргаликда вена ичига транквилизатор ва наркотик аналгетик ва бошқа фармакологик воситалар билан ўтказиш мумкин.

Поликлиника шароитида оғриқсизлантиришнинг бошқа усуларини ҳам ишлатиш мумкин.

Аудиоанестезия. Бу услубда оғриқсизлантириш бош мияда жойлашган эшлиши анализаторларга маълум частота диапазонида товушлар билан кучли кўзгатиш ҳолатини чақириб, қолган қисмларида тарқалган тормозлантириш ҳолатини ҳосил қилиш билан эришилади.

Гипноз – сўз таъсирида ухлатиш ва оғриқсизлантириш. Бу усул юз ва жағларда ҳосил бўлган оғриқни (прозопалгияни) даволашда кўлланилади. Тиш олиш учун жуда камдам кам ишлатилиади.

Акепунктур (игна санчиб) аналгезия. Бу усулда маҳсус нукталарга игнани механик ёки электр токи таъсирида саншиб оғриқсизлантириши ҳосил қилинади. Кўпинча маҳаллий оғриқсизлантириши билан биргаликда кўлланилади.

Стоматологик поликлиникада умумий оғриқсизлантириш Хусусий кўрсатмалар

Стоматологик поликлиника шароитида наркоз анестезиолог томонидан амалга оширилади. Стоматолог ҳам анестезиологга ёрдам беради ҳам ўз вазифасини бажаради. Шунинг учун стоматолог умумий оғриқсизлантириш ҳақида яхши тушунчага эга бўлиши шарт. Поликлиникада ўтказиладиган наркоз хусусиятлари: бемор яrim ўтказилган ҳолда, юкори нафас йўллари очиқ (химоясиз ҳолатида) ўтказилади, операция тугаганидан сўнг bemor поликлиникадан уйига кетиши керак. Шунинг учун поликлиникада ўтказиладиган наркозга катта талаб қўйилади: анестезиологик ҳавф жуда кам бўлиши, бошқариш осон бўлиши, чайнов мушаклари яхши релаксация қилиниши, мустакил нафас олиши ва қон томир – юрак, жигар, буйрак фаолияти сусаймаслиги керак.

Наркоз стоматологик поликлиника шароитида нисбатан кам ишлатилиади, унга сабаб бажариладиган муолажа давомийлиги ва оғирлигидан ҳам аввал анестезиологик ҳавф анча юкори. Чунки ҳар қанақа наркоз нафас олишга, юрак мушакларининг қисқариш фаолиятига, томирларда қон оқишига салбий таъсир этади. Шунинг учун наркозда стоматологик муолажа ўтказиш учун асосли тиббий кўрсатма бўлиши шарт.

Поликлиника шароитида наркозга кўрсатма

1. Болаларда ота-она ҳохиши билан.
2. Маҳаллий анестетиклар аллергик реакция мавжудли.
3. МНС, асад ва рухий ўзгаришлари бор шахслар (Эпилепсия, олигофрения, Даун касаллиги, БЦФ ва шунга ўхшашлар).
4. Асаби бекарор болалар (кўркқанидан хушидан кетиб, юраги уриб, кўнгли айниб, калтираб кетадиганлар)

5. Тезкор ёрдамга мухтож яллиғланиш жараёни ва жароҳати бўлган bemорлар

Поликлиникада наркоз ўтказишга нисбий қаршиликлар:

1. Юкори нафас йўлларининг ўтири инфекцион ва яллиғланиш касалликлари.
2. Бурундан яхши нафас олмаслик, ҳаво ўтказадиган найни бурундан киритиб бўлмаслик.
3. Сурункали қон-томир тизими касалликлари билан ҳасталангандар.
4. Инсульт, инфаркт кечирганлар (6-8 ойгача)
5. Оғизни тўлиқ оча олмайдиганлар (анкилоз, контрактура ва бошқа сабабларга кўра)
6. Ҳомиладорликнинг охирги ойлари.
7. Ошқозони тўла bemорлар.

Поликлиника шароитида маскали наркоз.

Асосий наркотик модда сифатида азот оксиди, фторотан, трилен ва бошқа газлар билан. Сўлак микдорини камайтириш мақсадида 0,1% Атропин эритмаси мушак ичи ёки вена ичига 0,5-0,7 мл юборилади.

Маскали наркоз ўтказиш босқичлари

Бемор стоматологик креслога керакли ҳолатда ўтказилади, кўлларини кресло кўлтутқичларига қўйилади.

Оғиз бурун маскаси керакли ўлчами танлаб мосламалар билан аппаратга уланади. Наркоз ўтказиш учун полинарқон ёки НАПП-2 аппаратларидан фойдаланилади.

Маска bemор юзига боғичлар билан маҳкамланиб 1-2 минут тоза кислород нафас олади аста секин наркотик азот оксиди газ кўшиб борилади ва ухлаш учун етарли микдорга кўтарилади.

Наркотик уйку босқичига етганда оғиз-бурун маска бурун маскасига алмаштирилади. Азот ва кислород нисбати 3:1 етказила-ди 3-4 мин. сўнг наркоз аналгезия босқичига етади.^{3,4}

Оғиз омбур ёрдамида кенг очилади (муолажага қарши томондан)

Мўлжалдаги қисқа муддатли стоматологик муолажа (абсцессни ёриш, периоститни очиш, тиш олиш ва шу кабилар) бажарилади.

Назофаренгихал (бурун-халқум) наркоз

1.Бу усул юқорида келтирилган тартибда маскали наркоз билан бошланади, фарки бурунга 3% эфедрин ёки 2% пиromекаин эритмаси томизиб қўйилади.

2.Наркоз аналгезия босқичига етказилади, чайнов мушаклари тонуси бўшашганидан сўнг буруннинг пастки йўлларидан бирига 5 мм диаметрли найча ҳалқумгача киритилади.

3.Найча ёпишқօк пластир билан маҳкамланади ва аппаратга уланади.

4.Оғиз 4 см. очилиб чайнов тишлар орасига резинкали тиргак сиқиб қўйилади.

5.Оғиз бўшлигини бурун ҳалқумидан ажратиш мақсадида намланган дока билан тўлдирилади.

Стационар шароитида юз ва оғиз бўшлиғи операцияларида ўтказиладиган наркоз усуллари, унинг асоратлари ва реанимация асослари

Стационар шароитда кичик операциялар нейролептаналгезияда бажарилиши мумкин.

Нейролептанелгезия-Оғриқсизлантириш вена ичига юборилган кучли аналгетик фентанил ва нейролептик – дроперидол таъсирида бемор онгига таъсир этмаган ҳолда атрофда бўлаётган ҳодисаларга бефарқлик, ҳаракатсизланиш ҳосил килинади. Бу ҳолатда қўшимча маҳаллий оғриқсизлантириш, жарроҳлик муолажаларни бажаришга имконият яратилади.

Атапалгезия – нейролептаналгезиянинг бир тури, фарқи кучли аналгетик ва нейролептиклар билан бир вақтда, маска усули билан азот оксиди бериб борилади. Маҳаллий оғриқсизлантириш ҳам қўшимча қилиниши мумкин.

Марказий аналгезия. Бу услубда вена ичига марказий нерв системага кучли таъсир этувчи наркотик аналгетиклар катта дозада юборилади. Улар таъсирида наркозга кирмаган ҳолда оғриқни сезиш ва импульсларни узатиш бузилади.

Стационар шароитда операцияларни ўтказиш учун bemорлар одатда олдиндан тайёрланадилар.

Тайёргарлик bemор билан суҳбат орқали уни кайфиятини кўтариш, бажариладиган муолажа зарурати шифокор томонидан тушунтирилади. Оғиз бўшлиғи, ошқозони, ичак тозаланади.

Операциядан олдинги кун кечкурун беморга енгил овқатланиши тайинланади, уйкудан олдин тозаловчи ҳуқна ўтказилади. Керак бўлса беморнинг руҳий ҳолатига таъсир этувчи кичик транквилизаторлар тайинланади.

Наркоздан олдин бемор қовугини бўшатиб олиши керак.

Операциядан олдинги қўрқувнинг олдини олиш мақсадида, аnestезиолог томонидан bemorning умумий ахволи, руҳий ҳолати ва операция хажми, наркоз услуби ҳисобга олинган ҳолда премедикация тайинланади.

Стационар шароитда умумий оғриқсизлантиришнинг ингаляцион ва ноингаляцион усуслари кўлланилади.

Ингаляцион наркозда суюқ буғланувчи аnestетик (диэтил эфир, фторотан, трихлорэтилен, пентран, хлороформ) ёки наркотик газлар (азот оксида, циклопропан) нафас йўллари орқали организмга таъсир қилиб марказий нерв система фаолиятини ўтвучан заифланишга (тормозланишга) олиб келади.

Ингаляцион наркоз никоблар (офиз-бурун, бурун) ёрдамида – маскали бурун ҳалқум найчалари (назофорентал) ёки кекирдак ичи найча ёрдамида (кекирдакли-эндотрахеал) ўтказилади. Найча кекирдакка найча оғиз ёки бурун йўли орқали ларингоскоп ёрдамида киритилади. Бу услубда наркотик газлар юқори нафас йўлларига таъсир этмаган ҳолда кекирдак ва бронхларга етказилади. Айrim ҳолларда най кекирдак операция қилиб очилиб (трахеостома) киритилади.

Ингаляцион услубдаги наркознинг асосий афзаллиги осон бошқарилиши.

Ноингаляцион наркоз услубларидан стоматологияяда асосан вена ичига ёки мушак орасига (5% сомбронин, гексенал, тиопентал-натрий, кетамин ва бошқа дорилар) юбориб ўтказилади. Бу услубни ўтказища битта аnestетик (моноаркоз), икки - уч аnestетик биргаликда (комбинациялашган), ёки аnestетиклар ва бир вактда бошқа хил дорилар билан ўтказиладиган полинаркоз.

Юз-жағ соҳасидаги катта ҳажмдаги операциялар аралаш (комбинациялаштирилган) эндотрахеал наркозда амалга оширилди.

Эндотрахеал наркознинг хусусиятлари. Эндотрахеал наркоз стоматологик bemorларда умумий хирургия қандай ўтказилса шундай ўтказилади. Аммо оғиз ичидаги бажариладиган ёки оғиз очилмайдиган bemorларда интубация ўтказиш кийинчиликлари

туғилади. Бундай ҳолатлар айниқса чакка пастки жағ касалліктері (анкилоз, контрактура) тил, оғиз тубы, ҳалқумдаги үсма ёки яллигланиш касаллігі жағ сұякларининг айрим касалліктеріда юзага келади.

Интубация қилиш учун айрим ҳолларда кекирдакни кесиш (трахеостома) ва канюля (найча) ўрнатыш зарурати туғилади.

Кекирдакни кесм.асдан фибробронхоскоп ёрдамида интубацион найни трахеяга киритиш ҳам мүмкін. Хусусиятлардан яна бири, бу интубацион найни оғиз ичида муолажаларни бажаришга ҳалақит күлмайдиган ҳолатта көлтириш. Энг афзал усул бу найни бурун орқали киритиш. Аммо бу усулни ҳамиша ҳам бажара олиш күйин, айниқса бурун йўлидан най ўтмаса.

Яна бир хусусият операция бажараётганда оғиз ичидан киритилган найнинг чиқиб кетмаслигини таъминлаб бериш. Операция даврида бемор интубацион най орқали етарли даражада, ҳаво билан таъминланиши. Операциядан кейин бу ҳолат кескин ўзгариши мүмкін. Операцияли жароҳат натижасыда тил, ёки оғиз тубы тўқималари тиқилиб нафас олишга ҳалақит бериши. Суяк жароҳатларидан қон ўтиб кетиши, зардоб чиқиши ва улар нафас йўлларига ўтиб кетиши мүмкін. Анестезиолог наркоз кетишини одатда кўз қорочигини реакциясига қараб баҳолайди, аммо стоматологик операциялар бажарилаётганда юз-кўзлар билан бирга ёпилади. Шунинг учун назорат ўтказиш қийинлашади.

Эндотрахеал наркозга қўрсатмалар

Эндотрахеал наркозга асосий қўрсатмалар: операция даврида юқори нафас йўлларининг ўтувчанлиги бузилиши ҳавфи бўлган ҳолатлар – қон, сўлак ва бегона моддаларнинг, нафас йўлига тушиши; давомийлиги узоқ ва оғир жароҳатлар билан кечадиган ва ички аъзолар, фаолияти издан чикиши ҳавфи бўлса, маскали наркоз операция бажаришга ҳалақит қўлса. **Эндотрахеал наркозга қарши қўрсатмалар:** юқори нафас йўллари ўтқир респиратор касалліклари, ўтқир бронхит, фарингит, пневмония, юқумли касалліклар, жигар, буйрак ўтқир касалліклари, миоқард инфаркт, юрак-кон томир етишмаслигининг декомпенсация босқичи, ички секреция безларининг ўтқир касалліклари.

Юрак ўпка реанимацияси асослари.

Ҳар хил стоматологик муолажалар ва наркозда бажарилган операциялардан сўнг bemornining юрак уриши тўхтаб, нафас олмай

қолиши мумкин. Бу ҳолат клиник ўлим деб аталади у 3-5 минут да-
вом этади, кейин биологик ўлим қайд этилади.

Юрак уриши тўхташи билан бош мия (тана ҳарорати меъёрда
бўлса) 3-5 минут фаол ишлаб туради. Шу вакт ичидаги тезкор
ҳаракатлар билан жонлаштиришга қаратилган муолажалар
ўтказилиш керак.

Клиник ўлим белгилари: 1) бехушлик 2) катта қон томирларда
(уйқу артерияси) пульс бўлмаслиги 3) нафас олмаслиги 4) кўз
корачиги кенгайиб ёруғликдан ўзгармайди.

Реанимация тадбирлари:

1. Нафас йўлларининг ўтувчанлигини таъминлаш.
2. Сунъий нафас олдириш.
3. Ёпиқ массаж билан юрак уришини таъминлаш.
4. Юрак-қон томирга таъсир этувчи дориларни юбориши.
5. Юрак фаолиятини тиклаш учун дефибрилляция ўтказиш.
6. Ҳаёт учун зарур аъзо ва системаларнинг фаолиятини дори
воситалар билан таъминлаш.

Юқорида келтирилган тадбирларнинг биринчи тўртасини ҳар
бир шифокор ва ҳамшира бажара олиши шарт, буларнинг қисқа
муддат ичидаги тўғри бажарилиши инсон ҳаётини саклаб қолиши
мумкин. Амалда бу тадбирларни бажариш учун бемор – 1 зудлик
билан белга ёткизилади (қаттиқ юзаликка) 2) боши орқага ташла-
нади, 3) пастки жағ олдинга тортилиб оғиз очилади 4) оғиз ва
юқори нафас йўллари қон, сўлак овқат қолдиклари, йод жисмлар-
дан тозаланади, 5) сунъий нафас оғиздан-оғизга, ёки оғиздан оғиз
бурунга босим билан пуфлаш орқали олдирилади. Бунинг учун ёр-
дам берувчи бош томонда ёнидан келади. Бир кўлини пешонага
кўйиб бармоклари билан бурунни сиқиб, бошни пастга ва орқага
итаради, иккинчи кўл билан энгакдан ушлаб пасти жағни олдига
тортиб пастга туширади. Чукур нафас олиб ёрдам берувчи беморни
яrim очиқ оғзига оғзини зич кўйиб кескин куч билан пуфлаб
ҳавони киритади ва кўқрак нафасининг кўтарилишини назорат
қиласи. Пуфлаб бўлгач оғзини ўзса, пассив ҳолда ўпкадан ҳаво
чиқади. Бундай нафас олдириш 1 минутда камида 12 марта бажа-
рилиши шарт.

Клиника шароитида сунъий нафас олдиришни S шаклдаги
найча ёрдамида, ёки сунъий нафас олдириш аппаратида амалга
оширса бўлади.

Сунъий нафас олдириш билан бир вақтда сунъий равишда қон айланишини таъминлаб бериш керак, бунинг учун юракнинг ёпик массажи ўtkазилади. Юрак тўш суяги ва умуртка орасида сиқилганда бўшлиғидаги қон катта томирларга сикиб чикарилади. Бунинг учун ёрдам берувчи хаво пуфлаганидан сўнг, бир қўли кафтини кўкракка юрак проекциясига қўяди (тўш суягини пастки 1/3 қисмини ковурғалар бирикиш жойи) ва иккинчи қўли кафтини қул устига қўяди, бармоқларни кўкракка теккизмаган ҳолда кескин, бутун гавда оғирлиги билан тушни умуртақага 4-5 см. яқинлаштириб сиқади ва 4-5 марта қайтаради (таҳминан 1 минутда 60 марта) шуни орасида сунъий нафас олдиради. Ёрдам берувчилар икки киши бўлса бири сунъий нафас олдиради, иккинчиси-сунъий қон айланшини таъминлайди.

Ёрдам берувчилар билиши шарт: бир сунъий нафас олдирилганда камида 5 марта сунъий система тўғри келиши керак. Сунъий нафас олдираётганда кўкрак эзилиши мумкин эмас. Акс ҳолда ўпкага етарли микдорда хаво кирмайди. Шу ҳаракатлар бажарабалётган ҳолатда ҳамшира венага адреналин 0,1% эритмасини 0,5-1 мм микдорида юборади ва вена ичига томчилаб юбориш учун системани улайди ва ҳар 4-5 минут ичидаги керак бўлса такроран юбориб туради. Вена ичига 4,2% натрий гидрокарбонат эритмаси томчилаб юборилади, шу вақт ичидаги 5-10 мл 10% кальций хлорид эритмаси, 0,1%-1,0 атропин сульфат юборилади.

Кўрилаётган чоралар натижада бермаса юракни электр дефибрилляция қилиб, ишга солишга ҳаракат килинади (даволаш муосса-саларида маҳсус тез ёрдам машиналарида.)

Самарали ўтказилган ёрдам беморда теридаги рангизлик йўқолиши, шиллик қатлам қизариши, пульс сезилиши, нафас олиш ва хушига келиши билан келинади.

Аксинча 10-15 мин юкорида кўрсатилган тадбирларнинг тўлиқ ўтказилишига қарамасдан юрак – қон томир тизими фаолияти тикланмаса реанимация ҳаракатлари тўхтатилади, чунки бош мияда тиклаб бўлмайдиган ўзгаришлар содир бўлади.

4 БОБ. Тиш олиш.

**Доимий тишларини олишга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар
Беморни кўриқдан ўтказиш ва тиш олиш операциясига тайёрлаш.**

Кўлни ювиш ва операция майдонига ишлов бериш


Тиш олиш операциясини тезкор бажаришга кўрсатмалар

1. Натижасиз даволанган ўткір ёки ўткірлашган сурункали периодонтит

2. Йирингли яллиғланиш касалликларига (остеомиелит, периостит, абсцесс, флегмона, ўткир гайморит, ва лимфадемит) сабаб бўлган тишлар.

3. Тишларининг жароҳатларида (тиш илдиз бўйлаб синганда, тиш бўйин қисмидан пастрок синганда, илдиз қисмидаги синиб бўлаклар силжиси)

4. Жағ сүяклари синганда илдиз бўлаклари орасида колиб репозициясига ҳалақит берса.



Расм – 33

Тиш олиш операциясини режали бажариш учун кўрсатмалар.

1. Организмнинг сурункали сепсис ҳолатига сабабчи бўлган касалланган тишлар.

2. Анатомик тузилиши ҳисобига даволаниши қийин ёки даволаб бўлмайдиган тишлар.

3. Даволаш муолажасини бажараётганда тиш канали туби ёки илдизи тешилган тишлар.

4. Тож қисмини бутунлай емириб, илдизлари протезлашга ярамайдиган тишлар.

5. Тишнинг 3-4 даражада қимирлаши.

6. Шиллиқ қаватни ёки тилни сурункали жароҳатловчи тишлар.

7. Илдиз атрофида сүякнинг резорбацияси.

8. Бир-бирига ётиб қолган ва протезлашга ҳалақит берадиган тишлар.

9. Ортодонтик даволаш мақсадида қаторга жойлашмаган ёки жой бўшатиш маҳсадидаги соғлом тишлар.

10. Тўлиқ чиқмаган ва атрофидаги юмшоқ тўқималарнинг яллиғланишига сабабчи бўлган тишлар.

11. Тұлиқ чиқмаган ёки умуман чиқмаган (8|8), аммо олди-даги (7|7) тишиларини суриб, оғрикка сабабчи бўлган тишилар.

Юқорида келтирилган тиш олишга кўрсатмалар тезкор мулажа бажаришни талаб этмайди. Тиш олиш операциясини амалга ошириш учун олдин bemorning умумий аҳволига эътибор бериш зарур. Керак бўлса мутахассислар (кардиолог, эндокринолог, гинеколог, гепатолог ва бошқалар) кўригидан сўнг ўтказиш тўғри бўлади.

Тиш олишга нисбий қарши кўрсатмалар:

1. Юрак-қон томир касалликлари (юрак ишемияси, миоқард инфарқтидан сўнг биринчи 3-4 кун ичида, қон босим кризис даврида, стенокардия хуружи даврида, юракнинг тез уриш ҳолларида, ўткир септик эндокардит ва бошқалар)
2. Парёнхиматоз аъзоларнинг (жигар, буйрак, ошқозон ости бези) ўткир касалликлари.
3. Қон касалликлари (гемофилия, Верлгоф касаллиги, лейкоз, агранулацитоз)
4. Ўткир юқумли касалликлар (грипп, ўткир вирусли юқори нафас йўллари касалликлари, пневмония)
5. Марказий асад системаси касалликлари (инсульт, менингит, энцефалит)
6. Рухий касалликларнинг хуружи даврида (шизофрения, телбалик, тутканоқ)
7. Ўткир нурланиш касаллигининг I-III даражасида
8. Оғиз шиллиқ пардасининг касалликларида (стоматит, гингивит, хейлит)
9. Оғиз шиллиқ пардаси ва жағ суюкларида ҳавфли ўсмага шубҳа бўлганда

Юқорида келтирилган ҳасталиклардан тузалгандан сўнг ёки мутахассислар кўригига бўлиб, уларнинг қаршилиги бўлмаса, тиш олиш операциясини бажариш мумкин.

Тиш олишдан олдин bemorni кўрикдан ўтказиш.

Тиш олиши режалаштираётган шифокор bemorni кўрикдан ўтказиб олиниши режалаштирилаётган тишининг ҳолатига баҳо бериши керак. Аввало тишининг тож қисми ҳолатига эътибор берилади: 1) қанчалик у емирилган, 2) атроф тўқималарда яллиғланиш

борми 3) кимиirlаш даражаси; рентген тасвиридан 4) илдиз атро-фидаги сүяк ҳолати, 5) илдизлар сони, шакли, узунлиги, ўзаро муносабати (бирлашиб ёки тарқалиб кетган), 6) юқори жағ бўшлиғи, бурун тубига яқинлиги, 7) пастки альвеоляр нерв ва каналга муносабати, 8) илдизлар орасидаги сүяк қалинлигига.

Шуларни эътиборга олиб тиш олиш учун керақли асбоблар танланади. Тиш олиш операциясини муваффакиятли бажарилиши шифокор ва беморнинг бир-бирини тушуниши ва ҳамкорлигига боғлик. Шунинг учун шифокор bemorga бажарадиган муолажалар ҳақида тушунча бериши, bemor ҳис қилиши мумкин таассуротлар, масалан анестезия таъсирида юз тўқималари ва тилда жимирлаш, шиш, ҳаракатлари бўйсингаслиги. Тиш олиш ҳаракатларида оғриқ бўлмаслиги, аммо сезги сақланиб қолиши ҳақида тушунтириш зарур. Ҳар қандай маҳаллий оғриксизлантириш тактил сезувчанликка таъсир этмаслигини, шунинг учун bemorga бормашина ёки исказа ёрдамида сүяк кесилиши ва синишини сезиши ва уларга аҳамият бермаслигини уқтириш керак. Bemorga ҳеч қачон тишин олиш енгил кечадиган ва жуда тез бажариладиган операция деб ишонтирмаслик керак.

Bemor жуда безовта бўлса, унга премедикация тайинлаш керак. Креслога ўтказишдан олдин қалин кийимларни ечиш, камарни бўшатиш, елкани кенг очиб қўйиш тавсия қилинади.

Операциядан олдин қўл ювиш.

Тиш олиш операцияси ҳар қандай жарроҳлик муолажасидан аввал шифокорнинг маълум тайёргарлигини талааб қиласди.

Жарроҳ аввало маска ва ҳимоя ойнагини тақиши шарт. Алоҳида аҳамият қўл ювишга қаратилади. Оқиб турган сувда қўлни совунлаб ювиб, стерил салфетка ёки сочиқ билан қўл қуритилади ва 2-3 минут 70 % ли этил спирти билан артилади. Спирт ўрнига қўл терисини 0,5% хлоргесидиннинг спиртли эритмасини ишлатиш мумкин. Шундан кейин стерил резина қўлқоп кийилади. Тиш олишдан ҳам каттароқ операциялар қилиш учун қўлни совун билан оқиб турган сувда 1 минут ювиб, стерил салфетка билан қуритилади ва тоғорага солиб қўйилган махсус эритмагаC-4 рецепти «первомур» (1 л эритма таркибида 17,1 мл-30-33% водород пероксиди, 6,9 мл 100% ёки 8,1 мл 85% чумоли кислотаси, қолгани сув). Шундан кейин қўл стерил салфеткалар ёрдамида қуритилади, стерил қўлқоп кийилади. Жарроҳлик амалиёти тутатилганидан сўнг қўлқоплар ечилиб совун билан қўл ювилади.

Жарроқ доимо қўлини парвариш қилиб бориши керак, тирноклар қисқа олиниб, лак суртилмаган бўлиши керак.

Операция майдонига ишлов бериш

Тиш олиш операциясидан олдин тишлардаги қаттиқ ва юмшқ қараш олиб ташланади. Овқат қолдиклари тиш ораларидан 0,1 % калий перманганат эритмаси билан ювиб чиқарилади. Бошқа антисептикларни ишлатиш ҳам мумкин. Тишлардан қаттиқ қараш қириб тозаланади, чунки тиш олиш операцияси жараёнида улар тиш катакчасига тушиши мумкин.

Агарда тиш олиш учун бормашина ва исказа ишлатилса, унда юз териси 70% этил спирти ёки 0,5% хлоргексидин эритмаси билан артилади ва стерил маҳсус чойшаб ёки сочиқ билан ёпилади.

Тиш олиш учун ишлатиладиган омбир ва элеваторлар

Тиш оладиган омбурлар тишнинг тож ва илдиз қисмлари тузилишини ва жағ сүякларида жойлашишини эътиборга олган ҳолда хилма-хил бўлади. Шунга қарамай уларни ҳаммаси тузилишида бир принцип ётади. Тиш ва илдизларни қисиб олувчи (қискич) қисми, кўл билан ушлаб ишлатиладиган дастак қисми ва оралиғида асбоб қисмларини бирлаштирувчи-ўқи бўлади. Омбурнинг қискич қисмининг ич томони эгатча шаклида бўлиб, ичида узунаси бўйича таралган ариқчалар билан қопланган, улар тиш ва илдиз устидан қисқични сирпанмаслигини таъминлайди. Дастак қисмининг ички юзаси текис ташки юзаси тарам-тарам (ботик ва бўртма) чизиқлар билан қопланган, улар омбурни қўлда сирпанмаслигини таъминлайди.

Бажариладиган ишга нисбатан омбурлар бўлинади:

1. Юқори жағ тишлар ва илдизлар учун.
2. Пастки жағ тишлар ва илдизлар учун тож қисми сақланиб қолган тишлар учун омбурларни қискич қисми учлари бир бирига тегмайди, илдиз олиш учун ишлатиладиган амбуларни қискич қисми учлари бир бирига тегиб туради.

Юқори жағ тишларини оладиган омбурлар қискич қисми ва дастаги ўқлари узунаси бўйича, мос тушади, ёки параллель айримларида ўткир бурчак остида ётиқ бўлади.

Юқори жағ кесув тишлар ва илдизлари тугри омбурлар билан олиниади. Бу омбурларни дастак, ўқи ва қискич қисми ўқлари бир йўналишда бўлади.

Юқори жағ кичик озиқ тишларини оладиган омбурлар қискич қисми ўқи дастаги ўқига нисбатан ўткир бурчакда ётиқ бўлади.

Тож қисми сақланган тишлилар учун қисқич қисми юзаси кенг ва учлари туташмайды. Илдиз учун омбурларнинг қисқич қисми тор ва учлари туташган бўлади. Дастак қисми S шаклида кийшайган бўлиб ушлаш учун қулай. Ўнг ва чап томон тишиларини олиш мумкин.

Юқори жағ катта озиқ тишлилар оладиган омбурлар ҳам S шаклида бўлиб, тузилишида кичик озиқ тишиларини оладиган омбурлардан қисқич қисми билан фарқ қиласди. Юқори жағ катта озиқ тишиларини бир вактда уч илдизига ўрнатилиб сиқиб олиши керак.

Омбурнинг ташқи лунж томонидаги қисқичида икки илдиз орасига кириб сиқиб ушлайдиган тирмоқчasi бўлади. Бу омбурлар алоҳида ўнг ва алоҳида чап томон учун чиқарилади.

Юқори жағдаги учинчи катта озиқ тиши оғизнинг ичкарисида жойлашганлиги сабабли уни олиш учун маҳсус омбур ишлатилади. Бошқа омбурлардан фарқи ўки ва қисқич оралиғида ўтув қисми бор қисқич қисми учлари тўмтoқ ва жипслашмайди.

Юқори жағ тож қисми ўқ тишлилар илдизларни олиш учун маҳсус найзасимон омбурлар бор. Уларда ҳам ўқ ва қисқич қисм оралиғида ўтув қисми бор. Уларнинг қисқич қисми учланган, тор ва бир бири билан туташади. Шунинг учун улар ёрдамида ҳамма илдизларни олиш мумкин.

Пастки жағ тишиларини олиш учун тумшуғи қирра бўйлаб эгилган омбурлар ишлатилади. Бу омбурларнинг қисувчи қисми ва дастаклари ўки туғри бурчак ҳосил қиласди. Қисувчи қисми вертикал, иккала дастак бир бирига параллел жойлашади. Тишлилар тож шаклига мослаб омбурлар қисувчи қисми тузилиши ҳар хил бўлади.

Пастки кесув тишиларни оладиган омбурларнинг қисувчи қисми учлари тор ва сикқанда туташмайди. Қозиқ тиши ва кичик озиқ тишиларини оладиган омбурлар шакли шундай, аммо қисувчи қисми учлари кенг.

Катта озиқ тишиларини оладиган омбурлар қисувчи қисми кент, учлари тирноқчали, улар икки илдиз орасига кириб сиқиб ушлаш учун мўлжалланган.

Оғиз очилиши чегараланган ҳолларда тишлилар тумшуғи (қисув қисми) текислик бўйлаб эгилган омбур ёрдамида олинади. Дастаклари горизонтал текислиқда очилиши ҳисобига бу омбур-

ларнинг тумшук (қисув) қисми калта бўлади ва оғиз чегараланиб очилгандага жуда кўл келади.

Пастки жағдаги илдизларни олиш учун тумшуқлар (қисув қисми) учлари кўл сикилганда туташмайдиган омбурлар ишлатилиади.

Омбурларни ушлаш. Одатда омбурни тиш олаётганда ўнг кўл билан ушланади. Бармокларни шундай жойлаштириш керакки, улар дастакларни бемалол очиб ёпиш ва илдиз ўқи бўйлаб суяк томон суриш имконини бериши керак. Икки хил ушлаш услуби бор.

Биринчи услубда иккинчи ва учинчи бармоклар пастки дастакни ташқарисидан ушлаб, сиққанда омбурни кафтга яқинлаштиради: тўртинчи ва бешинчи бармоклар юқори турган (кафтдаги) дастакни ушлайди. Биринчи (бош) бармоқ омбур ўқига икки дастак орасига ташкаридан қўйилади. Омбурни очиш учун тўртинчи ва бёшинчи бармоклар керилади, ёпиш учун II ва III бармоклар сикилади. Омбур ўрнатилгандан сўнг ҳамма бармоклар дастакни ташқи томонига қўйиб ёпиш максадида сикилади.

Иккинчи услуб. Юқори жағ тишларини олиш учун ишлатиласди. Очик кафт юзасига омбур қўйилиб дастаклар орасига II ва III бармоклар киритилади, бош бармоқ билан юқоридаги дастак ушланади IV ва V бармоклар билан пастки дастак ушланади. Омбурни очиш учун Ш бармоқ ёрдамида дастаклар керилади, яқинлаштириш учун 1У ва У бармоклар сикилади. Омбурнинг қисув қисми учларини суяккага киритиш учун дастаклар учи кафтга, тираб юқорига итарилади. Шундун сўнг III бармоқни пастки дастакка ўрнатиб тўрт бармоқ бир томондан, бош бармоқ қарши томондан сикиб тиш сугуриш бажарилади.

Элеваторлар. Тиш ёки илдизни олиш учун элеваторлар ишлатиласди. Элеваторлар ричаг асносида ишлайди. Элеваторда уч қисм ажратиласди: ишчи қисми, дастак ва улар орасида бирлаштирувчи қисм. Элеваторлар асосан ишчи қисми шакли бўйича хилма-хил бўлади. Шаклидан қатъий назар, уч хил элеваторлар мавжуд: туғри, бурчақли, найзасимон.

Тўғри элеватор ишчи қисми бевосита дастак билан бирлаштирувчи қисмдан келиб чиқади ва дастак билан бир йўналишда бўлади.

Ишчи қисмининг ташқи томони ярим ой шаклида бўртиб чиқса, ички томони акси бўлиб, ярим ой ботиқ бўлиб, ишлайдиган

учи түмтөклашган бўлади. Дастаги ноксимон шаклида уч томонга қараб торайиб боради.

Туғри элеватор билан юқори жағ бир илдизли тишларни олиш, кўп илдизли тишлар илдизларини ажратиб бўлиш, қатордан ташқарида турган тишларни, тирагиб турган пастки учинчи озиқ тишларни олиш мумкин.

Тумшуғи қирра бўйича эгилган элеватор. Бу элеваторнинг ишчи қисми ўқига нисбатан таҳминан 120^0 эгилган, ишчи қисми юзаси асосидан учига қараб торайиб, ичига қараб ботик, ички юзазида тарам-тарам эгатчалари бор, ташқи томони ярим думалок шаклида. Юзасининг ҳолатига қараб чап ва ўнг томон элеваторлари фарқланади. Айрим муаллифлар ўзига қараган (на себя) ўзингдан нари (от себя) деб аташади.

Ишлатилаётганда ботик томони ҳамиша илдизга, бўртган томони – каттакча деворига қаратиласди. Одатда бу элеватор билан пастки жағ илдизлари олинади.

Найзасимон элеватор (Леклюз элеватори). Бу асбобнинг ишчи ва бирлаштирувчи қисмлари дастакка вертикал ёпишади. Ишчи қисми найзасимон шаклда бўлиб, учига қараб юпқаланиб боради. Бир томон юзаси текис. Орка томони яссиланган. Бу элеватор билан пастки учинчи озиқ тиш олинади.

Омбур ёрдамида тиш олиш операцияси услублари.

Тиш олаётганда бемор ва шифокорнинг жойлашиш ҳолати

Тиш олиш операцияси - тишни каттакчада ушлаб турган боғламларни куч ишлатиб узиб, суғуриб олиш демакдир. Омбур тиш илдизини сиқиб олгандан сўнг, ричаг ҳосил килади, қўл кучи ричагга узатилиб, илдизни йўналтирилган ҳаракатга келтиради ва атрофидаги периодонт тўқимасининг узилишига олиб келади. Тиш боғламлардан бўшаганидан сўнг суғурилиб олинади.

Шу жараён муваффақиятли бажарилиши учун унинг ҳар бир босқичи тўғри ва тўлиқ бажарилиши шарт.

Тиш олиш амалиётини адекват маҳаллий оғриксизлантиришдан сўнг бажариш мумкин.

Дастлаб – тиш атрофидаги айлана боғлам ва альвеола атрофидаги юмшоқ тўқималар ажратиласди. Милк кенг ва чуқур ажратилса, омбур солингандга йиртилмайди. Шундан сўнг тишни омбур билан кетма-кет бажариладиган ҳаракатлар ёрдамида суғуриласди.

Омбурни солиши ҳаракати. Олинаётган тишга мос омбур танланади. Юқорида ўргатилган услублардан бири билан ушланади. Дастаклари керилиб тишнинг тож қисми сиғадиган даражада очилади. Омбурнинг сикувчи қисми бир томони тишнинг ташқи (вестибуляр) иккинчиси ички (орал) томонига ўрнатилади. Омбур ишчи қисмининг ўқи албатта илдиз ўқи билан мос келиши шарт. Агарда ўқлар мос тушмаса илдиз синади.

Омбурни милк тагига киритииш ҳаракати. Омбур солиниб, ишчи қисми учлари милк тагига илдиз бўйлаб ичкарига суреб борилади. Юқори жағ тишларини олаётганда бу ҳаракат омбур дастакларини кафтда сиқиб бажарилади. Пастки жағда чап кўлнинг бош бармоғи ёрдамида амалга оширилади. Қимирлаб турган тишларни олаётганда омбурнинг ишчи қисми учи сүякка қадалгунча киритилади. Тиш жойида мустаҳкам турган бўлса, ёки тож қисми емирилган бўлса, қисман альвеоляр сүякни кўшиб ушлаш шарт.

Тиш олиш мақсадида омбур солинганда унинг учи албатта альвеоляр сүякни қисман кўшиб қисиши шарт. Омбур солинишига аҳамият беринг. Расмда омбурнинг ишчи қисми альвеоляр ўсиқни қисман кўшиб олгани ва сиқилганида сүякнинг шиллик ости резекция қилиниши кўрсатилган.

Агарда олинаётган тишнинг атрофидаги сүяк қалин бўлса, милк кесилиб сүяк яланғочланади, бормашина ёрдамида кортикал сүяк кесилади ва исказа билан илдизлар очилгунча олиб ташланади. Тиш суғурилганидан сўнг, юмшоқ тўқима лахтаги жойига тикилади.



Расм - 34

Сиқиб ушлаши. Милк тагига етарли даражада киритилгандан сўнг, омбур учлари маҳкам сиқилади. Сиқилганда, омбур ишчи қисми тишини эзмаслиги, кесиб юбормаслиги, аммо кўл ҳаракатини

илдизга, ричагга узатилган бўлиши шарт. Омбур сўрилиши, сапчиб чиқиб кетмаслиги керак. Илдиз етарли даражада сиқиб ушланмаса, жойидан силжимайди. Керагидан кўп омбур сиқилса тишнинг юқори қисми узилиб кетади, айникса тиш даволангандан бўлса.

Тишни катакчадан силжитиши ҳаракати. Бу ҳаракатни амалга ошириш жараёнида илдизни тиш катакчасида ушлаб турган периодонтал боғлам узилади ва қисман катакча атрофидаги суяк синади. Тишни силжитиши учун икки хил ҳаракат бажарилади. Биринчи тишни сикиб, ташқарига (вестибуляр) ва ичкарига (орал) тебратувчи ҳаракатлар бажарилади. Бу ҳаракатлар бир неча марта қайтарилиди. Дастреба кичик амплитудада ва ҳар қайтарилишда амплитуда кенгроқ олинади. Бу ҳаракатлар тиш атрофидаги боғламлар тўлиқ узилгунигача қайтарилиди.

Иккинчи хил ҳаракат, айланма (ротация) ҳаракати. Тишни ўз ўқи атрофида олдин бир томонга кейин қарама-қарши томонга 20-25° айлантирилади.

Иккала хил ҳаракатлар аста-аста бажарилиши керак, акс ҳолда илдиз синади.

Тишни қимирлатаётганда унининг суякда жойлашишига эътибор бериш керак, биринчи силжитиши ҳаракати суякнинг юпқа томонига қаратилса мақсадгага мувофик бўлади. Юқори жағ сугининг ташки (вестибуляр) юзаси юпқа бўлади, оғиз ичи томони эса қалин суякдан тузилган. Шунинг учун юқори жағ тишларини олаётганда, тебратувчи ҳаракат дастреба ташқарига қилинади. Биринчи катта озиқ тиш бундан мустасно. Чунки ёноқ альвеоляр қирраси ҳисобига суяк қалинлашади.

Пастки жағда кесув, қозиқ ва кичик озиқ тишлар соҳасида суякнинг ташки қисми юпқароқ бўлади. Катта озиқ, тишлар айникса учинчи тиш атрофида ташқаридан чакка қирраси ҳисобига суяк қалинлашади. Шунинг ҳисобига катта озиқ тишларни олаётганда биринчи силжитиши ҳаракати оғиз ичига қараб қилинади. Қолган тишларни олаётганда ташқарига қилинади.

Суруриб олиши ҳаракати. Тебратувчи ва айланма ҳаракатлар натижасида тиш илдизи атрофидаги боғламлардан тўлиқ ажраганидан сўнг, аста - секин тиш каттакчасидан сурурилади ва оғиздан чиқарилади. Юқори тишларни олаётганда улар пастга қараб тортилади. Пастки жағ тишлари юқорига тортилади. Бу ҳаракат бажарилаётганда, тиш катта куч билан тортилса, тишни ушлаб турган боғламлар тўлиқ узилиб омбур қарши томондаги

тишларга зарб билан урилиши ва синдириши, юмшоқ түқималарни жароҳатлаши мумкин.

Тиш олиш операциясининг муваффакиятли ўтказилиши жарроҳ стоматологнинг жисм.оний кучига эмас, балки, тиш олиш техникасининг түғри бажарилишига боғлиқ эканини ёдда тўтиш лозим.


Бемор ва жарроҳнинг тиши олаётганда жойлашиши ҳолати
операция муваффакиятли тугашининг асосий омилларидан бири.

Одатда тиш олиш операцияси bemor стоматологик креслода ўтирган ёки ярим ётган ҳолатида бажарилади. Бемор креслога ўтирганида операция майдони яхши кўриниши ва жарроҳ учун қулай бўлиши шарт. Бемор баланд кўтарилса ёки жуда пастда колса жарроҳ тиши олиш ҳаракатларини бажаришда кийналади. Шунинг учун бўйига мос қилиб жарроҳнинг ўзи bemornи жойлаштириши керак, албатта бош тутқичи bemorga қулай маҳкамланиши керак.

Юқори жағ тишлигини олаётганда, bemor гавдаси ва бошини бир оз орқага тислантириб ўрнаштирилади. Жарроҳ bemor қаршисида, ўнг томонида жойлашади.

Пастки жағ тишлигини олаётганда, креслода ўтирган bemorni, пастки жағи жарроҳ тирсаги билан бир сатҳда бўлиши лозим. Суянгич bemorni вертикал ўтказиш учун мосланади. Боштутқич бир оз олдинга сурилади, bemor боши бироз чиқиб туриши таъминланади. Жағнинг чап томонидаги ва олдидағи тишлигини олиш учун жарроҳ bemor қаршисида, ўнг томондаги кичик ва катта озиқ тишлилар олинаётганда bemornинг ўнга орқароқ жойлашади.

Юқори жағдаги тож қисми сақланиб қолган тишлиарни олиш



Расм - 35

Юқори жағдаги тишлиарни олаётганданда бемор ва жаррох жойлашиши ҳолати.
Расм – 35 А

Тиш олиш жараёнида чап қўлнинг ҳолати ва ўнг қўл билан омбурни ушлаш. Расм – 35 Б

Юқори жағдаги қозиқ ва кесув тишлиар олинаётганданда тебратма ва айланана ҳаракатлар схемаси. С,D, E,F,G

Юқори жағдаги кичик озиқ тишини олаётганданда тебратиб олиш схемаси. Н-К

Юқори жағдаги катта озиқ тишлиарни олаётганданда тебратиш ва суғуриш схемаси. L-P

Юқори жағ кесув тишини олаётганданда чап қўл билан альвеоляр ўсиқни маҳкам тутмоқ ва омбур солмок

Тўғри омбур. Кичик озиқ тишлиарни оладиган S шаклидаги ишчи қисми учи туташмайдиган омбур

Чап қўл билан маҳкамлаш ва омбурни солиш жараёни.

Катта озиқ тишини олаётгандан чап қўл билан маҳкамлаш ва омбур солиш

S шаклидаги чангачли омбур

Юкори жағ марказий қурак тишларини олиш учун



Расм - 36

схемада құрсатылған равища силжита бошлайды: биринчи ҳаракат юкори лаб томонға, кейин танглай томонға, кейин ҳам айланған соат мили бүйіча тескарисига йұналтирилиб, тишиңдін салжитилади ҳамда ташқарига тортиб чиқарылади.



- 1) шифокор беморнинг олдұндың томонидан туради
- 2) өзінде құл баш бармоғи билан бир салфеткани тишлар кесув юзасига, күрсаткыч бармок учын олинаёттган тишиңдизи устига қойып, альвеоляр үсік сиқиб ушланади.
- 3) Үндегі күлде омбурса түтіб, олинадиган тишиңдің үқига йұналтирилған холда омбурса солинади.

4) Тишиңни маңкам сиқиб,



Расм - 37

Юқори жағ 3!3 тишларни олиш



Расм – 38

Шифокор беморнинг олдида ва ўнг томонида, ёрдамчи чап томонда туради.

Чап томондаги тиш олинаётганда бош ўнг томонга, ўнг томондаги тиш олинаётганда бош чап томонга каратилади.

Ўнг кўл билан тўғри ёки найзасимон омбур тишига схемада кўрсатилгандай солинади. Шу вактда чап қўлнинг кўрсаткич ва бош бармоқлар билан альвеоляр ўsic олинаётган тиш проекциясида. Маҳкам сиқилади кўрсаткич бармоқ ўтув бармоқга қўйилиб лабни кўтаради, бош бармоқ салфеткани тутиб туради.


Ҳаракатлар схемада кўрсатилганидек амалга оширилади.

Юқори жағ кичик озиқ тишларни олиш. Бу тишларни олаётганда уларнинг анатомик тузилишидаги хусусиятларнига ахамият бериш керак.


Биринчи кичик озиқ тиш илдизлари 50% ҳолатда ўртасига бориб икки ингичка учланиб кетувчи илдизга бўлинниб кетади (лунж ва танглай). Одатда танглай илдиз суюнда чукур жойлашади. Иккинчи кичик озиқ тиш бир илдизли ва у эзик шаклда бўлади. Иккала тишларни каттакчаси девори ташқаридан (вестибуляр) юпка суюк билан қопланган.

Ўнг томондаги тишларни олишда шифокор беморнинг олдида, чап томон тишларнинг олишда ўнг томонида ва олдида туради. Беморнинг боши ўнг томонга каратилиб ўрнатилади.


Ҳаракатлар схемада кўрсатилгандек амалга оширилади.



Расм - 39



Расм - 40



Расм - 41

Юкори жағ катта озик тишларни олиш

А.Юкори жағ ўнг ва чап катта озик тишларни олиш учун шифоқор беморнинг ўнг томони ва олдиди туради. Беморнинг бошини тўғрига ва бир-оз орқага қилиб ўрнатилади.

В.Ўнг кўлга керакли S симон (ўнг ва чап) ишчи учи туташмаган чангакли омбур схемада кўрсатилгандек тишга солади. Ўнг томондаги тиш олинаётганда чап кўлнинг кўрсаткич бармоғи алвеоляр ўсиқни

олинаётган тиш илдизига тираб турилади, чап томондагилар олинаётганда икки бармоқ билан олинаётган тишни илдизлари сатҳида альвеоляр ўсиқ маҳкам сиқиб олинади ва схемада кўрсатилгандай силжитиш ва сугуриш харакатлари бажарилади.

Пастки жағдаги тож қисми сақланиб қолган тишларни олиш услублари

Пастки жағ кесув тишиларини олиш учун ишчи қисми ингичка ва кирра бўйича эгилган тумшуксимон омбур олинади.

Пастки жағдаги кесув тишиларини олаётганда креслога суюнчиғи вертикал ҳолатга келтирилиб бемор ўтказилади. Боши бир оз пастга эгилиб энгаги туширилади. Жарроҳ бемор олдида, ўнг томонида жойлашади.

Чап кўл бош бармоғи энгак остига, иккинчи бармоқ пастки лабни ташқарига ва пастга суриб, учинчи бармоқ билан тил пастга ва орқага сурилиб альвеоляр ўсик маҳкам ушланади.

Омбур ўнг кўл билан олинаётган тишига солинади, чукуррок киритиб, тиш катакчаси қиррасига қўйиб сиқилади ва тебратувчи ҳаракатлар вестибуляр ва орал томонга қайта-қайта бажарилади. Тиш атрофидаги боғламлар узилганидан сўнг суфирилиб олинади.

Пастки жагдаги кесув тишиларини олиш. Одатда кесув тишилар бир илдизли тўғри, чўзиқ, овал шаклда бўлади, учига яқин кийшайган бўлиши мумкин. Ён томонда илдизлар эзилгандек, айниқса иккинчи кесув тишининг илдиз атрофифида суяк нисбатан қалин. Вестибуляр томондан тиш катакчаси атрофидаги суяк оғиз тамондагига нисбатан юпка бўлади.



Расм – 42

Агарда пастки кесув тишин юзаси бўйича эгилган омбурда олинса, жарроҳ беморнинг оркасига, ўнг ёнига ўрнашади. Чап кўлини бемор боши устидан айлантириб ўтказади. Бош бармокни альвеоляр ўsicкнинг ички (тил) томонига, кўrsаткич бармокни ўтув бурмага ва колган бармокларни энгакка ўрнатиб, жағ суяги маҳкам ушланади ва юкорида келтирилган тиш олиш ҳаракатлари бажарилади.

Пастки жағдаги кичик озиқ тишлигини олиш. Бу тишилар одатда бир илдизли, бўйин кисмида юмалок бўлиб, ёnlари эзилган шаклда ингичкалашиб тугайди. Илдиз атрофидаги суяқ қалинлиги ташки ва ички томондан деярли бир хил.

Чап томондаги кичик озиқ тишлигини олаётганда жарроҳ беморнинг рўпарасида ўнг томонида туради, бемор бошини ўнг томонга каратади. Ўнг кўлга кирраси бўйича эгилган, тумшиғи ту-ташмайдиган кенг омбурни олади. Чап кул бармоклари билан (юкорида ёзилгандек) пастки жағни маҳкам сикиб ушлайди. Омбур солиб, альвеола кирраси четини қўшиб сикиб олади ва тебранма ҳаракатлар кила бошлайди.

Ўнг томондаги кичик озиқ тишлигини олаётганда жарроҳ беморнинг оркасида, ўнг ёнида туради. Чап кўлини бемор боши устидан ўтказиб, бармоклари билан пастки жағ ва альвеоляр ўsicкни сикиб ушлайди ва тиш олиш ҳаракатларини бажаради.

Жарроҳ чап кўл билан ишласа (чапақай бўлса), унда беморнинг рўпарасида, ўнг ёнида туриб, ўнг кўл бармоклари билан жағни ушлаб, лабини ташкарига суради. Чап кўл билан омбурни тишига солади ва тиш олиш ҳаракатларини бажаради.

Кичик озиқ тишилар атрофидаги суяқ анча қалин бўлгани учун омбурни чуқур киритиб бўлмайди. Тебратувчи ҳаракатлар эҳтиётлик билан килинмаса тишининг тож кисми синади. Илдиз шакли конусга яқин бўлганлиги учун тебратувчи ҳаракатлардан кейин, айланма, ҳаракатларни ҳам қилиш мумкин.



Расм – 43

Тиш олиш операцияси босқичлари (Расм – 43)

- а) омбурни тишга солиши ва сикиб ушлаши;
- б) тил томонга қимирлатиш
- с) лунж томонга қимирлатиш;
- д, е) илдиз ўки атрофида ротацион (айланма) ҳаракат (соат стрелкаси йўналиши бўйича ва унга тескари)
- т) тишни суғуриб чикариш.

Пастки жағ кичик озиқ тишларини олаётганда тебранма ва айланана ҳаракатлардан сўнг омбурни юкорига ва албатта ёнга қаратиб суғуриш керак акс ҳолда омбур юкори жағ тишларига зарб билан урилиб жароҳатлаши мумкин.

Пастки жағдаги катта озиқ тишларини олиш. Биринчи ва иккинчи катта озиқ тишлар одатда иккита олдинги-медиал ва орқадаги дистал илдизли бўлади. Иккала илдиз ясси икки ёнидан сиқилгандек шаклда бўлади. Олдинги илдиз узунрок қалинрок, уни орқага караб қайилган шаклда. Дистал илдиз кўпинча тўғри бўлади. Айрим ҳолатларда икки илдиз уни бир бирига якин келади ва ораларида қалин суюк қатлами бўлади. Тиш катакчалари девори қалин ва қаттиқ суюқдан тузилган. Биринчи катта озиқ тишнинг лунж ва тил томон суюк қалинлигига фарқ йўқ, аммо иккинчи тиш атрофида лунж томондан пастки жағнинг чакка қирраси ҳисобига суюк анча қалинлашади. Бемор ва жарроҳнинг жойлашиш ҳолати кичик озиқ тишни олишда ёзилганидек. (Расм – 45)



Расм - 45

Катта озик тишларини олиш учун кирраси бўйича ёки текислиги бўйича эгилган тумшуклари исканжали, туташмайдиган омбурлар ишлатилади. Омбурни тиш устидан солиб, чукур киритилади шунда учбурчак шаклдаги исканжалар албатта икки илдиз орасига ўрнатилиши шарт, акс ҳолда тиш бўйин қисмидан синади. Омбур етарли даражада чукур киритилиб сикиласди, биринчи озик тишни олаётганда тебранма ҳаракат лунж, кейин тил томонга қилинади, иккинчи озик тишни олаётганда тебранма ҳаракат аввал тил кейин лунж томонга бажарилади.

Пастки жағнинг биринчи ва иккинчи озик тишларини олиш.

Пастки жағнинг чап томонидаги тишларини олаётганда шифокор беморнинг олдида ёрдамчи эса чап томонида туради. Бемор боши ўнг томонга қаратилади. Ўнг кўл билан омбурни олинаётган тишга солиб, чап кўл бармоклари билан юмшоқ тўқималарни ёнга суради ва бир вақтда пастки жағни маҳкам ушлаб туради. (Расм - 46).



Расм – 46

Пастки жағнинг ўнг томонидаги озик тишларини олаётганда шифокор беморнинг оркасида, ўнг томонига туради. Ўнг кўлидаги омбурни олинаётган тишга солади. Чап кўлинини боши устидан

ўтказиб кўрсаткич ва бош бармоклари билан альвеоляр ўсиқни ушлайди ва бир вактда юмшоқ тўқималарни ёнга суради.

Катта озиқ тишни олиш боскичлари: омбурни солиб, тиш қаттиқ сикилади, тиш лунж томонга силжитилади, кейин тил томонга силжитилади ва суғуриб олгунча ҳаракатлар қайтарилади.

Пастки жағни учинчи озиқ тиши текислиги бўйича эгилган омбур билан олинади. Бу омбур билан чап томондаги тишни олаётганда шифокор беморнинг орқасида ўнг томонида туриб, ўнг кўлдаги омбурни тишга солади. Чап кўлнинг бош бармоғини омбурни ўқига кўйиб пастга ботириб суюккача киритилади. Қолган бармоклар билан пастки жағ суяги маҳкам сикилади. Пастки жағнинг ўнг томондаги тишни олиш учун шифокор бемор олдига туриб, ўнг кўлга омбурни ушлаб, тишга солади, чап кўлни бош бармоғи билан омбур ўқига босиб суюкка кадалгунча ботиради. Шундан сўнг, омбур дастакларини маҳкам сикиб, тиш ўрнидан дастлаб лунж, кейин тил томонга, яна лунж ва тил томонга бир неча маротаба силжитилади. Тиш илдизлари ўрнидан силжиганидан сўнг суғуриб олинади.

Тиш илдизларини олиш (омбурлар, элеваторлар ва бормашина ёрдамида). Олинган тиш катагига ишлов бериш ва парваришилаш

Тож қисми емирилган тишларини олиш ҳам осон, ҳам қийин. Агарда илдиз атрофидаги суяқ паталогик жараён натижасида емирилган ва сурилган бўлса, ундай илдизни олиш осон. Илдизлар чукурда синган, атрофдаги суяқ қалин ва қаттиқ бўлса, уларни олиш катта қийинчилик туғдиради.

Илдизлар маҳсус омбурлар билан олинади. Юқори жағларнинг илдизлари одатда тўғри, S шакли ёки найзасимон, ишчи юзаси тор, учлари жипсланувчи омбурлар ёрдамида олинади. Пастки жағдаги илдизлар қирраси бўйича эгилган, тумшуксимон, юзаси тор, учлари жипсланувчи омбурлар билан олинади. Альвеоляр ўсиқ ва милкидан чикиб турган якка илдизларни олишда тиш олиш операциясида ёзилган тартибдаги ҳаракатлар бажарилади. Дастрлаб, олинаётган илдиздан айланана боғлам ва милк атрофлича чукур килиб ажратилади. Омбур дастаклари керилиб, милк тагига илдиз ўқи бўйича чукур киритилади. Шунда омбур учлари альвеоляр ўсиқни ҳам қисман қўшиб ушлаши ва илдизни маҳкам сиқиши ва ўрнидан силжитиш учун яхши ричаг ҳосил қилиши керак, акс

холда илдизнинг юкори қисми синиб, яна калталашади. Аста - се-кин тебранувчи ҳаракатлар килиб илдиз жойидан силжитилади, боғламлари узилганидан сўнг суғуриб олинади.

Юкори жағдаги тишларининг илдизини олиш.

Юкори жағдаги олд тишлар илдизини олаётганда айланма ва тебратувчи ҳаракатлар килинади. Иккинчи кичик озиқ тиш илдизини олаётганда худда шундай тебранма ва айланма ҳаракатлар алмасиб бажарилади. Агарда биринчи кичик озиқ ва катта озиқ тишлар илдизлари ажралган холда бўлса, ҳар бирига алоҳида омбур солиниб олинади. Илдизлар бирлашган бўлса, уларни бормашина ёрдамида бир-биридан кесиб ажратилади ва ингичка учли найзасимон омбур ёрдамида айланма ҳаракатлар бажарип олинади.

Биринчи кичик озиқ тишни бир-биридан ажралмаган илдизларини олаётганда эҳтиёт бўлиш керак. Омбурни солиб керакли даражада альвеоляр ўsic суюги ва илдизларни сиқиб олгандан сўнг биринчи тебратувчи ҳаракат лунж томонга кейин танглай томонга бажарилади.

Катта озиқ тишларининг илдизлари ажралмаган бўлса, найзасимон учлари сербар омбурнинг бир учини танглай илдизига, иккинчи учини икки лунж илдиз орасига ёки илдизларнинг бирига қўйиб аста лунж ва танглай томонга тебратиб илдизлар жойидан силжитилади. Олаётганда илдизлар бир-биридан ажралиб кетса, ҳар бири алоҳида айланма ҳаракатлар билан суғирилади. Катта озиқ тишлар илдизларини омбур ёрдамида олиб бўлмаса, бормашина ёрдамида тиш каваги туби думалоқ бор билан тешилади, фиссур бор билан орасидаги тўsic кесилади ва танглай илдиз, лунж илдизлардан ажратилади. Кесилганда ҳосил бўлган оралиқка тўғри элеватор уни киритилиб дастагини айланма ҳаракат билан илдизлар ажратилади. Элеватор дастагини лунж томонга суриб танглай илдизини ўрнидан силжитилади ва найзасимон омбур билан сиқиб суғуриб олинади. Лунж илдизлар найзасимон омбур билан қийинчиликсиз суғуриб олинади.

Учинчи катта озиқ тишнинг илдизлари одатда бир-бирига ёпишиб кетган бўлади. Уларни олиш найзасимон омбурда осон бажарилади.

Пастки жағ тишилари илдизларини олиш

Пастки жағнинг кесув тишиларининг илдизларини олиш тож кисми сақланиб қолган тиши олишдек бажарилади. Фарқи илдиз атрофидаги сүяк кисман қўшиб ушланади ва сикканда синдириб олинади.

Кичик озиқ тиши одатда узун ва йўғон бўлади, илдизини олаёт-ганда сербар лунжли омбур ишлатилади. Илдиз сүяк билан қўшиб сиқилади, олдин лаб кейин тил томон тебратувчи ва енгил айлана ҳаракатлар бажарилиб ўрнидан силжитилади ва сугуриб олинади.

Пастки жағда катта озиқ тишиларининг илдизини олиш анча кийин, чунки ўраб турган қалин сүяк омбурни миљ тагида чуқур киритишга йўл бермайди. Сүяк қалинлигидан омбур лунжлари сапчиб кетади ва илдизни сиқиб ушлаб бўлмайди.

Факат илдизлар атрофидаги сүяк емирилган бўлса, уни юпқа эгилган элеватор ва бошқа асбоблар ёрдамида илдизларининг бири чикариб олинади, кейин иккинчиси қўпориб ташланади.

Агарда илдизлар бир-биридан ажралмаган бўлса, омбурни бир (мустаҳкам ўтирган) илдизга солинади ва олдин тил кейин лунж томонларга тебратиб сугуриб олинади. Айрим ҳолларда иккинчи илдиз қўшилиб чиқади. Илдизлар орасидаги тўсик қалин бўлса, факат бир илдиз чиқади. Иккинчисини олиш учун бурчакли элеватор ёрдамида тўсик синдирилиб илдиз ҳам чикарилади.

Учинчи катта озиқ тишининг вертикал жойлашган илдизлари ни олиш катта қийинчилик туғдирмайди. Одатда бундай илдизлар текислиги бўйича эгилган омбур ёрдамида олинади. Жойлашиши бўйича ётиқ ёки горизонтал илдизни олиш мураккаб бўлади.

Тўғри элеватор ёрдамида тишиларини олиш.

Тишиларини олишни ишлатишганда омбур билан олишнинг иложиси бўлмайди. Чунки омбурни чуқур киритаман деб миљ йиртилади. Тиши каттагининг четларига катта жароҳат етказилади, шунга қарамай илдизни ушлаш қийин бўлади ва олин- маслиги ҳам мумкин. Шундай ҳоллар элеваторни ишлатишга кўрсатма бўлади. Элеватор ёрдамида пастки учинчи озиқ тиши ва катордан ташқарида жойлашган бошқа тишиларни олиш мумкин.

Тўғри элеватор билан тишиларини олиш услуби.

Тўғри элеватор ёрдамида одатда юкори жағдаги тиши илдизлари олинади. Бемор тиши олинадиган ҳолатда креслога ўтказилади,


жарроҳ рўпарада туради. Ўнг қўлга элеваторнинг дастасини сиқиб ушлайди, кўрсаткич бармокни ўтувчи кисмига қўяди, чап қўлнинг икки бармоғи билан олинаётган илдиз рўпарасидаги альвеоляр ўсиқ икки томонидан сиқиб олинади ва элеватор сапчиб чиқиб кетишининг олди олинади. Элеватор учи олинаётган илдизга ва катакча девори орасига киритилади. Ишчи кисмининг ботик томони илдизга, дўнг томони катакча деворига қаратилиши керак. (Расм – 47).



Расм – 47

Дастакка босиб асбоб учи ичкарига-юкорига киритилади ва бир вактда ўз ўки атрофика ярим айлана ҳаракатлар бир ўнгга бир чапга килиб қайтарилади. (Расм – 48)


Бу ҳаракатлар натижасида илдизни ушлаб турган бойламлар кисман ўзилади, илдиз қарши томонга суриласди. Элеватор учи 4-5 мм ичкарига киритилиб ёнга ричагсимон ҳаракатлар билан илдиз чиқариб олинади.



Расм – 48

Юкори жағ тишелар илдизини олиш учун тұғри элеваторлардан фойдаланиш: олинаёттан тиш илдизи ва тиш катақчасига девори орасига элеваторнинг уч қисми тираб киритилади ва илдизни силжитишига ҳаракат қилинади. Элеватор танглай, кейин, ён тарафлардан солинади. Илдиз силжиганидан сүнг элеватор яна-да чукуррек киритилиб илдиз күпориб чикарилади.

Элеваторлардан фойдаланиб, юкори жағнинг кичик ва катта озик тишелар илдизини олаёттанды уларнинг ўзига таяниб бўлмайди. Кўпол ва ортиқча ҳаракат қилинса, илдизларни юкори жағ бўшлиғига киритиб юборилиши мумкин.



Расм – 49

Тұғри элеватор ёрдамида юкори жағнинг тұлық чиқмаган 8 тишини олиш мумкин. (Расм – 49)

А) Дастреб чизмада кўрсатилган шаклда сүяккача кесма ўтказилади

Б) Юмшоқ тўқималар сүяқдан ажратилиб тишининг тож қисми очилади.

С) тишининг тож қисми бормашина ёрдамида очилади.

Д) Тұғри элеватор учи тишелар орасига киритилиб олдидағи тишелар илдизига таянган ҳолда орқага ва пастга қараб силжитилади. Силжитиши жараёни қайта-қайта қилиниб элеватор учи ичкарига киритилади. Бир неча ҳаракатдан сүнг тиш катақчадан тұлық чиқади. Юмшоқ тўқималар ўрнига қайтарилиб жойлаштирилади.

Ричаг прииципи



Расм - 50

Пастки жағ учинчи озиқ тишлиарини элеватор ёрдамыда олиш

Айрим вақтда тишини омбур билан олиш имконияти бўлмайди. Жумладан, тишининг тож қисми йўқ ёки тўлик чиқмаган бўлса, горизонтал жойлашиб олдиндаги тишига тириалиб қолса ва бошқа шўнга ўхшаш холатларда элеваторлардан фойдаланиш учун ричаг принципи ишлатилади. (Расм – 50).





Расм - 51




Расм - 52

Расм - 53



Расм - 54



Расм - 55


Тұлық чиқмаган ва әнгәшиб олдиндаги тишка тиравиб жойлашган 818 тишини олиш.

- А) Олинаётган тишининг проекциясида альвеолар үсікнинг киррасидан шиллик қават сүяккача кесилади ва олдиндаги икки тишининг лунж томонидан давом эттирилади. Сүяк усти пардаси ажратилиб четга сурилади. Расм – 52.
- Б) Бормашина ёрдамида олинаётган тишиларининг тож кисми атрофидаги сүяк олиб ташланади. Олинаётган тиши тож кисмининг тағида элеваторнинг учини киритиш учун жой очилади. Расм – 53.
- В) Тұғри элеватор учи сүякда очилған жойга киритилади ва тишини үрнидан силжитиш учун чизмада күрсатылған ричаг принципидаги ҳаракаттар бажарылади.
- Г) Тиши олинганидан сүңг катақча тозаланиб юмшоқ тұқималар жойига қайтарилиб чок қўйилади (расм – 55).
- а) Агарда олинаётган тиши чуқур жойлашган бўлса, бормашина ёрдамида атроф очилади. Тож кисмини вертикаль кесиб тушиб, бўлаклар алохига элеватор ёрдамида чикариб олинади. Расм -54.
- б) Тож кисмини кесиб тушгандан сүңг элеватор ёрдамида тишини силжитиш қийин бўлса, унда тож кисми олиб ташланади ва илдиз учи бўлакларга ажратылади ва ҳар бири алохига чикариб олинади.
- в) Тиши хам чуқур ва горизонтал ётиб қолган бўлса, уни бир неча бўлакларга ажратиб олган мақсадга мувофиқ бўлади.

Эсингизда бўлсин, элеватор ишилатаетганда эҳтиёт бўлинг. Керагидан кўп ишилатилган куч жағе сиягининг синишига олиб келади.

Эгилган (бурчақли) элеватор билан илдизларни олиш.

Пастки жағнинг катта озиқ тишилари илдизини омбурда олиш қийин бўлади. Чунки илдизлар ён томонидан қалин ва қаттиқ компакт сүяк орасида жойлашади. Шундай ҳолатда илдизларнинг учини эгилган элеватор ёрдамида олиш тавсия этилади.



Расм - 56

А) Катта озик тишининг тож кисми бўлмаса, илдиз элеватор ёрдамида бифуркациядан ажратилади. (Расм - 56).

Б) Дистал илдиз ёнидан ўткир учли элеватор сүякка тираб киритилади ва дастагини олди ва орқага айлантириш ҳисобига илдиз ўрнидан силжитилади ва чиқарилади.

В) Иккинчи илдизни чиқариш учун илдизлар орасидаги тиш катакчасининг тўсиги ярмигача синдириллади ва шундан сўнг илдиз ўрнидан силжитилади ва чиқарилади.

Бир вақтда бир нечта тишлар олинганда орасидаги тўсиқлар туртиб чиқиб колади. Туртиб қолган тўсиқ ва тиш катакчаси қирраси резекция килинади ва бир текисда силликланиб милк тикилади.



Расм - 57

Бормашина ёрдамида тиш илдизларини очиш ва олиш.

Илдиз қийшиқ, учи гиперцементоз ёки аномалия шаклида бўлса, олаётганда синиб қолади. Жароҳат натижасида ҳам илдиз синиши мумкин. Илдиз учи бундай ҳолларда тиш каттаги тубида (чукурда) бўлади. Юкорида келтирилган усуллар билан бундай илдизларни олиб бўлмайди. Илдизни бормашина ёрдамида очиб олиш катта операция ҳисобланади. Уни бошлашдан олдин керакли асбобларни тайёрлаш зарур.

Илдиз ва тишларни бормашина ва исказа ёрдамида олиш учун борлар ва асбоблар намунаси расмда келтирилган (Расм – 58).



Илдизни суяк ичидан олиш операцияси бир неча боскичдан иборат

1. Илдиз олинадиган соҳада асоси ўтув бурмага қаратилган кенг трапеция шаклидаги шиллик қават ва суяк усти қобиги суяк-кача кесилади ва лахтак ажратилиб, пастга сурилади
2. Бормашина ёрдамида думалок борлар билан жағ суюгининг ташқи кортикал пластинкаси илдиз рўпарасида доира қилиб тешилади. Улар бир - бирига фиссур бор билан бирлаштирилиб, илдиз тўлиқ очилгунча суяк кесиб олинади.
3. Бурчақли элеватор ёрдамида (юкорида келтирилган услубда) илдиз ўрнидан кўзғатилади ва чиқариб олинади.
4. Суяқдаги ўткир кирралар текисланиб лахтак жойига тикиб қўйилади.

Тиш олингандан сўнг ярага ишлов бериш ва парваришлаш

Тиш суғуриб олингандан сўнг уни кўрикдан ўтказиш керак - илдизлари бутун чиқканми? Бўлинниб чиқкан илдизлар ўрнига қўйилиб, майда бўлаклар қолиб кетмаганлигига ишонч ҳосил килиш керак. Шундан сўнг тиш катакчаси текширувдан ўтказилади-патологик гранулацион тўқима, гранулёма тўқималари, суяк парчалари қириб тозаланади.

Аҳамият бериб илдиз катакчаси девори кўрикдан ўтказилади, четлари синган бўлса, суяк қобифидан ажратилиб олиб ташланади. Илдиз оралиғидаги тўсик туртиб чиқиб қолган бўлса, синдириб чиқариб олинади. Бир нечта тиш баробар олинган бўлса, суякнинг бўртиб турган кирралари қисқич ёрдамида кесиб текисланади. Бор ёрдамида ёки ўткир хирургик қошикча билан ўткир кирралар силлиқланади. Албатта бармоқ учи билан пайпаслаб шиллик парда тагида ўткир кирралар йўклигига ишонч ҳосил қилинади. Тиш ола-ётганда илдиз каттаги деворлари ташқари ва ичкарига йирилиб, оғзи кенг бўлиб очилади. Уларни яқинлаштириш мақсадида салфетка қўйиб, альвеолар ўсиқни икки томонидан сиқиб келинади ва яқинлаштирилади. Шиллик қават бир-бирига яқинлашса, бир нечта чок қўйилади.

Тиш олаётганда атроф тўқималарнинг қон томирлари узилади ва бир оз қон кетиши кузатилади. 3-5 дақиқадан сўнг қон тўхтаб, катакча қон билан тўлади. Ивиб қолган қон катакчани яллиғланишдан асрайди. Катакча конга тўлмаса, уни йодоформли дока билан зичламасдан тўлдириш керак. 5-7 кундан сўнг олиб ташланади.

Тиш катакчасидаги ивиб қолган қонни эҳтиёт қилиш мақсадида беморга 3-4 соат давомида оғизни чаймаслик, овқатланмаслик, бармоқ билан тегмаслик тайинланади. Шу куни оғир жисм.оний ҳаракатлар ва иссиклик муолажалари қилинмаслиги шарт.

Тиш олиш жараёни маҳаллий тўқималарнинг жароҳати билан кечади ва анестезия тарқалганидан сўнг оғриқ сезила бошлайди, айримларда кучли, тарқалувчан ва давомий бўлади. Бундай ҳолларда анальгетиклар тавсия қилинади.

Беморга оғиз бўшлигининг тозалигини сақлаш уқтирилиши керак. Кун давомида овқатлангандан сўнг 2-3 марта калий перманганат эритмаси 1:3000 ёки 1-2% натрий гидрокарбонат эритмаси билан овқатдан сўнг ва тунги уйқудан олдин оғизни чайиш тавсия

қилинади. Тишларини чўтка билан ярага теккизмасдан тозалаш тавсия қилинади.

Тиш олингандан сўнг яранинг битиши.

1. Олинган тишнинг ўрни одатда иккиламчи биттади. Тиш олингандан сўнг катакчанинг қарама-қарши томондаги милки яқинлашиб бирикади. 3-4 кундан сўнг катакчада ивиган қондан грануляцион тўқима ҳосил бўлиб 14-15 кунда етилган грануляцион тўқимага айланади ва суяклаша бошлади. Суякланиш жараёни 1-4 ой давом этади. Шу жараён билан бир вақтда катакча қиррасидаги суяқ қисми сурилиб кетади.

Тиш олинган вақтда катакча қон билан тўлмаган бўлса, грануляцияли тўқима суякнинг ўзидан ҳосил бўлади ва тубидан юқорига қараб тўлиб чиқади. Аста секин милк яқинлашиб катакчадаги грануляцияли тўқима остеоид тўқимага ўтади ва суяклашади. Тиш олиш жараёнида атрофдаги тўқималарга катта шикаст етказилган бўлса, битиш жараёни анча узаяди.

Тиш олаётганда рўй бериши мумкин бўлган маҳаллий асоратлар

Тиш олиш операцияси давомида бир қанча умумий маҳаллий асоратлар келиб чиқиши мумкин.

Умумий асоратлар бехушлик, ўткир кон томир етишмовчилиги; айрим ҳолларда – шоқ ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳолатларга тушишнинг асосий сабаби жарроҳлик хонасидаги муҳит, операциядан олдин беморнинг ҳаяжонланиши ва кўркиши натижасидаги руҳий зўрикиш бўлиши мумкин: айрим ҳолларда етарли даражада бўлмаган оғриқсизлантириш. Ҳаммаси биргаликда нейрорефлектор равишда гемодикамика ва микроциркуляциянинг бузилишига олиб келади. Бу ҳолатларда юқорида келтирилган тезкор реанимация тадбирлари ўтказилади.

Маҳаллий асоратлар

Тишнинг тож қисми ёки илдизи синиши энг кўп учрайдиган асорат. Сабаблари: 1) кариес натижасида тиш катта қисмининг емирилиши ва ўтказилган даволардан сўнг мўрт бўлиши 2. Ингичка, узун, ҳар тарафга қийшайган илдизлар 3. Илдиз атрофи суяқ тўқимасининг (тиш катакчаси деворларининг, илдизлар оралиғидаги тўсиқнинг) қалинлиги. 4. Тиш олиш техникаси тўғри бажарилмаслиги, (омбурнинг ишчи қисми ўки илдиз ўки билан

мос тушмаслиги, омбур ва элеватор түғри танланмаганлиги, қерагидан қаттық кисиб олиниши ва бошқалар) сабаб бўлади.

Синган тиш илдизи (айниқса ўткир яллиғланишга сабаб бўлаётган бўлса) шу куниёк албатта олиб ташланиши шарт. Қолдирилган илдиз эртами, кечми яллиғланиш чақириши мумкин. Фақат айрим ҳолларда операция 7-10 кунга кечиктирилиши мумкин.

Илдизларни элеватор билан олаётганда таянч нуқтаси түғри танланмаса, ёнидаги тиш чиқарилиб юборилиши мумкин. Тиш тўлиқ чиқиб кетса реплантация, нотўлиқ чиқса репозиция қилиниб, жойига кўйиб маҳкамланади.

Тиш олиш техникасининг кўпол бузилиши натижасида милк ва жағ атрофидаги юмшоқ тўқималар шикастланиши мумкин. Сабаблари:

1. Тиш атрофидаги айлана боғлам тўлиқ ажратилмаганлиги.

2. Оғиз яхши очилмаган ва яхши ёритилмаган ҳолда тиш, ёки илдизни кўрмасдан, омбурнинг кисувчи қисмини тўқималарга чукур киритилиши.

3. Милк суюқдан кенг ажратилмасдан, омбур қисувчи қисмлари альвеоляр ўсиқ устидан чукур киритилиши.

4. Лунж, танглай, тил ости, ва тил тўқималарига омбур ёки элеваторни сирғалиб кетиши натижасида санчилиши.

Бу асоратларнинг олдини олиш учун:

- 1) Тиш атрофидаги айлана боғлам ва милкнинг тўлиқ ажратилганини текшириб кўриш.
- 2) Оғиз очилишини маҳаллий оғриқсизлантириш (Берше Дубов усули билан) таъминлаш. Етарли ёруғлик тушириш, омбур ишчи қисмини тўғри ўрнатилганилигига, юмшоқ тўқима қисилмаганлигига ишонч ҳосил қилиш.
- 3) Омбур билан илдиз олиш режалаштирилганда, альвеоляр ўсиқ ва жағ танасидан милк ва суюқ қобиғини кенг ажратиш.
- 4) Тиш ёки илдизни олаётганда омбур ва элеваторни ўрнидан сирғалиб чиқмаслиги учун бармоқлар билан атрофидаги тўқималарни ҳимоялаш.

Милк ва юмшоқ тўқималар зааралangan бўлса, қон тўхтатилади, қаттиқ эзилган тўқималар кесиб ташланади, қолганлари сиқиб яқинлаштирилади ва чок қўйилади.

Альвеоляр ўсиқнинг қисман синиши.

Омбур чукур киритилиб, тиш суғирилаётганда атрофдаги сүяк қисман синиби чиқади. Бу ҳол одатда яра битишига таъсир этмайди. Расм – 59

Айрим ҳолларда периодонтал оралиқдаги яллиғланиш сүяк ҳосил бўлиши билан тугайди, натижада илдиз катаги билан ёпишиб кетади. Шундай тишни олаётганда альвеоляр ўсиқнинг бир қисми синиши мумкин. Одатда сүяк бўлаклари олинаётган тиш билан бирга чиқади.

Чиқмай қолса, бўлак атрофидаги юмшоқ тўқималардан ажратилиб, олиб ташланади. Сүяк ўткир кирралари текисланади.

Кўпинча юқори жағнинг учинчи катта озиқ тиши олинаётганда альвеоляр ўсиқ жағнинг бўртмаси билан бирга синиби чиқади. Бундай ҳолда сүяк ўткир кирралари текисланиб ярага чок кўйилади.

Катта озиқ тишлигини олаётганда, катта куч ишлатилса, альвеоляр ўсиқ ёнидаги бир нечта тишлир билан биргаликда синиши мумкин. Бўлак, атрофдаги юмшоқ тўқималардан узилмаган бўлса, жойига қайтариб маҳкамланиши мумкин.



Расм – 59

Пастки жағнинг чиқиши.

Тиш олаётганда кам учрайдиган асорат. Пастки катта ва кичик озиқ тишлигини олаётганда катта одамларда жағнинг чиқиши юзага келиши мумкин.

Жағнинг чиқиши, одатда тиш олинаётган томонда кузатилади. Айрим ҳолларда икки томонлама чиқиш кузатилади. Жағ чиқиб кетганини бемор дарҳол сезади-офиз катта очилиб, жағ соғ томонга сурилиб кетади. Оғиз ёпилмайди. Икки томонлама чиқса – жағ олдинга сурилиб, оғиз катта очилиб қолади. Оғиз юмилмайди. Бундай

холат юзага келмаслиги учун тиш олаётганда чап қўл бармоқлари билан пастки жағни керақли холатда ушлаб туриш керак.

Пастки жағнинг синиши.

Кам учрайдиган асорат. Пастки жағ учинчи ва иккинчи катта озиқ тишиларини элеватор ёки исказа билан олаётганда катта куч ишлатилса юзага келади. Бу асоратнинг юзага келишига суюкдаги патологик ўзгаришлар (радикуляр ёки фолликуляр киста, амелобластома, сурункали остеомиелит, ёки кексалик давридаги суюк атрофияси) омил бўлади.

Заарланган тўқималарнинг, жағ оғриғи, оғиз очилиши кийинлиги, тиш олиниши билан боғланади. Рентгенологик текширув натижасида жағ синганлиги аниқланади.

Юқори жағ бўшлиғи тубининг тешимиши

Катта ва кичик озиқ тишиларини олаётганда учрайди. Сабаблар:

1. Тиш илдизи юқори жағ бўшлиғи тубига жуда яқин ёки ичига кириб туради, айниқса юқори жағ пневматик типда тузилган бўлса бўшлиқ катта бўлиб, тишилар илдизидан 0,2-1 мм калинликдаги суюк пардаси билан ажралиб туради.
2. Илдиз учидаги сурункали патологик жараён юқори жағ бўшлиғи тубини ҳосил қилган суюкни емиради ва шиллик парда билан бирикади. Тиш олинса, юқори жағ бўшлиғи шиллик пардаси узилиб чиқади ва туви тешилади.
3. Шифокор айби билан. Тиш олиш техникаси қўпол бузилиши натижасида илдизни ушлайман деб омбур билан ситиб бўшлиқка киритиб юбориш, исказа билан ёки элеватор билан илдизларни ажратадиганда кокиб киритиб юбориш.
4. Илдиз катакчасида колган грануляцион тўқимани тозаланаётганда асбоб билан бўшлиқ тубини тешиб қўйиш.

Юқори жағ бўшлиғи туби тешилганлиги белгилари:

- 1) Олинган тиш катакчасидан қон, ҳаво пуфакчалари билан чиқиши
- 2) Бурунни сикиб, пулланганда тиш катакчасидан шувиллаб ҳаво ўтиши.
- 3) Хирургик зонд ёки қошикча катакча тубидан каршиликсиз юқори жағ бўшлиғига ўтиши.
- 4) Тиш олинганидан сўнг энгашганида бурундан қон кетиши
- 5) Олинган тиш катакчасидан йиринг келиши.

Юкори жағ катта ва кичик озиқ тишларини олаётганданда биронта илдиз йўқолиб қолса ва юкори жағ бўшлиғи тешилганига хос белгилар аникланса, албатта рентгенологик текширув ўтказиб аниклаш лозим. Йўқолган илдиз юкори жағ бўшлиғида, бўшлиқ шиллик пардаси остида ёки киста ичидаги бўлиши мумкин.

Юкори жағ бўшлиғи тешилгандан, яллиғланиш аломатлари бўлмаса тиш катақчасининг қон билан тўлиб, ивишишини таъминлашга қаратилган тадбирлар бажарилади: йодоформли дока катақча устига бостириб кўйилади ва атрофдаги тишларга боғланади, тез қотувчи пласгмассадан каппа ясалади ва тақилади, беморнинг ўзида олиб қўйилувчи протез бўлса, шу билан бостирилади, катақчада қон ивиши суст бўлиб қонга тўлмаса ичига йодоформли дока юза киритилиб атрофидаги шиллик қаватга чок билан маҳкамланади ва бир ҳафта шу ҳолатда ушланади.

Юкори жағ бўшлиғи туби тешиги катта бўлиб атрофдаги тўқималар заарланган бўлса беморни жарроҳлик стоматология бўлимига тезкор равишда юбориш керак.

Пастки альвеоляр нерв невропатияси шу нервнинг суюк ичидаги каналда жароҳатланишидан келиб чиқади. Пастки жағнинг катта озиқ тишларини илдизлари пастки альвеоляр нерв каналига жуда яқин келади. Сурункали периодонтит оқибатида канал дөврлари емирилиб кетади. Шундай тишларини олаётгандан айниқса элеватор ёрдамида нерв жароҳатланади, оқибатда қисман ёки тўлиқ фаолияти бузилади: жағ оғрийди, пастки лаб ва даҳан соҳасида сезувчанлик бузилади. Тишлар сезувчанлиги ва пульпанинг электр қўзғалувчанлиги пасаяди.

Бу асоратнинг олдини олиш учун тиш олиш техникасига тўлиқ амал қилиш ва жароҳатлантирмаслик лозим.

Тиш суғирилганидан сўнг кузатиладиган асоратлар

Тиш суғиргандан сўнг бўладиган асоратлар ичидаги тўлиқи - қон кетиши. Бу асоратнинг сабаблари маҳаллий ва умумийга ажратилади.

Маҳаллий сабаблари:

- 1) Тиш суғирилгандаги атрофдаги тўқималарнинг шикастланиши (йиртилиши, тўқималарнинг юлиб олиниши, тиш катақчаси тубини чукур кюретаж қилганда томирларнинг ўзилиши)
- 2) Альвеоляр ўсиқнинг қисман синиши ёки илдизлар орасидаги тўсиқ суягининг синиши

3) Беморнинг интизомсизлиги - олинган тиш катақчасига тили билан ёки бармоқ билан тегиши, қон чиқса, сўриб катақчадаги ивиган қонни силжитиб, жойидан чиқариш.

Умумий сабаблар:

қон ивиш тизимининг бузилиши, қон касалликлари, гемофилия, қон босим касаллиги, жигар касалликлари, С гипоавитаминози, нурланишдан сўнгги ҳолат, антикоагулянтлар ичидан турган даврда.

Қон кетиши тиш суғирилганидан сўнг тўхтамасдан давом этиши ёки 3-4 дақиқада тўхтаб, бир неча соатдан сўнг яна қайта кетиши мумкин. Қон кетиши сабабидан қатъий назар, узок давом этса, йўқотилган қон миқдори bemorning умумий аҳволига салбий таъсир этади. Бемор ўзини ноҳуш сезади, бўшашади, боши айланади, ранги окаради. Пульси тезлашиб, қон босими тушади. Тиш катақчаси қон қуйқаси билан қопланишига қарамай тагидан қон кетаётгани кўринади.

Қон тўхтатишнинг маҳаллий усуслари

Маҳаллий оғриқсизлантириш остида, тиш катақчаси эҳтиётлик билан хирургик кошиқча ёрдамида тозаланади, куритилади ва қон кетиши сабаблари ва соҳаси аникланади. Қон катақча тубидан ёки милкдан кетиши мумкин. Кўпинча шиллик пардадан артериал томирдан қоннинг отилиб чиқишини кузатиш мумкин. Бундай ҳолларда қон кетишини тўхтатишнинг икки усули қўлланилади - юмшок тўқималарга чок қўйиш, зарурати бўлса, альвеоляр ўсиқдан суяқ усти пардасини (суяқ қобигини) ажратиб, яқинлаштириб тикилади. Майда қон томирларда қон кетаётган бўлса, электроқоагуляция қилинади. Катақча деворларидан ёки илдизлар орасидаги тўсиқдан қон кетаётган бўлса, найзасимон ёки крампон омбур билан эзиб сиқиласди.

Катақча тубидан келаётган қонни тўхтатиш учун эни 0,5-0,75 см. бўлган йодоформ шимдирилган пилик уни катақча тубига киритилади ва зич қилиб тахланади. Агарда икки ёки уч илдизли тиш олинган бўлса, ҳар бир катақча алоҳида тампон билан бостирилади. Тампон тушиб қолмаслиги учун тиш каваги атрофидаги бир нечта чок қўйиб, яра чети яқинлаштирилади ва устидан бир асептик тампон қўйиб тишлатилади, 15-20 дақиқадан

сүнг, қон тұхтатилғанлығыга ишонч ҳосил қилингач, олиб ташланади.

Тиш катақчасидан кетаётған қонни тұхтатиши учун пиликни қон тұхтатувчи бошқа препаратлар билан ҳам шимдириш мүмкін. Масалан тромбин, гемафобин эритмаси, эпсилон-аминокапрон кислота, «Катрофер». Булардан ташқари ярада сүрилувчан биологик препаратлар - одам конидан қыланаған гемостатик губка, фибрин плёнка, ҳайвон кони ва тұқынмаларидан - гемостатик коллаген губка, желатин губка «Кровостан» гентамицинли ёки канамицинли антисептик губка ва бошқалар ишлатилиши мүмкін.

Қон кетишини тұхтатиши учун ивиш тизимиға таъсир этиш.

Кетаётған қонни бевосита катақчада тұхтатишиң қаратылған табдирлар билан бир вактда, ивиш тизимиға қаратылған табдирлар ҳам үтказилади. Қон күп йүкотилиб тұхтамаётған бўлса, вена ичига 10 мл. 10% кальций хлорид ёки 10 мл. 10% кальций глюконат эритмаси, 2-4 мл 5% аскорбин кислотаси юборилади ва бемор стационар бўлимига ёткизилиб бошқа керақли муолажалар коагулограмма кўрсаткичлари асосида үтказилади. Қон босимни юкори бўлган беморларга маҳаллий табдирлар билан бир вактда босимни туширишига препаратлар қилиниши керак.

Қон кетишининг олдини олиш.

Биринчи навбатда анамнезни түлік йиғиши ва илгари ҳам ҳар хил сабабларга кўра қон кетиши кузатылғанлыгини аниклаш. Шубха бўлса, қон таҳлилини қилиш, қонаш ва ивиш вактини, тромбоцитлар миқдорини аниклаш, зарурат бўлса, коагулограмма қилиш. Физиологик меъёrlардан фарқ қиласа, мутахассислар билан маслаҳат ва тайёрлов үтказиб, сүнг тиши олиш. Асоратлар орасида энг нохуши, олинган тиши катақчининг қон билан тўлмаслиги. Бундай ҳолат анестетик адреналин билан юборилганида кузатыллади. Тиши олиш операцияси узок давом этиб, сұяқ жароҳатланса, унинг устига катақча қон билан тўлмаса альвеолитга мойиллик ошади. Тиши олгандан 2-3 суткадан сүнг, яллиғланиш бошланади. Альвеолитнинг етакчи белгиларидан бири - оғриқ. Оғриқ узок давом этиб уч шохли нерв толалари бўйлаб тарқалади ва беморга азоб беради.

Бундай шикоят билан мурожаат қилган беморнинг оғиз бўшлиғи кўрилганда, олинган тиш соҳада шиллик парданинг шиши ва қизариш аломатлари, катакча атрофида яллигланиш жарёни кузатилади. Катакчани тўлдириб турган қора-кулранг қон қўйқасининг чириши натижасида оғиздан бадбўй ҳид келиши мумкин, айрим ҳолатларда тиш катакчаси бўш бўлиб деворлари кулранг караш билан қопланган бўлади. Регионар лимфа тугунлар катталашиб, тана ҳарорати 37,5-37,8°C гача кўтарилади.

Даволаш:

1. Тиш катакчасини овқат қолдиқлари, чириган қон қўйқасидан ва бошқа ёт моддалардан илиқ фурацилин эритмаси билан ювиб тозалаш.
2. Катакчага асептик малҳамларни қўйиш (оксиқоль, диоқсиқоль, солкосерил, полимиксин, метрогил дёнта ва бошқалар)
3. Тиш катакчасини ювиб, ичига антисептик, аналгетик, антигистамин ва ферментлардан ташкил топган маҳсус малҳамлар киритилади.
4. Яллигланишга қарши умум таъсир этувчи сульфаниламид ва антибактериал ва антигистамин препаратлар тайинланади.
5. Физиотерапевтик муолажалар (магнит майдони, ультрабинафша ва лазер нурлари) ўтказилиади
6. Юқоридаги тадбирлар ўтказилишига қарамай 7-8 кундан сўнг сезиларли ўзгариш бўлмаса, тиш катакчаси ревизия қилинади. Фақат тагида ётган чириган тўқималар қириб олинади, катакча деворларидағи иккиламчи грануляцион тўқима сақланиши шарт, суяқ яланғочланса, остеомиелит ривожланади.

Тиш катакчаси остеомиелити.

Бемор умумий ҳолсизлик, кучли бош оғриқ, тана ҳароратининг 37,6-37,8°C кўтарилишига, бутун бадан титраб-қақшаб оғришига, уйку бўзилгандигига, ишлаш кобилияти йўқолганига шикоят қиласи. Олинган тиш катакчасидаги кучли оғриқ атрофдаги соғ тишларга ҳам таркалади.

Тиш катакчаси ичи бўш бўлиб, деворлари ифлосланган ва ичидан бадбўй ҳид келади. Атроф шиллик пардаси қизарган, шишган, суяқ қобиги қалинлашган бўлади. Пайпаслаганда, шу соҳада альвеоляр ўсиқнинг вестибуляр ва орал томонларида ва ёндаги

тишлар соҳасида кескин оғриқ бўлади. Ён соғлом тишлилар перкуссияси оғриқ беради.

Жағ атрофидаги юмшоқ тўқималар шишади, лимфа тугунлар катталашиб, каттиқлашиб оғрийди. Агарда яллиғланиш пастки жағнинг катта озиқ тишилари катақчаларидан бирида бўлса, жараён чайнов мушакларига тарқалиб, оғиз очилишининг чегараланишига сабаб бўлади.

Даволаш: Ўткир даврда маҳаллий оғриқсизлантириш, тиш катақчасининг ревизиясидан (тозалашдан) бошланади, чириган тўқималар яхшилаб қирилади, антисептиклар билан ювилади ва антибактериал малҳамлардан бири шимдирилган пилик билан тўлдирилади. Суяк қобигида яллиғланиш кузатилса, унга 1,5-2,0 см. узунлигида суюккача кесма ўтказиб, резина чиқаргич колдирилади. Яллиғланишга қарши антибактериал десенсибилизация қилувчи дори воситалар ва физиотерапевтик муолажалар буюрилади. Ўткир давр 7-10 кун ўтганидан сўнг организмнинг резистентлигини ошириш учун умум қувватловчи ва иммунстимуляторлар буюрилади.

20-25 кундан сўнг тиш катақчаси паталогик грануляцияли тўқималар ва майда секвестрлардан тозалаб ташланади. Катақча ювилиб, қуритилади ва янгитдан йодоформ шимдирилган дока билан тўлдирилади. Тиш катақчаси тубида яхши янги грануляцион тўқима ҳосил бўлгунча ҳар 2-3 кунда пилик алмаштирилади.

Олинган тиш катақчаси четидаги ўткир қирралар шиллик пардани остидан шикастлаб оғриқ бериши мумкин. Одатда, ўткир қирра бир нечта ёнма-ён турган тишилар ёки узоқ вақт якка турган тиш олинганидан сўнг ёки суюкка катта шикаст етказиб тиш сугирилса ҳосил бўлади. Оғриклар тиш олинганидан 1-2 кундан сўнг бошланади. Чайнаганда ёки текканда оғриқ кучаяди. Бундай оғриқни альвеолитда кузатиладиган оғриқдан фарқлаш керак. Тиш катақчасидаги қон кўйкаси яллиғланмаган, пайпаслаганда ўткир қирра шиллик остида яхши сезилади ва оғриқ беради.

Даволаш: Оғриқни йўқотишнинг бирдан - бир йўли - альвеолэктомия операциясини ўтказиш. Маҳаллий оғриқсизлантириш остида ярим ой ёки трапеция шаклида шиллик парда суюккача кесилиб, лахтак ажратилади. Ўткир қирра исказа ёки кискич омбур билан бартараф қилинади ва ярага чоклар қўйилади.

5 БОБ. Юз-жағ соҳалари одонтоген яллиғланиш касалликлари. Периодонтитлар таснифи. Ўткир ва сурункали периодонтитнинг клиник кечиши Ўткир периодонтитни ташҳислаш ва даволаш. Периодонтит

Периодонтит (periodontitis) – периодонтал оралиқда жойлашган периодонт тўқимасининг яллиғланишидир. У инфекцион, травматик ва медикамёнтоз бўлиши мумкин. Инфекцион периодонтит оғиз бўшлиғида бўладиган ауто-инфекция периодонт тўқимасига тушганда ривожланади. Инфекция тиш чўққисидаги тешикдан, камроқ периодонтал оралиқ ва илдиз атрофидан тушади.

Травматик периодонтит бир марталик (зарб, лат ёйиш) йўткисида шикаст таъсирида ёки сурункали шикастлар (тиш тож қисмининг сунъий тиш, пломба билан кўтарилиб кетишида, заарли одатлар - тишларда михларни тишлаб, ипни тиш билан ўзиш, писта, ёнғоқ чакиши ва бошқалар) натижасида ривожланади. Периодонтит пульпитни даволаш жараёнида юзага келиши мумкин, бунда канал то-заланганда кучли таъсир этувчи дори моддалар ишлатилиши (медикамёнтоз периодонтит), шунингдек периодонтнинг доридармонларга аллергик реакцияси оқибатида пайдо бўлиши мумкин. Клиник манзара ва патологоанатомик ўзгаришларга кўра, И.Г.Лукомский периодонтнинг яллиғланиш касалликларини қўйидаги гурухларга ажратади.

1. Ўткир периодонтит

- a. Сероз (чегараланган ва тарқоқ (диффуз)*
- б. Йиғингли (чегараланган ва тарқоқ (диффуз)*

2. Сурункали периодонтит

- a. Грануляция ҳосил қилувчи (грануляцияловчи)*
- б. Гранулёматоз (гранулёма ҳосил қилувчи)*
- в. Фиброз.*

3. Ўткирлашган сурункали периодонт.

Ўткир периодонтит.

Ўткир периодонтит – бу периодонтнинг йўткир яллиғланишидир.

Этиологияси. Ўткир йиғингли периодонтитлар аралашган флора таъсири остида ривожланиб, бунда стрептококклар баъзан стафилококклар ва пневмококклар бўлади. Таёқчасимон шакллар (граммусбат ва грамманфий) анаэроб инфекция топилиши ҳам мумкин.

Патогенези. Периодонтда йўткир яллиғланиш жараёни биринчи марта инфекциянинг тиш илдизи чўққисидаги тешик ёки пато-

логик тиш-милк чўнтағи орқали кириб қолиши натижасида ривожланади. Периодонтит апикал қисмининг заарланиши пульпанинг яллиғланиши ва унинг некрозга учраганидан сўнг кузатилади, бунда тиш каналининг микрофлораси периодонтга илдиз чўққиси орқали тарқалади. Баъзан илдиз каналининг чириндилаи периодонтга чайнаш вақтида, овқат лукмаси босими остида тушиб қолади.

Маргинал ёки чекка периодонтит инфекциянинг милк чўнтағи орқали кириб қолиши оқибатида, шикастланиш оқибатида, милкка дори моддалар, шу жумладан мишъякли паста тушиб қолганда юзага келади. Микроблар периодонтал ёриққа тушиб, кўпайиб кетади, эндотоксинлар ҳосил қиласи ва периодонт тўқимасида яллиғланиши келтириб чиқаради. Баъзи бир маҳаллий хусусиятлар: пульпа камераси ва каналида ҳосил бўлган экссудатнинг ташқарига чиқа олмаслиги (пульпа камераси очик бўлмаганлиги ёки пломбалангандиги) натижасида периодонтда бирламчи ўткир жараён ривожланади.

Умумий сабаблар: организмни совук олдириш, кечирилган инфекцион ва бошқа касалликларнинг ҳам аҳамияти катта. Лекин кўпроқ микроблар ва токсингарининг бирламчи таъсиридан периодонт тўқималари ва организмнинг турли номахсус ва маҳсус реакциялари устун келса, ўткир инфекцион-яллиғланиш жараёни юзага келмайди. Аммо микроблар ва улар токсингарининг такрор ва такрор, баъзан узоқ вақт таъсир кўрсатиши сёнсебилизацияга олиб боради. Периодонтда турли хил ҳужайра реакциялари, натижасида сурункали фиброз, грануляцияловчи ёки гранулёмати периодонтит ривожланади. Ҳимоя реакцияларининг бузилиши ва микробларнинг қайта таъсири периодонтда ўткир яллиғланиш касалликларнинг ривожланишига ёки сурункали периодонтитнинг ўткирлашувига олиб келади.

Бирламчи - ўткир жараёнда ва сурункали периодонтнинг ўткирлашувида жараён периодонтда йирингли ўчоқ ривожланиши билан чекланади. У консерватив даво қилинганда илдиз канали, милк чўнтағи орқали ёки тиш олиб ташланса, ёки йирингли ўчоқ кесиб очилганда бартараф бўлиши мумкин.

Патологик анатомияси. Ўткир периодонтитда тўқимада кечаётган ўзгаришларнинг икки босқичини фарқлашади бири зардобли, иккинчи экссудатив жараён. Зардорбли босқичда турли хил ҳужайралар-макрофаглар, мононуклеарлар, гранулоцитлар ва

бошқаларнинг микроблар тўпланган зонага кўчиши юз беради. Экссудатив жараён босқичида яллиғланиш ҳодисалари зўрайиб боради, микроабсцесслар ҳосил бўлади, периодонт тўқимаси эриб кетиши содир бўлади ва йиринг шаклланади.

Микроскопик текширувда, ўткир периодонтнинг дастлабки босқичида илдиз атрофидаги периодонт гиперемияси, шишуви ва лейкоцитларнинг кичик инфильтрациясини кўрса бўлади. Бу даврда, таркибида якка полинуклеарлар бўлган, периваскуляр лимфогистиоцитар инфильтратлар топилади. Яллиғланиш ҳодисалари тобора зўрайиб, борган сари лейкоцитар инфильтрацияси кучайиб бориб, периодонтнинг катта қисмини қамраб олади. Алоҳида йиринг ўчоқчалари, микроабсцесслар ҳосил бўлади, периодонт тўқималари эриб кетади. Микроабсцесслар ўзаро бирлашиб, йирингли ўчоқ ҳосил қиласди.

Периодонтдаги ўткир йирингли жараён уни ўраб турган тўқималарда (альвеола деворларининг ҳосил қилган суяқ тўқимаси, альвеоляр ўsicк, периостит, жағ атрофидаги юмшок тўқималар, регионар лимфа тугунлар) маълум ўзгаришларнинг ривожланишига олиб келади.

Периодонтга яқин турган ва анчагина масофада жойлашган суяқ илиги бўшликларида суяқ илиги шишуви ва унинг нейтрофил лейкоцитлар томонидан бир мунча диффуз инфильтрацияси қайд қилинади.

Альвеоланинг кортикал пластинкаси соҳасида остеокластлар билан тўлсан, сўрилиш жараёни устунлик билан кечаетган лакуналар пайдо бўлади.

Тиш катақчasi деворларида ва асосан туби соҳасида суяқ тўқимасининг тузилишида ўзгаришлар қайд қилинади. Тиш катақчasi деворларидаги тешикларнинг кенгайиши, суяқ бўшликларининг илиги периодонт томонига очилиб қолишига олиб келади.

Суяқ усти пардасида, милкда, жағ атрофи тўқималарида гиперемия, шиш кўринишидаги реактив яллиғланишга хос бўлган белгилар намоён бўлади. Яллиғланиш инфильтрацияси кузатилади (газак).

Ўткир периодонтитда, йирингли яллиғланиш фокуси асосан периодонтал оралиқдаги тўқимада бўлади. Тиш катақчасини ҳосил қилган суяқ ва атрофи тўқималарида яллиғланиш ўзгаришлари реактив ёки перифокал характерда бўлади.

Клиник манзааси. Ўткир периодонтитда бемор тишдаги оғриққа шикоят қиласы, ўнга босиб күрилганды, чайнағанда, шунингдек устидан уриб күрилганды (перкуссияда) оғриқ сезиларлы кучайганини таъкидлайды. Гүё тиши “ўсиб чиккан”, узайгандек туулади. Тишга бирмунча узок вакт босиб турилганды, оғриқ бироз босилади. Кейинчалик оғриқ сезиларлы кучайиб, узлуксиз пульсация билан давом этади. Иссиклик билан таъсир этилса, бемор горизонтал ҳолатда бўлганида, тишга тегиб кетилса у янада кучлирок оғрийди. Оғрикнинг уч шохли нерв бўйлаб тарқалиши (ирадиацияси) кузатилади. Тишлашда, тишга тегиб кетишда оғрикнинг кучайиши беморга оғзини бир оз очиб туришга мажбур қиласи.

Ташқаридан кўздан кечирилганды, одатда ўзгаришлар бўлмайди, заарланган тишга алокадор бўлган лимфа тугунларини пайпаслаганды уларнинг катталашувини ва оғришини кузатиш мумкин. Айрим беморларда шу тиши якинидаги юмшок тўқималарда унча кўп ифодаланмаган коллатерал шиши юзага келиши мумкин. Сабабчи тишни вертикал ҳамда горизонтал йўналишдаги перкуссияси оғрикли. Милк, альвеоляр ўсиқ, баъзан эса тиши илдизи проекциясидаги ўтув бўрмасининг шиллик пардаси қизарган ва шишган бўлади, сабабчи тиши атрофидаги альвеоляр ўсиқ, айниқса тиши илдизи чўққиси тешигига тааллуқли жойни пайнаслаш оғриқ беради. Баъзан оғиз бўшлиғи даҳлизи юмшок тўқималарига асбоб билан босиб күрилганды, уларнинг шишганлигидан далолат берадиган чукурча колади.

Ташхислаш. Юкорида келтирилган клиник белгилардан ташқари тиши кавагини зондлашга алоҳида аҳамият берилади. Зонд учи билан кариес кавагини тиши бўшлиғи билан туташганлигини, пульпа некрозга учраганлигини билиш мумкин. Электроодонтодиагностикада сезувчанлик 200МАдан ошади. Рентгенограммада: ўткир жараёнда периодонтда патологик ўзгаришлар аникланмаслиги ёки периодонтал ёрикнинг кенгайиши аникланиши мумкин. Сурункали жараён зўрайганды, грануляцияловчи, гранулёматоз, гоҳо фиброз ўткир периодонтит учун хос бўлган ўзгаришлар пайдо бўлади.

Конда одатда ўзгаришлар кузатилмайди, лекин баъзи беморларда таёқчасимон ва сегмент ядроли лейкоцитлар ҳисобига лейкоцитоз ($9-11 \cdot 10^9/\text{л}$ гача), ўртача нейтрофилёз кузатилади, ЭЧВ кўпинча норма доирасида бўлади.

Давоси. Ўткир чўкки периодонтити ёки ўткирлашган сурункали периодонтитни даволаш периодонтдаги яллиғланиш жараёнини йўқотиш ва йирингли экссудатнинг атрофдаги тўқималар ҳисобланган сукк усти пардаси, жағ олди юмшоқ тўқималари, сукка ёйилишини бартараф этишга қаратилган. Асосан доридармонлар бериб (консерватив) даво қилинади, у «Терапевтик стоматология» дарслигининг тегишли бўлимида баён қилинган коидаларга мувофиқ олиб борилади.

Новокаинли блокада килиш яллиғланиш жараёнларининг бир кадар тезрок йўқолишига ёрдам беради - бунда альвеоляр ўсимтанинг зарарланган ва кўшни 2-3 тишлар соҳасига 5-10 мл 0,25-0,5% ли новокаин ёки тримекайн эритмасини инфильтрацион анестезияга ўхшаб юборилади. Бу ўткир периодонтитни самарали даво қилиш имконини беради. Илгари кенг тавсия қилинган новокаин-пенициллинли ва новокаин стрептомицинли блокадаларда тез-тез учраб турадиган аллергик реакциялар ва шу дориларга сезувчанликни аниқлашнинг зарурлиги, сўнгги вақтларда уларнинг ишлатилишини чеклаб кўйди. Новокаинли ёки тримекайнли блокада (5-10 мл 0,5% ли новокаин эритмаси ва 0,02% фурациillin эритмаси) яхши натижа беради. Блокадалардан яхши натижа олиш учун, тўпланган экссудатни тиш канали ёки тиш милк чўнтаги орқали чиқарилган бўлиши шарт, бўлмаса натижа бермаслигини ҳисобга олиш зарур. Блокадани ўтуб бурма бўйича сукка кадар кесув билан бирга ўтказса бўлади. Бу айниқса консерватив даво наф бермаганда ва яллиғланиш жараёни зўрайиб борганда кўрсатма ҳисобланади. Ўтказилган муолажа натижасида оғрик тўхтайди яллиғланиш кайтади ва тишни режали равишда даволаш имкони туғилади.

Ўтказилган даво чоралари яхши натижа бермасдан, яллиғланиш жараёни зўрайиб борганда, тишни олиб ташлаш лозим. Сабабчи тишни олишни ўткир периодонтит билан зарарланган тиш илдизи соҳасида периостотомия (ўтуб бурма бўйлаб кесма) билан бирга ўтказиш мумкин. Бундан ташқари, тишнинг тож қисми бутунлай емирилиб кетган, канал ёки каналлар тиқилиб қолган, каналда ёт жисм бўлган ҳолларда тишни олиш кўрсатилган. Одатда, тиш олиб ташланганда, яллиғланиш аломатлари камаяди ва бутунлай йўқ бўлиб кетади. Ҳатто тиш олиб ташлангандан кейин ҳам оғрикларнинг кучайиши, тана ҳарорати кўтарилиши кузатилиши касалликнинг авж олаётганидан далолат беради. Бироқ, 1-2 кундан

кейин бу ҳолат яллигланишга қарши дори билан тегишли даволаш ўтказилганда йўқолади.

Тиши олиб ташлашдан кейинги асоратларнинг олдини олиш учун тиш альвеоласига стафилококка қарши плазма, унга стафилококкли ёки стрептококкли бактериофаг юбориши, ферментлар билан ювиб уни тозалаш мумкин.

Ўткир ёки ўткирлашган сурункали периодонтитда умумий даво анальгетик, амидопирин (0,25-0,5 г дан), фенацетин (0,25-0,5 г дан), ацетилсалицилат кислотасини (0,25-0,5 г дан) суткасига 3-4 марта тайинлашдан иборат бўлади. Бу препаратлар оғриқсизлантирувчи, яллигланишга қарши ва десенсибилизацияловчи таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлади.

Яллигланиш ҳодисаларини тўхтатиш учун совукни (муз солинган пуфакни тишга мувофиқ юмшоқ тўқималар соҳасига) тиш олиб ташлангандан кейин 2-3 соат мобайнида даврий равишда қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Яллигланиш ҳодисалари босилганидан кейин соллюкс 15 минутдан, бошқа даволаш усусларини, УВЧ, флюоктуоризация, димедрол, кальций хлорид, протеолитик ферментларни электрофорезини тайинлаш мумкин бўлади.

Оқибати. Кўпгина ҳолларда, ўткир ва ўткирлашган сурункали периодонтларга тўғри ва ўз вақтида консерватив даво ўтказилса тиши сақлаб қолиш мумкин бўлади.

Яллигланиш жараёни сувак усти пардасига, сувак тўқимасига, жағ атрофидаги юмшоқ тўқималарга тарқалиши, яъни ўткир периостит, жағ остеомиелити, абсцесс, флегмона, лимфаденит, юқори жағ бўшлигининг яллигланишини келтириб чиқариши мумкин.

Профилактика чоралари: оғиз бўшлигини санация қилиш (тозалаш), патологик одонтоген ўчокларга ўз вақтида ва тўғри даволашга, ортопедик усуслар билан даволаш ёрдамида тишларни функционал бўшатиб қўйишга, шунингдек гигиёник ва соғломлаштириш чора-тадбирларига асосланган бўлади.

Сурункали периодонтитни даволаш. **Сурункали периодонтит** Чўққи сурункали периодонтит-ўткир жараённинг сурункали жараёнга ўтиши натижасида юзага келадиган ёки ўткир босқичсиз шаклланадиган периодонтнинг сурункали яллигланишидир. Сурункали периодонтит ўткир периодонтитга нисбатан кўпроқ учраб туради, ўткир периодонтит сифатида

ташхис қилинган касалликларнинг талайгина қисми зўрайган сурункали периодонтит бўлиб чиқади.

Сурункали грануляцияловчи периодонтиттинг морфологик ва клиник манзараси хилма-хилдир. Грануляцияловчи, гранулёматоз ва фиброз сурункали периодонтитлар фарқ қилинади. Микроскопик жиҳатдан сурункали периодонтиттинг грануляция ҳосил қилувчи турида тиш илдизининг чўкки қисмida периодонтиттинг анчагина йуғонлашгани ва қизаргани топилади. Ўзгарган қисмининг сатҳи ғадир-будур бўлиб, унга грануляцион тўқиманинг ўсиб киришини кузатиш мумкин.

Чўкки олди атрофида ўсаётган грануляцион тўқималар асташа катталалиб, илдиз чўккиси соҳасида суюкнинг емирилишига олиб келади ва суюк илигининг грануляцион тўқимага алмашиниши билан давом этади. Бир вақтнинг ўзида цемент ва илдиз дёнтини емирилиши кузатилади. Баъзи бир жойларда яллиғланиш ўчоғи периферияси бўйича суюк тўқимасининг янги тўзилмалари юзага келади. Кўпинча чўкки олди ўчогининг марказий бўлимларида, айниқса дард зўрайганда грануляцион тўқиманинг йирингли эриб кетиши алоҳида ўчоқлари пайдо бўлади. Яллиғланиш жараёнининг зўрайиши натижасида периодонтдаги грануляцияловчи ўчоқ альвеоланинг янги қисмларига ўтиб, асосан оғиз даҳлизи томонига аста-секин тарқала бошлайди, бу қатор ҳолларда альвеоляр ўсиқнинг компакт пластинкасида кемтиклар ҳосил бўлишига олиб келади. Йирингнинг доим оқиб туриши, грануляцияларнинг чиқиши, оқма йўлининг (свищ) шаклланишига олиб келади.

Клиник манзараси. Грануляцияловчи периодонтит сурункали периодонтиттинг бошқаларидан кўра фаол тури бўлиб, жуда хилма-хил клиник манзарага эга. Грануляцияловчи периодонтитдаги шикоятлар жуда хилма-хил бўлади. Кўпинча беморлар қаттиқ ва иссиқ овқат еганларида, босгандан оғриқ пайдо бўлишига шикоят қиласидилар. Грануляциялловчи периодонтит кўпинча турли жадалликдаги зўрайиши билан кечади. Яллиғланиш жараёни фаоллиги тишга босим тушгандан ўқтин-ўқтин оғриқларда намоён бўлади. Грануляцияловчи периодонтитда тиш илдизи чўккиси соҳасидаги альвеоляр ўсиқ шиллик пардаси одатда бир оз шишган бўлади, милкка пинцет ёки зонд билан босиб кўрилганда асбоб изи ва қизариши қолади.

Яқин турган юмшоқ тұқымалар патологик жараёнга жалб қилинганды шиллик пардада оқма йўли пайдо бўлади. Оқма йўли оғиз бўшлиғи даҳлизизда илдиз чўққиси рўпарасида, нуқтадек тешик ёки грануляцион тұқимадан ҳосил бўлган думбокча шаклида кузатилади.

Баъзан йириңг чиқиши тўхтаб, оқма йўл ёпилиб қолади. лекин навбатдаги зўриқиши натижасида оқма яра ўрнида шиллик парда шишиб чиқади ва қизариш пайдо бўлади, бир оз йириңг тўпланиб, у оғиз бўшлиғига ёриб чиқади. Сурункали грануляцияловчи периодонтит тузалгандан кейин, битиб кетган оқма яра жойида, кичкина чандик бўлиб кўриниб туради.

Грануляцияловчи периодонтитда оқма яра йўли терида очи-лиши ҳам мумкин. Пастки кесув тишлар ва қозик тишнинг сурункали грануляцияловчи периодонтитида оқма йўллари ияқдаги териси юзасига очилади. Лунж соҳасида ва пастки жағ остида - пастки катта озиқ тишлардан, ёнок соҳада-биринчи юқори катта озиқ тишдан, кўзнинг ички бурчагида эса юқори қозик тишдан оқма йўллари пайдо бўлади. Бўйин пастки қисмининг терисида оқма яра йўллари нисбатан камроқ очилади. Бундай оқма яра йўлларидан ажралмалар кам чиқади. Улар сероз - йириңги ёки қон-йириңги бўлади. Баъзан оқма яра йўли қонли пўстлоқ билан ёпилган бўлади. Баъзи bemорларда оқма яра йўлидан грануляциялар тешиб чиқади. Айрим ҳолларда оқма яра ёпилиши мумкин. Аста-секин тұқымаларнинг чандиқли ўзгаришлари натижасида оқма яра йўли четидан сүякка ёпишади, ичга ботади ва тери воронкасимон шаклда тортилиб қолади. Муайян тиш соҳасидаги патологик жараённинг теридаги оқма яра йўли билан алоқасини ҳамма вақт ҳам осонликча аниклаб бўлмайди. Масалан, ёнма-ён турган бир не-чта тишларда сурункали периодонтит бўлса. Баъзи ҳолларда альве-оляр ўsic ёки жағнинг ташки сатҳи пайпаслаб кўрилганда ўтув бурмаси соҳасида у ёки бу тиш соҳасида зич чандиқли тугунни то-пиш мумкин. Бу касалликка сабаб бўлган тишни аниклашга ёрдам беради. Оқма яра йўли орқали контраст модда юборилса рентгенограfiя усули аниклик киритиши мумкин. Сурункали грануляцияловчи ўчок периодонтида периост остига, юмшоқ тұқымаларга, шиллик ости ва тери ости клетчаткасига ўсиб чиқиб одонтоген гранулёма ҳосил қиласи.

Грануляцияловчи периодонтитда одонтоген гранулёма клиник кечиши бир мунча тинч бўлади. Тишда ёки юмшоқ тўқималардаги оғриққа шикоятлар деярли бўлмайди.

Суяк усти пардаси ости одонтоген гранулёмасида кўпроқ альвеолар ўсиқнинг заарланган тишга мувофиқ кисмидаги сужда думалоқ шаклдаги шиш чиқиши кузатилади. Бу жой устидаги шиллик парда кўпинча ўзгармаган бўлади, баъзан унча яхши намоён бўлмаган яллигланиш кузатилиши мумкин.

Шиллик ости одонтоген гранулёмаси чегараланган, зич ўчоқ сифатида аниқланади, у ўтув бурмасининг шиллик пардасида, ёки инфекция манбаи хисобланган ва шунга алокадор бўлган тугун шаклида тишга якин жойлашган шиллик парда билан бирлашиб кетган бўлади. Кўпинча жараённинг зўрайиши ва шиллик ости гранулёманинг йиринглаши кузатилади. Бунда шу соҳада оғриқ пайдо бўлади. Шиллик парда тагидаги тўқималар билан бирлашиб кетади ва қип-қизил рангга киради. Шиллик ости ўчоғининг абсцессланиши ва суюқликнинг ҳосил бўлган оқма яра орқали оқиб чиқиши сурункали жараённинг қайта авж олишидан далолат беради. Фаол жараён тугаганидан кейин кўпинча оқма яра йўли чандикланади ва шиллик ости гранулёмаси яна “тинчланади”.

Тери ости гранулёмаси тери ости клетчаткасидаги думалоқ, зич, оғриқсиз, ёки кам оғриқ берадиган инфильтрат. Тиш альвеоласидан юмшоқ тўқималарга караб биринтирувчи тугун йўналади. Тери ости гранулёмаси йиринглаб зўрайиш манзарасини бериши мумкин. Бундай ҳолатларда тери остидаги тўқималар билан бирлашиб, гранулёма тўқ пушти ёки қизил тусга киради, юмашаш жойи пайдо бўлади. Абсцессланган ўчоқ юпқалашган терини тешиб ташқарига ёриб чиқади. Ҳосил бўлган оқма яра йўли орқали йиринг оқиб чиқади.

Рентгенограммада грануляцияловчи периодонтитга хос типик ўзгаришлар – илдиз чўккиси соҳасида, сужа тўқимасининг емирилиш ўчоғи аниқланади. Тиш катакчаси девори ўзининг периодонтал оралиққа хос текис тузилишини йўқотади, сужа, цемент ва дентинда емирилиш ва ўрнига грануляцион тўқиманинг инфильтратив ўсиб кириши хисобига деструкция зонаси кўринади. У аланга учларини эслатади, ҳар тарафга караб ўсиб кирганлиги учун аниқ бир шаклни олмайди ва чегараси аниқ бўлмайди.

Гранулёмати периодонтит (гранулёма). Апикал ёки чўккиси олди сурункали яллигланиш жараённининг бу тури кўпинча

грануляцияловчи периодонтитдан ривожланади ва бирмунча суст кечади.

Патологик анатомияси: Организмда кечаётган грануляцияловчи периодонтитни чегаралашга каратилган жараёнлар кечади. Ўсиб кетган грануляцион тўқима четидаги етилган хужайраларидан фиброз капсула ҳосил бўлиб, у гранулёмага айланади. Гранулёмани ҳосил қилган тўқималар таркибига караб, уч хили фарқланади 1)содда гранулёма етилган бириктирувчи тўқимадан тузилган, 2)эпителиал гранулёма-грануляцион тўқима ва эпителиал хужайралардан тузилган, 3)киста-гранулёма - бўшлиқка эга гранулёма, етилган бириктирувчи тўқимадан қобиқ ҳосил қилган ва ички девори эпителий билан қопланган бўлади.

Клиник манзараси. Гранулёми периодонтит турлича кечади. Кўпинча гранулёма анча вакт катталашмайди ёки жуда ҳам суст ўсади. Бунда беморлар шикоят қилмайдилар. Факат рентгенологик текширувда тасодифан гранулёми ўчоқ аниқланади.

Гранулёма секин-аста катталашиб боради ва атрофдаги суккни емиради, илдиз рўпарасидаги суккда, чегаралари аниқ бўлмаган оғриқсиз бўртма ҳосил бўлади. Ҳар хил сабаблар билан яллигланиш жараёни авж олиб (гранулёма тўқимасидаги тегишли ўзгаришлар: гиперемия, шиш, нейтрофил лейкоцитлар сонининг кўпайиши, абсцессланиши кузатилади) сурункали жараён ўткирлашиб гранулёма капсуласининг бутунлиги бузилади, атрофдаги тўқималарда эса реактив яллигланиш ва дистрофик жараёнлар пайдо бўлиб, тиш альвеоласи деворларига яқин соҳаларда емирилиш устунлик қилади. Клиник жиҳатдан бу зўрайиш турлича намоён бўлади. Баъзи ҳолларда бир мунча сезувчанлик ортиши, баъзан эса перкуссия қилинганди ва тишга босиб кўрилганда оғриқ пайдо бўлиши билан бошқа ҳолларда ўткир периодонтитга хос белгилар намоён бўлади. Гранулёми периодонтитда рентгенограммада сабабчи тиш илдизи учи соҳасида чегаралари аниқ, сук тўқимасининг 0,5-0,7 см. диаметридаги думалоқ шаклдаги емирилиш ўчоғи кўринади.

Фиброз периодонтит Ўткир периодонтитни сурункали грануляцияловчи ва сурункали гранулёми периодонтитлардан даволаш натижасида ўлган тўқималар ўрнини фиброз тўқима эгаллайди. Шунинг учун уни сурункали фиброз периодонтит деб аталади. Баъзан, фиброз периодонтит бирламчи ривожланади,

яъни грануляцияловчи ёки гранулёматоз периодонтитларсиз ўзи ривожланишига асосли далиллар ҳам бор.

Патологик анатомияси. Макроскопик жиҳатдан фиброз периодонтитда тищда периодонт йўғонлашган, зич, оч пушти рангда бўлади. Бу ўзгаришлар баъзи ҳолларда факат илдиз чўккисининг атрофини ўраб олади, холос, бошқа ҳолларда жараён диффузли ёки бутун периодонтга ёйилади. Аксарият ҳолларда, фиброзли периодонтит цементнинг ортиқча миқдорда ҳосил бўлиши – гиперцементоз билан бирга кечади.

Клиник манзараси. Фиброз периодонтитда bemорлар одатда шикоят қилишмайди. Овкат чайнашда ёки перкуссияда тиш сезувчанлиги ошгани қайд қилинмайди. Тиш кавагини текшириб кўрилганда пульпаси некрозга учраганлигини аниқласа бўлади.

Диагноз рентгенографияга асосланиб қўйилади. Рентгенограммада периодонт оралиги, тиш илдизининг чўккиси атрофи кенгайланлиги аниқланади. Баъзан гиперцементоз натижасида илдиз чўккиси атрофии ва тиш катагининг суюк пластиинкаси йўғонлашган, склерозга учраганлиги кузатилади.

Сурункали периодонтитга хирургик даво ўтказиш: тишни олиб ташлаш, тиш илдизи чўккисини резекция қилиш, реплантация операцияси, баъзан тиш илдизини ампутация қилиш ва тишнинг яримини илдизи билан олиб ташлаш-гемисекция қилишдан иборат бўлади. Тишни олиб ташлаш китобнинг IV бобида баён қилинган коидаларга мувофик олиб борилади. Ўткир ёки сурункли периодонтит сабабли тиш олингандан кейин грануляциялар ва гранулёманни яхшилаб қириб ташлаш лозим. Милқда оқма яра йўли бўлганда, уни тафтиш қилиш ва грануляцияни бутунлай қириб ташлаш зарур. Айрим ҳолларда оқма яра йўлини кесиб ташлаш ва 2-3 кетгут чоки қўйиб, жароҳатни тикиб қўйиш лозим. Шиллик ости, суюк усти пардаси (периост) ости, тери ости гранулёмалари билан асоратланган сурункали грануляцияловчи периодонтитда, тиш олиб ташланганидан кейин шиллик пардаси остидан, суюк усти пардаси ости, гранулёматоз тўқималар қириб тозаланади. Ҳосил бўлган жароҳатни йодофорли дока билан тампонада килинади. Тери ости клетчаткасидаги ҳамда юз терисидаги патологик тўқималар кесиб ташланади ва яра тикиб қўйилади, айниқса Оқма яра анчагина ичкарига ботиб кетганда ва чандиқли ўзгаришларда ярани кесиб ташлангандан кейин эстетик мақсадида, бир-бирига қараган икки учбурчак лахтақларни силжитиб тўқималар пластикаси ўтказилади.

Операциядан кейинги даврда анальгин, амидопирин ва бошқа дорилар, 3-4чи куни физик даво усууллари тайинланади.

Тиш реплантацияси – олинган тишни катақчасига кайтаришdir. Консерватив даво самарали бўлмаганда тишни сақлаш мақсадида операция ўtkазилади. **Операция босқичлари:** 1)тиш эҳтиёткорлик билан олинади, 2) альвеола ва илдиз сатҳидаги патологик тўқималар кириб ташланади, 3)каналлар пломбаланади , 4) илдиз чўққилари резекция қилинади, 5)тишни ўз катақчасига киритилиб маҳкамланади. Асосан кўп илдизли тишлар реплантация қилинади. Тиш эҳтиётлик билан олинади, бунда тиш альвеоласи тўқималари ва яқин турган юмшоқ тўқималарни шикастлантирилдиликка ҳаракат қилинади.

Эҳтиётлик билан альвеола кюретажи қилинади, грануляцион тўқималар ёки гранулёма йўқотилади, альвеола юзаси бўйича периодонт толаларини ва айлана боғламни сақлаб қолишига ҳаракат қилинади. Шундан сўнг антибиотиклар қўшилган фурациллин, на трий хлоридининг илик изотопик эритмаси билан ювиб ташланади ва стерил дока билан юза тампонада қилинади.

Олинган тишни ишлов берилгунча антибиотиклар ёки нитрофуран препаратлари қўшилган натрий хлориднинг изотоник эритмасига ($36,6^{\circ}\text{C}$) солиб кўйилади. Тиш бўшлиғи ва каналлари цемент ёки тез котиб қоладиган пластмасса билан пломбаланади, илдиз чўққилари бор машина ёрдамида кесиб ташланади. Суякни тозалаб бўлгандан кейин, тиш альвеолага жойланади ва уни симли шина, тез котиб қоладиган пластмассадан қилинган химоя пластинкаси ёки каппа аппарати ёрдамида 2-3 хафтага фиксация қилинади. Тиш ўз жойида котиб ўрнашиши учун, уни ташки таъсирлардан сақлашга ҳаракат килиш керак. Шунинг учун тишланмадан (прикусдан) чиқарилиши зарур, бунинг учун реплантация қилинган тиш ёки унинг антагонисти дўнглари силликланади. Операциядан кейинги даврда анальгин, амидопирин, метиндол ва бошқа препаратлар, авайлайдиган пархез таомлар буюрилади, айниқса маҳкамловчи шиналар қўйилганда, оғиз бўшлигининг гигиёник ҳолатини яхши сақлаш бўйича тавсиялар берилади. Ўткир ва зўрайиб кетган сурункали периодонтитларда, гоҳо бошқа ўткир одонтоген яллигланиш жараёнларида ҳам тишни реплантация қилиш усули қўлланилади.

Баъзи ҳолларда операция икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда тиш олинади, антибиотик аралашмаси шимдирилган

тампонни тиш катакчасига киритилади, яллиғланишга қарши даво тайинланади. Олинган тиш антибиотикларни натрий хлорид эритмасида 4⁰Сда сакланади. Ўткир яллиғланиш белгилари босилиб қолганидан кейин, тиш альвеоласидан тампон олиб ташланиб, реплантация ўtkазилади. Баъзан ўткир одонтоген касалликларда реплантация бир босқичда ўtkазилади. Бундай ҳолатларда ўтув бурма бўйича кесма қилинади, жароҳатни резина тасма билан дренаж қилинади. Суяк жароҳати яхшилаб тозаланади ва периодонт толалари олиб ташланади.

Илдизлар учи резекция қилинмай пломбаланади ва ўз катакчасига жойланади ва маҳкамланади. Бир босқичли реплантациядан кейин умумий даво учун сульфаниламилар, антибиотиклар, антигистамин препаратлар тайинланади. Бирикиш жараёни 3-4 ҳафтадан 6-10 ҳафтагача давом этади. Битиб кетишнинг периодонтал типи дуруст ҳисобланади.

Реплантация қилинган тишларнинг функционал жихатдан жағларда яхши туриши 5 йилдан ошмайди, кейин илдизлар секинаста сурилиб, тиш кимирлаб колади ва олиб ташланади.

Тиш аутотрансплантацияси - олинган тишни бошқа альвеолага кўчириш операцияси камдан-кам қилинади. У бутунлай яроқсиз бўлиб қолган тишни олиб ташлангандан сўнг, хосил бўлган тиш катакчасига, комплектдан ташқари тишни кўчириб ўtkазиш имкони бўлганда бажарилади. Операция услуби тиш реплантацияси сингаридир. Бироқ, ҳамма вақт натижага кутилгандай бўлмайди . Ўtkазиладиган тишга альвеолани шакллашда суяк заарарлангани туфайли битиши жараёни оғирлашади.

Аллотрансплантация - бир кишидан олинган тишни бошқа кишига кўчириш етарлича ишлаб чиқилмаган, холбуки онда-сонда муваффакиятлар ҳақида маълумотлар бор. Олинган тиш ўрнига бошқа одамнинг тишини танлаш, уни олдиндан тўғри консервация килиш ва кўчириб бўлгандан кейин организмнинг қабул қилмаслик реакциясини бартараф этиш мураккабдир. Операция реплантация услубига ўхшаш ўtkазилади.

Тиш катакчасига металдан ясалган трансплантатлар киритиш бир мунча истиқболли операция ҳисобланади. Операция услуби: тиш олинганидан сўнг, альвеолага ишлов берилади, металл конструкция шаклланган катакчага киритилади ва шиллик пардасигаiplар билан чок қўйилади. 4-6 ҳафтадан кейин уни протезлаш учун ишлатса бўлади.

Тиш илдизи чўқкисини резекция қилиш. Бу операция периодонтитда консерватив даво усуллари ёрдамида сурункали яллиғланиш жараёнини бартараф этиш иложиси бўлмаганда, шунингдек тиш каналида периодонтитга даво қилишга тўсқинлик киладиган тиқилиб қолган ёт жисм. (бор бошчаси, пульпэкстрактор бўлаги ва бошқ.) билан берқилиб қолган ҳолларда кўрсатилган. У шунингдек канал етарлича тўлмаслигида, пломба материали (цемент) қотиб қолганда ёки илдиз девори тешилиб қолганда, ҳам кўрсатилган. Асосан кесув тишлилар ва қозик тиш илдизи чўқкиси, шунингдек пастки жағдаги кичик озиқ тишлилар, гоҳо юқори жағдаги тишлилар резекция қилинади.

Бу операция ўткир периодонтитда, ёки сурункали периодонтийт ўткирлашганда, пародонт хасталикларидан тиш анча кимирлаб қолганда, шунингдек тиш қисман емирилиб кетган ҳолларда ўтказилмайди.

Тиши операцияга тайёрлаш: илдиз каналига механик ва кимёвий ишлов бериб цемент ёки тез котувчи пломба ашёлари (бевосита тайёрланган эвгенол ва рух оксидли қотиб қоладиган паста) билан пломбалаш (яллиғланиш жараёни авж олишига йўл кўймаслик).

Операция услуби. Операция ўтказувчан ва инфильтрацион анестезия остида ўтказилади. Альвеоляр ўsicкнинг ташки юзаси соҳасида ёйсимон, чизикли, бурчаксимон ёки трапециясимон кесма ўтказилади. Кесмани жароҳат тикилганда кесма чизиги трепанацион тешик сатҳидан ўтмаслигини, лахтак эса уни ўз чеккалари билан ёпиб туришини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилади. Расм – 60.

Распатор ёрдамида суяқдан шиллик суяқ усти пардаси лахтагини ажратиб кўйиб, уни ўтув бурма йуналиши бўйича тўмток ёки ўткир тиш илгаги билан тортиб кўйилади. Кўпинча сурункали чўкки олди ўчоги соҳасида тиш альвеоласи олди девориниг емирилиши кузатилади.

Баъзан тиш катакчасининг ташки девори емирилиб, чўкки олди ўчоги суяқ усти пардасига бирикиб кетади. Бундай ҳолларда шиллик суяқ усти пардаси лахтагини бириккан тўқималардан эҳтиёт бўлиб скальпель ёрдамида кесиб ажратиб кўйиш керак.



Расм – 60


Тиш альвеоласи ташки деворини очиш учун ясси исказа билан, илдиз чўккисининг олдинги юзаси очилиб қолгунига кадар тўқималар юпка катлам-катлам килиб олиб ташланади. Бундан кейин альвеоляр ўsicк деворидаги тешик тарновсимон исказа ёрдамида кенгайтирилади. Баъзи ҳолларда худди шу асбоб билан касал тиш альвеоласи девори кераклигича кенгайтирилади. Олдинги деворни йирик шарсимон, шунингдек фиссур борлар билан трепанация килса бўлади.

Грануляцион тўқима билан ўралган илдиз чўккисини шу йўл билан очиб, кириб олиб ташланади. Исказа билан илдиз чўккисини кесиб ташлаш тавсия килинмайди чунки тиш илдизи кийшиқ синиши мумкин. Шуни хисобга олиб, илдиз чўккисини фиссур бор билан арралаб ташлаш керак, бу нохуш илдиз шикастларини, шунингдек тиш чикиб колишини бартараф этади.

Ажратиб кўйилган илдиз чўккиси хирургик қошиқча ёки пинцет билан олиб ташланади, шундан кейин грануляциялар ва юшшаб колган суюк участкалари олиб ташланади.

Баъзан операция пайтида, илдизи кўндаланг кесигини кўздан кечирганда, тиш каналида пломба материали йўклиги аникланади ёки каналда металл штифт, тикилиб колган бор бўлакчаси, борлигидан уни пломбалаш иложи бўлмаслиги олдиндан белгиланади.

Бундай ҳолларда илдиз чүккиси олиб ташлангандан кейин тиш қалини ретроград усулида пломбаланади.



Расм – 61

Бунинг учун фреза билан илдиз чүлтөғини бир оз кия қилиб силлиқлаб, кичкина шарсимон бор билан канал ёриги кенгайтирилади, кейин тескари конуссимон бор билан илдиз чүлтөғидаги бўшлиқ шакллантирилади ва уни кумуши амальгама билан тўлдирилади. Кумуш амальгама кичик порцияларда киритилиб, ортиқчасини, шу заҳоти олиб ташлаган ҳолда пломбалаш асбоблари билан зичлаштирилади. Расм – 61.

Суяқ яраси деворлари қонаб турганда, қон докали шарга оҳиста шимдирилади, бунда амальгаманинг суяқ сатҳига тушиб қолмаслиги учун синчиклаб караб турилади, чунки бу яранинг битиб кетишини мушкуллаштиради.

Айрим ҳолларда тиш каналидан кўп миқдорда экссудат ажралиб тишини пломбалаш имконини бермайди. Даволашнинг самарали бўлиши учун тиш альвеоласи деворини трепанация қилиб, илдиз чўккиси резекция қилинади, кейин эса суяқ ярасини маҳкам тампонада қилиб, каналга ишлов бериб, уни цемент билан пломбаланади. Шундан кейин илдиз чўлтогини кўздан кечириб, канал тешигини пломба материали билан яхши тўлганлигига ишонч ҳосил қилиб, шиллик –суяқ усти пардаси лахтагининг жойига кўйилади ва кесилган чизик бўйлаб 3-4 чок кўйилади.

Операциядан кейин гематома ҳосил бўлишига йўл кўймаслик учун бемор лабига, операция соҳасига, 10-12 соатга босиб турувчи боғлам кўйилади.

Операциядан кейинги оғрикларни бартараф этиш учун соғ ҳолдаги анальгин, амидопирин, фенацетин ёки кофеин ва фенобарбитал билан аралашмаси, баракгин, кальций хлорид эритмаси тавсия этилади.

Айрим тишиларда илдиз чўққисини резекция қилиш операциясининг катор хусусиятлари бор.

Чунончи, пастки кичик озиқ тишилар илдиз учини резекция қилишда ияк тешигидан чиқадиган томир-нерв тутамини шикастлантирмаслик учун кесмани юкорирок (тиш илдизи ўртасининг дамида) қилиш лозим. Юкори ва пастки жағда қозик тишилар илдизларини резекция қилишда тармоқланган томирларга шикаст етказмаслик учун кесма милк эгатидан пастрок ёки тегишлича юкорирок қилиш зарур. Юкори биринчи кичик озиқ тиш илдизи резекциясида операциядан олдин нечта канал борлигини (уларни пломбалашда визуал ва рентгенограмма бўйича) билиш лозим. Агар канал иккита бўлса, битта илдизни ва илдизлараро тўсикни, кейинчалик иккинчи илдизни резекция қилиш зарур. Биринчи ва айникса иккинчи озиқ тиш резекциясида юкори жағ бўшлигининг тешилиб қолишини ва у ерга грануляцион ўсмалар ёки тиш илдизи чўққиларининг кириб қолиши мумкинлигини эсда тутиш зарур. Қаттиқ танглай сүяк деворининг тешилиб қолиш эҳтимоли борлигини ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Асоратлари. Биринчи ва шунингдек иккинчи юкори кесувчи тишилар илдизи чўққисини резекция қилишда бурун бўшлиги туби, юкори кичик озиқ тишилар гоҳо қозик тиш соҳасида операция қилишда эса юкори жағ бўшлиги туби беҳосдан тешилиб қолиши мумкин. Ушбу асоратларнинг олдини олиш учун рентген суратга асосланиб, тиш илдизларининг бурун ёки юкори жағ бўшлиғига муносабатини билиш ва сүяк ярасининг юкори бўлимидағи грануляцион тўқимани оҳиста олиш лозим. Бўшлиқ тасодифан очиб қўйилганда, тешилган ёрикни зонд ва тампонада қилинмайди. Операциянинг ҳамма қоидаларга биноан, грануляцияларни кириб илдиз учини кесиб ташлаб тугатиш лозим.

Сүяк ярасини одатдагидек муко-периостал (шиллик - сүяк усти пардаси) лахтаги билан ёпилади ва чоклар қўйилади.


Пастки кичик озиқ тишилар илдизи чўққиларини резекция қилишда ияк нерви шикастланиши эҳтимоли бор. Бу асоратнинг олдини олиш учун шиллик сүяк усти пардаси муко-периостал лахтагини ияк тешиги ва ундан чиқадиган томир-нерв тутами кўринадиган қилиб қўйиш лозим. Шундан кейин резекция қилинадиган тиш катакчаси ташки деворининг сүяк тўқимаси ияк тешиги дамидан юкорирок трепанация қилинади ва уни оҳиста айланиб ўтиб, сүяк яраси кенгайтирилади, кейин фиссур бор билан

илдиз чўққисини ажратиб, олиб ташланади, грануляциялар ва юмшаб қолган сүяк қириб ташланади, шундан кейин яра тикиб қўйилади. 3-4 ҳафтага тишини тишламдан (прикусдан) чиқариб қўйиш тавсия этилади.

Илдиз уни резекциясининг натижаси одатда дуруст бўлади, илдиз чўққилари резекция қилинган тишлар узок йиллар сакланиб туради, чайнашда қатнашиб, олиб қўйилмайдиган протезлар учун таянч бўлиб хизмат қиласди. Қоникарсиз натижалар консерватив даволаш усуллари ва операция техникасини бузиш оқибати ҳисобланади.

Илдиз гемисекция ва ампутацияси.

Гемисекция бу чўққисида патологик ўчоғи бўлган илдизни ўнга тегишли бўлган тож қисми билан резекция қилиш ва олиб ташлашдир. Операция кўпроқ юкори ва пастки жағдаги биринчи ва иккинчи катта озиқ тишларда ўтказилади. Илдизаро тўсик суюгининг резорбцияси, илдизларнинг бири тешилиши ёки катакча суяги чўнтагининг борлиги гемисекцияга кўрсатма ҳисобланади.



Расм – 62

Қоладиган илдиз каналлари пломбаланганидан сўнг, бор ёрдамида илдизлар бифуркацияси соҳасида патологик ўчоғи бўлган илдиз ва тож қисми кесиб ажратилади ва олиб ташланади. Суяк ярасига ишлов берилгандан кейин унинг устидаги шиллик пардаси кетгут чоклар билан тикиб қўйилади. Расм – 62 а.

Илдиз ампутациясида заарланган илдиз бифуркацияда бор билан кесилиб олиб ташланади. Унинг гемисекциядан фарқи тишининг тож қисми сакланиб қолади, фақат илдиз олиб ташланади. Ампутация қилинадиган илдиз соҳасида трапеция ёки бурчакли кесм.а қилиниб суяк очилади. Илдиз, фиссур бор ёрдамида, кесиб олиб ташланади. Суяк яраси тозаланади, шиллик-суяк усти пардаси лахтаги жойланади ва чоклар қўйилади.

Ўткир одонтоген периостит Жағнинг ўткир йириングли периостити

Жағнинг ўткир йириングли периостити - альвеоляр ўсик ёки жағ танаси сүяк усти пардасининг ўткир йириングли яллигланишидир. Периостит кўпроқ альвеоляр ўсикнинг, гоҳо жағ танасининг сүяк усти пардасида ривожланади. Сүяк усти пардаси остидаги йирингли жараён Т.Г.Робустова берган маълумотларга кўра, асосан альвеоляр ўсик ва жағ танасининг вестибуляр сатҳида (85,6 %), гоҳо танглай (танглай абсцесси) томонида (5 фоиз), ёки тил ости бурмаси сатҳида (9,4 фоиз) учрайди.

Кўп ҳолларда жараён пастки жағда жойлашади. Касаллик (16 дан 40 ёшгача) ёш ва ўрта ёшдаги кишиларда, кўпроқ эркакларда учрайди.

Пастки жағда ўткир йириングли периоститининг кўп ривожланишига сабабчи биринчи катта озиқ ва ақл тишлариридир, иккинчи катта ва иккала кичик озиқ, иккинчи курак тишлар камроқ ҳамда биринчи курак ва қозиқ тишлар бир хилда кам сабабчидирлар.

Юқори жағда ўткир йириングли периостит кўпроқ биринчи катта ва кичик озиқ ва иккинчи кичик озиқ тишлариридан инфекция тарқалиши натижасида ривожланади. Катта озиқ, иккинчи курак, кейинчалик – биринчи курак, қозиқ ва ақл тишлар эса кам ҳолларда яллигланиш жараёни ривожланиши сабабчилари бўладилар.

Этиологияси. Ўткир йириングли периоститлардаги йиринг текширилганда стрептококк ва стафилококкнинг ҳар хил турлари, граммусбат ва грамманфий таёқчалар ва айрим ҳолларда чиритувчи бактериалардан иборат аралаш микрофлора топилади.

Патогенези. Ўткир йириングли периостит ёки сурункали периодонтитнинг ўткирлашуви, шулар жумласидан маргинал (чека) периодонтитнинг асоратидир. Бу жараён тишларининг қийин чикишида, радикуляр кисталар йиринглаганда, ретенцияланган ёки ярим ретенцияли тишлар яллигланишида, одонтомада, пародонт касалликларида вужудга келади ва тишларини консерватив даволашни мушкуллаштиради.

Баъзан касаллик тиши олиш жараёнида етказилган шикастлаши натижасида ёки операциядан кейин инфекция кучайганида ривожланади. Организмни совук олдириш, толикиш, стресс вазиятлари ҳисбланган умумий салбий омиллар яллигланиш жараёни ривожланишига шароит туғдиради.

Ўткир ва ўткирлашган сурункали периодонтитларда периодонтал оралиқда тұпланған йириңг тищ канали ёки милк чүнтаги орқали ташқарыға чиқыш имконига зәға бўлмаса, экссудат периодонтдан сужак усти пардаси томонига тарқала бошлайди. Инфекция альвеоланинг компакт пластинкасидан майдада тешиклар орқали, озиқлантирувчи каналлар ва остеон каналлари бўйича ёриб чиқади. Шунингдек микроорганизмлар периодонтдан сужак усти пардасига лимфа томирлари бўйича ҳам тарқалиши мумкин.

Патологик анатомияси. Сужак усти пардасида ўткир жараён ривожланганда, унинг йўғонлашуви, толаларининг титилиши ва сужакдан ажралганлиги кузатилади. Микроскопик жиҳатдан сужак қобиғи ва яқин турган юмшоқ тўқималар лейкоцитлар билан инфильтрацияланади, томирлар тўлишади, стаз ва айрим ерларга қон куйилиши кузатилади.

Шу билан бир қаторда бириктирувчи тўқима толалари ва томир деворларининг фибринойд шишуви кузатилади. Сужакдан ажралган сужак усти пардасининг ички қатлами тезда эриб кетади, у билан сужак ораси таркибида талайгина нейтрофил лейкоцитлар сақловчи сероз - йириңгли экссудат тўпланади.

Сужак қобиғининг ички томонида микроорганизмлар атрофида лейкоцитлар тўпланиб, микро-абсцесслар ҳосил қиласди. Бу ўчоклар ўзаро кўшилиб йириңгли экссудатни ҳосил қиласди. Экссудат кўпайган сари сужак усти пардасининг ажралиши шунча кенгаяди.

Сужак қобиғининг эриб кетиши натижасида яллиғланган сужак усти пардаси бутунлиги бузилади ва йириңг массалари оғиз дахлизининг шиллик пардаси остига йигилади. Сужак усти қобиғининг тешилган жойида қон томирлар деворлари кисман емирилади ва йириңгли тромблар билан тўлади. Ўз ҳолига қолдирилса 5-6 кун ўтгандан сўнг, йириңгли яра шиллик пардани ёриб оғиз бўшлиғига чиқади.

Сужак тўқимаси устида кечайётган йириңгли жараён унинг резорбциясини чакиради, илик бўшликлари ва озиқлантирувчи каналларининг кенгайиши ҳисобига жағ кортикал қаватининг юпқалашини ва хатто унда емирилиш ўчоклари ҳосил бўлиши кузатилади. Сужак усти пардаси (периост) ажралиши ҳисобига сужак кортикал қатламининг қон билан таъминланиши бузилади ва баъзи жойлари некрозга учрайди.

Суяк кобиги йирингли ярасининг чеккасидан суякнинг периостал шаклланиши кузатилади. Одатда янги, ёш суякнинг ҳосил бўлиши болаларда, ўсмирлар, ёш, соғлом кишиларда кузатилади. Бу морфологик ўзгаришлар жағнинг сурункали периостити (остити) деб изоҳланади (Я.М. Биберман, А.Г.Шаргородский).

Клиник манзараси. Жағнинг ўткир йирингли периостити клиник манзараси хилма-хил бўлиши ва этиологик, патогенетик омилларига яллигланиш жараёнининг жойлашуви ва қўламига боғлиқ бўлади. Кўпроқ жағларнинг вестибуляр сатҳидаги суяк устти пардаси заарланади. Бундай ҳолларда bemорлар оғриққа, юз юмшок тўқималари шишувига, умумий аҳволнинг ёмонлашувига, тана ҳароратининг кўтарилишига, бош оғриқка, холсизлик, уйқунинг бузилганлигига шикоят қиласидилар. Дастрраб оғриқ ва шишув унча кўп бўлмайди, кейин тезда, 2-3 кун мобайнида зўрайди. Оғриқ баъзан бутун жағта тарқалади, уч шохли асаб тармоклари бўйича қулоққа, чакка ва кўзларга тарқалади. Иссиклик муолажалари таъсири остида оғриқ кучаяди, совук эса оғрикни бир оз камайтиради.

Бемор кўпинча оғрикнинг аввал тиш соҳасида пайдо бўлганлигини, 2-3 кундан кейин эса, тўқималарнинг шишиб чиқканлигини айтади. Юзда шиш пайдо бўлганда, тишдаги оғриқ анча камайган бўлади.

Ўткир йирингли периоститда bemорларнинг умумий аҳволи кониқарли. айримларда ўртача оғир бўлади. Тана ҳарорати $37,5-38^{\circ}\text{C}$ атрофида кўтарилган бўлади, лекин у баъзан $38,5-39^{\circ}\text{C}$ гача етиши мумкин. Жағдаги оғриқ ва юзага келадиган заҳарланиш натижасида умумий холсизлик, иштаҳа йўқолиши, уйқусизлик кузатилади.

Альвеоляр ўsic ёки жағ танасининг ўткир йирингли периоститда оғиз даҳлизи тарафидан ва жағ атрофидаги юмшоқ тўқималар соҳасида яллиғли шиш пайдо бўлади. Унинг жойлашуви инфекция манбай ҳисобланган тишга боғлиқ бўлади. Чунончи, юқори кесувчи тишлардаги йирингли жараёндан ривожланган периоститда бурун қаноти ва тубига ўтиб, юқори лабнинг анчагина шишиб чиқиши кузатилади. Катталашган лаб кескин олдинга бўртиб чиқиб туради. Агарда инфекция юқори козик тиш ва юқори кичик озиқ тишлардан тарқалса, йирингли ўчоқ альвеоляр ўsic козик тиш чукурчаси соҳасини эгаллайди.

Бунда коллатерал шиш юзнинг ўрта ва пастки учдан бир қисмини қамраб олади. Лунж, ёнок соҳаси, пастки ва кўпинча юкори қовок тўқималари шишади. Юкори катта озик тишларидан ривожланган ўткир йириングли периоститда шиш лунж, ёнок, қулок олди соҳаларига баъзан пастки ковокка ҳам таркалади.

Учинчи юкори катта озик тиш инфекция манбаи бўлиши мумкин ва периостит юкори жағнинг дўнгча соҳасида пайдо бўлади. Юзда шиш одатдагидан кўра кечрок пайдо бўлиб, лунж ва чакка соҳасида жойлашади.

Пастки кесувчи тишлар сабаб бўлган ўткир йириングли периостит учун пастки лаб, ияк соҳаси ва ияк ости соҳаси шишиб чикиши хосдир. Инфекция қозик тиш ва кичик озик тишлардан таркалганида лунжнинг пастки кисмида, жағ ости учбурчаги ва оғиз бурчагининг коллатерал шиши пайдо бўлади.

Пастки жағ катта озик тишлар соҳасидаги йириングли периоститлар лунж, пастки жағ ости ва қулок олди чайнов соҳасининг коллатерал шишуви билан намоён бўлади. Жараён пастки жағ шохининг сук усти пардасига тарқалиши чайнов ва медиал канотсимон мушакларнинг яллиғли инфильтрациясини келтириб чиқаради, бу уларнинг яллиғли контрактурасига олиб келади (I,II даражалари).

Жағнинг ўткир йириングли периоститида оғиз дахлизида 3-5та тиш оралиғидаги альвеолар ўsicк, ўтув бурмаси ва лунж шиллик пардаси гиперемияси ва шишуви билан кузатилади. Ўтув бурмаси яллиғланиш инфильтрати ҳисобига саёзланади ва силликланади ҳамда пайпаслаб кўрилганда, оғрикли диффуз инфильтрат аниқланади.

Яллиғланиш жараёни натижасида ҳосил бўлган йиринг 5-6 кун давом этган сук усти қобиғини смиради ва шиллик парда остига ёриб чиқади. Оғриқ анча камаяди. Ўтув бурмада чегараланган шиш юзага келади. Шиллик парда остида тўпланган йиринг унга сарғимтири тус беради, пайпаслаб кўрилганда, билқиллаш белгиси аниқланади. Йиринг ўз ўзидан оғиз бўшлиғига ёрилиб куйилиши мумкин, шундан кейин оғриқ босилади ва яллиғланиш белгилари камайиб боради.

Пастки жағ альвеолар ўsicкнинг тил сатҳи томонидаги ўткир периостит коллатерал шиш ва пастки жағ ости учбурчагидаги лимфа тугунларининг катталашганлиги билан намоён бўлади. Баъзан лунж соҳаси тўқималарининг сезиларли бўлмаган шишуви

кайд қилинади. Оғиз бемалол очилади, лекин айрим касалларда медиал қанотсимон мушакнинг яллиғланишга жалб этилиши муносабати билан оғиз очилиши оғрикли ва чегараланган бўлади.

Альвеолляр ўсиқ тил сатҳидаги пастки жағ периоститида бемор ютиниша ва гаплашишда оғриқ сезади. Кўздан кечирилганда жағнинг ички сатҳи бўйлаб сүяқ усти пардасининг шишганлиги, пайпаслаб кўрилганда оғриқ кайд қилинади. Шиллик парда шишуви ва қизариши (гиперемия) тил ости бурмасида, жағ-тил ва танглай - ютқин ёйларида кузатилади. Тил ҳаракатлари кийинлашган ва оғрикли бўлиб қолади, оғиз очиш чекланади ва оғрикли бўлади.

Юқори жағ альвеолляр ўсигининг танглай томондаги ўткир йирингли периоститида (танглай асбцесси) юзда ўзгаришлар бўлмайди. Қаттиқ танглайдаги шиш юзага келади, у тез орада ярим шар ёки овал шаклида бўртиб чиқади. Танглайдаги шиллик ости қатлам бўлмагани учун яллиғланиш шишуви унча катта бўлмайди. Йиринг ўчоги катталашиб танглай кўндаланг бурмаларининг силликланиб кетишига олиб боради. Пайпаслаб кўрилганда инфильтратнинг марказий бўлимида юмашаш аникланади. Катта озиқ тишлар сабаб бўлган танглай асбцессининг ривожланиши яллиғланиш шишнинг қаттиқ танглайдан юмшоқ танглайнинг шиллик пардасига, танглай-тил ва танглай-ютқин равоқчаларига тарқалганлиги билан намоён бўлади, бунинг оқибатида ютиниша оғриқ пайдс бўлади.

Қаттиқ танглайнинг сүяқ усти пардаси остида йирингли экссудатнинг тўпланиши юмшоқ тўқималарнинг сүяқдан ажралишига олиб боради. Бу кўпинча пульсацияловчи гаплашганда ва овқат еганда кучайдиган оғриқ билан кечади. Касаллик бошланганидан бир хафта ва бундан кўра кўпроқ вактдан кейин йирингли бўшлиқ ёрилиб, йиринг оғиз ичига қуйилади

Жағ ўткир йирингли периостити бўлган касалларда кон текшириб кўрилганда, лейкоцитлар сонининг $10,0-12,0 \cdot 10^9/\text{л}$ гача кўпайиши сезиларли нейтрофилез ($70-78$ фойзгача) кайд қилинади.

Айрим беморларда лейкоцитлар сони $8-9 \cdot 10^9/\text{л}$, айрим ҳолларда $4,0-5,0 \cdot 10^9/\text{л}$ гача бўлиши мумкин (лейкопения). Беморларнинг аксариятида ЭЧВ меъёрида қолади, баъзан соатига $15-20$ мм гача, айрим касалларда соатига $50-60$ мм гача ортади. Касаллик динамикасида ЭЧВ ортиши операциянинг етарлича бўлмаганлигини, ёки иккиламчи кортикал остеомиелит

ривожланганини кўрсатиши мумкин. Сийдикда деярли ўзгаришлар бўлмайди, факат айрим касалларда оқсил изларидан то 0,33 г/л гача топилади ва лейкоцитлар кўриш майдонида 10-20 микдорда кузатилади, рентгенограммада жағ суягида ўзгаришлар кузатилмайди.

Дифференциал диагноз. Ўткир йирингли жағ периоститининг аниқ клиник симптомлари бўлишига қарамасдан, унга диагноз кўйишда баъзан хатоларга йўл кўйилади. Бу жараённи ўткир периодонтитдан, катор жойларни эгаллаган абсцесс, флегмона, лимфаденитлар, ўткир сиалоденитлардан ва энг муҳими - жағнинг ўткир остеомиелитидан ажратса билиш лозим.

Ўткир периодонтитдан фарқли равишда жағнинг ўткир периостити инфекция манбай ҳисобланган Тиш, перкуссијасида бироз оғриқнинг бўлиши ёки оғриқ бўлмаслиги билан намоён бўлади. Ўткир периодонтитда ўтув бурма бўйлаб шиллик парданинг яллигланиш ўзгаришлари юмшоқ шиш кўринишида бўлса, жағнинг ўткир периоститида эса, яллигланиш инфильтрацияси кузатилади. Ўткир периодонтитда суяк усти пардаси кесилганда периоститдан фарқли ўлароқ йиринг бўлмайди.

Абсцесс, флегмона, лимфаденит, ўткир сиалоденит кўпинча жағ олди юмшоқ тўқималарининг анчагина шишиб чикқанлиги билан таърифланади, шиш устидаги тери қизарган, тўқималар билан бириккан зич ва пайпаслаганда оғрувчи инфильтрат аниқланади.

Пастки жағ тил сатҳидаги ўткир йирингли периоститини жағ-тил тарновчаси абсцессидан ажратса билиш лозим. Жағ-тил тарновчаси абсцессида ушбу тузилманинг зич, оғриқ берувчи инфильтрати, медиал канотсимон мушак ва тил мушаги соҳасида яллигланиш ўзгаришлари кузатилади.

Кулок олди ва пастки жағ ости сўлак безларининг ўткир яллигланишида шишган тўқималар ичкарисида зич оғрикли без пайпасланади, сўлак чиқарув найчасидан йирингли ажралма чиқиши кузатилади.

Ўткир йирингли периоститни жағнинг ўткир остеомиелитидан ажратса билиш лозим. Жағнинг ўткир остеомиелити организмнинг заҳарланиши билан кечади. Тана ҳароратининг юқори даражага кўтарилиши, бош оғриғи, лоҳаслик, кувватсизлик, эт увишиши, терлаш билан намоён бўлади. Регионар лимфа тугунларининг реакцияси бирмунча кўпроқ ифодаланади. Суякнинг периостал йўғонлашуви жағнинг ҳар иккала томонида кузатилади: шиллик

парданинг яллиғланиш ўзгаришлари даҳлиз томонда ҳам, оғиз бўшлиғи тарафида ҳам бўлади. Суякнинг зааралланган соҳасидаги бир нечта тишларининг перкуссияси оғриқли, уларнинг қимирлаб қолганлиги аниқланади. Пастки жағ остеомиелитида пастки лаб ва ияқ терисининг увишиб қолиши (Венсан симптоми) кузатилади.

Давоси. Жағнинг ўтқир йирингли периоститини комплекс даволаш зарур: йирингли ўчокни кесиб очиш; ва консерватив (мединаментоз) даво. Жағ ўтқир периостити ривожланишининг бошлангич босқичида (ўтқир сероз периостит) тиш бўшлиғини очиб, канални тозалаб, хосил бўладиган ажралмага йўл очиб қўйилса натижа яхши бўлади. Йирингли периоститда эса, инфекция манбаи ҳисобланган тиш олиб ташланади.

Кўпчилик касалларда жағнинг ўтқир йирингли периостити амбулатор шароитида даволанади, айримларга –стационар даво ўтказилади.

Ўтқир йирингли периоститда операция маҳаллий ўтказувчан ёки инфильтрацион анестезия остида ўтказилади. Инфильтрацион анестезия ингичка игна ёрдамида қилиниб, оғриқсизлантирувчи эритма шиллик парда остига игна орқали оҳиста киритилади ва мўлжалланган кесма чизиги бўйича тўқималар инфильтрация қилинади. Игнани йирингли бўшлиққа киритмаслик лозим. Беморларни дори-дармонлар бериб тайёрлаш яхши натижа беради. Айрим bemорларда операция наркоз остида қилинади.

Агар йирингли ўчок оғиз даҳлизи соҳасида жойлашган бўлса, кесма ўтув бурмаси бўйлаб бутун инфильтрат узунлигига шиллик ости тўқимаси ва суяқ усти пардасида ўтказилади. Одатда кесма узунлиги сабабчи ва икки ёнидаги тишлар соҳасида ўтказилади. Жароҳат четларининг ёпишиб қолмаслигининг олдини олиш ва йиринг оқишини таъминлаш учун ярага юпқа резина (қўлқоп)нинг энсиз тизимчаси зичланмасдан киритилади.

Йирингли ўчок юкори жағнинг дўнгги суяқ усти пардаси остида жойлашганда кесма юкори жағ молярлари соҳасидаги ўтув бурма бўйича қилиниши лозим, лекин яллиғланиш ўчогини ёриб очиш учун распатор ёки тарновсимон зонд билан кесмадан суяқ бўйлаб юкори жағнинг дўнгги йуналишида, орқага ва ичкарига ўтиш керак. Қозик тиш чукурчасида жойлашган жағ периоститида ҳам йирингли ўчок ана шу усулда ёриб очилади.

Пастки жағнинг тил томон периоститидаги яллиғланиш ўчогини, инфильтрат энг кўп шишиб чиқкан жойда, альвеоляр

ўсикнинг шиллик пардасини суюккача кесиб очиш тавсия қилинади. Тарновсимон зонд билан суюк сатҳи бўйлаб пастга қараб ўтилади ва суюк усти пардаси суриб қўйилиб, йирингга йўл очиб берилади.

Танглай абсцессида кесма тўқималар энг кўп шишган соҳада қилинади, бунда альвеоляр ўсик асосидан бир оз чекиниб, ёки танглайнинг ўрта чизигига, параллел ҳолда чекинилади ва суюккача кесилади. Кейин жарроҳлик ярасига юпка (кўлқоп) резинанинг сербар тизимчasi киритилади, бу, жароҳат четларининг ёпишиб қолмаслигига ва йирингнинг тўсиксиз оқиб кетишига имкон беради. Йирингли ўчок деворидан учбурчак шаклидаги шиллик парданинг кичик лахтаги кесиб олиб ташланади, кесиб олиб ташлаш яхши натижа беради, бу йирингнинг бирмунча эркин оқиб кетишини таъминлаб беради.

Яллиғланиш жараёни пастки жағ шохининг ички сатҳида бўлса, кесма ретромоляр соҳада (танглай-тил ёйчаси асосида) суюккача килинади, распатор билан жағнинг ички сатҳига ўтилади, йирингнинг яллиғланиш ўчоғидан оқиб кетиши таъминланади.

Жараён пастки жағ шохининг ташки сатҳида бўлса, вестибуляр томондан иккинчи ва учинчи катта озиқ тишлар соҳасида қия килиб суюккача кесилади, распатор билан суюк усти пардаси остидан пастки жағ бурчаги йуналишида чайнов мушаги ташқарига сурилади, ичкарига ўтилади. Ўчок очиб жароҳатга дренаж учун албаттa резина тизимчasi чукур килиб киритилади. Бундай операция наф бермаса, кейинги суткада беморни касалхонага ётқизиш, операцияни ташқаридан қилиш лозим бўлади. Йирингли ўчоқ очиб қўйилгандан кейин bemorга оғизни калий перманганатнинг кучсиз эритмаси, ёки 1-2% натрий гидрокарбонат эритмаси билан чайиб туриш, шунингдек жароҳатни этакридин лактат ёки фурациллин билан ювиб ташлаш мақсадга мувофик бўлади. Абсцесс бўшлигини оксациллинли димексид эритмаси (50мл дистилланган сув) билан ювиш ва жароҳатга 15 мин. давомида 40% ли димексид линиментини аппликация қилиш яхши натижа беради.

Агар инфекция манбай хисобланган тиш емирилиб, функционал ёки эстетик қимматини йўқотган бўлса, суюк усти пардаси остидаги йирингли ўчокни очиш билан бир вақтда уни олиб ташлаш лозим. Бу, йирингли ўчокни бартараф этишга ва яллиғланиш алломатларини бир кадар тезроқ йўқотишга ёрдам беради. Баъзан операциянинг техник қийинчиликлари борлиги, ёки

беморнинг аҳволи коникарли бўлмагани туфайли тишни олиб ташлаш кейинроқка қолдирилади. Бошка ҳолларда, тиш сақлаб қолинади: унинг бўшлиги очиб қўйилади ва кейин сурункали периодонтитга хос консерватив даво қилинади.

Ўткир йирингли периоститни дори-дармонлар билан даволаш сульфаниламид препаратлари (норсульфазол, сульфадиметоксин, сульфадимезин ва бошк.) тайинлашдан, пиразолон ҳосилалари (анальгин, амидопирин, фенацетин ва бошк.), шунингдек уларнинг комбинациялари, кальций препаратлари. витаминлар суткасига 2 ёки 3 г.дан(поливитаминалар, витамин С.) буюришдан иборат.

Бемор операциядан кейинги кун кўздан кечирилиб, яллиғланиш даражаси аникланади ва жоиз бўлса қўшимча даво тайинланади.

Жағнинг ўткир йирингли периоститида яллиғланиш алломатларига тезроқ барҳам бериш учун йирингли ўчоқ очилганидан кейин 2-Знчи кун физиотерапевтик даволаш усуллари: ёруғлик-иссиқлик билан даволаш (соллюкс-лампа), антисептик ёки дезодорацияловчи эритмалардан илик ванначалар, суртма дори боғламлари (Дубровин бўйича, вазелинли, 20% ли камфора мойи, облепиха, наъматак мойи), УВЧ, СВЧ, флюктуоризация, гелий-неон нурлари билан лазер терапияси тайинланиши лозим. Ҳамда даволаш физкультураси олиб борилиши мақсадга мувофик.

Кўпчилик ҳолатларда яллиғланиш ҳодисалари тез орада (2-3 кундан кейин) камайиб боради. Агар яллиғланиш ҳодисалари камаймаса, 2-Змарта новокаин ёки тримекайн блокадаси ўтказилади. Бунда теридаги яллиғланган тўқималар атрофи 0,25-0,5%ли тримекайн ёки новокаин эритмаси билан 40-50 мл миқдорда фурациллин, ферментлар кўшиб инфильтрация килинади.

Мадори қуриган баъзи bemорларга, шунингдек яллиғланиш ҳодисалари зўрайиб борувчи шахсларга антибиотиклар тайинланади. Йирингли ўчоқни кесиб очиш (бирламчи жарроҳлик ишлови бериш) антибиотиклар билан даволашнинг зарурий шарти хисобланади. Поликлиника шароитида таъсир кўрсатиш доираси кенг бўлган антибиотиклар (тетрациклин, террамицин, олете́трин, оксациллин ва бошк.) ни 5-6 кун мобайнида суткасига 5-6 маҳал 100000 ТБ мушаклар орасига юбориш мақсадга мувофик бўлади.

Оқибати: Жағларнинг ўткир йирингли периоститига ўз вақтида ва тўғри ўтказилган даво соғайиш билан тугайди, 3-5 кундан кейин беморлар ишга ярокли бўлишади. Баъзи беморларда даволашдаги нуқсонлар, яллиғланиш жараёнининг зўрайиб бориши, йирингли экссудатнинг сүякка тарқалишига ва жағнинг ўткир остеомиелити ривожланишига ёки экссудатнинг жағ атрофидаги, юмшоқ тўқималарига тарқалиши, абсцесс ёки флегмона ҳосил бўлишига олиб келади.

Жағларнинг ўткир периостити профилактикаси оғиз бўшлигини санация килиш (тозалаш) ва сурункали одонтоген инфекция ўчокларини бартараф килишдан иборат бўлади.

Жағнинг сурункали периостити.

Жағнинг сурункали периостити кам учрайди. Яллиғланиш жараёни, аксарият пастки жағнинг сүяк усти пардасида ривожланниб, яллиғланиш гипергик реакциясига хос бўлиб кечади. Бундай касаллик бирламчи ёки иккиламчи иммунодефицит ҳасталикларга ва ҳолатларига учраган беморларда кузатилади.

Касаллик узок давом этиб, 8-10 ойдан, то бир неча йилгача давом этиши, вақти- вақти билан ўткирлаши мумкин.

Клиник жиҳатдан беморларни кўздан кечирганда юз тузилишининг бир оз ўзгарганлиги, пайпаслаб кўрилганда эса сүякнинг оғриқсиз қалинлашганлиги аниқланади. Пастки жаг ости соҳасида 2-3 лимфа тугуларнинг катталашган, зич, оғриқсиз ёки кучсиз оғриқ беради. Оғиз бўшлиғида: 4-5 тишлар соҳасида альвеоляр ўsicкни ва ўтув бурмани қоплаб турган, шишган, қизарган шиллик парда пайпаслаб кўрилганда альвеоляр ўsicкдан пастрокда жағ та-насининг периостал йўғонлашуви кайд қилинади. Рентгенограммада жағнинг периостал йўғонлашувининг сояси кўринади. Касаллик 2-3 ойдан ортиқ давом этганда йўғонлашган сүяк қобиғи сүякка ўтиши яъни оссификация кузатилади. Касаллик узок давом этганда, айникса болаларда, пастки жағ чеккаси бўйича янги тузилган сүяк аниқланади. Рентгенограммада у катлам-катлам, баъзан вертикал тарам шаклида ва бетартиб тузилганлиги яхши кўриниб туради.

Жағлар сурункали периоститини катор ўсма ва ўсмасимон ҳосилалар билан дифференциал диагностика қилишни талаб этади.

Давоси. Сурункали периоститни даволаш одонтоген патологик ўчокни бартараф этишдан бошлашади. Физиотерапевтик даво усууллари: димедрол, димексид, кальций хлорид, калий йодид

күшилган ион форези, шунингдек гелий-неон нурлари билан лазер терапияси тайинланади. Айниқса дард чўзилиб кетганда, даво кор қилмаганда оссификат олиб ташланади. Болаларда жағ сурункали периоститини даво килиш «Болалар ёшидаги стоматология» дарслигининг тегишли бўлимида келтирилган.

Прогнози. Жағ сурункали периоститида прогноз ҳавфли эмас. Жараён суккя усти пардасидан суккя ўтиши мумкин ва унда сурункали гиперпластик остеомиелит ривожланади.

Профилактика. Одонтоген инфекциянинг сурункали ўчокларини бартараф этиш, иммунитет дисбалансини тўғрилашдан иборат бўлади.

Жағлар одонтоген остеомиелитининг ўткир даври (окма касаллиги)

Жағнинг одонтоген остеомиелити.

Жағнинг одонтоген остеомиелити - жағларнинг суккя тўқимасидаги инфекцион йирингли-некротик яллигланиш жараёнидир. В.В.Паникаровский ва А.С. Григорьянларнинг таснифига кўра (1975), ўткир остеомиелит «остит»нинг кёнжа тури хисобланади. Ю.И. Бернадский (1995), А.Г.Шаргородский (1985) бу касалликни «паностит» деб аташ бир мунча тўғрирок буларди, деб хисоблайдилар. Биз эса А.И.Евдокимов ва Г.А.Васильевларнинг таснифига биноан умум кабул килинган «остеомиелит» атамасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз.

Жағнинг одонтоген остеомиелити касаллигиги билан 20 дан 40 ёшгача бўлган шахсларнинг, аксари асосан эркакларнинг оғришини кўпчилик муаллифлар таъкидлаб ўтадилар. Пастки жағнинг юқоригига нисбатан кўпроқ зарарланиши кузатилган.

Этиологияси. Ўткир йирингли остеомиелит одонтоген инфекциянинг суккя ўтиши натижасида ривожланади. Остеомиелитик йирингли ўчоклар микрофлораси орасида аксари олтинсимон ва оқ стафилококклар, стрептококклар ва бошқа коқклар, кўпинча, чириган бактериялар билан бир каторда таёқчасимон шакллар ҳам учраб туради. Жағ остеомиелитининг оғир турларида аксари анаэроб стрептококклар ва стафилококкнинг патоген штаммлари топилади. 70- йилларда стафилококкларга (айниқса антибиотикларга чидамли бўлган штаммларга) катта ўрин ажратилган. Булар остеомиелитнинг энг

огир турларини, шунингдек жағлардаги даволаниши қийин бўлган ва узок давом этадиган остеомиелитик жараёнларни келтириб чиқарган. Бу касалликнинг келиб чиқишда анаэроб инфекцияга ва улар орасида аспороген анаэробларга катта жой ажратилган.

Остеомиелитда кўзғатувчи микроблар орасида фузобактериялар, бактероидлар пептострептококклар холидаги анаэроб флоранинг 3-4 хили бўлиши аникланган, буларнинг 70 фоизи кўпчилик антибиотикларга нисбатан резистентли бўлади (Кочеревец В.И., 1981).

Патогенези. Чўкки олди, апикал гоҳо-маргинал тиш ўчоклари микрофлораси жағ остеомиелити ривожланиши учун инфекциянинг асосий манбаи хисобланади. Баъзан бу патологик жараён, илдиз олди кистаси йиринглаганд, бошқа ўсмасимон заараланишларда, шунингдек инфекция стоматоген дарвозалардан кирганидан кейин ҳам ривожланади. Жағ остеомиелитининг қай даражасида учраб туриши, айрим тишлар гурухлари периодонтида яллиғланиш жараённининг нечоғлик тез учраб туришига боғлик бўлади. Пастки жағдан биринчи ўринда биринчи пастки катта озиқ тиш, иккинчи ўринда пастки акл тиш туради, бу тишнинг доирасида факат чўкки олди яллиғланиш жараёнларигина эмас, балки аксари маргинал яллиғланиш жараёнлари юзага келади, учинчи ўринда пастки иккинчи катта озиқ тиш туради ва х.к. Юқори жағнинг одонтоген остеомиелити, аксари биринчи юқори озиқ тишдан бошланадиган аввалги яллиғланиш жараёнига алокадор бўлади.

Жағ остеомиелити патогенези назарияларининг талайгина кисми адабиётдан маълум. Булар орасида иккита йуналишни ажратиш лозим. Биринчиси –гематоген остеомиелитининг инфекцион-эмболик келиб чиқиш назариясидир (Бобров А.А., 1889; Лексер, 1894).

Бу назария асосида, яллиғланиш ривожланишида томирга тушган инфекциянинг тромб ҳосил килиши ётади. Тромб суякларнинг охирги капиллярларида эмбол сифатида ўтириб колади. Томирлар тромбланиши натижасида, кон айланиши ва суяк озикланишининг бузилиши, унинг некрозига олиб келади ва инфекция қўшилиб, йирингли яллиғланиш юзага келади деб тушунтирадилар. Анатомик ва морфологик текширувлар муаллифларнинг локалистик инфекцион-эмболик назарияси касаллик ривожланишини тушунтириб беролмаслигини исботлаган. Бошқа

назария тарафдорлари организм реактивлигининг турли хил таассуротлар таъсири остида ўзгаришига ва уларнинг сұядаги маҳаллий яллиғланиш жараёни ривожланишида акс этишига асосланиб (М.Артюс, Г.П.Сахаров, С.М.Дерижанов), пастки жағ остеомиелитининг моделини яратганлар (Г.А.Васильев, Я.М.Снежко). Муаллифлар яллиғланиш жараёнининг пайдо бўлишига сабаб бўладиган омиллар орасида сансибилизацияни таъкидлаб ўтганлар. Бу клиникада тасдикланди: кўпчилик беморларда жағ остеомиелити сурункали периодонтитнинг такрор ва такрор зўрайиши заминида ривожланган.

Г.И.Семёнчёнко (1958) жағ остеомиелити ривожланишида нерв рефлектор бузилишлар (нейротрофик назария)га асосий ўрин берган.

Микробиология, биокимё, иммунология, патофизиологиянинг замонавий ютуклари, жағ остеомиелити патогенезининг асосий механизмларини ажратиш имконини беради.

Организм реактивлиги сұяқда йирингли-некротик жараён ривожланишида, унинг канча давом этишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Жағ остеомиелити ривожланганда, организмнинг носпецифик ҳимоя механизмлари сусайган бўлиши мумкин. Бу совук қотиш, толикиш, стресс вазиятлари, бошдан кечирилган ўтқир респиратор, аденовирусли ёки бошқа инфекциялар, кўшилиб колган ҳасталиклар, шунингдек дори бериб даволаш билан боғлик бўлиши мумкин.

Иммунитет сұяқ тўқимасида йирингли некротик жараён ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Организмнинг иммунологик реактивлиги антиген таассурот-микробларни топа билиш ва уларга специфик реакция қилиш (блокадалар, нейтраллаш, парчалаб юбо-риш ва бошк.) имконини белгилаб беради. Сурункали одонтоген ўчоқлар, уларнинг зўрайиб кетиши иммун реакцияларнинг издан чиқишига олиб келади. Уларнинг дисбаланси жағ остеомиелити негизида ётади. Микробларнинг ва уларнинг парчаланиш маҳсулотлари хисобланган эндотоксинларнинг такроран таъсир кўрсатиши, уларга ошган ўта сезувчанликни-сенсибилизацияни юзага келтиради. Сенсибилизациянинг юкори даражаси жағнинг ўтқир остеомиелитида яллиғланиш гиперергик кечиши эхтимолини оширади. Сенсибилизация даражасининг ошиши билан, иммунитет дисбаланси ва организмнинг адекват ҳимоя реакциясини таъмин

эта олмаслиги ортади-сүяк тұқимасининг йириングли некротик жарайёни ривожланади.

Жағ остеомиелити ривожланиши учун диабет, қон касалларлари, рухий ҳасталиклар туғма ва орттирилган иммунитет бузилишлар (бирламчи ёки иккиласынан патологик иммун касалларлар ва ҳолатлар) маълум аҳамиятга эга. Аксари жағ остеомиелити бод, полиатритлар, жигар ва буйрак касалларларига учраган беморларда ривожланади. Айрим беморларда бундай касалларлар жағ остеомиелитининг яллигланиш реакцияси гипергик яъни суст кечишини белгилайди.

Маҳаллий иммунитет ҳолати жағ остеомиелити ривожланишида мұхим роль үйнайды. Сурункали одонтоген ўчоқ, баъзан унинг такрорланадиган зўрайишлари маҳаллий ҳужайрали ва гуморал хисобланган носпектифик ва специфик реакциялар балансини бузади . Микроблар ва уларнинг парчаланиш маҳсулотларининг сүяк илигига доим таъсир кўрсатиши унинг структурасини, ҳужайра қувватини ва химоя реакцияларининг фаоллигини издан чиқаради. Оғиз суюклиги, периодонт тұқымалари, кейин эса сүяк илиги маҳаллий иммунитеттинг мұхим органлари сифатида инфекцияга қарши таъсир кўрсата олмайди, бундай ҳолатларда инфекция сүяк тұқимасига бемалол киради.

Йириングли жараённинг периодонтдан альвеоляр ўсик ва жағ саягининг ичкарисига тарқалишига баъзи анатомик хусусиятлар ҳам ёрдам беради: альвеолалар деворларида қон томирлар ва лимфа томирлари шунингдек асаб толалари ўтадиган майда тешикларнинг кўп микдорда бўлиши. Ўткир ва ўткирлашган сурункали периодонттитда тишилдиши чўккиси доирасида сүяк тұқимасининг сезиларли резорбцияси ва қайта тузилиши, альвеолаларининг деворларида табиий тешикларнинг кенгайиши ва баъзи жойларда периодонт ва якин турган сүяк илиги бўшлиқлари орасида кенг алоқа ҳосил бўлиши юзага келади. Бунинг натижасида йириングли экссудатнинг яллигланиш периодонтдан альвеоляр ўсик ва жағ танаси сүяги ичкарисига тарқалиши учун қулай шароит яратилади. Сүяк тұқимасининг йириングли некротик жараёни - жағ остеомиелити ривожланади.

Қон айланиши остеомиелит ривожланишида мұхим роль үйнайди. Яллиғли экссудатнинг сүякка кириб қолиши, сүяк илиги микроциркуляциясинининг издан чиқишига олиб келади. Микроциркулятор бузилишлари асосида аллергия феноемёнлари ётади: 1)

антиген билан антителолар бирикмалари сабаб бўлган томир реакциялари, бу бирикмаларга базофиллар ёки семиз хужайраларнинг жалб килиниши; 2)хужайралар ва тўқималар мембранныда антиген-антителонинг ўзаро таъсири сифатидаги цитотоксик реакциялар; 3) комплимент катнашган антиген-антитело реакцияси; 4) секинлашган гиперсезувчанлик реакцияси. Бу механизмлар суяк кизил илиги микроциркулятор ўзани томирлари деворининг ўтказувчанлигини, ивитувчи ва фибринолитик тизимлар бузилишини белгилаб беради. Суяк илиги томирларнинг тромбози ва тромбларнинг йирингли эриши охириги натижа сифатида ривожланади. Суяқда йиринг тўпланиши суяк ичи гипертензиясига ва жараёнга экстраоссал томирларнинг жалб этилишига олиб келади. Жағнинг ўткир остеомиелитида гемодинамиканинг маҳаллий бузилиши ивитувчи фибринолитик ва бошка кон тизимлари умумий кўрсаткичларининг ўзгариб қолишига олиб келади.

Шундай килиб, жағ остеомиелити кўпинча аъзо патологияси кўриниши ҳолидаги бирламчи ва иккиласми иммунологик етишмовчиликнинг заминида инфекцияга қарши умумий носпесифик ва специфик организм ҳимояси сусайгандা ва бузилганда ривожланади. Умумий иммунологик реактивлик маҳаллий ҳимоя реакцияларига ва бевосита оғиз суюклигининг турли компонентларига ва суяк илигининг тўқима ва томирли структураларига таъсир кўрсатади. Сенсибилизациянинг юкори даражаси остеомиелит ривожланишининг патогенетик омили бўлиб ҳисобланади. Аллергиянинг турли хил феноменлари гемодинамика ва қон ивиш тизимининг бузилишига олиб келади ва суяқда йирингли-некротик жараён ривожланишини белгилаб беради.

Патологик анатомияси. Микроскопик жиҳатдан суяк илигида кўп сонли, ҳар хил ҳажмдаги микробларга бой йирингли ўчоқлар аникланади. Аста-секин йирингли ўчоқлар бир-бири билан қўшилиб кетади. Суяқнинг заарланган соҳаларида томирларнинг анчагина ўзгаришлари: кенгайиши, қон куйилиши стаз, тромбоз ва тромбларнинг йирингли эриши аникланади. Жараён атрофидаги суяк илиги сероз экссудат билан инфильтрацияланиш босқичида бўлади. Яллиғланиш ўзгаришлари суяк илигидан суяқнинг озиқлантирувчи каналларига ўтади, бу ерда ҳам томирлар кенгайиши уларнинг стази ва тромбози, кейин эса, уларнинг йирингли эриши кузатилади.

Томирлар доирасида тўқималар зардобли кейин эса йирингли экссудат билан бўқади, натижада суяк некрозга учрайди. Суяқдаги йирингли некротик жараённинг тарқалиш қўлами касалликни чақирган, микрофлора ва организмнинг иммунобиологик ҳолати ва маҳаллий ҳимоя кучларининг сифатларига боғлик. Шунинг учун айрим беморларда остеомиелит чекланган, айримларда тарқалган (диффуз) шаклда бўлади. Чеклаган ва диффуз жағ остеомиелитида суякни ўраб турган тўқималарда: суяк усти пардасида, жағ олди юмшоқ тўқималари, лимфа тугуларида яллиғланиш ўзгаришлари юзага келади.

Реактив яллиғланиш кўринишидаги коллатерал шиш пайдо бўлади. Шикастланган суяк устидаги парданинг шишуви, гиперемияси кузатилади, суяк йўғонлашиб, толалари йўколади.

Нейтрофил лейкоцитларни ўзида жамлаган сероз экссудат йирингли экссудатга айланади, суякнинг иккала тарафидаги суяк усти пардасини ажратиб қўяди ва пастки жағ суюгининг икки томонида ҳам периостит ҳосил килади. Йирингли экссудатнинг жағ атрофидаги юмшоқ тўқималарга тарқалиши содир бўлиб, абсцесслар ва флегмоналар ҳосил бўлади. Абсцесслар ва флегмоналарнинг ривожланиши жағ остеомиелитининг кечишини оғирлаштириб қўяди. Гемодинамика ва қон ивувчанлиги тизимининг интраоссал ва периостал бузилишларидан ташқари суяк усти пардаси томирлари ва жағ олди юмшоқ тўқималарининг ўзгаришлари юзага келади. Бусуяк катта участкалари озиқланишининг бузилишига ва суяк тўқимаси жонсизланниш хажмининг кўпайишига олиб келади. Йирингли некротик жараён марказида ва атрофида суякнинг қон билан таъминланишининг бузилиши натижасида секвестрлар ҳосил бўлади. Улар юза (кортикал) ва яхлит (тўлик, суякнинг ҳамма қисми). Катта ва кичик бўлиши мумкин.

Суяк некрозидан кейин, ундан йирингли экссудат чиқиб бўлганидан сўнг, ўткир яллиғланиш жараёнлари босилиб, жараён ўткир ости босқичига ўтади. Некрозга учраган суяк атрофида томирларга бой бўлган грануляцион тўқиманинг ўсиши, секвестрнинг қисман сўрилишига олиб келади. Натижада жонсизланган суяк секин-аста соғлом тўқимадан ажралади. Секвестрация бошланади. Бир вақтнинг ўзида суяк усти пардаси ва қисман суяк томондан янги суяк тўқимаси ҳосил бўла бошлайди. Жараённинг сурункали босқичга ўтишида яллиғланиш ўчокларининг чегараланиши, секвестрларнинг ажралиши содир бўлади. Янги суяк тўқимасининг

ҳосил бўлиши давом этиб, борган сари йўғонлашиб боради.

Остеомиелитда, янги ҳосил бўлаётган суяк тўқимаси некрозга учраган суяк атрофида секвестрал қутичани ҳосил қиласи, ёш соғлом одамларда суякнинг ортиқча ҳосил бўлиши содир бўлади. Ўз-ўзидан ажралиб чиккан, ёки операция йўли билан олиб ташланган секвестрнинг ранги кир-кул ранг тусда ва четлари ғадир - будур бўлади. Секвестр олиб ташланганидан сўнг, ҳосил бўлган бўшлиқ, аста-секин ўсиб, борувчи грануляцион ва остеоид тўқима билан тўлади, у кейинчалик суякка айланади.

Жагнинг айрим жойларида грануляцион тўқимага тўлган, баъзан эса кичик ёки майда секвестрлари бўлган яллиғланиш ўчоқлари қолиши мумкин. Бу ўчоқлар яллиғланиш жараённинг зўрайишига ва шу жараённинг узок вақт чўзилишига сабабчи бўлиши мумкин. Грануляциялар билан тўлган ва микроблар сақлаган бўшлиқ, сурункали яллиғланиш ўчогини ҳосил қилиб, умумий ҳимоя омилларига ҳам, маҳаллий омилларга ҳам салбий таъсир кўрсатиши билан бирга, бир вақтнинг ўзида организмда аутоиммун жараённи юзага келтиради. Буларнинг ҳаммаси сурункали остеомиелитнинг узок муддат кечишига, суяк янги участкаларининг заарланишига, жараённинг секвестрсиз кечишига замин яратади.

Одонтоген остеомиелитнинг клиник манзараси

Жағлар остеомиелитининг клиник кечиши хилма-хил бўлиши мумкин ва микрофлоранинг хусусиятларига, инфекцияга қарши ҳимоянинг носпецифик ва специфик омилларига, организмнинг бошқа индивидуал хусусиятларига, шунингдек касалликнинг жойлашуви, давомийлиги ва босқичига боғлик бўлади. Бу омиллар яллиғланиш реакцияларининг турли хил типлари: нормергик, гипергик ва гипоргик хилларида акс этади. Ёши қайтган кишиларда, карияларда иммунитетнинг анчагина пасайланлиги муносабати билан гипергик реакция сусайиб анэргик холда кечиши мумкин.

Одонтоген остеомиелит кечиши уч босқичда (фазада) ўтади: ўткир, ўткир ости ва сурункали. Яллиғланиш жараённинг кўламига қараб, чегараланган (яъни жағ суюгининг бир анатомик қисми - альвеоляр ўсиқни 3-4 тиш соҳасида, ёки жағнинг танаси ёки бурчаги) тарқалган ва диффуз – турлари (жағ суюгининг ярми ва ундан зиёд қисми) ажратилади.

Жағ сүякларининг у ёки бу жойларида остеомиелитнинг ривожланиши учун уларнинг анатомик тузилиши мұаъйян аҳамияттаға эга бўлади. Юкори жағда, унинг танасида, альвеоляр ўсигида ғоваксимон модда кам, компакт пластинкада тешиклар кўп бўлади, бу экссудатнинг периодонт ва сүяқдан чиқишини осонлаштиради. Шу сабабли юкори жағ кам заарланади ва остеомиелит кўпроқ чегараланган турда бўлади.

Пастки жағда ғоваксимон модда кўп микдорда бўлади. Унинг компакт қавати зич, йўғон, тешиклари кам бўлади. Экссудатнинг периодонтдан сүяқ орқали чиқиши кийин бўлиб, кўпинча у ғоваксимон моддага тарқалади. Пастки жағдаги остеомиелитик жараёнлар юкоридагига қараганда, айниқса танаси ва унинг шохи соҳасида оғирроқ кечади. Бемор ранги оқаради, ёпишқоқ тер босади, кейин бош айланиши, умумий холсизлик пайдо бўлади. Бошка аъзолар ва системалар, шу жумладан ичаклар фаолиятининг бузилиши (одатда ич қотади, гоҳо – ич кетади)ни қайд қилиш мумкин.

Жағнинг чекланган остеомиелитида тана ҳарорати субфебрил, лекин кўпроқ 1-3 кун мобайнида $39\text{-}40^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади. Эт увишиши, бир неча кун мобайнида, ёки фақат тунда профуз тер босиши мумкин. Ўртacha заҳарланиш рўй беради. Жағнинг диффуз остеомиелитида тана ҳарорати баланд – $39,5\text{-}40^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади, ҳароратнинг эгри чизиги “лихорадка” типида. Ҳарорат $2\text{-}3^{\circ}\text{C}$ га кадар ўзгариб туради. Заҳарланиш турлича ифодаланган бўлади. Эт увишуви ва тер чиқиши унинг ҳарактерли симптомларидир.

Пастки жағ ости, энгак ости, баъзан олдинги бўйин лимфа тугунлари жуда катталашган бўлади, пайпасланганда оғриди. Айрим касалларда йирингли лимфаденит ривожланади (аденоабцесс).

Жағ ўткир остеомиелитига дучор бўлган bemорларда оғиз бўшлиғи кўздан кечирилганда, тишларни караш қоплаган, тупуги куюқ ва чўзилувчан бўлади, оғиздан ёқимсиз, гоҳо чириган кўланса ҳид келади. Овқат ёйиши, ютиниш кўпинча қийинлашган бўлади. Альвеоляр ўсикнинг шиллик пардаси одатда бир неча тиш давомида кизарган бўлади ва оғиз бўшлиғи даҳлизи томонидан ҳам, тил ёки танглай тарафидан ҳам шишган бўлади.

Диффуз остеомиелитларда бу ўзгаришлар сүякнинг анчагина кисмига тарқалган бўлиб, жағнинг иккала тарафида бир қанча сүяқ усти пардаси остига йирингли ўчоклари ҳосил бўлади.

Юкори ва пастки жағлар ўткир остеомиелитининг клиник манзарасида қатор ўзига хос хусусиятлар бўлади. Юкори жағнинг ўткир остеомиелити пастки жағнинг ўткир остеомиелитига қараганда бир қадар енгил ўтади. Йириңг альвеоляр ўсиқдан юкори жағ бўшлиғига тарқалади. Бу оғриқнинг кучайиши, бурундан йириңгли ажралманинг пайдо бўлиши билан давом этади. Юкори жағ остеомиелитида, дўнг соҳасида суяқ усти пардасининг йириңгли ўчоклари кам ҳосил бўлади, йириңгли экссудат эса чакка ости чукурчасига ва кейинчалик чакка соҳасига тарқалади.

Жағнинг ўткир остеомиелити қон ва пешобнинг ўзгаришлари билан кечади. Улар организмнинг индивидуал хусусиятларига, носпепифик ва специфик ҳимоя омилларининг холатига ва тегишлича яллигланиш реакциясининг хилига алоқадор бўлади.

Ўткир даврда суякнинг чекланган ва диффуз заарланишларининг нормергик кечиши лейкоцитлар сонининг $10\text{--}10^9/\text{л}$ дан $15\text{--}10^9/\text{л}$ гача ошиши, нейрофиллар сони (70-80 фоизгача), шу жумладан таёқча ядроли нейтрофилларнинг (15-20 фоиз) кўпайиши билан таърифланади. ЭЧТнинг аста-секин соатига 15 дан 40 мм гача кўпайишига мойиллик бўлади. Носпепифик иммунитет тестларининг турли хил кўр-саткичлари ўзгарган бўлиб, реакцияларнинг ҳимоя ҳарактерини акс эттиради. Сийикда оқсилни юқидан тортиб, то $0,033\text{ г/л}$ гача лейкоцитлар кўриш майдонида 20-25 донагача топилади.

Айрим ҳолатларда сийикда оқсил ($0,033$ дан 3 г/л гача), гематурия, цилиндруря аникланади.

Жағ ўткир остеомиелитининг гипергик кечишида, қонда асосан гемоглобин миқдори ва эритроцитлар сони камайган бўлади, лейкоцитлар миқдорининг нормал бўлиши ва камайишга мойиллиги бўлади. Айрим беморларда лейкопения $4,0 \times 10^9/\text{л}$ гача этиши мумкин. Шу билан бир вактда ЭЧТ норма чегарасида бўлиши мумкин, баъзи бир bemорларда, айниқса ёши катта бўлган гуруҳда камайган бўлади. Пешобдаги ўзгаришлар хар хил бўлиши ва bemорнинг ёшига, унинг бошқа ҳасталикларига алоқадор бўлиши мумкин. Бирламчи ва иккиласми иммунодефицити бор bemорларда, турли хил ўзгаришлар андек альбуминуриядан тортиб, то оқсилнинг кўп миқдорда бўлиши, гематуриялар, цилиндрурялар-гача кузатилади.

Қариялар ва заиф беморларда турли компенсатор реакциялар пасайган бўлади, айрим иммунитет кўрсаткичларининг дисбаланси ва ареактивлик кузатилади.

Жағ остеомиелитининг ўткир даврида рентгенограммаларда суяқ ўзгаришлари аниқланмайди. Факат айрим тишлар ёки илдизларининг периодонтитига хос патологик ўзгаришларгина кузатилиб, булар сурункали периодонтит учун ҳарактерли бўлади. Ўткир жараённинг 10-14 кунидан суяқ тўқимаси деструктив ўзгаришларнинг дастлабки белгиларини, суяқ усти пардасининг йўғонлашганини аниқлашга эришилади. Айрим беморларда фақатгина периостал йўғонлашув ва суяқ структурасининг рентген суратда бир оз хиравашганлиги кузатилади.

Одонтоген остеомиелитининг ўткир ости ва сурункали даври.

Ташхислаш ва даволаш принциплари.

Жағ остеомиелитининг ўткир ости босқичи. Жағ одонтоген остеомиелитининг ўткир даври одатда 10-12 кундан 2 хафтагача, диффуз турида- 3 хафтагача давом этади ва ўткир ости даврига ўтади. Остеомиелитининг ўртача кечаётган ўткир ости босқичида умумий аҳвол ва кайфият яхшиланади, уйқу тикланади, иштаҳа очилади, ичаклар функцияси нормаллашади. Тана ҳарорати пасаяди ва бир сутка мобайнида унинг ўзгаришлари камаяди. Беморларда эрталабки ҳарорат одатдагидек 37°C дан озгина ошади. Қатор bemорларда тана ҳарорати нормаллашади, баъзиларда кечки пайтда субфебрил бўлади. Суяқ усти пардаси ўчоклари, абцесс ва флегмона очилгандан кейин тўқималарда яллиғланиш ўзгаришлари аста – аста камайиб боради.

Суяқ усти пардасининг йирингли ўчоғи очилган ерда йирингли ажралмаси жуда кам бўлган оқма яра йўллари пайдо бўлади. Тиш катагидан грануляциялар шишиб чиқади. Заарланган суяқ соҳасидаги тишларнинг кимирлаб қолганлиги кайд қилинади, периферия бўйича турган тишлар бирмунча кам кимирлайдиган бўлиб қолади.

Конда қизил кон кўрсаткичлари нормаллашади, лейкоцитлар шу жумладан нейтрофиллар, ЭЧТ сони анчагина камаяди. Жағ остеомиелитининг диффуз турига учраган касалларда лейкоцитлар сони факат $12-15 \cdot 10^9/\text{l}$ гача пасайиши мумкин, лейкоцитар

формуланинг чапга сўрилиши сакланади, ЭЧТ ошган бўлади. Сийдик меъёрда ўзгарган бўлади (оксил, лейкоцитлар).

Жағ остеомиелитининг сурункали босқичида беморлар текширилганда, жағни ўраб турган юмшоқ тўқималар ва периост йўғонлашуви натижасида юз конфигурациясининг ўзгариши аникланади. Йўғонлашган суюк устидаги тери бир қадар юпқалашган ва таранглашган бўлади. Пастки жағ шохининг заарланиши сабабли заарлланган томондаги чайнов мушагининг анчагина зичлашуви ва суюк йўғонлашуви ҳисобланади.

Остеомиелитнинг сурункали босқичида операция жароҳатларининг битиб кетиши содир бўлади. Уларнинг ўрнида суюккача борадиган оқма яра йўллари қолади, улардан йиринг аж-ралади, жуда кўп қонайдиган грануляциялар шишиб чиқади.

Остеомиелитнинг сурункали босқичида айrim зўрайишлар кузатилади. Улар умумий ахвол ва кайфиятнинг ёмонлашуви, тана ҳароратининг кўтарилиши билан характерланади. Айrim ҳолатларда йиринг чиқиши тўхтаб қолса, оқма яра йўли очилиши билан ундан экссудат ташкарига қуилади, бошқа ҳолатларда инфекция бош ва бўйин соҳасига тарқалиши мумкин, бу ерда абсцесс ёки флегмона ҳосил бўлади.

Сўнгги икки ўн йилликда сурункали жағ остеомиелити атипик формаларининг сони анча кўпайди, бунда патологик жараёнда продуктив реакциялар некротик реакциялардан устун туради. Асосан пастки жағ унинг танаси, бурчаги ва шохи заарлланади. Бу суюкда эндостал ва периостал янги тузилмалар ҳосил бўлиши жуда ҳам ифодаланган бўлиши мумкин. Кўпгина муаллифлар буни пастки жағ сурункали остеомиелитининг продуктив, гиперпластик ёки гиперостоз шаклининг кўриниши деб изоҳлаб берадилар.

Касалликнинг бирламчи-сурункали кечиши ҳам бўлади, бунда касалликнинг ўткир даври ажратилмайди, анамнезда эса тиш соҳасидаги яллиғланиш ҳодисалар ҳакидагина маълумот бўлади. Ҳасталик кўпроқ ёш кишиларда кузатилади. Секвестрларнинг ажralиши беморларнинг умумий ахволига, уларнинг ёшига, иммун реактивлигига, шунингдек секвестрнинг ҳажмига қараб, турли муддатларда кечади. Чунончи, ёш кишиларда юпқа кортикал секвестрлар 3-4 ҳафтадан кейинрок ажralиб чиқади. Пастки жағда остеомиелитнинг чекланган турлари тиш альвеоласи деворлари, альвеоляр ўсиқнинг кичик булақлари ёки жағ танасининг секвестрациясига олиб келади.

Диффуз остеомиелит пастки жағ танасининг катта участкалари, шохининг секвестрацияси билан характерланади.

Сурункали остеомиелитнинг рентгенологик манзараси анча хилма-хил бўлади. Рентгенограммада: марказида кўпроқ кичик бўлган секвестрлар соялари бор, нотўғри шаклдаги сүяк резорбциясининг битта ёки бир қанча ўчоклари кўринади.

Некрозланган сүякнинг айрим участкалари ўртасида жонсизланмаган тўқима зоналари жойлашади (расм 63). Рентгенограммада секвестрларнинг ажралиши билан бир каторда янги тузилган сүяк тўқимаси кўриниб туради, шу туфайли жағ қонтурлари ўзгаради, унинг чеккаси йўғонлашади ва ғадир-будур бўлиб қолади.

Бир неча йил мобайнода пастки жағ ичида секвестрлари кичик ёки уларсиз, лекин грануляциялар билан тўлган, думалоқланган майдага ўчоклар қолади. Йиллар ўтган сари склерозланиш жараёнлари бир мунча ифодаланган бўлиб қолади ва деструкция ўчокларининг остеосклероз ўчоклари билан алмашуви кўринади.



Расм – 63

Пастки жағнинг сурункали остеомиелитида продуктив ўзгаришларнинг ифодаланганлиги рентгенограммада сүяк тўқимасининг эндостал ва периостал қайта тузилиши билан характерланади. Фоваксимон тузилишнинг хира кўриниши, унинг анчагина зичлашуви, сүяк склерози кайд қилинади. Сүяк тўқимаси сийраклашувининг кичик ўчокларини қийинлик билан кайд қилишга эришилади. Ҳосил бўлган секвестрал капсула бир қанча вақт ўтгандан кейин етарлича барқарор бўлиб қолади ва талайгина зўрикишга бардош бера олади. Лекин заифлашган ва ёши қайтган

беморларда регенерация жараёнларининг сусайиши туфайли етарлича кучли секвестрал капсула ҳосил бўлмайди.

Жағ одонтоген остеомиелитининг сурункали босқичида жонсизланган сүяқ участкалари тўлиқ ажралганда кон ўзгаришлари манзарасининг нормаллашуви кейинчалик содир бўлади.

Гемоглобин даражаси, эритроцитлар сони ошади, лейкоцитлар миқдори камаяди. ЭЧТ анчагина кечрок нормаллашади.

Ўткир одонтоген остеомиелит, периодонтит, периостит қиёсий ташҳиси.

Ўткир периодонтит, ўткир пульпитдан жағнинг периоститидан, остеомиелитидан, илдиз кистаси йиринглашидан, ўткир одонтоген гайморитдан фарқ қилинади.

Ўткир периодонтитда, пульпитдан фарқли равишда оғриклар доимий, пульпанинг диффуз яллигланишида – хуружсмон бўлади. Ўткир периодонтитда (ўткир пульпитдан фарқли уларок), тиш атрофидаги милқда яллигланиш ўзгаришлари кузатилади, перкуссия бир кадар оғрикли бўлади. Бундан ташқари, электроодонтометрия пульпа некрозга учраганини билдиради.

Ўткир периодонтитни жағнинг ўткир йирингли периоститидан дифференциал диагностикаси, маҳаллий ва умумий аҳволга баҳо бериш билан кечади, периоститда тана ҳарорати кўтарилади, жағ олди юмшоқ тўқималарининг коллатерал яллигланиш шиши ва сүяқ усти пардаси ости йирингли ўчок ҳосил бўлиши, жағнинг ўтув бурмаси бўйлаб тарқок инфильтрат борлигига асосланади. Жағ периоститида тиш перкуссияси кам оғриқ беради ёки ўткир периодонтитдан фарқли равишда, оғриқ бермайди.

Ўткир йирингли периодонтитни илдиз олди кистасининг йиринглашидан ажратиш лозим. Альвеолар ўсиқда чегаралари аниқ шиши ҳосил бўлиши, баъзан шиши марказда сүяқ тўқимасининг йўклиги, рентгенограммада сүякнинг думалок ёки овал шакидаги емирилиши кистадан далолат беради.

Ўткир йирингли периодонтитни юкори жағ бўшлигининг ўткир одонтоген яллигланишидан фарқлаш керак, бунда оғрик бўшлиқка яқин турган бир ёки бир нечта тишларда авж олиши мумкин. Лекин тегишли бурун катагининг битиб кетганлиги, бурун йўлидан йирингли ажралмаларининг оқиб чиқиши, бош оғриги, умумий холсизлик, юкори жағ бўшлигининг ўткир яллигланиши учун ҳосдир. Рентгенограммада аниқланадиган юкори жағ

бўшлиғи тинклигинг бузилиши одонтоген гайморитдан далолат беради.

Ўткир периоститнинг жағ ўткир остеомиелити билан умумий ва маҳаллий симптомларига кўра дифференциал диагностикаси ўтказилади. Жағнинг ўткир остеомиелитида альвеоляр ўсиқ ва жағ танасининг иккала томонида тўқималарнинг яллиғланиш ўзгаришлари кузатилади (жағ суяги муфтасимон кенгайган, икки томонда периоститга хос ўзгаришлар).

Ўткир периоститда перкуссия битта тиш соҳасида кучли оғриқ беради, остеомиелитда бир нечта тишлар соҳасида каттиқ оғриқ беради, айни вактда касаллик манбаи бўлган тиш, перкуссияда қўшни интакт тишларга караганда камрок реакция беради.

Лаборатория маълумотларида лейкоцитоз, ЭЧТ ва бошқалар ушбу ҳасталикларни фарқ килиш имконини беради.

Флегмона билан асоратланган жағ остеомиелитини абсцесслардан ва флегмоналардан ажратади. Касалликнинг бошланиши ана шу касалликларнинг фарқ қилувчи характерли белгиси ҳисобланади: остеофлегмонада яллиғланиш ҳодисаларининг фокуси катор тишлар, сужак усти пардаси, жағнини альвеоляр ўсиғи ва танаси соҳасида бўлиб, у кейин юмшок тўқималарга ўтади, абсцессларда ва флегмоналарда яллиғланиш ўзгаришлари факат юмшок тўқималарда жойлашган бўлади.

Жағнинг сурункали остеомиелитининг (айниқса катакли гиперпластик шаклини) ўзига хос специфик ёки маҳсус заарланишлардан актиномикоздан, сил, захмдан ажратилади. Касалликнинг ўткир бошланиши, заҳарланишнинг анчагина ифодаланган алломатлари суюкнинг ўзига хос заарланишлари учун хос эмас.


Даволаш жарроҳлик операцияси, суяқдаги ўнга яқин турган юмшок тўқималардаги йирингли ўчокларга бирламчи ишлов беришдан ва яллиғланишга карши, дезоинтоксикацион, умум кувватловчи, рағбатлантирувчи, симптоматик даводан иборат бўлади.

Операцияларнинг ҳарактери ва хажми, комплекс дори терапияси, физикавий усуллар ва бошка даво таъсиrlари организмнинг умумий аҳволи, касаллик патогенези хусусиятлари ва маҳаллий клиник симптоматикаси билан белгиланади.

Маҳаллий даво аввало жағ йирингли ўчокларига шошилинч бирламчи жарроҳлик ишлови беришни (инфекция манбаи тишни олиб ташлаш) ва йирингли ўчокларни сужак усти пардаси ва жағ

атрофи юмшоқ түқималарини очиш, йирингли яраларни дренаж қилиш ва даволашни кўзда тутади.

Ўткир остеомиелитнинг бошланғич даврида тишни олиб ташлаш остеоперфорация йиринг окиб кетишини таъминлаб беради. Расм – 64.



Расм – 64

Айрим заифлашган беморларда, бошка касалликлар кўшилганда, ўткир яллиғланиш ҳодисалари бартараф этилмагунча тишни олиш, қолдирилиши ёки иккинчи даражали операция бўлиши мумкин, шунингдек операция техник жиҳатдан кийин бўлганда - тиш силжиб колганда, тишни қисиш қийинлашганда, илдизлар гиперцементозида ва бошка ҳолатларда тиш режали равища олинади.

Йирингли яраларни ювиш, инстилляция, чайиш, турли антисептик эритмалар, нитрофуран, антибактериал, иммун препаратларини ишлатиб, парвариш қилишга катта аҳамият бермок лозим. Яралар йирингдан тозаланиб бўлингандан кейин физиковий даво усуллари: соллюкс-лампа билан нур бериб даволаш, УЮЧ, димексидни, кальций хлорид билан қўшиб ионфорез, гелий-неон лазери билан даво қилиш тайинланади.

Суяк катта қисмининг некрози, шунингдек асоратлар ривожланиши билан давом этадиган жағ ўткир остеомиелити гиперергик кечишида жадал терапия талаф қилинади. Антибиотиклар, сульфаниламидлар, нитрофуранлар, десенсибилизацияловчи воситалар билан бирга гемодинамик ва метаболик жараёнларни коррекция килиш ва организм аъзолари ва системалари фаолиятини таъминлаш ўтказилади. Антиген стимуляторларни буюриш яъни актив иммун терапия тавсия

этимайди. Факат иммунотерапия ўтказилиши мумкин. Касаллик оғир кечганда, айниқса буйрак усти пўстлоғи етишмовчилигига глюокортикоидларни тайинлаш кўрсатилган. Ўткир остеомиелитнинг гипергик кешишида терапия умум қувватловчи ва стимулловчи чоралар кўришдан бошланиши зарур. Ажратилган микрофлорани антибиотикларга нисбатан сезувчанлиги аникланниб, тайинлаш максадга мувофиқдир. Ўзига хос фаол иммунотерапия ва антиген стимуляторлар кўлланилади.

Антибиотиклар билан даволашдаги асоратлар: 1) аллергик реакциялар, 2)токсик реакциялар 3) дисбактериоз ривожланниши ҳакида унутмаслик керак.

Жағ ўткир остеомиелити бўлган беморларда айнан шу асоратларнинг олдини олиш мухимдир, чунки касаллик ҳамма вакт сенсибилизацияланган ва аллергияли организмда ривожланади, бунда шу реакцияларнинг рўй бериш эҳтимоли айниқса юкори бўлади.

Юз-жағ ва бўйин соҳаси абцесс ва флегмоналари.

Юз-жағ соҳаси яллиғланиш касалликлари жарроҳлик усули билан даволанадиган касалликлар орасида энг катта қисмни ташкил этади. Бу касалликларнинг шакллари хилма - хилдир, улар бир тиш пародонти билан чегараланиб ва безовта қилмайдиган касалликдан жағ суюги ва атрофидаги юмшоқ тўқималар йирингли таркалган ҳаётга хавф соловчи шаклларда ҳам учрайди. Бу касалликлар болаларда ва катталарда учраб, стоматологик бўлимлар беморлари орасида кўпчиликни ташкил қиласди. ТМА З-клиникаси болалар стоматология бўлимининг кўп йиллик ҳисботлари тахлил килинганда, бу касаллик билан даволангандар бўлимнинг 50% ўрин-ларини банд килгани аникланган. Охирги ўн йил ичиди тиббиёт соҳасида эришилган катта ютуклар, шу жумладан стоматология соҳасидаги ютукларга карамай, бу кўрсаткич камайгани йўқ, аксинча яллиғланиш касалликларининг оғир, ҳаётга хавф соловчи шакллари кўп учраб турибди. Бунинг сабабини кўпчилик олимлар яллиғланиш чакиравчи инфекциянинг антибиотикка нисбатан турғунлиги ошганлигига деб тушунтиришмоқда.

Яллиғланишни одатда йиринг хосил килувчи кокк инфекциянинг (стафилококк, стрептококклар) бир хили ёки бир неча хиллари йифиндиси чакиради. Одатда яллиғланиш чакиравчи микроблар оғиз бўшлиғи аъзоларида ва терида истикомат

килувчилардир. Улар орасида анаэроблар, замбуруглар, туберкулөз микобактериялари, спирохеталар ва бошқалар учрайди. Яллиғланиш чакирган инфекцияга қараб, ҳамма йирингли яллиғланиш касалликлари иккита катта гурухга бўлинади носпептифик (йирингли) ва специфик (актиномикоз, туберкулөз, захм, сифилис) кўйдирги ва бошқалар).

Инфекцияни юз-жаг ва бўйин тўқималарга кириш йўллари хилма-хил бўлади. Инфекция тиш атрофидаги тўқималар ва канали орқали тушса одонтоген деб аталади.

Инфекция бошқа йўллар билан тушиб чақирган яллиғланиш касалликлари ноодонтоген деб аталади. Инфекция жаг тўқималарига жароҳатланган ёки яллиғланган оғиз шиллик қавати орқали стоматитларда (стоматоген), тери орқали теридағи ярачақа, чипқон, хўппос, сарамасда, (дерматоген) бодом безларининг яллиғланишида (тонзиллоген), қулок касалликларида(отоген), бурун шиллик қаватининг яллиғланиш касалликларида (риноген) бўлиши, мумкин.

Айрим ҳолларда, инфекция юз-жаг тўқималарига қон томирлар орқали узоқда жойлашган яллиғланиш манбааларидан тушиши мумкин(гематоген). Одатда бу йул билан яллиғланиш болаларда учрайди.

Юз-жаг, бўйин соҳалари абсцесс ва флегмоналари этиологияси. Абсцесс ва флегмоналарнинг қўзғатувчилари аралаш микрофлорадир. Улар орасида ичак ва бошка таёқчалар, бошка турдаги коқклар билан симбиозда стафилококклар ва стрентококклар кўп учрайди. Микрофлора ичида энг кўп қўзғатувчи сифатига оқ ва тилларанг стафилококк ажратилади. Кейинги йилларда флегмоналарнинг ривожланишида анаэроб инфекциянинг роли катталиги аниқланаб, улар ичида спора ҳосил қилмайдиган - бактероидлар кўпроқ, клостирийлар эса камрок учраши аниқланган. Текширувлар натижасида аэроб ва анаэроб бактерияларнинг биргаликда учраши ҳам кузатилган. Одонтоген абсцесс ва флегмоналарнинг этиологиясида аралаш учрайдиган стафилококклар, стрептококклар ва бошка симбиозда учрайдиган микрофлора ярадан олинган ажралмаларда топилган. Худояров И., Эшбадалов Х.Ю. (1999) маълумотига кўра, тарқалган флегмоналар ажралмаларида 100% микроблар аниқланган, шулардан фақат 11,4% монокультура ва 88,6% ассоциацияда учраган. Текширилганлар орасида 86,6% мутлақ анаэроб спора ҳосил

қилмайдиган микроорганизмлар аниқланган. Уларнинг ичидаги 58,2% *Bacteroid* туркуми, 31,5% *Fuzobacterium* туркумидаги штаммлар аниқланган.

В.В.Кравчёнко ва В.П.Решетникова (1999) яллигланиш касалликлари чакириувчиларининг оғизда учрайдиган микробларини беш гурухга мансубини аниқлаган: бактериялар, спирохетлар, замбурурглар, соддалар ва вируслар. Булардан ташқари ташки муҳитдан оғиз бўшлиғига кирган ичакка хос микроблар ҳам ураган.

Айрим муаллифларнинг (Соловьев М.М., Худоёров И.А.-1979, Махкамов Э.У. ва бошкадар 1991 й.) маълумотларига кўра абсцесс ва флегмоналарнинг ривожланишида 86.6-95% одонтоген инфекция сабабчи ҳисобланади. Улар ўткир ва сурункали периодонтнинг ўткирлашуви натижасида апикал ўчоклардан инфекциянинг тарқалиши туфайли, шунингдек ақл тиш чиқиши қийинлашганида, радикуляр киста йиринглагандар, альвеолит ва парадонт касаллиги ўткирлашувидан вужудга келади. Юз-жағ соҳаларининг абсцесс ва флегмоналари - ўткир ва сурункали остеомиелит, ўткир периодит асорати ва ҳамроҳ касаллиги бўлиши мумкин. Тишдан ташқари, бошка инфекция кўзғатувчилар манбалари оғиз бўшлиғи, бурун бўшлиғи ва юқори жағ бўшликларининг шиллиқ қаватида, юз ва бўйин терисида, камрок – кўз конъюнктивасида бўлиши мумкин.

Одатда микроблар тўқимага тушган жойида маҳаллий химоя омиллари ёрдамида бартараф килинади, айрим ҳолларда лимфа томирлари орқали лимфа тугунларига етиб боради ва шу ерда утириб колади ва фагацитозга учрайди. Агарда лимфа тугунларига микроблар бартараф килинмаса, улар кон томирларга сўрилиб қон билан бошқа тўқима ва аъзоларга етказилиши мумкин. Тушган жойида микроблар купаяди, айримлари экзотоксинлар ишлаб чиқаради. Микроблар парчаланиши натижасида токсик моддалар эндотоксинлар тўқимага ажралади. Улар антигенлик хусусиятга эга бўлиб, тўқимада патологик узгаришлар чақиради.

Эндотоксинлар специфик хусусиятларга эга эмас, аммо тушган жойда тўқима структурасини бузилишига ва пировард натижа-яллигланиш жараёнини бошлаб юборади. Бу жараён биологик моҳияти-микроб тушган ва яллигланиш жараёни кечаетган соҳани чегаралаш, микробларни заарсизлантириш ва чиқариб ташлашга қаратилган.

Тишдан ташкари инфекциянинг бошка манбалари оғиз бўшлиғи, бурун бўшлиғи ва юкори жағ бўшликларининг шиллик каватида, юз ва бўйин терисида, камрок – кўз конъюнктивасидан тўқималарга тушиб яллигланиш чакириши мумкин.

Жағ атрофидаги асбцесс ва флегмона кўпроқ 20-30 ёшдагиларда учрайди, бу шу ёшдагиларда тишларнинг кариес билан заарланиши ва акл тишлар кийин чикиши билан боғлиқдир. Асбцесс ва флегмоналарнинг ривожланишида мавсумийлик кузатилади, улар ёз ва куз даврида кўпроқ учрайди.

Юз ва бўйин соҳасидаги ўткир йирингли яллигланиш касалликлари ривожланиши ва кечиши: а) микрофлоранинг концентрацияси ; б) организмнинг умумий ва маҳаллий хусусий ва хусусий бўлмаган химоя факторларига, в) ҳар ҳил аъзо ва тизимларининг ахволига, шунингдек, г) тўқималарнинг анатомотопографик хусусиятларига боғлик бўлади. Кузатувлар шуни курсатадики инфекциянинг юз-жағ тўқималарига тушиши ўзи, касалликни чакириш учун етарли эмас. Яллигланиш бошланиб, ривожланиши учун инфекция миқдоран кўп ва касаллик чакириш қобилияти баланд бўлиши керак.

Йирингли яллигланиш жараёни бошланиши учун микроблар тўқимага тушуши узи етарли эмас, улар сони билан кўп бўлиши 10^5 гр. тўқимадан критик сон 10^5 ошиши керак.

Яллигланиш жараёни бошланиши учун икки шартдан бири бўлиши керак. Бири макроорганизм химоя кучлари пасайиб, микробларга қаршилиги камайиши керак, ёки микроорганизмлар сони ва хусусиятлари макроорганизмнинг қаршилик кучларидан устун келиши шарт, мувозанат бўлса, касаллик ривожланаслиги мумкин. Бу мувозанатни тамъинлашда оғиз бўшлиғи микробга қарши маҳаллий химоя факторлари иштирок этади, улар: оғиз бўшлиғи шиллик пардаси, сўлак, биритиувчи тўқима, лимфатик тугунлар, жағ суюғи илиги. Яллигланиш жараёни ривожланишига бир вактда салбий таъсир этувчи омиллар ҳам таъсир этади улар: оғиз суюклиги тартибидаги айрим ингридиентлар йуқлиги ёки камлиги, тиш олиш билан боғлик бўлган жароҳат, бактериемия, оғиз бўшлиғи гигиенасининг ёмонлиги, тищдаги бляшкалар, патологик тиш милк чунтаклари, ажралмалари, кариес каваги ва тиш каналларидаги бузилган тўқима. Яллигланиш жараёнидан олиб текширилган ажралмалар шуни кўрсатадики, инфекциянинг

патогенлик хусусиятлари кўп ҳолатда паст. Шунга қарамай, улар чукур ва тарқалган яллиғланиш чақиради.


Клиник ва экспериментал изланишлар натижасида (С.М.Дерижанов, Г.А.Васильев, И.Худояров, М.И.Азимов ва бошқалар) яллиғланиш процесси ривожланиши учун микроб тушишидан ташкари бемор организми шу микробга сезувчан бўлиши керак. Сенсибилизация ҳолати юзага келиши одатда узок муддат сурункали инфекция ўчокларида микроб ва токсинлари тўқималарнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлган антигенларга карши ишлаб чиқилган антителалар юзага келтиради. Организм сенсибилизацияга учраганидан сўнг, нопатоген микроб тушиши натижасида тез ривожланган ва тарқалган яллиғланиш жараёни Артюс-Саҳаров феноменига ўхшашиб юзага келтиради. Шаклланиши мумкин. Аммо яллиғланиш жараёни сенсибилизациялашган организмда ҳар қандай инфекция натижасида ўткир ва тарқалган шаклда кечади дегани эмас. Бунда, тушган микроб касаллик чақириш хусусиятлари яллиғланиш кечишининг узгарувчанигини белгилайди. Масалан нопатоген стафилококк кўпроқ яллиғланиш процессларини жағ суюги атрофидаги юмшок тўқималарда келтириб чиқаради, патоген стафилококк эса, жағ суюкларининг тарқалган яллиғлашига сабаб бўлади. Анаэроб микроблар чақирган яллиғланиш ўзига хос кечади. Бундай ҳолатларда биринчи ўринда организмнинг заҳарланиши намоён бўлади. Яллиғланиш жараёнида тўқималарнинг экссудатив яллиғланишидан некротик процессларнинг устунлиги намоён бўлади.

Таъкидлаш зарур одонтоген яллиғланиш хусусияти шундаки, тиш каттиқ тўқималари емирилиши натижасида яллиғланган пульпа некрозга учраганидан сўнг, тиш илдизининг найчаси очиқ қолади, яллиғланиш жараёнларида у табиий йуллар билан тикланиш ҳисобига ёпилмайди. Агарда тиш найчаси сунъий усулда ёпилмаса у доимо тиш пародонтини инфекциялаб туради ва сурункали инфекция манбаасини ҳосил қиласди. Маълум бир давргача бундай инфекция манбааси ва макроорганизм орасида ўзига хос мувозанат ҳосил бўлади. Айрим ҳолларда организмда бу яллиғланиш жараёнини чегаралашга қаратилган процесслар кечиб, тиш илдизи учи атрофида бириттирувчи тўқимадан капсула ҳосил бўлади. Бу капсула микроблар тарқалиши ва уларнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлган антигенларни қон томирга

сўрилишини чегараласа, иккинчи томондан, инфекцион ўчоққа иммунитетнинг хужайравий ва гуморал факторлари таъсирини камайтиради. Агарда, илдиз учи атрофида кечётган яллиғланиш жараёнидан ҳосил бўлган модда, тиш ёнидан периодонтал оралик, ёки илдиз учи оқма йулидан чикиб турса, бу мувозанат узок сақланиб туриши мумкин. Шу мувозаннат бузилса, яллиғланиш жараёни ўткирлашади ва кенг кўламни олиши мумкин. Сурункали яллиғланиш ўчогининг ўткирлашувига кўп омиллар таъсир қилади. Шулар орасида микроб вирулёнтлигининг ошиб кетишини таъкидлаш зарур. Одатда бу холат чегараланган сурункали яллиғланиш жараёнидан ҳосил бўлган экссудатнинг тиш найчасидан чикиб туриши тўхтаб қолганда бўлади. Овқат қолдиқлари ёки инфекциядан тоза бўлмаган тиш найчаси даволаш мақсадида пломба билан ёпилиши, бунга сабаб бўлади. Ҳосил бўлаётган моддага чикиш йўли ёспилгандан сўнг, микроб ва унинг токсинлари, ўлик тўкима маҳсулотлари микдоран ошиб боради, улар диффузия ва осмос қонунларига буйсинган холда, яллиғланишни чегаралаб турган, бириқтирувчи тўкимадан ҳосил бўлган капсуладан атрофидаги тўкималарга ўта бошлайди. Яллиғланиш жараёни жалб этилган тўкималар ва таркалишига караб, ҳар хил шаклда кечиши мумкин. Айрим ҳолларда бу периодонтитнинг ўткирлашган шакли ёки яллиғланиш бошқа хили сифатида намоён бўлади.

Сурункали яллиғланиш жараёнида ҳосил бўлган бириқтирувчи тўкимали капсуланинг бузилишига олиб келувчи омиллардан, бу периодонтитли тишни сугуриш ёки чайнаётганда периодонтга каттиқ босим курсатиш, кучли босим таъсирида капсула ёрилиб, ичидаги тўпланган суюқ модда атрофга ўтиши кузатилади. (Расм – 65).

Яллиғланиш жараёни фақатгина маҳаллий таъсирлардангина эмас, балки макроорганизм касалликка қарши кучларининг сусайиши натижасида келиб чиқиши кузатилади. Жумладан организм совуқда қолиши, ёки хаддан зиед кизиб кетиши, хаддан куп ультрабинафша нурларида тобланиши, жисмоний ва рухий толикиш, ёки ҳар хил касалликлар (грипп, юкори нафас йўлларининг ўткир яллиғланиши ва иммунологик қаршиликни сусайтирувчи бошқа касалликлар) натижасида келиб чиқиши мумкин.



Рисм – 65

Яллиғланиш жараёнидан ўчоқдан инфекция атрофга кон томирлари ёки нерв толалари атрофидаги клетчаткасидан перивазал ва периневрал йуллар, мушак оралиғи клетчаткадан таркалади. Сүяқ, фасция, апоневроз каби тұқималар инфекция йүйини чегаралаш хусусиятига эга. Аммо инфекциянинг буларни юзасидан ёки ичидаги кон ва лимфа томирлар атрофидан тарқалади (reg. *continuitatum-* узунасига)

Патологик анатомияси. Йириングли яллиғланиш касаллуклари юз-жағ ва бүйин соҳаларыда абсцесс ва флегмоналар тери ости, мушаклараро, фасциялараро, мушак тұқималарыда кечади. Тұқимага кирган микроблар кон томирга яқын ва унинг атрофидан тұпланади, тұқималарда яллиғланиш жараёни ривожланади. Яллиғланиш жараёнида қуидаги боскічлар фарқланади: 1-шиш, 2-қизариш, 3- тұқималарнинг йириングли эриши,4-некроз,5-грануляциялы қобик қосил қылиб чегараланиш.

Клетчатканиң зардобли яллиғланиши цеплюлит (у илгариги газак терминига мос келади), чегараланған йириングли яллиғланиш жараёни - абсцесс ва тарқалған йириングли яллиғланиш жараёни бўлган флегмона билан фарқланади.

Патологоанатомик жиҳатдан, абсцесс ривожланишида клетчаткада зардобли, зардобли-йириングли ва кейинчалик девори грануляцион тұқима билан қопланған бўшлиққа ўхшаш чегараланған йириングли яллиғланиш тушунилади. Йириングли ўчоқда некротик жараёнлар камрок кузатылади. Зардобли-йириングли яллиғланишда ва флегмонадаги шиш боскічи хар хил даражага бўлинадиган. Айрим пайтларда тарқалған зардобли, зардобли йириングли яллиғланиш ус-

тун келса, бошқаларида (чирикли-некротик флегмоналарда) тўқималар гемодинамикасининг сезиларли бузилиб клетчаткада, мушакда, фасцияларда некроз кузатилади.

Йирингли ёки йирингли-некротик ўчоқлар ўз ўзидан, ёки операция йўли билан очилгандан сўнг, ўткир яллигланиш белгилари пасаяди. Лейкоцитлар инфильтрацияси ва кейинчалик грануляцияли тўқиманинг ривожланиши натижасида яллигланиш ўчоги чегараланади. Некрозга учраган тўқималар секинлик билан ажралади ва кисман сўрилади. Кон айланиши меъёрига келади. Некрозланган соҳаларнинг ўрнини бириктирувчи тўқима тўлдиради.

Клиник кечиши: Йирингли яллигланиш жараёнининг ривожланишида ва кечишида уч етакчи омил катта аҳамиятга эга: тўқимага тушган микроблар тури, хусусиятлари ва сони 2)микроб тушган тўқиманинг анатомо-топографик хусусиятлари 3)организм химоя вазифасини бажарувчи носпективик ва специфик химоя механизmlари (хужайра ва гуморал иммунитет)

Махаллий ва умумий омилларнинг ўзаро мунособатидан келиб чиккан холда, юз-жағ соҳаси ва буйин йирингли яллигланиш касалликлари одам организмими яллигланиш жараёнига маълум турдаги реакциясини шакллантиради: нормергик, гиперергик, гипергик. Бу уч турдаги яллигланишга хос булган клиник белгилар намоён бўлиши организм носпективик ва иммунологик химоя тизимида боғлик.

В.М.Безруков ва Т.Г.Робустова (2000) яллигланиш нормергик кечиши организм шу жараёнга адекват жавоби билан намоён булали деб хисоблайдилар.

Нормергик типдаги яллигланишда локал йирингли яллигланиш жараёнига организмнинг химоя кучлари адекват жавоб беради. Организмнинг иммунологик ва носпективик реактивлиги химоя кучлари курсаткичлари узгаришлари улар активлашганини курсатади. Касаллик клиник белгилари ўртамиёна бўлиб, бир томонлама йуналади: бемор ахволи ўртача, яллигланиш жараёнидаги бир оз оғрик, тана ҳарорати субфебрил, организм енгил даражада заҳарланиши, шулар билан бир вақтда яллигланишга хос бўлган маҳаллий касаллик белгилари якъол намоён булади.

Гиперергик шаклдаги яллигланиш реакциясида носпективик резистентлик ва иммунологик химоя омиллари бузилиши натижасида касаллик оғир кечиши билан намоён булади. Гиперергик реакцияси билан кечётган йирингли яллигланишларда

беморнинг умумий ахволи оғир бўлади, тана ҳарорати 39°C ва ундан юқорига кўтарилади, 2-3⁰ фарқи билан кўтарилиб тушади ва ошиб бораётган заҳарланишдан далалат беради.

Одатда бундай кечиш бир ҳафтадан кейин, яллиғланиш умумий ва маҳаллий белгилари кучайиб боради. Микробли агрессия хисобига, келиб чиқкан оғир заҳарланиш, химоя реакцияларининг, шунингдек иммунологик реакцияларнинг қоникарсизлиги ва хавфли даражага етган кучли сенсибилизация, ўткир нафас етишмовчилиги, сепсис ва шокка олиб келиши мумкин. Беморларда лейкоцитоз ($20\ 10^9/\text{l}$ ва юқорироқ), ЭЧВ 50-70 $\text{мм}/\text{с}$ гача ошиши кузатилади.

Кейинги йилларда жағ атрофи флегмоналари клиник кечишида бир катор ўзгаришлар рўй берди. Касалликнинг кўзгатувчиси шартли патоген микроблар бўлса антиген субстанцияларнинг таъсири кучсиз бўлганда касаллик секинлик ва сустлик билан кечади.

Беморнинг умумий ахволи коникарли бўлган холатда яллиғланиш секин ва кучсиз кечади. Тана ҳарорати меъёрида ёки субфебрил, заҳарланиш яққол билинмайди. Бемордаги маҳаллий касаллик белгилари умумий белгилари билан мос келмаслиги кузатилади.

Гипергик реакция билан кечадиган флегмоналар айрим ҳолларда икки соҳада жойлашади, бунда лейкоцитлар сони ўзгармайди ($6-8\ 10^9/\text{l}$ дан кўпмас), ЭЧВ 10-15 $\text{мм}/\text{с}$ ошмайди. Айрим bemорларда лейкоцитлар сони $4,5\ 10^9/\text{l}$ гача камаяди, лимфопёния кузатилади, ЭЧВ 30-40 $\text{мм}/\text{с}$ гача ошади.

Кекса ёшдаги одамларда, бирламчи ва иккиламчи иммун танқислиги бор bemорларда, флегмонанинг клиник кечишида ривожланишида ва окибатида ўзига хос хусусиятлари кузатилади. Бу тоифадаги bemорларда флегмона гиперергик реакция шаклида ривожланиши, касаллик секин ва кучсиз кечиши, ҳаётни таъминловчи тизими умумий бузилишининг чукурлашиши, бир бирига мос тушмайди. Айрим пайтларда септикопиемия асорати ривожланади. Шунга қарамай лейкоцитлар сони, ЭЧВ меъёрида ёки пасайган бўлиши мумкин. Юрак қон томир, нафас тизими хасталиклари, қандли диабет билан оғриган bemорларда флегмона гиперергик декомпёнсацияланган реакция типида кечади. Бемор умумий ахволи оғир, қалтираш, заҳарланиш белгиларининг яққоллиги, организм кўп тизимларининг кескин бузилиши

йирингли жараённинг юз-жаг ва бўйиннинг 4-5 бўшликларига тарқалиши ҳаёт учун хавфли асоратлар ривожланиши билан кечиши мумкин. Кон кўрсаткичлари оғир септик холатга тўғри келмайди. Лейкоцитлар сони салгина кўпайган, меъёрида ёки пасайган. ЭЧВ 2-3 хафта давомида меъёрида, кейинчалик 60 мм/с ва ундан ҳам кўпаяди.

Абсцесс ва флегмоналарнинг маҳаллий клиник кўриниши юз-жаг ва бўйин соҳаларининг анатомо-топографик хусусиятларига боғлиқдир.

Анатомо-топографик жойлашиш нуқтаи назаридан, одонтоген абсцесс ва флегмоналарни шартли равиша 2 гурӯхга бўлинади.

1.Жаг атрофи абсцесс ва флегмоналари: 1) пастки жағга ёндош тўқималарда. 2)юкори жағга ёндош тўқималарда. Бу кичик гурӯхлар ўз навбатида юзаки: а) кўз ости, лунж соҳалари, б)пастки жаг ости, даҳан ости учбурчаги, кулок олди-чайнов ва чукур: а)чакка ости, канот танглай чукурчаси, б)канотсимон-пастки жаг, ютқин ёни бўшликлари, тил ости оғиз бўшлиги тубиларига бўлинади.

2.Жаг атрофидаги абсцесс ва флегмоналар биридан-бирига тарқалиши ҳисобига(ёноқ, чакка соҳалари, кўз соккаси, жаг орти ва бўйин соҳалари) тил абсцесс ва флегмоналари ривожланган.

3 Юз ва бўйин тарқалган флегмоналари



Расм -

Юз-жаг соҳасидаги абсцесс ва флегмоналарнинг клинико-анатомик тавсифи

Абсцесс ва
флегмона-
лар жойла-
шиши

Анатомик соҳа ва
ораликсларнинг чегаралари

Инфекция тушиш йул-
лари ва асосий манбаала-
ри

Инфекцион яллиг-
ланиш ўчоксларини
кешиш

Күз ости соҳаси	Юкориси кўз косаси пастки 5432 2345. Буруннинг ён Жараён чукур жойлаш-кираси, пасткиси юкори томони ва луњк ганда (ит чукурчаси жағнинг катаксимон алвсоялр соҳаларидан инфекциянинг соҳасида) оғиз дахлизи ўсиги, ичкариси ноксимон тарқалиши натижасидаги юкори гумбази буйича иккиламчи зарарланиш. Ташкариси ёнок жағ чоки.	Буруннинг ён Жараён чукур жойлаш-гандада (ит чукурчаси жағнинг катаксимон алвсоялр соҳаларидан инфекциянинг соҳасида) оғиз дахлизи ўсиги, ичкариси ноксимон тарқалиши натижасидаги юкори гумбази буйича иккиламчи зарарланиш. Ташкариси ёнок жағ чоки.
Ёнок соҳаси	Юкориси чакка соҳасининг 654 456 тишлар луњк ва чакка ости соҳаларидан инфекциянинг тарқалиши натижасидаги иккиламчи жараён.	Терни коплами тарафидан юз нервининг жойлашнишини хисобга олиб, ёнок соҳасида кесма ўтказиш.
Кўз косаси соҳаси	Кўз косаси деворларига мос тушади	543 345 тишлар юкори жағ бўшлиғи инфекцияси. Чакка ости ва канот танглай чукурчалари. Кўз ости соҳаси ва канотсимон жағ бўшиларидан тарқалиши натижасидаги иккиламчи зарарланиш. Терни компламалари тарафидан кўз соҳасининг юкори ташкари ва пастки ташкари киррасидан кесиш. Юкори жағ бўшлиғи орқали кўз косаси тубининг орка кисмини олиб ташлаш.
Луњк соҳаси	Юкориси ёнок суюгининг пастки кирраси, пасткиси пастки жағнинг пастки кирраси, олдингиси-ёнок-жағ чокини оғиз бурчаги билан туташтирувчи чизик, олдингиси чайнов мушаги олдингиги кирраси.	87654 45678 тишлар ин-терни коплами тарафидан юз инфекциянинг кўз ости кулок нерви тармокларига ёки олди чайнов ва чакка ости бурун лаб бурмасига соҳаларидан тарқалини параллел килиб кесиш. Оғиз бўшлиғи тарафидан кулок олди сўлак бези чикарув найича параллел килиб (ундан юкоридан ёки пастдан) кесиш. Луњк соҳасида тери 87654 45678 тишлар ин-терни коплами тарафидан юз инфекциянинг кўз ости кулок нерви тармокларига ёки олди чайнов ва чакка ости бурун лаб бурмасига соҳаларидан тарқалини параллел килиб кесиш. Оғиз бўшлиғи тарафидан кулок олди сўлак бези чикарув найича параллел килиб (ундан юкоридан ёки пастдан) кесиш.
Чакка ости чукурчаси	Юкориси-асосий суюкнинг чакка ости кирраси, олдингиси юкори жағ думбоги ва ёнок суюги, оркаси-бизимон ўсиги уйдан боғла-	87 78 тишлар инфекциянинг луњк, кулок олди - тарафидан юзни чайнов соҳалари ва тишлар тепасидан канотсимон пастки жағ ўтиш бурмаси бўйлаб бўшиларидан тарқалиши кесиш, тери қопламаси

		нүвчи мушаклари билан, натижасидаги иккиламчи чакка ичкариси асосий сук жараён ва анестезия пай-канотсимон ўсигининг ташки пластинкаси, ташкариси пастки жағ шохининг ички юзаси	тарафидан чакка мушакни олдинги кирраси буйлаб, ёнок ости соҳасидан, жағ ости соҳасидан (пастки жағдан медиал канотсимон мушагини кисман ажратиб) кесиш.
Чакка соҳаси	Юкоригиси ва оркаси-чакка чизиги, пасткиси асосий сукжининг чакка ости кирраси, олдингиси ёнок ва пешона сукжлари, ичкариси-чакка, асосий сукжлардан ташкил булган чакка майдончали, ташкариси ёнок ёйи.	Иккиламчи заарланишлар: инфекциянинг чакка ости чукурчасидан, кулок олди чайнов соҳасидан таржалиши натижасида. Чакка соҳасидаги яра ва шу соҳа терисидаги инъекцион ялигланиш туфайли.	Тери коплами тарафидан ёнок ёйига параллел ва чакка мушаги толалари йуналишига параллел кесиш. Чакка мушаги олдинги кирраси буйлаб, чакка мушагининг бош суюги гумбазига бирлашган чизиги буйлаб ейсинмон кесиш.
Кулок олди чайнов соҳаси	Юкоригиси ёнок сугиги ва ёйининг пастки кирраси, пасткиси- пастки жағ танасининг пастки кирраси, олдингиси-чайнов мушагининг олдинги кирраси, оркаси- пастки жағ шохининг орка кирраси.	8 8 тишлилар, инфекциянинг лунж соҳаси, чакка ости чукурчаси, кулок олди сұлак безидан, ҳамда лим-фоген йул билан таржалиши натижасидаги иккиламчи заарланиш.	Тери коплами тарафидан юз нервининг толаларига ва пастки жағ пастки киррасига параллель килиб кесиш.
Жағ орти соҳаси	Юкориси-ташки эшитув йултининг пастки девори пасткиси-кулок олди сұлак бези-нинг пастки кисми, олдингиси- пастки жағ шохининг орка кирраси ва медиал канот-симон мушак, оркаси чакка сүргичсизмоп усиги ва түш умров сүргичсизмоп мушак, ичкариси бигизсизмоп ўсик ўнга бирикувчи мушаклари билан, ташкариси кулок олди чайнов фасцияси	Инфекциянинг кулок олди чайнов, жағ ости соҳаларидан ва канотсимон пастки жағ бүшлиғидан таржалиши натижасидаги иккиламчи жараён.	Тери коплами тарафидан пастки жағ шохин орка киррасига параллель килиб кесиш.
Канотсимон пастки жағ	Ташкариси пастки жағ шохининг ички юзаси, ичкари-	8 8 тишлилар. Анестезия пайтидаги инъекцион	Оғиз бүшлиғи тарафидан канотсимон пастки

Бүшлиги	си, орқаси, пасткиси медиал канотсимон мушак, юкориси-латерал канотсимон мушак ва канотлараро фасция ол- дингиси лунж юткін чоки	инфекция.	жәг бурмаси буйлаб кесиш. Тери көплами тарафдан пастки жәг бұрчагини ай-ланыб утувчи, медиал ка- нотсимон мушакны кисман пастки жағдан ақратып кесма үзазиш.
Тил ости бүшлиги	Юкориси оғиз туби шиллик кавати, пасткиси жәг тил ости мушаги, ташқариси пастки жәг танаасининг ички юзаси, ичқариси тиности тил ва дахан тил мушаклари.	Пастки жәг тишилари, ку- прок 87654 45678 тишилар, оғиз тубидаги инфекцион ялтыгланиш, шикастла- нишлар ва яралар.	Оғиз бүшлиги тара- фидан пастки жәг ич- ки юзасига параллел клип оғиз бүшлиги туби шиллик каватини кесиш. Тери көпламаси тарафидан жәг ости соҳасидан кесиш жәг-тил ости мушагини кисман ке- сиб.
Жәг тил чукурчаси	Юкориси-оғиз бүшлиги <u>876 678</u> тишилар оғиз тубининг шиллик кавати, пасткиси жәг тил ости муш- аги (унинг орқа кисми), ташқариси пастки жәг тана- сининг ички юзаси (молляр- лар соҳаси). ичқариси . Тил иілдизининг ён сатхи, орқалы олдинги тантгай ёйининг асоси.	бүшлиги шиллик кава- тидаги инфекцион ялтыг- ланиш ва жароҳатлар.	Оғиз бүшлиги тарафи- дан катта озиқ тишилар соҳасидан пастки жәг ички юзасига параллел клип оғиз бүшлиги шиллик каватини ке- сиб.
Юткін ёни соҳаси	Ташқариси-медиал канотсимон мушак, кулок олди сұлак бези, ичқариси- юткіннинг ён девори юмшоқ танглайни кутарув- чи ва таранглаштырувчи мушаклар, олдингиси- канотсимон жәг чоки, орқаси -умуртака олди фас- циясидан юткін деворига келувлы ён фасциялар тиз- малари юкориси- бош сұяғи асоси.	Танглай мұртақлари юткін ёни деворининг жароҳатда инфекцияның канотсимон-пастки жәг бүшлиги, жәг ости ва кулок олди чайнов соҳаларидан тарқалиши туфайлы иккіламчы зарап- ланиш.	Тери көпламаси тара- фидан пастки жәг бұрчагини айланиб утувчи кесма.
Дахан ости соҳаси	Олдинги ва юкориси паст- ки жәг дахан булимининг	321 123 тишилар, инфек- циянинг жәг ости ва тил	Тери көплами тара- фидан дахан ости

	пастки кирраси, орқаси- жағ тил мушаги, ташқариси- икки коринли мушакнинг олдинги коринчалари: ўнг ва чап тарафда, пасткиси тил ости сутги.	ости соҳаларидан тарқалиши натижасидаги иккиласмчи жараён.	соҳасида пастки жағ пастки киррасига параллел килиб ёки ўрга чизикдан кесиш.
Жағ ости соҳаси	Юкориги- ичкариси жағ тил ости мушаги, ташқариси- пастки жағ та- насининг ички юзаси, ал- динги пасткиси-икки ко- ринли мушакнинг олдинги коринчаси, орқа-пасткиси икки каринли мушакнинг орқа коринчаси	87654 45678 тишилар. Тил ости, даҳан ости, соҳалари қанотсимон пастки жағ бўшлиғидан ва лимфоген йул билан инфекциянинг тарқалиши натижасидаги иккиласмчи шикастланиш.	Тери копламаси тара- фидан жағ ости соҳасида пастки жағ киррасидан 1,5-2 см пастдан ўнга параллел равшида кесма ўтказиш.
Оғиз бүшлини ту- би	1.Юкориги қаваг: юкориси оғиз тубининг шиллик қава- ти, пасткиси-тил жағ ости мушаги. Олдинги ташқариси-пастки жағнинг ички юзаси, орқаси-тил асо- си. 2.Пастки қаваг: юкориси-тил жағ ости мушаги олдин- ги ташқариси-пастки жағнинг ички юзаси, орқаси бигисимон ўсиқа биррикувчи мушаклар ва икки коринли мушакнинг орқа коринчаси, пасткиси чап ва ўнг жағ ости ва даҳан соҳаларининг тери- си.	54321 12345 тишилардаги ин- фекция ўчоқлари ин- фекциянинг атрофидаги тўқималардан узунасига ва лимфоген тарқалиши на- тижасидаги иккиласмни жараён.	Тери коплами тарафи- дан жағ ости соҳаси ўнг ва чап томонлари- дан ёки юкори буйин бурмасига параллел килиб кесиш.
Тил илдизи асоси	Юкориси-тилниң хусусий мушаклари, пасткиси-жағ тил ости мушаги, ташқариси-чап ва ўнг та- рафлардаги даҳан- тил, тил ости – тил мушаклари	Инфекциянинг тил жароҳатидан тил мўртаагидан, тил ости, да- хан ости, жағ ости соҳаларидан тарқалиши натижасидаги иккиласмчи жараён.	Операция ташқаридан даҳан ос- ти соҳасидан ўрга чизик буйлааб кесиш.

Жағ ости, дахан ости абсцесс ва флегмоналари.
Инфекция тарқалиш йўллари. Клиникаси. Ташҳислаш.
Жарроҳлик даволаш усули

Пастки жағ ости абсцесс ва флегмонаси: Пастки жағ ости учбурчагида одонтоген яллиғланиш жараёни бошқа соҳаларга қараганда кўп учрайди. Улар асосан пастки молярлар, кўп холда қанотсимон – жағ бўшлиғи, тил ости, тил-жағ тарнови, даҳан ости учбурчакларидан тарқалади. Яна жағ ости учбурчагидаги лимфа тугунлари яллиғланганда, инфекция лимфоген йўл билан кириши мумкин.

Пастки жағ ости соҳасида, жағ ости сўлак бези, лимфа тугунлар жойлашган юз артерияси ва венаси, тил ости нерви ўтади. Унда кўп миқдорда ёғ тўкимаси бор.

Пастки жағ ости соҳасини бошқа соҳалар билан алоқадорлиги инфекция тарқалишига сабаб бўлади. Жағ-тил ости мушаги орқасида пастки жағ ости сўлак бези йўли бор, бу йўл атрофи клетчаткаси орқали инфекция тил ости соҳасига ўтади ва аксинча тил ости соҳасидан жағ остига ўтади. Жағ ости соҳаси орқа бўлими қанотсимон жағ ва ҳалкум атрофининг олд соҳаси билан алоқадор бўлгани учун инфекция биридан бирига ўтади. Баъзан йирингли жараён жағ остидан даҳан остига тарқалади. Расм – 66.

Абсцессли беморлар ўз-ўзидан пайдо бўладиган, симмилловчи оғриқка шикоят килади. Ташки томондан қараганда, жағ ости соҳасининг олд ёки орқа томонида чегараланган инфильтрат кўринади. Пайпаслагандаги каттиқлик сезилади. Устидаги тери тўкима билан бириккан, ранги оч пуштидан кизил рангчча ўзгарган, юпқалашган. Инфильтрат марказида флюктуация сезилади. Абсцес учбурчакнинг асосан олд кисмида бўлса, оғиз очиши эркин, оғиз ичидаги ўзгариш бўлмайди.

Жағ ости флегмонаси интенсив оғриқ билан бошланади. 2-3 сутка ичидаги шишнинг бутун жағ ости, даҳан ости, жағ орқа соҳаларига тарқалиб кетиши характерли. Тери ранги ўзгарган, бурмага йигилмайди. Марказида каттиқ оғрикли инфильтрат пайдо бўлади. Лунж, кулоқ олди, чайнов соҳалари шишади, оғиз очиши чегараланади. Яллиғланиш жараёни тил-жағ чуқурчасидан тарқалган бўлса, унда ички қанотсимон мушак инфильтрация бўлиши ҳисобига оғиз очиши чегараланади (1 даражали, яллиғланиш контрактураси). Тил ости, қанотсимон жағ соҳалари

яллиғланиши жараённига күшилса, унда оғизни очиш кийинлашади ва ютинганда оғрик пайдо бўлади. Жағ ости флегмонасида оғиз ичи шиллик қаватида шиш, қизаришни кўриш мумкин.



Расм – 66

Флегмонада ташқаридан, тери устидан пастки жағ киррасига параллел қилиб 1,5 см пастоқда узунлиги 5-6 см., абсцессда 1,5-2 см. кесув ўтказилади. Расм – 66.

Флегмонада қаватма-қават тери, тери ости ёғ қавати, бўйинни тери ости мушаги, юза ва чуқур фасцияси кесилади ва албатта бармок билан жағ ости бези атрофи айниқса орқа юкори томонларига ўтилиб тафтиш килинади.

Пастки жағ ости флегмонасида инфекция канотсимон-жағ, ҳалкум атрофи, тил ости, даҳан ости учбурчаги ва бўйин соҳаларига тарқалиши мумкин. Шу билан бирга жараёнга нерв-кон томир кини ҳам қўшилиши мумкин. Айниқса, инфекциянинг бўйин, пастки чуқур қаватларига тарқалиши бемор ҳаёти учун жуда катта хавф туғдиради.

Даҳан ости абсцесс ва флегмонаси.

Бу соҳада абсцесс ва флегмона пастки кесув ва қозик тишлардан ривожланади. Бундан ташқари жараён жағ ости соҳаси ва тил илдизидаги инфекцияни тарқалишидан бўлиши мумкин. Бирламчи бўлиб, лимфа безлари заарланиб, кейин даҳан ости соҳасига ўтади. Даҳан соҳасида ёғ қаватида (тери ости қаватлари, ўнг ва чап жағ ости соҳаларига ўтади) икки группа лимфа тугунлари (пастки жағ ости, пастки жағ кирраси орқа томонида 2-4 ва тил ости суяги олдида 1-2 дона тугунлар) жойлашган.

Даҳан ости соҳасида абсцесс ёки флегмона бўлиши мумкин.

Абсцесс ва флегмонада бемор заарланган соҳадаги оғриқка шикоят қиласиди. Абсцессда озрок, флегмонада – кучайиб бораётган оғрикка шикоят қиласиди. Даҳан ости соҳаси абсцессида чегаралаган шиш устидаги тери инфильтрацияланган, харакатчанглиги аниқланмайди. 3-4 кун ичидаги қаттиқ инфильтрат пайдо бўлади. Ус-

тидаги тери кизаради пайпаслаганда оғрик ва флюктуация сезилади.

Флегмонада тарқалган инфильтрат бўлади, оғиз очилиши чегараланган ва яллиғланиш атроф тўқималарга тарқалганда, жағни очиш оғрикли, чайнаганда ва ютганда ҳам оғрик сезилади. Инфильтрат устидаги тери бурмага йигилмайди. Кизаради, пайпаслаганда флюктуация сезилади. Даҳан ости соҳаси асбцесс ва флегмонасида оғиз ва тил ости шиллик қавати ўзгармайди.

Даҳан ости асбцесс ва флегмонасида жағ остидан то тил ости суягигача ёки даҳан ости соҳасига параллел килиб, тери ва тери ости ёғ қатлами кесилади, сўнг яра кенгайтирилиб жағ-тил ости мушагигача тўмтоқ йўл билан ўтилади. Ёйсимон кесув косметик жихатдан қулай.

Даҳан ости флегмонасида инфекция жағ ости, бўйин олд қисмларига тарқалиши билан асоратланиши мумкин.

Кулок олди чайнов, чайнов мушаги ости соҳаларнинг флегмонаси. Клиникаси. Ташхислаш. Жарроҳлик даволаш усули.

Кулок олди-чайнов соҳаси асбцесс ва флегмонаси: Яллиғланиш жараёни кулок олди чайнов соҳасига инфекция катта озиқ тишлилар, баъзан кичик озиқ тишилардан тушиши натижасида ривожланади.

Бу соҳада чайнов мушаги жойлашган, унинг юза ва чукур қисмлари бор. Унинг фасцияси футляр ҳосил қиласи, юкоридан чайнов мушаги билан фасцияси ёнок суяги ва ёйидан бошланади, пастдан пастки жағнинг чайнов думбокчасига бирикади. Жағ шохи соҳасида қулок олди чайнов фасцияси суяк усти пардаси билан мустаҳкам бириккан. Жағ шохи ташки ва олд соҳасида периост чайнов мушаги толалари билан бириккан. Кулок олди чайнов соҳасида чайнов мушаги юза ва чукур қаватлари орасида ёғ қавати жойлашган. Бу клетчатка томир ва нерв бўйлаб тарқалган, орқа ва юкори томондан клетчатка жағ орқаси ва қанотсимон жағ бўшлиғи билан, орқа юкори қисмидан веноз система бўйича чакка ва чакка ости соҳаларига киради. Олд томондан, жағ ташки томони ва ретромоляр клетчатка билан алокада бўлади. Олд томондан лунж соҳаси билан боғланади. Бу анатомик тузилмалар йиринг тарқалишига қараб, касалликни клиник белгиларини аниқлайди.

Кулок олди- чайнов соҳасида яллиғланиш жойлашишига қараб куйидаги турлари бор: чайнов мушаги пастки қисми абсцесси, чайнов мушак соҳаси флегмонаси, кулок олди чайнов соҳаси флегмонаси.

Чайнов мушаги пастки қисми абсцессида бемор оғриқли шиш пайдо бўлиши, оғиз очиш чегараланишига шикоят қилади. Пайпаслаганда қаттиқ, оғриқли инфильтрат сезилади, тери ранги кўпинча ўзгармаган, бурмага кийин йигилади. Оғиз очилиши чегараланган I-II дараражали яллиғланиши контрактураси кузатилади. Оғиз даҳлизи ички-орқа томонида шиш кузатилади, пайпасланса оғриқ сезилади. Йиринг фасция ва мушак остида ётганлиги сабабли дастлабки кунларда флюктуация сезилмайди.



Расм – 67

Чайнов соҳаси флегмонасида bemor сабабсиз пайдо бўладиган, оғизни очганда кучаядиган оғриқка шикоят қилади. Шу томондаги шиш ҳисобига юз қонфигурацияси симметрияси ўзгаради, қаттиқ оғриқли инфильтрат, кулок олди чайнов соҳаси ва лунж соҳаларда шиш пайдо бўлади. Инфильтрат чегараси чайнов мушаги соҳасига тўғри келади. Яллиғланиш шиши ёнок ёйи, лунж соҳаси, бальзан чакка соҳасигача ва пастки қовоқ ҳамда жағ ости учбурчакларини қамраб олади. (Расм – 67). Устидаги тери ранги меъёрида, бурмага йигилмайди, оғиз очиши III дараражадаги яллиғланиш контрактура ҳисобига чегараланади. Лунж шиллик қавати шишган, тиш излари кўринади. Чайнов мушаги олд соҳаси пайпасланганда қаттиқ ва кучаювчи оғриқ сезилади. Кулок олди-чайнов соҳасидан йирингли яллиғланиши йирингли жараённи бошқа соҳаларга тарқалиб шу соҳа флегмонасини ривожланишига асос бўлади. Бу жараёнга пастки жағ шохи юқори қисми клетчаткаси, чайнов мушаги, юза ва чукур қавати орасидаги клетчатка ҳам кўшилади. Кулок олди чайнов соҳасига инфекция қўшни лунж, па-

стки жағ ости, қанотсимон жағ, халкум атрофии, чакка ости соҳаларидан тарқалиши мумкин. Бу касалликнинг клиник кўриниши оғир кечади, тарқалган яллиғланиш чакка соҳаси пастки кисмидан то жағ ости учбарчаги ва қулоқ чиғанокидан то бурунлаб бурмасигача таркалади. Пастки жағ бурчаги соҳасида текисланади. Қаттиқ, оғрикли, инфильтрат ҳосил бўлади. Устидаги тери бурмага йиғилмайди, қизаради. Оғиз очиш чегараланган бўлади. Лунж шиллик қавати шишган, қизарган, оғрикли.

Жарроҳлик аралашуви жағ ости ёки жағ орти соҳаси бўйлаб ўтказилади. Тўқималар кесилиб, чайнов мушаги суждан ажратилади. Тўмтоқ йўл билан пастки жағ шохи ташқи юзаси бўйлаб ўтилади, керак ҳолларда чайнов мушаклари толалари орасига кирилади. Қулок олди бези ораларига ҳам ўтилади. Шу соҳада ривожланган аденофлегмона, мушак устида юза жойлашиши билан фарқ қиласи. Бундай холда чайнов мушаги юзаси, ёки сўлак бези ҳамда тери орасига ўтилади. Сўлак бези зарарланиши олдини олиб юз нерви толаларига параллел килиб, радиал кесмалар қилинади. Расм – 67.

Қулок олди чайнов соҳаси флегмонаси яллиғланиш жараёнини лунж, ёнок, чакка, жағ орти, қанотсимон-жағ, чакка ости соҳаларига тарқалиши мумкин. Узок давом этган ва даволанмаган жараён пастки жағ шохи иккиминчи кортикал остеомиелитига олиб келади.

Ютқин ёни, қанотсимон-жағ ва жағ орти соҳалари абсцесс ва флегмоналари. Инфекция тарқалиш йўллари. Клиникаси. Ташхислаш. Жарроҳлик даволаш усули.

Ютқин ёни бўшлиғи абсцесс ва флегмоналари. Ютқин ёни оралигидаги йирингли жараёнлар ўткир ёки сурункали тонзиллитасорати сифатида келиб чикиши мумкин. Бу оралиққа одонтоген инфекция юқори ва жағлар катта озиқ тишлари тушиши мумкин. Кўпроқ ютқин ёни бўшлиғи, инфекциянинг пастки жағ ости учбурчагидан, тил ости соҳасидан, жағ орка соҳасидан ҳамда қанотсимон пастки жағ бўшлиғидан ўтиши хисобига ривожланади. (Расм – 68).

Ютқин ёни оралиғини бигиз тил, бигиз ютқин, бигиз тил-ости мушаклари ва уларни ўраб турувчи фасция, олд ва орқа бўлимларга бўлади. Ютқин ёни оралиғининг олдинги кисмida биринтирувчи

тўқима ва ёғ клетчаткаси, унинг юкори бўлимида эса “канотсимон” веноз чигали жойлашади. Бўшлиқнинг орка бўлимида: ички уйку артерия, ички бўйин вена ,IX, X,XI,XII бош мия нервлари, лимфа тугунлари жойлашган. Бундан ташкири кўпгина bemорларда бу ерда юкори бўйин симпатик нерв тугуни жойлашади. Юткин олди оралиғида жойлашган клетчатка қанот-танглай чукурча ва чакка, жағ ости учбурчаги, тил ости соҳаси клетчаткалари билан алоқада бўлади. Юткин ёни оралиғининг абсцесс ва флегмоналари фарқланади. Юткин ёни оралиғидаги яллиғланиш жараёнлари ютинишда кучайиб борувчи оғрик туфайли bemорнинг, овкат ва суюкликлар истеъмол килиш имкони бўлмай қолиши билан ҳарактерланади.


Юткин ёни абсцессида пастки жағ бурчаги ости тўқималарининг шишиши, лимфа тугунларининг катталашиши кузатилади. Оғиз очиш чегараланганди ва оғрикли. Жағлар беркилиб колганлиги сабабли оғиз бўшлиғини кўриш кийинлашади. Шпатель, стоматологик ойна, баъзан пёшона рефлектори ёрдамида оғиз ва томокни кўриш имкони бўлади, бунда юмшок танглайнинг: танглай-тил ва танглай-юткин равокларининг кизариши ва шиши, юткин ён деворининг бўкиши асимметрияси аниқланади.

Юткин ёни бўшлиғининг флегмонаси ютинишда оғрик бўлиши, кўпинча нафас олишнинг кийинлашиши, умумий аҳвол ёмонлашиши, калтираш пайдо бўлиши ва захарланишнинг бошқа белгилари билан фарқ килади. Пастки жағнинг бурчаги ости пай-паслаб кўрилса, оғрикли чукур инфильтрат сезилади. Айрим bemорларда, чакка соҳасида шиш пайдо бўлади. Оғиз очилиши медиал қанотсимон мушакнинг III даражали яллиғланиш контрактураси ҳисобига чегараланганди. Оғиз бўшлиғини кўриш кийинлашган. Юкори ва пастки жағ тишлари орасига кенг шпатель киритилади ва уни айлантириб, юткин қурилади. Қанотсимон - пастки жағ бурмасининг, юмшок танглайнинг шиллик пардаси кизарган ва шишган, танглай тилчаси соғлом томонга кескин сурилган. Инфильтрат юткиннинг ён деворига таркалади, бунинг ҳисобига юткин девори сезиларли бўртаиб туради, тил ости бурмаси, тил, юткиннинг орка девори шиллик каватлари шишади.

Юткин ёни флегмонасига ташҳис кўяётганда, шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, йирингли жараён кўпинча инфекциянинг жағ ости учбурчагидан тарқалиши натижасида ривожланади. Оғиз

очилишининг чегараланиши, ютиниша оғрикнинг кучайиши пайдо бўлганда, оғиз бўшлиғи ва юткинни синчилаб текшириш керак.

Юткин ёни бўшлиғининг абсцесси оғиз ичидан медиал қанотсимон пастки жағ бурмасининг шиллик қаватидан ва ўнга паралел килиб 1,5-2 см. узунликда ҳамда 0,75 см. чукурликда кесилади. Кейин ўтмас йўл билан йирингли ўчокка ўтиб, очилади. Юткин ёни флегмонасида йиринг яхшироқ ажралиб чикиб туриши учун



Рәсм – 68


энг маъкул усул, оғиздан ташкари кесма ўтказишdir. Тери ва тери ости клетчаткаси кесилади, сўнг жағ бурчаги соҳаси тагида етган тўқималарни суреб, суккнинг қирғогигача борилади, медиал қанотсимон мушак бўйлаб юткин олди оралигига, юткиннинг ўрта сиқувчи мушакларигача борилади, экссудат оқиб чикиб туришига йўл яратилади. Юткин ёни оралиғи флегмонасини очишида қанотсимон-пастки жағ оралиғи ва тил ости соҳаларига ўтиш керак бўлади. Юткин ёни оралигидаги яллигланиш жараёнлари юткин бўйлаб олдинги кўкс оралиғига тарқалиши мумкин ҳамда яллигланиш жараёни бўйиннинг олдинги ва латерал соҳалари, шунингдек кон томир нерв қини орқали пастга тушши ва кўқрак кафасига, тарқалишига олиб келади. Қанотсимон вёноз чигалининг юткин олди оралиғида этиши йирингли жараённинг мия қобиқлари ва бош мияга ретроград тарқалишига олиб келиши мумкин. Шундай экан, юткин ёни оралиғи флегмонаси жиддий асоратларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Қанотсимон –жағ соҳаси абсцесс ва флегмонаси. Бу соҳада яллигланишнинг сабаби пастки молярлар ва ақл тишининг қийин чикиши ҳисбланади. Айрим холда яллигланиш жараёни юқори

моляр тишилардан бўлади. Баъзан яллиғланиш тил ости, жағ-тил чукурчаси, жағ ости учбурчаги, оғиз туби, қулок олди-чайнов соҳасидан тарқалади.

Қанотсимон-жағ бўшлиғи ёғ қаватига эга ва ёғ оралиқлари билан боғланади. Медиал қанотсимон мушак орқали жағ орқаси ва ҳалкум ёни соҳаси олд қисми билан, юкоридан чакка, чакка ости ва қанотсимон танглай чукурчаси билан, пастдан-жағ ости учбурчаги билан, юкори олд қисмидан ўнга лунж ёғ танаси киради. Бу соҳада абсцесс ва флегмона учрайди. (Расм – 69).

Абсцессда яллиғланиш жараёни секин ва оз-оздан зураиб боради, bemорлар ютингандаги оғриқ оғзини очилиши чегараланишини кучайиб боришига шикоят қиласиди. Абсцессда яллиғланиш жараёни факат қанотсимон-жағ соҳаси ўрта қисмини эгаллайди. Ташки томондан қараганда яллиғланиш белгилари билинмайди, жағ ости лимфа тугунлари катталашган оғрикли бўлади, III даражали яллиғланиш контрактураси ҳисобига оғиз очилиши бирдан чегараланади. Оғиз ичидан қанотсимон жағ бурмаси инфильтрацияланади. Шиллик қавати шишади, қизаради танглай тил чодири шишган бўлади.



Расм – 69

Бу соҳа флегмонаси яллиғланиш белгилари тез ривожланиши натижасида вужудга келади. Кўпинча 2-3 кун ичида яллиғланиш бутун оралиқка тарқалади. Пастки жағ бурчаги соҳасида шиш ва оғрикли инфильтрат пайдо бўлади. Бу ердаги лимфа тугунлар бирикади, чакка соҳасида шиш пайдо бўлади. Оғиз бўшлиғини кўриш мақсадида асбоб ёрдамида пастки жағни секин очгандан сўнг, қанотсимон жағ бурмаси, танглай тил чодири, ҳалкумда шиш,

кизариш кузатилади. Баъзан инфильтрация ҳалкум ёни ва тил ости дистал соҳасигача тарқалади.

Бу соҳа яллигланиш жараёнини очиш учун оғиз ичидан ёки ташқаридан жаррохлик аралашуви ўтказилади. Абсцессда қанотсимон жағ бурмасининг ташки киррасидан бурмага параллел килиб шиллик каватда 2 см. узунликда кесув ўтказилади ва 0,5-0,75 см. ичкарига кирилади. Агар ярадан йиринг чикмаса (пастки жағ тешигига анестезия килиш қоидаларига риоя қилиб) пеан қискичи киритилиб кенгайтирилади ва йиринг чиқарилади. Бу йўл шу соҳани кенг очмасликка имкон беради ва абсцессда қўлланилади.

Флегмонада пастки жағ бурчагини айланиб ўтувчи кесув ташки томондан ўтказилади. Суяккача бориб, скальпель билан мебдиал қанотсимон мушакни пастки кисми ажратилади ва тўмтоқ йўл билан юқорига йиринг ўчогига ўтилади.

Қанотсимон жағ соҳаси йирингли жараёни ҳалкум олди, пастки жағ ости, жағ орқаси, тил ости, кулок олди чайнов чакка, чакка ости чукурчаларига тарқалиши билан асоратланиши мумкин. Баъзан бу бўшлиқ абсцесс ва флегмонаси пастки жағни ички юзаси (шохи)ни некрози ва шу натижасида иккиламчи кортикал остеомиелитига олиб келади.

Жағ орти соҳасининг абсцесс ва флегмоналари. Жағ орти соҳасидаги йирингли яллигланиш жараёнлари кўпроқ инфекциянинг қанотсимон пастки жағ ва ютқин олди ораликларидан, камроқ кулок олди-чайнов соҳасидан ва пастки жағ ости учбурчакларидан тарқалиши ҳисобига ривожланади.

Кулок олди сўлак безининг дистал пастки бўллаги фасциал капсула билан биргаликда жағ орқа соҳасида жойлашади. Жағ орқа соҳаси ютқин олди ва қанотсимон пастки жағ бўшликлари билан алоқада бўлади.

Жағ орти соҳасининг абсцесси ва флегмонаси фарқланади. Жағ орти соҳаси яллигланиш жараёнига ўз-ўзидан кучайовчи оғрик хос бўлади, бошни бурганда оғрик кучайиши, оғиз очилишининг чегараланишини ўсиб бориши билан ҳарактерланади. Ташки томондан қаралганда ва пайпаслаб кўрилганда пастки жағ шохи, орқасида қаттиқ оғрикли шиш кузатилади, бу шиш унинг қонтурларини текислади. Унинг устидаги тери қип-кизил рангда, бурмага йигилмайди. Қулок солинчоги кўтарилган, эшитув йўлида ёқимсиз сезги бўлиб, заарланган томонда эшитиш пасаяди. Мушак яллигланиш контрактураси III даражада бўлиб, оғиз очи-

лишининг чегараланиши кузатилади. Касаллик бошқа соҳалардаги яллиғланиш белгилари билан биргаликда тарқалган флегмона шаклини олади.

Очиш йўли: жағ орти соҳаси абсцесс ва флегмоналарида пастки жағ шохининг орка кирғоидан узоқлашиб, туш умров сўргичсимон мушагининг олдинги четига параллел равишда 3-4 см. узунликда кесма ўтказилади.

Тери клетчатка ва фасциялар кесилиб, тўқималар сурилади ва тўмток йўл билан жағ орти чукурчаси асосига ўтилади. Бу ерда жойлашган қулоқ олди сўлак безининг бўлаги ва юз нерви тармоғини зарарламаслик учун, уларнинг жойлашишини ҳисобга олиш керак.

Жағ орти соҳасидан яллиғланиш жараёнлари якин жойлашган соҳаларга, ҳамда бўйин пастги соҳасиларига ҳам тарқалиши мумкинлигини ёдда тутиш керак.

**Тил-жағ тарнови, тил ости, ретромоляр
соҳаларининг абсцесси. Клиника. Ташҳислаш.**

Жарроҳлик даволаш усули.

Тил ости соҳасининг абсцесс ва флегмоналари. Тил ости соҳасидаги одонтоген йирингли яллиғланиш жараёнлари инфекциянинг пастки жағдаги одонтоген инфекция ўчокларидан тарқалиши натижасида ривожланади.

Тил ости соҳасининг чегаралари:

- пастки: жағ-тил ости мушаги ёки оғиз диафрагмаси,
- юкори: оғиз бўшлиғи шиллик пардаси
- ташки: пастки жағ танасининг ички юзаси
- ички: даҳан-тил ва даҳан-тил ости мушаклари.

Тил ости клетчаткаси пастки жағ учбурчаги клетчаткаси, ҳамда ютқун ёни ва қанотсимон пастки жағ ораликлари клетчаткаси, жағ-тил мушакларининг орка кирғои орасида, жағ ости сўлак безларининг ва уларнинг чикарув йўлларининг атроф қисмларида билан кенг алоқада бўлади.

Тил ости соҳасини, тил ён юзалари ва пастки жағ танаси катта озиқ тишлилар қисми орасидаги дистал бўлими, жағ-тил эгати деб юритилади.

Тил ости соҳасининг олдинги ва орка қисмлари (тил жағ тарнови) абсцесслари, ҳамда тил ости соҳаси флегмонаси

фарқланади. Кўпроқ жағ – тил эгати соҳасида яллиғланиш жараёни кузатилади. У пастки жағ катта озиқ тишларининг ўткир периодонтити ёки сурункали периодонтитининг қайталаниши натижасида, ҳамда перикоронитидан келиб чиқиши мумкин. Тил ости соҳасининг абсцесс ва флегмоналари, одатда, ўткир ривожланади.

Тил ости соҳасининг абсцесси ўз-ўзидан пайдо бўлувчи оғриқ, оғрикни ютинганда ва тилни ҳаракатлантирганда кучайиши билан намоён бўлади. Айрим беморларда, пастки жағ ости соҳаси ёки даҳан ости соҳасида шиш пайдо бўлади. Оғиз очилиши эркин. Тил ости соҳасининг олдинги бўлимидаги кўрак тишлар, қозиқ тишлар ва кичик озиқ тишлар сатҳида тил ости болищчаларини бўртганлиги, қаттиклиги ва кескин оғриклилиги кузатилади. Уларни қоплаб турган шиллик парда шишган ва қизарган. Яллиғланиши шиш белгилари альвеолар ўсиқни, тил ости бурмаси ва тилнинг пастки юзаларини қоплаб турган шиллик пардага таркалади.

Тил-жағ эгати флегмонаси бўлган bemорлар оғиз очилганда ютинганда ва тилини ҳаракатлантирганда кучли оғриқка шикоят қиласидилар. Бу қисмда тери ранги ўзгармаган. Пастки жағ ости лимфа тугунлари катталашган ва оғрикли. Яллиғланиш жараёнининг медиал қанотсимон мушакнинг пастки бўлимига тарқалиши, пастки жағнинг контрактураси ва оғиз очилишининг сезиларли қийинлашувига олиб келади. Оғиз даҳлизида ўзгариш кузатилмайди. Металл шпателни тишлар орасида айлантириб, секинлик билан сургандан сўнг, тил ости соҳасини кўриши мумкин, кейин, металл шпател ёки стоматолог ойнаси ёрдамида тилни қарама-қарши томонга суриб, жағ-тил эгати курилганда тил ости бурмаси шиллик пардаси кескин қизарган, шишган ва текисланган бўлади.

Тил ости соҳаси флегмонаси кўпроқ бир томонлама, айрим bemорларда икки томонлама бўлади. Тил ости соҳасининг бир томонлама флегмонасида bemорлар ўз-ўзидан пайдо бўлувчи оғриқдан, ютингандаги оғриқдан, тил ҳаракатлантира олмаслигидан, оғиз очилишининг чегараланганилигидан шикоят қиласидилар. Ташқи томондан текширилганда даҳан ости ва пастки жағ ости учбурчакларининг олдинги бўлимларида яллиғланиш шишининг тасири остида оғиз диафрагмасининг пастга силжиши аниқланади.

Тил ости соҳасининг икки томонлама флегмонаси, даҳан ва икала жағ ости учбурчакларида шиш билан намоён бўлади. Шиш устидаги тери ҳар доимгидек рангда бўлиб, бурмага йигилади. Лимфа тугунлари катталашган ва оғрийди. Йирингли ўчокнинг чукур жойлашганлиги сабабли пастки жағ ости ва даҳан ости учбурчакларини пайпаслаганда флюктуацияни аниклаб бўлмайди.

Яллигланиш тил ости соҳасининг олдинги бўлимида жойлашганда оғиз очилиши бироз чегараланиши мумкин. Тарқалган флегмонада эса ички қанотсимон мушак контрактураси яққол ифодаланади.

Оғиз бўшлиғида шиш ҳисобига тил ости бурмаси кўтарилиган, тилнинг бир томони катталашиб соғлом томонга сурилади. Тил ости соҳаси икки томонлама заарланганда оғиз бўшлиғида тил ости бурмалари инфильтрацияланганлиги, текисланганлиги ёки кўтарилиганлиги, кўпроқ олдинги тишларнинг кесув юзаси сатҳигача кузатилади. Тил ости бурмаларининг юзасидаги шиллик пардалар фибрин қоплам билан копланган. Тил кескин катталашган, танглай томон кўтарилиган. Баъзан оғизга сигмайди ва беморнинг оғзи ярим очик ҳолатда бўлади. Ютиниш, гапириш, тилнинг харакати кескин оғрикли, баъзан мумкин ҳам эмас.

Тил ости соҳасининг олдинги бўлими абсцесси хусусий оғиз бўшлиғи томонидан узунлиги 1,5-2 см. келадиган кесув ёрдамини очилади. Кесув тил ости бурмаси шиллик қаватидан ўтказилиб, тегишли тишлар соҳасидаги бўртган қисмга тўғри келиши керак. Кейин тўмтоқ йўл билан шишган жойга борилиб, у ерда тўпланган экссудат чиқарилади. Кесганда, бу ерда жойлашган жағ ости сўлак безининг чиқарув йўлига эътибор бериш керак. Тил-жағ эгати абсцессида кесув тўқималарнинг энг шишган қисмидан ўтказилади. Тил нервини, тил артериясини ва венасини жароҳатламаслик максадида ўткир скальпел альвеоляр ўsicк томон йуналтирилади. Агар шиллик парда кесилганда йиринг ажралмаса, тўмтоқ йўл билан чукур жойлашган тўқималарга ўтилиб, йиринг эвакуация қилинади.

Флегмонада хусусий оғиз бўшлиғи томонидан альвеоляр ўsicк шиллик пардасидан 4-5 см. узунликда кесма ўтказилади ва тўмтоқ йўл билан тўқималардан ўтилиб, йиринг тўпланган жойга бориласди. Икки томонлама флегмонада иккита аналогик кесма ўтказилади, айрим ҳолларда пастки жағ ости учбурчаги соҳасидаги теридан кесилиб, жағ-тил ости мушагигача бориласди ва уни

кисман кесилади. Яллиғланиш ўчоқларини очища оғиздан ташқари ва оғиз ичкарисидан кириш усулларини биргаликда күллаш яхши натижада беради.

Яллиғланиш белгиларини жағ-тил эгатидан бутун тил ости соҳасига, пастки жағ ости учбурчагига, ҳамда оғиз бўшлиғи тубининг барча тўқималарига тарқалиши беморнинг хаёти учун ҳавфли асоратларга олиб келиши мумкин.

Тил танаси ва илдизи абсцесси, оғиз туби флегмонаси.

Клиника. Ташхислаш. Жарроҳлик даволаш усули.

Тилнинг абсцесси ва флегмонаси. Тилнинг йирингли яллиғланиш жараёнлари одонтоген стоматоген, тонзилогён табиатга эга бўлиши мумкин. Тил илдизининг мушаклараро ораликларидаги одонтоген абсцесс ва флегмоналар йирингли жараённинг пастки жағ ён тишлари соҳасидан ўтишидан келиб чиқади. Тил танаси ва илдизи абсцесслари, унинг шиллиқ пардаси балиқ суюкчалари, стоматологик асбоблар, тишнинг ўтқир киралари, тиш протезлари бир ёки бир неча бор, тишлаб олишлар натижасида жароҳатланиши ҳисобига келиб чиқади, ҳамда стоматитдан ҳам ривожланиши мумкин. Айрим холатларда тилдаги яллиғланиш жараёни ўтқир тонзиллит заминида ҳосил бўлади. Тил ости соҳасидан инфекциянинг тарқалиши, камрок даҳан ости соҳасидан тарқалиши тилнинг йирингли касалликларини ривожланишига олиб келади.

Тил мушакли орган ҳисобланади. Тилнинг илдизи ва танаси мушаклари бўйлама, кўндаланг ва вертикал чатишиб кетган йуналишга эга.

Улар орасида қўшувчи тўқимадан иборат сезиларли қатламлар йўқ. Тил илдизида ўнг ва чап, даҳан-тилости ва бигиз-тил мушаклари орасида сийрак бириктирувчи тўқимали клетчатка жойлашган. Тил илдиз соҳасида ериксимон бошқа ораликлар бўлиб, улар симметрик ва ташқарироқ жойлашган, ва клетчатка билан қопланган. Ичкаридан улар даҳан-тил, ташқаридан тил-тилости мушаклари билан чегараланган. Бу ўнг ва чап мушакларро ериклардаги бириктирувчи тўқима орасидан тил артерияси ўтади, кичик лимфа тугунлари жойлашган.

Тил бел қисми, танаси, унинг чукур қисмлари – тил илдизи ёки асоси абсцесслари ва тил флегмонаси фарқланади.

Тил бел қисми ва танасининг абсцесси унинг ўнг ва чап бўлимида, тил марказида, тил бел қисми ўрта бўлимида жойлашади. Беморлар тилдаги, кулоқ соҳасига тарқалувчи оғриқдан шикоят килишади. Тил ҳаракатлари оғрикли ва чегараланганд, гапириш кийинлашган, ютиниш оғрикли. Ташки томондан ўзгаришлар йўқ, даҳан ости ва пастки жағ ости учбурчакларининг олдинги қисми пайпасланганда катталашган лимфа тугунлар топилади. Оғиз очилиши бемалол. Тилнинг ён бўлимида инфильтрация ҳисобига, оғиз бўшлиғида тил ярми йўғонлашиб қолгани, катталашганлиги, кескин оғриклилиги, яркироқ кизил ранг шиллик қават билан қопланганлиги курилади. Айрим bemорларда яллиғланиш тилнинг пастки юзасига ва тил ости бурмаларига тарқалади. Тилнинг тарқалган инфильтрати ўртасида оғрикли қисмини, кечки босқичида эса юмашаш ўчоги ва флюктуацияни аниклаш мумкин. Баъзан йиринг ўз-ўзидан ёриб чикиб кетиши юз беради. Шундан кейин яллиғланиш белгилари сунабошлайди. Баъзи bemорларда жараён тилнинг бошқа бўлимларига ўтиб кетиши кузатилади.

Тил илдизининг абсцесси тилнинг жуфт мушаклари орасида-ги, жағ-тил ости мушаги устидаги бириктирувчи тўқимада ривожланиши мумкин. Нисбатан камрок, абсцесс мушаклараро оралиқда, тил артерияси атрофика ривожланади. Тил асоси абсцессида bemорлар тилдаги кескин оғриқдан ва ютиниб бўлмасликдан шикоят қиладилар.

Тил илдизи абсцесси бўлган bemорларда, даҳан ости соҳасининг ўрта бўлимида сезиларли бўлмаган шиш аникланади. Бу соҳадаги тери ўзгармаган, бурмага яхши йифилади, ўрта чизик соҳасида оғриқ аникланади. Оғиз очилиши эркин, аммо оғрикли. Тил хажми катталашган, ҳаракатлари чегараланганд, шу сабабли нутк тушунарсиз. Пайпаслаганда каттиқлик, ўртасида оғриқ сезилади.

Тил танасининг флегмонасида яллиғланиш тил илдизи мушаклари орасидаги клетчаткали қаватга тарқалиши билан намоён бўлади. Тилнинг флегмонасида шикоятлар кескинроқ ифодаланганд: bemорларда тилда интенсив оғриқ бўлиб, кулоқка тарқалади, ютиниш кескин оғрикли, нутк тушунарсиз, нафас олиш кийинлашган бўлади. Яллиғланиш шиши даҳан ости учбурчагидан пастки жағости учбурчагининг олдинги бўлимларига тарқалади.

Регионар лимфа тугунлари катталашади, оғрикли бир-бири билан қўшилиб кетган. Даҳан ости соҳасида, чукурроқ тарқалган

оғрикли инфильтрат пайпасланади. Оғиз очилиши чегараланиб, чайнов мушакларининг яллиғланиш контрактураси кузатилади. Тил улчамлари кескин катталашган, унинг ҳаракатлари чегараланган ва ўта оғрикли. Жуда катталашган тил, оғиз бўшлиғига сигмайди, тиш қаторидан олдинга сурилади. Бемор оғзи ярим очик ҳолатда бўлади. Тил оқиш караш билан қопланади. Оғиз бўшлиғидан ёкимсиз йириңг ҳиди келиб туради. Епишкоқ, қўп миқдордаги сўлакни ютиш кескин қийинлашади, баъзан иложиси ҳам бўлмайди. Баъзи ҳолларда хикилдоқ усти тоғайи ва ҷўмичсимон хикилдоқ усти бурмаларида шиш пайдо бўлиши, нафас олишнинг қийинлашуви, овознинг йўқолишига олиб келади.

Тилнинг танаси ва бел қисми абсцессини даволашда тилнинг қирғоги ёки бел қисмининг бушашган ён соҳасидан қўндаланг кесма ўтказилади. Шиллик парда кесилгач, тўмтоқ йўл билан мушак тутамлари орасига кириб, йириңг чиқарилади.

Тил илдизи абсцесси ёки флегмонасида, ўрга чизик бўйлаб, даҳан остида 4 см. узунликда кесма ўтказилади. Жароҳат киргоклари сурилиб, жағ-тил ости мушаги чоқи бўйича кесилади ҳамда утмас йўл билан ўтилади. Агар бу соҳадан йириңг олинмаса юкорига, тўмтоқ йўл билан даҳан-тил ости ва даҳан-тил мушаклари ёки бироз латералрок ва оркага даҳан-тил ва тил ости тил мушаклари оралиғига утилиб йигилган экссудат тошилади.

Эстетик жиҳатдан олганда пастки жағ суюгига наравилене равиша, тил ости суюгининг олдинги томонида ёйсимон кесма ўтказиш афзал. Тери, тери ости клетчаткаси, икки коринчали мушаклар олдинги коринчалари ва жағ-тилости мушаги чоқи бўйлаб кесилгач, тўмтоқ йўл билан тил илдизи мунплаклари оралиғига ўтилади.

Тилнинг танаси ва бошқа бўйлимларидаи йириңли яллиғланиш жараёнлари тил ости соҳасига, оғиз бўшлиғи туби тўқималарига, канотсимон-пастки жағ ва юткин олди ораликларига таркалади, пастга бўйинга ҳам тушиши мумкин. Гил илдизи, юткин олди оралиғи ва оғиз бўшлиғи тубинини бир вактда заарланишилар bemor хаёти учун жиддий хавфтуғлирувчи асорат бўлган нафас йўллари стёнози ва асфиксиясига олиб келиши мумкин.

Оғиз бўшлиғи туби флегмонаси

Оғиз бўшлиғи туби флегмонаси кенг тарқалган йирингли касаллик бўлиб, бир вақтнинг ўзида тил ости, пастки жағ ости, даҳан ости соҳаларининг биргаликда заарланишидир.

Оғиз бўшлиғи тубининг чегаралари: юкоридан оғиз бўшлиғининг шиллик пардаси; пастдан- ўнг ва чап пастки жағ ости ва даҳан ости учбурчақларининг териси; орқадан-тил илдизи ва бигизсимон ўсикқа бириқувчи мушаклар; олд ташки –пастки жағ асоси ички юзаси. Оғиз бўшлиғи туби: жағ тил ости мушаги устида ва ундан пастда жойлашган қаватга бўлинган. (Расм – 70).

Оғиз бўшлиғи туби флегмонасида беморлар интенсив оғриққа, ютиниш мумкин эмаслигига, оғиз очилишининг чегараланганлигига, нафас олиш ва нуткнинг қийинлашганлигига шикоят қиладилар. Юзи шишган. Пастки жағ ости ва даҳан ости учбурчақларида кенг тарқалган қаттиқ инфильтрат аниқланади. Қанотсимон пастки жағ оралиғи жараёнга қанчалик жалб қилинганлигига қараб, оғиз очилиши чегараланган, лекин шу билан бир вақтда ярим очик ҳолатда бўлади. Инфильтрация ҳисобига тил катталашган, танглай томонга кўтарилиган, усти курук ва ифлос жигар ранг караш билан қопланган. Ютиниш оғрикли, беморлар сулагини юта олмайди. Шунинг учун сўлак ярим очик оғиздан оқиб туради. Тил ҳаракатлари кескин оғриқ чақиради. Тил ости бурмалари инфильтрациялашган ва бўртаиб тишлар тож қисмидан ҳам юқори кўтарилилади, попуксимон бурмалар шишган ва кўпинча фибринли караш билан қопланган, тиш тож қисмининг излари кўринади.



Расм – 70

Йирингли жараённи очиш учун кесмалар жағ ости ва даҳан ости учбурчақларининг терисидан ўтказилади. Тарқалган флегмонада екасимон кесма қилиб, жағ-тил ости мушаклари голаларини кесини ҳам фойдалидир. Баъзан ташки кесмалар оғиз

бўшлиғидан тил ости бурмаси бўйлаб кесиш билан биргаликда ўтказилади.

Оғиз бўшлиғи туби флегмонасида жараён қанотсимон пастки жағ ва ютқин олди оралиқларига, бўйин олди ҳамда латерал соҳаларига, кон томир нерв қини орқали кўқс оралиғига тарқалиши мумкин.

Шуни ҳам билиш керакки, оғиз бўшлиғи туби флегмонасининг ўзига хос кечишида анаэроб микроблар, шу жумладан Clostr.perfringens, Staf.hystolyticus, Act.aedematicus, Clostr.septicum спора ҳосил килмайдиган анаэроблар қатнашади. Тўқималарда жадал кечайётган гангреноз, ёки чирикли гангреноз яллиғланиш тарзида некроз билан кечадиган жараён Людвиг ангинаси деб аталади. Людвиг ангинасида оғиз туби ҳамда қанотсимон-пастки жағ ва ютқин ёни оралиқларига кирувчи барча тўқималар заарланади.

Бу жараён кейинчалик бошқа чегарадош соҳаларга тарқалишга мойилдир.

Оғиз туби флегмонаси учун хос бўлган шикоятлардан ташқари, бугилиш, заҳарланиш аломатлари: иситма, уйқусизлик, бесаранжомлик, кўпинча алаҳисираш кузатилади. Бемор нафас олиш учун бироз энгашиб утиради (мажбурий холат), ён томонга қарай олмайди. Беморнинг юзи кул ранг ёки саргиш рангда бўлади.

Иккала жагости, даҳаности соҳаларида жойлашган қаттиқ ва оғрикли инфильтратнинг юқорига: кулоқ олди ва лунж соҳаларига, пастга бўйинга тарқалиши кузатилади.

Инфильтрат устидаги тери ранги, касалликнинг дастлабки кунларида ўзгармайди. Кейинчалик у қизаради, баъзан унда куким-тир-кизгиш додлар ёки пуфаклар кўриниши мумкин. Пайпаслаб кўрилганда инфильтрат қаттиқ бўлиб, флюктуация аниқланмайди, аммо кўпинча гижиллаш кузатилади. Беморнинг оғзи ярим очик, ундан қуюқ чўзилувчан сўлак оқиб туради. Айни вақтнинг ўзида оғизнинг очилиши чегараланган ва кескин оғрикли бўлади. Овкат истеъмол қилиш ва сўзлаш қийинлашган. Нутк эса тушунарсиз.

Тилости бурмасининг шиллик қавати кескин кўтарилиган, болишча кўринишида, буккан, ва тишлар тожидан баланд кўтарилиган бўлади. Шиллик қаватнинг юзасида фибринли караш кўринади. Тил танглай томон кўтарилиган, карашланган, оғиздан куланса хид келади.

Жаррохлик аралашувида жағости, даҳаности учбурчаклари, тилости соҳаси, даҳаности-тил мушаклари оралиғидаги клетчатка ҳамда юткнолди ва қанотсимон- пастки жағ оралиқлари ташки кесма билан кенг қилиб очилади.

Пастки жағ қирғоғидан пастроқда екасимон ёки ёйсимон кесма ўтказилиб барча заарланган соҳаларни, жағ-тилости мушакларини кесиб кенг қўламли очиш мақсадга мувофиқдир. Тўқималарни очганда, анаэроб инфекцияга хос ўзгаришлар кузатилади: бу ерда жойлашган клетчатка кулранг-яшил, карамтири-кўнгирдан кора рангача бўлади, йиринг бўлмайди, тўқималардан лойка қон аралаш ёки жигарранг-кулранг, кўпинча газ пуфакчалари билан куланса ҳидли суюқлик ажралиб чиқади. Мушакларнинг клетчаткаси чириган, кул ранг, бадбуй ҳидли массага айланган.

Касалликнинг хавсиз кечиши, тана ҳароратининг пасайиши, умумий ҳолатнинг яхшиланиши билан намоён бўлади. Очилган жароҳатдан йиринг ажрала бошлайди, улган тўқималар ажралиб чиқади ва аста-секин грануляцияланувчи тўқима пайдо бўлади. Кейинчалик жароҳатнинг тузалиши асоратсиз кечади.

Чирикли некротик флегмоналарда яллиғланиш жадаллашишга мойилдир. Кўпроқ медиастинит ривожланади, аммо инфекция юқорига қараб тарқалиши ҳам мумкин. Бундай яллиғланиш касалликлари септик шок (карахтлик), ўтқир нафас этишмовчилиги ва сепсис сингари асоратлар бериши мумкин. Оғиз бўшлиғи тубининиг флегмонасини, айниқса чирикли-некротик тури, ўз асоратлари билан bemорларнинг ҳаёти учун жиддий хавф туғдириши мумкин.

Кўз ости, кўз косаси, ёноқ ва лунж соҳалари абсцесс ва флегмоналари.

Кўз ости соҳасининг абсцесс ва флегмоналари. Яллиғланиш юқориги қозик ва биринчи кичик озиқ тишлардан, кўпроқ-юқориги ён кўрак ёки иккинчи кичик озиқ тишлардан инфекция тарқалиши натижасида вужудга келади. Кўзости соҳасидаги жараён лунж соҳасидан инфекция тарқалиши туфайли иккиласми равишда ривожланиши мумкин.

Кўзости соҳаси абсцесси ёки қозик тиш чуқурчаси абсцесси ва кўз ости соҳаси флегмонаси фарқланади.

Қозик тиш чукурчаси абсцессида беморлар шу жойдаги оғриққа шикоят қиладилар. Бошланишида, қозик тиш чукурчаси абсцесси, юқори жағ олдинги юзаси ўтқир йириングли периоститига ухшаш бўлади. Кўз ости ва лунж соҳаларида, юқори лабда шиш пайдо бўлади. Бурун қаноти озгина кўтарилади, бурун лаб жуякчаси силликлашади. Шиш юмшок кучсиз оғрикли, терининг ранги ўзгармайди, бурмага йифилади.

Оғиз даҳлизи юқори гумбази силликлашади, унинг устидаги шиллиқ қават шишади ва қизаради. Пайпаслаганда чуқурликда оғрикли соҳа аниқланади. Бимануал пайпаслаганда, шу соҳа аниқрок билинади. Кўзости соҳаси флегмонасида кўз ва чаккага тарқалувчи ўз-ўзидан содир бўладиган кучли оғриқ бўлади. Кўзости, лунж соҳларида тарқалган шиш бўлади, у ёнок соҳаси, юқори лаб, пастки ковоқка, айрим ҳолларда юқори ковоқка ҳам тарқалади. Юқори жағ танаси олдинги юзасидаги тўқималар газакланган, пайпаслаганда оғрикли. Газакнинг устида тери равшан қизил, бириккан, бурмага қийинчилик билан йигилади. Оғиз даҳлизи юқори гумбазида яллиғланиш ўзгаришлари абсцессга нисбатан тарқалганроқ бўлади.

Кўзости соҳаси абсцесслари оғиз даҳлизи юқори гумбази, юқори жағ танасининг олдинги юзаси бўйлаб кесилади. Шундан сўнг, тўмтоқ йўл билан сук бўйлаб қозик тиш чукурчасига кирилади ва йириңг оқиб чикишига йўл очилади.

Кўзости соҳалари флегмонасида ҳам жарроҳлик аралашуви абсцессдагидек иккинчи кўрак тишдан иккинчи кичик озиқ ёки биринчи катта озиқ тишгача кесилади, тўмтоқ йўл билан юқори жағнинг олдинги юзаси бўйлаб, бармок билан назорат килган ҳолда юқори жағнинг пастки кўз киррасигача борилади. Оғиз бўшлиғидан йириңг оқиб чикиши етарли бўлмагандан ёки экссудат тери қопламларига яқин жойлашганида кесма юқори жағ танасининг кўзости киррасига паралелл равишда ўтказилади. Флегмонани бурун лаб арикчасига параллел қилинган кесма орқали ҳам очиш мумкин.

Кўзости соҳасидан йириңгли жараён лунж ва ёнок соҳаларига тарқалиши мумкин, айрим пайтларда кўз соқласини ҳам қамраб олади. Инфекциянинг юз веналари бўйлаб тарқалиши натижасида тромбофлебит вужудга келиб, мия каттиқ кобиғи синусларига ҳам ўтиши ва бемор ҳаёті ҳавф остида қолиши мумкин.

Күз косаси абсцесси ва флегмонаси. Юқори жағ атрофидаги одонтоген йирингли яллиғланиш жараёнлари (күзости соҳаси флегмонаси, юқори жағ остеомиелити, ўткир йирингли гайморит, инфраорбиттал анастезия асорати) күз косаси юмшок тўқималарига тарқалиши мумкин.

Шунинг дек күз косасига яллиғланиш жараёни, күз ости соҳасидан бурчак венаси орқали (тромбофлебит бўлганда) ва пастки жағга тегиб турган соҳалардан, қанотсимон веноз чигали хамда кўз веналари орқали тарқалиши мумкин.

Кўз косаси (орбита) чегараси унинг деворларига тўғри келади. Ёғ клетчаткаси кўз олмаси атрофида етарлича бир хил тарқалган. Кўз косаси дистал бўлимида пастки кўз ёриғи орқали қанотсимон-танглай чукурчаси билан алокадор бўлган ёғ қавати жойлашган.

Кўз косаси абсцессида бемор кўриш қобилиятининг ўзгариши кўз олмасида пульсация ҳарактерига эга бўлган оғриқка шикоят килади. Кўз косаси абсцессида ковоклар соҳасида яллиғланувчи шиш пайдо бўлади. Қовоклар териси баъзан ўзгармайди, баъзан бу ерда экссудат тикилиб колиши (микроциркуляциядаги турғунлик) хисобига тери кукимтири ранг олади. Пайпаслаганда, ковоклар инфильтрацияланган, юмшок, оғриксиз. Қонъюктива шиллик қавати шишган, гиперемияланган, кўпинча кукимтири рангда бўлади. Кўз соқкасига босим оғрикли. Эзофтальм кузатилади, кўриш қобилияти ўзгаради, кўз олдида ҳар хил шакллар пайдо бўлади, кўзда диплопия пайдо бўлади.

Флегмонада бемор шикояти: чакка, пёшона, кўз ости соҳаларига интенсив, иррадиация берадиган, пульсацияли оғриқ ва қаттиқ бош оғриғига шикоят килади. Кўз олмаси ҳаракати (кўпинча бир томонга) чегараланади, ковоклар инфильтрацияси кучаяди, қонъюктивалар шишиб, ярим епилган қовоклар орасидан кўриниб қолади (хемоз) ва кўриш пасайиши билан кечадиган диплопия пайдо бўлади. Кўз туби текширганда, тўрпарда вёнуларлари кенгайгандиги, ҳар хил даражада кўришнинг пасайганлиги аниқланади.

Фоваксимон синус тромбози ривожланганда, қовоклар коллатерал шиш янада кучаяди ва иккинчи кўз қовокларида ҳам шундай ўзгаришлар ривожланади, интоксикация ошиб бориши туфайли бемор умумий ахволи оғирлашади.

Кўз косаси яллиғланиш жараёнларида кечиқтириб бўлмайдиган жарроҳлик аралашуви ўтказилади. Йиринг жойла-

шишига қараб, юқори ёки пастки қовок соҳасида кўз косасига кириш сатхидаги кесма ўтказилади ва тўмток йўл билан ёғ танасигача борилади. Юқори жағ бўшлиғи орқали кўз косаси пастки деворини трепанация қилиб ўтиш ҳам мумкин. Бу йўл йирингли синуитда кўз косасини пастки, ён ва орка деворларига утилишига имконият беради. Баъзи муаллифлар жараён панофтальмит билан асоратланганда кўз соккасини экзентерацияси (уни тўлиқ олиб ташлаш)ни тақлиф қиласиди. Бу эса йиринг тўлиқ оқніб чиқиши ва йирингли менингит олдини олиш учун имконият беради. Баъзан, икала ташқаридан ва юқори жағ бўшлиғидан кесим ўтказилади. Бу йирингга яхши йўл очиб беради.

Кўз косаси флегмонаси оқибати бемор ҳаёти учун жиддий ҳавф туғдиради. Чунки инфекция мия қобиги, мия ғовак синуслари, бош мияга тарқалиши мумкин. Кўриши нерви атрофияси ва курлик ҳам кўз косаси флегмонасида кўп учрайдиган асоратдир.

Ёнок соҳаси абсцесс ва флегмонаси: Бу соҳада яллиғланиш кушни кўз-ости ва лунж соҳаларидан инфекция тарқалиши натижасида вужудга келади. Ёнок соҳаси клетчаткаси чакка соҳа жойлашган ёғ қавати билан боғлиқ бўлади. Бу соҳада флегмона, абсцессга нисбатан кўпроқ учрайди.

Ёнок соҳаси абсцесси бўлған касаллар, зааралangan соҳада озроқ оғрик бўлишига шикоят қиласидар. Ёнок соҳасида чегаралангандан инфильтрат пайдо бўлиб, тезда юмшаб қолади. Устидаги тери қоплами яллиғланган тўқима билан бирикиб кетади қизарадт.

Ёнок соҳасидаги флегмонада беомрларни кўз ости, чакка соҳасига иррадиация қиласиди. Яллиғланиш шиши асосан кўз ости, чакка лунж ва кулоқолди чайнов соҳаларига тарқалади. Найпасланганда, ёнок суюги жойлашган проекцияси бўйича, ҳар хил даражадаги қаттиқ инфильтрат сезилади. Чайнов мушаги юқори қисми яллиғланиш жараёнига қўшилганлигидан оғиз очилиши анча чегараланди. Кўпинча оғрик бемор оғиз очганда кучаяди. Оғиз даҳлизи томонидан каралганда: даҳлиз юқори гумбазини (чайнов тишлари соҳаси) да шиши қизарини кўриш мумкин. Кейин, сенинг билан инфильтрат бушашади, устидаги юмшоқ тўқима юпқалашиб қолади ёки кўз пастки ёриғи ташқи бурчагигача тарқалиб, ўзи мустакил ерилиши мумкин.

Ёнок соҳаси абсцесс ва флегмоналарида кесмани терида юз нерви жойлашишини эътиборга олган холда, флюктуация бор жой-

дан ўтказилади. Ёноқ соҳасидан яллигланиш жараёни қулоқолди – чайнов соҳасига ўтиши мумкин, узок вакт давом этса, иккиласмчи кортикал остеомиелит вужудга келиши мумкин.

Лунж соҳаси абсцесс ва флегмонаси Лунж соҳасида абсцесс ва флегмонани ривожланишига юкори ва пастки катта озиқ, кам ҳолларда кичик озиқ тишлардан инфекция тарқалиши сабаб бўлади. Айрим ҳолларда, лунж соҳасининг абсцесс ва флемонаси юкори ва пастки жагларнинг ўткир йирингли периоститида, йиринг периостал тўсикни ёриб ўтганда, кўзости, қулоқолди-чайнов соҳалари ва чакка ости чукурчасидан инфекция тарқалиши натижасида ҳам ривожланади. Лунж мушагига ташқаридан тери ости клетчаткаси, ичкаридан шиллиқ ости қавати билан копланган. Лунж орасида лунжнинг ёғли танаси жойлашган, у фасция билан ўралган бўлиб, қулоқолди ва чакка ости соҳалари билан туташгандир.

Лунж соҳаси абсцессида, беморлар кучсиз лоқал, пайпасланда кучаювчи оғриқка шикоят қилади. Йирингли ўчоқ тери ва лунж мунаги орасидаги клетчаткада ҳосил бўлади. Думалоқ шаклдаги газак, инфекция манбаи – тишнинг жойланишига қараб, лунжнинг юкори ёки пастки қисмида жойлашади. Атрофдаги тўқималарда бироз шинш кузатилади.

Газак тезликда терига ўтади, шунда тери тўқ-пушти ёки қизил ранг олади. Пайпаслаганда флюктуация аниқ сезилади. Тери ости абсцесси юкори жағ атрофида жойлашганида, уни ўраб турувчи юмиюқ тўқималарда сезиларли шинш бўлади, флюктуация ҳамма вакт ҳам аниқланмайди, пайпасланганда кучли оғриқ бўлади. Айримларда жараённинг кечини секин ва суст бўлади. Йиринг 1-2 ҳафта ёки ундан ҳам кўпроқ вақтда ҳосил бўлиши мумкин. Йирингли ўчоқ ёрилганда ажралма кам, абсцесс бўшлиғи кучсиз грануляция билан тўлган. Йиринг лунж мушаги ва лунжнинг шиллиқ қавати орасидаги клетчаткада жойлашганда, лунж соҳасида шинш яққол бўлади. Терининг ранги ўзгарган, пушти рангли, бурмага қийинчилик билан йигилади. Пайпаслаганда, лунж соҳасида, кўшинча юкори жағ альвеоляр ўсиғи билан бирикиб кетадиган оғриқни газак сезилади. Лунжнинг шиллиқ қавати кескин қизарган, шишган, унда тишларнинг изи кўринади. Касалулик бошланганнинг 2 кун бўлгандан, сўнг газакнинг марказида юмиаш кузатилади ва флюктуация найдо бўлади. Баъзан бир-бири билан туташнувчи бир неча бўшиликлар ҳосил бўлади.

Лунж соҳаси флегмонасида бемор, оғиз очганда ва чайнаганда кучаювчи, кескин, ўз ўзидан келиб чиқадиган оғриқка шикоят қиласди. Лунж соҳасида кўп жойни эгалловчи, пастки ва юқори қовоққа, юқори лабга, айрим пайтлари пастки лабга ва пастки жағости соҳаларига тарқалувчи газак вужудга келади. Кўз ёриги шиш туфайли сикилади. Лунж соҳаси териси газакланиб қизаради ва бурмага йигилмайди. Лунжни оғиз даҳлизи юқори ва пастки гумбазларининг шиллик қаватининг шишиши ва қизариши кузатилади. Шиллик қават бўртаиб чиқади ва шу туфайли юқори ва пастки жағ тишларининг излари тушиб колади.

Лунжда юза жойлашган абсцесс тери томондан, флюктуация аникланган жойдан кесилади. Абсцесс шиллик қаватга яқин жойлашганида, оғиз ичидан, юқориги ва пастки гумбазлар соҳасида кесма ўтказилади ва тўмток йўл билан йирингли бўшлиқка ўтилади. Эстетик нуқтаи назаридан, оғиз бўшлиғига йиринг оқишини таъминлаш учун, оғиз даҳлизидан кесилади. Бу кесмалардан йиринг оқиб чиқиши етарли даражада бўлмаса, юз нервининг ва қулоқолди сўлак бези чиқарув йўлининг йуналишини ҳисобга олган холда, ташқаридан кесма ўтказилади. Айрим пайтларда, йирингли ўчоклар икки томонлама, оғиз ичидан ва ташқарисидан кесиб бушатилади.

Лунж соҳасидаги йирингли жараён қулоқолди-чайнов, чакка ости, чакка ва қанотсимон- жағ соҳаларига тарқалиши мумкин.


Чакка, чакка ости ва қанотсимон-танглай чуқурчаси соҳаларнинг абсцесс ва флегмоналари. Инфекция тарқалиш йўллари. Клиника. Ташҳислаш. Жарроҳлик даволаш усули.

Чакка соҳаси абсцесс ва флегмонаси. Чакка соҳасига одон-тоген инфекция лунж, қулоқолди-чайнов, қанотсимон- пастки жағ ва ҳалкум атрофи ҳамда чаккаости соҳаларидан тарқалиши натижасида иккиламчи равишда вужудга келади. Чакка соҳаси чегаралари:

- ташқи - чакка фасцияси
- ички – чакка суяги танга қисми
- пастки – асосий суяк катта қаноти чакка ости қирраси
- юқори ва орқа – чакка суяги танга қисми чети
- олдинги – ёнок ва пешона суяги

Чакка соҳасининг олдинги ва пастки қисмлари ҳамда чакка мушагини ички томонида кўп миқдорда ёғ клетчаткаси бўлиб у чакка ости ва канотсимон танглай чукурчасидаги клетчатка билан тулашиб кетган. Чакка соҳасини олд қисмига лунж ёғ қавати ёндашган. Чакка мушаги ва юза фасция орасидаги оралиқда жойлашган клетчатка пастга тушиб, ёнок сугарни олдинги юзасига ўтади.

Чакка соҳасида абсцесдан кўра, флегмона кўпроқ учрайди. Чакка соҳасидаги яллиғланиш иккиламчи бўлганлиги сабабли, беморлар одатда: умумий характердаги, яъни интоксиация билан боғлиқ бўлган, ортиб борувчи оғриқка шикоят қиласидилар. Ёнок ёйи устида чакка чукурчасини ўз ичига олган шиш пайдо бўлади, пешонани тепа соҳаларида коллатерал салқиш пайдо бўлади. Баъзан ёнок соҳаси, юкори ва кам ҳолларда пастки қовоқларда солқиш пайдо бўлади. Оғиз очиш чегаралиниши ортиб боради. Пайпаслаганда, чакка ва чакка ости соҳасидан юкорига тарқалаётган каттиқ, оғрикли инфильтратни аниклаш мумкин. Инфильтрат терига ўтганлиги учун бурмага йиғилмайди, ранги эса ҳар доим ҳам ўзгаравермайди. Юзадаги тўқималарда йиринг ҳосил бўлса флюктуацияга сабаб бўлади, жараён чакка мушаги ости ёки толалари орасида бўлса - унда флюктуация кеч пайдо бўлади.



Чакка соҳаси абсцесс ва флегмонасида, биринчи навбатда бош ва бўйин ораликларидаги ҳамда асосий яллиғланиш ўчоғидан йи-рингнинг эркин окиб чиқиб туришини таъминловчи жарроҳлик аралашувлари амалга оширилади. Чакка соҳаси флегмонаси асосан чакка юза артериясига параллел равишда терида овалсимон бир неча кесма ўтказилади. Эксудат чукур жойлашганида, чакка линияси бўйича ёйсимон кесма ўтказилиб, чакка мушаги остига

тұмток йўл билан үтилади, йириңг олинмаси ёнок ёйи остида кесма үтказиб улар тунел орқали контр-апертура бирлаштирилади.

Чакка соҳаси, абцесс ва флегмоналарга чакка суюги тана қисмини иккиламчи кортикал остеомиелити, ҳамда инфекцияни мия қобиғи ва мияга (менингит, мёнингоэнцефалит, мия абсцесси) үтиши билан, бемор ҳаётини хавф остига қўювчи асоратларни юзага келтириши мумкин.

Чакка ости чуқурчаси абсцесси, чаккаости ва қанотсимон- танглай чуқурчалари флегмонаси

Чакка ости ва қанот-танглай чуқурчалари яллиғланиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Яллиғланиш сабабчиси бўлиб, кўпроқ юкориги акл тиш, камрок биринчи ва иккинчи юкори озиқ тишлар хисобланадилар.

Инфекция юкори жағ дўмбоғи ёнидаги тўқималарга тарқалиб чакка ости ва қанот танглай чуқурчаларига үтиши мумкин. Шунингдек чакка ости чуқурчасидаги яллиғланиш жараёни туберал анестезия вактида, вена қанотсимон чигали шикастланиши натижасида гематома ҳосил бўлиб, унинг йириңглашидан вужудга келади. Ундан ташқари, чакка ости ва қанот-танглай чуқурчаси соҳаларидаги йириңгли касалликлар, жараённинг қанотсимон-пастки жағ ва юткин ёни соҳаларидан тарқалганда ҳам вужудга келиши мумкин. Анатомо-топографик жиҳатдан, чакка ости ва қанот танглай чуқурчалари клетчаткаларининг ўзвий боғликлиги кўпинча ривожланган йириңгли жараёнларнинг қаерда жойлашганлигини аниклашда кийинчилик туғдиради.

Чакка ости чуқурчаси бош суюги асосида жойлашади, юкоридан чакка соҳаси билан пастдан ва ташқаридан юткин ёни ва қанотсимон-пастки жағ соҳалари билан туташади. Чакка ости чуқурчасининг ички тарафида у билан туташувчи қанот-танглай чуқурчаси жойлашади. Қанот-танглай чуқурчаси пастки кўз ёриги орқали кўз косаси билан, айлана тешик орқали бош қутиси билан туташади. Бу йўллар инфекцияни вена тизими бўйлаб тарқалишини тамиnlаб беради.

Чаккаости абсцесси ва флегмонаси, чакка ости ва қанот танглай чуқурчалари флегмонаси фарқланади.

Чакка ости соҳаси абсцессида йириңг кўпинча юкори жағ танасини чакка юзаси билан латерал ва медиал қанотсимон

мушаклар орасидаги клетчаткада жойлашади. Ўз –ўзидан келиб чикувчи оғрик ва оғиз очилишининг чегараланиши кузатилади. Клиник жиҳатдан, юз конфигурацияси ўзгармайди. Айрим пайтлари лунж ва ёнок соҳаларида чакка соҳасининг пастки қисмига тарқалувчи унча катта бўлмаган яллиғланиш шишлари кузатилади. Қанотсимон мушакларнинг яқинлиги туфайли оғиз очиш чегараланади. Оғиз бўшлигини курганда (лунжни озрок ташкарига торитиб) катта озиқ тишлар соҳасидаги ўтув бурмани юкори гумбазида шиш ва қизариш, кузатилади. Пайпаслаганда, юкориги гумбаз соҳасида, айримларда пастки жағ шохи олдинги юзасигача тарқалган оғрикли газак аниқланади.

Чакка ости соҳаси флегмонасида оғрик, чакка ва кўз соҳаларига тарқалиши кузатилади. Ютинганда оғрик кучаяди.

Ташқаридан қараганда, чакка соҳасининг пастки ва қулок олди –чайнов соҳасининг юкори қисмларида яллиғланиш шиши кум соатга ухшатиб тавсифланади, кўз ости ва лунж соҳаларида эса коллатерал шиш кузатилади. Тўқималар юмшоқ, оғрикли, тери ранги ўзгармаган бурмага қийинлик билан йигилади. Чайнов мушакларининг яллиғланиш контрактураси яқкол билинади (Шдараж) Оғиз бўшлиғида абсцессдагидек ўзгаришлар аниқланади, айрим пайтлари оғиз даҳлизи юкори гумбазида шиш қизариш ва оғрик аниқланади халос.

Чаккаости ва қанотсимон танглай чукурчасида ривожланувчи флегмоналар кучли бош оғриғи, кўзга ва чаккага тарқалувчи юкори жағ соҳасидаги оғриқ билан тавсифланади. Лунж, чакка соҳасининг пастки, қулок олди чайнов соҳасининг юкорисида ковоқка тарқалувчи шиш пайдо бўлади. Чаккаости ва қаноттанглай чукурчалари флегмонасида беморларнинг умумий аҳволи ўртacha оғирликда ёки оғир бўлади титраш эт увишиши кузатилади, тана ҳарорати 40°C гача кўтарилади.

Шишган тўқималарни пайпаслаганда, чакка соҳасининг пастида газак ва оғрик, айримларида яллиғланиш жараёни жойлашган тарафдаги кўз соққасига босилганда оғрик сезилади. Оғиз очилиши чегараланган. Оғиз даҳлизи юкори гумбази шиллик қавати қизарган ва шишган, чукур пайпаслаганда, пастки жағ тож ўсиғигача тарқалувчи, оғрикли газак сезилади. Айрим беморларда, чаккаости ва қанотсимон-танглай чукурчаси флегмонасининг бошлангич белгилари сезилмаслиги мумкин. Чакка ости ва қанотсимон танглай чукурчаларининг заарланганлигини бемор

умумий ахволининг ёмонлашиши, чакка соҳасининг пастки қисмидаги шиш ва оғриқнинг кучайишига қараб тахмин қилиш мумкин.

Чакка ости соҳаси абсцессини оғиз даҳлизи юқори гумбазида 2-3 см. узунликдаги, ёноқ альвеоляр киррасидан 0,5 см. орқада кесма ўтказилиб очилади.

Шиллиқ қават кесилгандан сўнг, тўмтоқ йўл билан тарновсимон зонд ёки эгик кон тухтатувчи кискич ёрдамида ичкарига ва юқорига ўтилади ва йиринг чикарилади.

Чакка ости соҳаси флегмонасини айримларда шу кесма орқали очилиб, тўқималар тўмтоқ йўл билан понасимон сүякни қанотсимон ўсигининг латерал пластинкасигача ажратилади. Бошқа ҳолатларда эса, чакка ости ёки чакка ости ва қанотсимонтанглай чукурчалари флегмонасида кесма чакка мушаги олдинги чети соҳасидаги тери қопламида ўтказилади. Бунда тери, тери ости клетчаткаси, чакка фасцияси кесилади, чакка мушаги толалари ажратилиб, чакка суюгининг тангасимон қисмига ва чаккаости киррасини айланаб, ўтиб эгик ускунга билан чаккаости соҳасига кирилади. Ёнок ёйи бўйича кесма ўтказилганда, унинг бир қисми резекция қилинади, пастки жағнинг тожсимон ўсиги кесилади.

Шундан сўнг, тўмтоқ йўл билан чакка ости соҳасига ўтилади. Чакка ости ва қанотсимон танглай чукурчалари флегмонасини пастки жағ ости соҳасидан кесишиб йўли билан ҳам очиш мумкин. Пастки жағ шохи ички юзаси қанотсимон ғадир-будирлигидан медиал-қанотсимон мушакни ажратиб, тўмтоқ йўл билан юқорига ва олдинги кирилади, юқори жағ дўмбоги билан, пастки-жағ шохи орасидаги тўқималар ажратилиб йиринг чиқарилади.

Баъзан, операция натижаси - чаккаости ва қанотсимон танглай соҳаларидан яллиғланган экссудати ва некрозланган тўқималарни олиш, флегмонага якуний ташхис қўйиш учун асос бўлади.

Чакка ости, қаноттанглай чукурчаларидаги йирингли яллиғланиш жараёнлари чакка, қулоқолди-чайнов соҳаларига, қанотсимон пастки жағ, ютқин атрофи бўшликларига тарқалиши мумкин.

Чакка ости ва қанотсимон-танглай флегмоналари инфекциянинг кўз косаси клетчаткасига ва юз веналарига тарқалиб, мия қаттиқ қобиги синуслари тромбози ривожланиши билан асоратланиши мумкин.

Юз-жағ ва бўйин соҳалари лимфангити, лимфаденити, аденофлегмонаси

Юз ва бўйин лимфангити, лимфаденити.

Лимфангит – бу лимфа томирларининг яллиғланишидир. Лимфаденит – бу лимфа тугунининг яллиғланиши, аденофлегмона-лимфа тугуни ва унинг атрофидаги клетчатканинг йирингли яллиғланиши.

Анатомияси. Лимфа тугуни ташқаридан бириктирувчи тўқимали капсула билан копланган. Тугуннинг ичига, унинг паренхимасига капсуладан ингичка бириктирувчи тўқимали тусинлар-трабекулалар кетган. Тугуннинг дарвоза томонидаги капсула чуқурчаси “гилус” деб аталади. Лимфатик тугуннинг паренхимаси ретикуляр тўқимадан ташқил топгандир. Периферида жойлашган хужайра элементлари қобиқ моддаси, ва тугуннинг марказида жойлашганлари мия моддаси деб номланади. Қобиқ моддасида лимфоид фолликулалар жойлашган. Мия моддасида эса лимфоцитар шодаси тупламидан ташқил топгандир. Капсула, трабекула ва паренхима орасида ингичка ёриклар(синуслар четдан, кириб келувчи дарвоза, интермедиляр оралиқ) мавжуд. Олиб келувчи лимфа томирлари четки синусга очилади, олиб кетувчилари эса дарвоза синусидан чиқади. Бош ва бўйиннинг регионар лимфатик тугунлари орасида куйидагилар фарқланади: бош гумбази соҳаси, юз (лунж, бурун-лаб, моляр, пастки жағ) бўйин, (даҳан ости, пастки жағости), бўйиннинг олдинги – (юза ва чуқур) латерал – (юза ва чуқур) лимфа тугунлари.

Бошнинг, мия суюги гумбазининг лимфа тугунлари энса, сўрғичсимон, юза ва чуқур қулоколди лимфа тугунлари гуруҳидан иборатдир. Кулок олди лимфа тугунлари кўп зарарланади.

Кулок олди лимфа тугунлари (одатда 3-5 та). Кулок супрасининг олдида ва кулок олди сўлак бези капсуласининг устида (юза), капсуланинг тагида, без бўлакчалари орасида, ташки эшитув йўлининг олдида (чуқур-без ичи, кулок таги ва олди) соҳаларида жойлашади. Уларга пешона териси, кулок супраси, ташки эшитув йўли, лунж ва юқори лаблардан лимфа окади.

Даҳан лимфа тугунлари даҳан учбурчаги клетчаткасида жойлашади. Уларнинг сони одатда 1 дан 4 тагача бўлади. Даҳаннинг олдинги лимфа тугуни даҳан ости соҳасининг чўққисида, кўпроқ пастки жағ қиррасининг ортида жойлашади. Орқадаги тугун тило-

сти суяги танасидан бироз олдинда, айрим ҳолларда эса оркасида жойлашади.

Даҳан лимфа тугунлари лимфани пастки ва юқори лабнинг терисидан, пастки қўрак ва козиқ тишлар периодонтидан, пастки жаг, даҳан соҳаси суяк усти пардасидан ва қисман оғиз бўшлиги туви тўқималаридан йигади.

Пастки жағости лимфа тугунлари, пастки жағости учбурчагида жойлашади ва унтағача бўлиб, занжир шаклида пастки жағ кирраси бўйлаб жойлашади. Олдинги, ўрта ва орқа тугунлар фарқланади.

Биринчи тугун (айрим ҳолларда тугунлар гурухи) пастки жағости учбурчагининг олдинги қисмида жойлашади. Ўртадаги иккинчи гуруҳ тугунлар ташқи юз артериясига такалиб, унинг менинал тарафида, айрим ҳолларда бироз юқори, чайнов мушагининг олдида жойлашади. Бироз орқароқда, юз артерияси ва юз венаси орасида, учинчи гуруҳ тугунлари (ёки 2-3 тугун) мавжуд.

Пастки жағости сўлак безининг пастки-орқа қисмида доимий бўлмаган тўрттайинчи тугун бор. Пастки жағ ости соҳаси лимфатик тугунлари гурухига-пастки жағости сўлак бези капсуласининг ичидаги жойлашган тугунлар ҳам киради.

Жағ ости лимфа тугунларига, ўраб турувчи тўқималар, пастки жағнинг қозиқ тишдан тортиб, учинчи моляргача бўлган тишлар, шу тишларга тегишли пастки жағ танаси ва қисман пастки лабнинг ён бўлими, шунингдек ташқи буруннинг тери ва бурун шиллик қаватининг олдинги бўлиминдан лимфа томирлари кўйилади. Бундан ташқари кичик ва катта озиқ тишлар, юқори жағнинг альвеоляр ўсиғи ҳам жағ ости соҳаси лимфа томирлари ва тугунлари билан боғлиқидир.

Юз лимфа тугунларига кўйидагилар киради: шу соҳада жойлашган ва кўпроқ чайнов мушаги олдидаги лунж, юқори биринчи ва иккинчи молярлардан, пастки молярлар, пастки жағ асосининг ўртасида, киррасида ёки ундан баландроқ жойлашган пастки жағ (1-3) тугуни. Катта ва кичик илдизли тишлардан, юқори жағ альвеоляр ўсиғидан, пастки жағнинг биринчи ва иккинчи молярларидан келувчи лимфа кўйилади.

Ҳалкум орти лимфа тугунлари, эса жағ ости учбурчаги ва ҳалкумнинг атрофидаги тўқималарда жойлашади. Улар бурун бўшлигининг орқа, қисман каттиқ ва юмшок танглайлардан лимфани йигади.

Бўйиннинг олдинги ва латерал лимфа тугунлари тўш умров-бигизсимон соҳанинг медиал учбурчагида, бўйиннинг латерал учбурчагида жойлашган. Бўйиннинг олдинги, юза, чуқур лимфа тугунлари ажратилади. Чуқурларига латерал ва олдинги-юган лимфа тугунлари, юган-икки қоринли тугун, юган курак-тил ости, умров усти, ҳалкум орқаси лимфа тугунлари киради. Улар лимфа томир тўри орқали юқори жағ, бурун бўшлигининг шиллик қавати, оғиз туби тўқималари, тил билан боғлиқдир.

Тишлар, периодонт, жағлар лимфа томирлари ва лимфа тугунларининг тўридан иборат мураккаб ўзаро туташган кўп микдордаги лимфа капиллярлар тизими мавжуд. Тиш каналидаги лимфа томир – нерв тутамига киради ва илдиз чўққисидаги тешик орқали периодонтга ва ундан сўнг магистрал томирларга: пастки жағда унинг каналига, юқори жағда кўз ости каналларга чиқади. Альвеоляр ўсиқдаги озиқлантирувчи тешиклардан, даҳан, кўз ости ва жағларнинг бошқа тешиклари орқали чиқадиган лимфа томирлари сүяк усти пардасига ва жағ атрофидаги юмшок тўқималарга тарқалади ва ундан кейин регионар лимфа тугунларига кўйилади. Пастки жағ тишлари пастки жағ ости, даҳан, кулоқ олди, ҳалкум орқаси лимфа тугунлари билан, юқори жағ тишлари эса –пастки жағ ости лимфа тугунлари билан боғлангандир. Альвеоляр ўсиқни ва жағ таналарини коплаб турувчи сүяк усти пардаси милк жағ атрофи юмшок тўқималари, лимфа капиллярлари ва томирлар тўри, сүякнинг ички юзаси ҳамда юз ва бўйиннинг қарама қарши томонидаги аналогик лимфа тизими билан анастомозлашган. Тишлар, периодонт, сүяк усти пардаси, жағ атрофидаги юмшок тўқималар лимфа тизимининг ўзвий боғликлиги, лимфа томирларида яллиғланиш жараёнининг ривожланишига ва инфекцияни тарқалишига имкон беради.

Этиологияси: Лимфангит ва ўткир лимфаденитни патоген стафилококклар, кам ҳолларда стрептококклар ва улар ассоциациялари шу кўзғатувчилар билан биргаликда анаэроб микроблар ҳам чакириши мумкин.

Патогенези. Юз жағ соҳасида лимфангит ва лимфаденитларни одатда одонтоген инфекция чакиради: ўткир периодонтит ёки сурункали периодонтнинг ўткирлашуви, илдиз кистасининг йиринглари, пастки акт тишнинг кийин чикиши, альвеолит. Бундан ташкири ўткир лимфаденит жағларнинг ўткир йирингли периостити, жағларнинг одонтоген остеомиелити жа-

атрофи абсцесс ва флегмоналари, одонтоген гайморитларнинг асоратли кечиши омили бўлади.

Юз-жағ соҳасидаги лимфаденитлар, оғиз бўшлиғи шиллик қавати, ташқи, ўрта ва ички қулоқларнинг яллиғланиш касалликлари ва жароҳатланиши туфайли инфекция лимфа тугунларига тушиши натижасида юзага келади. Кам ҳолларда эса, юз-жағ соҳасидаги лимфа тугунларининг зааррланиши юз ва бош териси жароҳатлари ва касалликларида кузатилади.

Лимфа тугунлари ўзига хос биологик фильтрлардир. Улар яллиғланиш жараёни билан зааррланган тишлардан, суж усти пардасидан, суждан юмшок тўқималардан оқиб келаётган микроблар, токсинлар ва бошқа антиген таъсиrlарни тутиб коладилар.

Лимфа тугунлари иммун аъзоларнинг кисми хисобланиб, уларда доимий равишда микроблар ўтириб колаверса, улар нейтраллаш имкониятини йўқотадилар ва микроорганизмлар кўпайиши учун яхши шароит тугилади. Яллиғланиш касалликларида лимфа тугунларида мураккаб жараёнлар кечади. Лимфатик тугунлардаги инфекциянинг фаоллашиши ва инфекцияга қарши хужайра ва гуморал реакцияларнинг пасайиши, узоқ вакт совуқ ёки иссик ҳарорат таъсири остида бўлиш, стресс ҳолатлари, вирус таъсири ва хоқазоларга боғлиқ. Лимфа тугунларининг кўпроқ яллиғланиши болаларда (шаклланмаган иммунитет), бирламчи ва иккиласмич иммун танқислиги бўлган одамларда ва антиген таъсиrlар остида лимфа тугунлари фаолияти бузилиши натижасида юзага келади.

Патологик анатомяси. Ўткир лимфангитда лимфа томирлар деворида газак шаклланади, уларнинг ўtkазувчанлиги ошиб, атрофдаги клетчаткада экссудат тўпланади. Томирлардаги фибрин ивиб, тромб ҳосил бўлади, бунинг натижасида стаз ривожланади. Лимфангитда лимфа тугунларида зардобли (сероз) яллиғланиш кузатилади. Ўткир лимфаденитнинг бошланғич даврида лимфа томирларнинг кенгайиши тугунларда шиш ва кичик ўчокли газак кузатилади Асосан оралиқдаги, камроқ четдаги синуслар кенгаяди. Уларда сегмент ядроли лейкоцитлар, макрофаглар, лимфоцитлар, дастлаб сероз, кейинроқ йирингли экссудат, детрит массалар аникланади.

Лимфатик фолликулалари шиш ва гиперплазия туфайли катталашади. Ёриклар марказида макрофаглар, лимфобластлар ва ретикуляр хужайраларнинг кўплиги кузатилади. Безларда қон то-

мирлар кенгайган ва кон билан тўлган (сероз йирингли лимфаденит).

Кейинчалик лейкоцитар газакланиши кучайиб, лимфоид-ретикуляр тўқимада некроз ривожланиб, улар бир-бири билан кўшилиб йирингли бўшлиқлар ҳосил қиласи (ўткир йирингли лимфаденит). Бошқа холларда эса, йирингли жараён капсулага ва ёнидаги тўқималарга тарқалади. Лимфатик тугундан йирингли жараён ёнидаги клетчаткада тарқалиб – аденофлегмонани юзага келтиради. Морфологик жиҳатдан лимфа тугунларининг гиперпластик, дескваматив, гиперпластик-дескваматив ва продуктив шакллари фарқланади. Сурункали лимфаденитда лимфоид элементлар гиперплазияси кузатилиб, шу туфайли тугун катталашади. Аста сенинлик билан лимфоид тўқималар ўрнини биректирувчи тўқима эгаллайди. Уларнинг орасида кичик абсцесслар ҳосил бўлиши мумкин. Йирингнинг кўпайиши сурункали лимфаденитнинг ўткирлашишига ва аденоабсцесс ёки аденофлегмона шаклига ўтиши мумкин.

Клиник кўриниши. Лимфа тугунлари касалликларининг клиник кечиши ва патологоанатомик ўзгаришлар хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда: ўткир ва сурункали лимфангит, ўткир сероз ва ўткир йирингли лимфаденит, аденофлегмона ва сурункали лимфаденитлар фарқланади.

Лимфангит ўткир ва сурункали кечиши мумкин. Лимфангенинда юза (турли ёки ретикуляр лимфангит) ва ўзакли (трункуляр ёки ўзакли лимфангит) лимфа томирлари заарланади.

Ўткир ретикуляр лимфангит юза жойлашган лимфа томирларининг яллиғланиши бўлиб, юзда чўзиқ тасма шаклида кўринади. Айрим пайтларда ретикуляр лимфангит яра, чипкон ёки хўппоз ва бошқа яллиғланиш жараёнлари атрофида вужудга келади. Ўткир лимфангитда регионар лимфа тугунларига йўналган тасма шаклида юза газак пайдо бўлади. Лимфа тугунлар катталашади устидаги тери кизаради, пайпаслагандаги кучсиз оғрикли, юмшок бўлади. Касаллик кечишинга караб, заҳарланишнинг ҳар хил белгилари пайдо бўлади: тана ҳарорати кўтарилади, эт увишади, бош оғриги, иштаха ва уйқунинг бузилиши ва хоказолар кузатилади.

Ўткир трункуляр, ўзакли лимфангит кўпроқ жағ ости учбурчаги, бўйин терисида бир ёки икки кизил тасма кўринишда, ин-

фекция ўчоғидан тегишли регионар лимфа тугунлар томон йўналган бўлади.

Пайпаслаганда томир бўйлаб атроф тери ости клетчаткаси ва терида тасма кўринишдаги оғрикли газак аниқланади. Лимфа тугуни катталашган, оғрикли, кўпинча перилимфаденит белгилари кузатилади. Ўткир лимфангит, сурункали лимфангитга ўтиши мумкин. У кўпинча катта ёшдаги ҳолсизланган беморларда ва тўлик даволанмаган беморларда вужудга келади. Клиник жиҳатдан касаллик, қаттиқ, оғриксиз, юза газакка ўхашаш бўлади. Газак тери билан бириккан, ранги ўзгармаслиги мумкин ёки қўнгир-кук тусда бўлади. Чукур пайпаслаганда, газак тасмалари (тортишмалари) аниқланади.

Лимфангитни, сарамас, юз веналари флебити ва тромбофлебити билан дифференциация килиш керак. Сарамасда юз терисининг кўп жойларида қизариш ва газак аниқланади. Флебит ва тромбофлебитда эса вена бўйлаб, тортмалар бўлади, устидаги тери ранги узок вақт ўзгармайди. Бундан ташқари, ушибу касалликларда заҳарланишнинг умумий белгилари яққол ифодаланган бўлади.

Лимфаденит ўткир ва сурункали кечиши мумкин.

Ўткир зардобли лимфаденит лимфатик тугун ёки билан бир неча тугунларда оғриқ ва шиш пайдо бўлиши билан намоён бўлади. Беморнинг умумий аҳволи қоникарли, айримларда эса тана ҳарорати субфебрил, умумий ҳолати бироз ёмонлашади. Пайпаслаганда, думалоқ ёки овал шаклидаги оғрикли, катталашган лимфа тугуни аниқланади, устидаги тери билан бирикмаган, терининг ранги ўзгармаган.

Сабабчи инфекция ўчоги бўлған патологик жараёнлар бартарап қилингандан сўнг лимфа тугунларининг ҳажми кичраяди, юмшайди, оғриқ йўқолади. Қон ва сийдикда ўзгаришлар кузагилмайди, айрим беморларда қонда лейкоцитларнинг сони кўпайиши мумкин ($9\text{-}10\ 10^9/\text{л}$).

Ўткир йирингли лимфаденит зардорбли (серозли) жараённинг йиринглилига ўтиши ёки сурункали лимфаденитни ўткирлашуви натижасида ривожланади. Заарланган лимфа тугунларда оғриқ, (баъзан кучли) пайдо бўлиши билан намоён бўлади. Беморнинг умумий аҳволи ёмонлашади, тана ҳарорати $37,5\text{-}38^{\circ}\text{C}$ ча кўтарилади. Текширилганда заарланган лимфа тугун тарафида шиш аниқланади. Пайпаслаганда чегараси аник, думалоқ шаклида оғрикли газак аниқланади. Унинг устидаги тери лимфа тугун би-

лан бирикади, кизарган, шишган бўлади. Яллигланиш жараёни халқум орти ва қулок олди соҳаларида жойлашганда, ютиниш оғрикли, оғизни очиш қийинлашади.

Баъзан, абсцессланиш аста-секин, айрим ҳолларда 1-2 ҳафта давомида, яккол бўлмаган умумий ва маҳаллий ўзгаришларсиз кечади. Яллигланиш жараёнлари лимфа тугун атрофидаги тўқималарга ўтиб, периадёнитга олиб келади. Бунда газакнинг ҳажми катталашади, устидаги тери, тўқ қизил рангга киради, марказида юмашаш ўчоги аниқланади.

Ўткир йирингли периадёнит билан кечаётган лимфаденитни лимфа тугунларининг специфик касалликлари, авваламбор-акитиномикоз билан фаркланди. Лимфа тугунларининг актиномикоз касаллиги секин ва суст кечади. Ташхис қўйиш учун йиринггини замбуруқларга текшириш яхши натижа беради.

Аденофлегмона. Айрим пайтларда, лимфа тугуни капсуласи ёриб йиринг уни ўраб турган клетчаткага ўтади. Лимфа тугун ва уни ўраб турган клетчатканинг тарқалган йирингли яллигланиши-аденофлегмона вужудга келади.

Беморлар ўз-ўзидан пайдо бўлувчи, айрим пайтлари эса заррланган жойдаги кучли оғриқка ва умумий аҳволининг ёмонлашганлигига шикоят қиласидар. Касаллик тарихидан нўхотдек, аста-секин катталашадиган “нўхат” серозли, йирингли ёки сурункали лимфаденитга хос белгилар бўлганлиги аниқланади. Аденофлегмонада яллигланиш жараённининг кескин кучайиши кузатилади, умумий аҳвол ёмонлашади, тана ҳарорати $38-38,5^{\circ}\text{C}$ гача ва ундан баланд кўтарилади, эт увишади, титраш ва заҳарланишнинг бошқа белгилари пайдо бўлади. Баъзи bemорларда эса аденофлегмона секин ривожланади, тана ҳарорати $37,5-38^{\circ}\text{C}$ дан кўтариilmайди. Аденофлегмонада қонда ўзгаришлар кузатилади: лейкоцитлар миқдори $12-15 \cdot 10^9/\text{l}$ гача стади, нейтрофил лейкоцитлар ҳам ошади, ЭЧТ (оритроцит чукиш тезлиги) соатига 35-40 мм гача кўтарилади.

Аденофлегмонани актиномикоз ва сил касалликлари билан қиёсий ташхислани мумкин. Силда ва актиномикозда касаллик секин ривожланади, умумий ва маҳаллий белгилари яккол кўринмайди. Йирингли жараёни кесганда: актиномикозда увоқли қонсистенцияга эга ажralма кузагилса, силда эса у оғизсимон (гврогенмон) нарчаланишига ўхшаш бўлади.

Сурункали лимфаденит. Сурункали лимфаденит одатда лимфа тугунидаги ўткир лимфаденитнинг натижасидир. Сурункали лимфаденитнинг ўткир яллиғланиш даври яққол намоён бўлмаган тури хам учраб туради. Кўп муаллифлар бу ҳолатни микрофлоранинг хусусиятлари, унинг кучсиз вирулётнлиги билан боғлайдилар. Клиник жиҳатдан сурункали гиперпластик ва сурункали ўткирлашган (ириингли)лимфаденит фаркланади. Касаллик секинлик билан, айрим пайтларда, 1-2 ой ва ундан кўпроқ вакт мобайнида ривожланади. Дастреб, оғрикли думалок “нўхатдек” шиш пайдо бўлади, аста-секин катталашади ва каттиклашади. Пайпаслаганда, думалоқ ёки овал шакли, аник чегарали, атрофидаги тўқималар билан бирикмаган, харакатчан лимфа тугуни аникланади. Беморлар “тугунча” борлигига, айрим пайтларда эса ҳолсизлик, лоҳасликка шикоят килишади. Сурункали гиперпластик лимфаденитда bemorning умумий ахволи коникарли бўлади. Айрим bemорлардагина тана ҳароратининг кечкурунлари $37\text{--}37,5^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиши ва bemор умумий ахволининг ёмонлашганини кайд этади.

Айрим ҳолларда, лимфа тугунидаги сурункали яллиғланиш натижасида грануляцион тўқима ўсиб, лимфоид тўқиманинг ўрнини тўлик эгаллайди ва тугуннинг ташкарисига терига ўсиб киради ва уни юпкалаштиради. Юпкалашган жойда тери тешилади ва грануляция бўртиб турган окма йўли хосил бўлади. Сурункали гиперпластик лимфаденит ўткиралиши мумкин ва ўткир ириингли лимфаденитнинг кликаси намоён бўлади.

Касаллик узок кечган пайтларида, лейкоцитларнинг камайиши ($4\text{--}5 \cdot 10^9/\text{l}$, лимфоцит ва моноцитларнинг салгина кўпайиши, ЭЧТ соатига 25-30 мм гача ошиши кузатилади.

Сурункали гиперпластик лимфаденитни юз ва бўйиннинг туғма кистаси, оқмалари ва бир катор ўсмалар билан солиштириш лозим. Юз ва бўйиннинг кисталари биринчи ва иккинчи жабра ёриклари ва ёйлари, калконсимон-тил йўли соҳаларида жойлашади. Улар секин, бир неча йиллар давомида катталашади. Пайпаслаганда хосила оғриксиз ва эластик консистёнциялидир. Ташхис қўйишда пункция ва цитологик текшириш катта аҳамият касб этади.

Сурункали лимфаденит билан, сурункали грануляцияланувчи периодонтитнинг киёсий ташхиси анча мураккабдир. Иккала касалликда хам юз терисида окма йўл хосил бўлиши мумкин.

Лимфаденитда у ярим парчаланган лимфа тугунларига олиб борса, периодонтитда эса периапикал ўчок жойлашган сүякка олиб боради. Солиштирма ташхис учун тишлар рентгенографияси ва морфологик текширишлар ёрдам беради.

Гиперпластик лимфаденит, бир катор ўсмалар, гемобластозлар метастатик заарланишлар солиштирма ташхиси, пунктатни цитологик текшириш, биопсия материалларини патоморфологик текширишга асослангандир.

Давоси. Ўткир лимфаденитда микроорганизмларнинг лимфа тугунларига тушишининг олдини олиш мақсадида одонтоген инфекция ўчокларини бартараф қилиш керак (тишни олиш, ёки периодонтни даволаш, альвеолитда олинган тиш каттагига ишлов бериш). Факат сероз лимфаденитдагина даволаш консерватив бўлиши мумкин. Физиотерапевтик муолажалар белгиланади. Дубровин бўйича боғлам, йодид калий билан иситувчи боғламлар яхши самара беради. Маҳаллий оғриксизлантириш ёрдамида тугунни пункция қилиш, ўраб турган тўқималарни айrim пайтларда антибиотиклар, ферментлар қўшиб тримекаин ёки лидокайн билан блокада қилиш ҳам яхши натижа беради.

Ўткир йирингли, ёки сурункали лимфаденитнинг ўткирлашишда жарроҳлик усули билан даволанади. Йирингли ўчок кесилиб, ярага бирламчи жарроҳлик ишлови берилади – йирингли чириган тўқималар қириб олиб ташланади, яллигланиш ўчоfiga медикамёнтоз ишлов берилади. Ярага чикарғич (дренаж) қўйиб боғланади, у фуран типидаги препаратлар, ферментлар, стафилококка карши плазма ва хоқазолар билан маҳаллий даволаниб, дори моддалари билан боғламлар қўйилади. Комплекс даволашнинг схемаси ўткир ва сурункали лимфаденитлар ўткирлашуvidаги организмнинг реактивлиги ва маҳаллий белгиларига боғлиқдир. Умумий кувватни оширувчи, стимулловчи сенсибилизацияни тушурувчи даволар ва иммунотерапия белгиланади. Кучизланган ва катта ёшдаги беморларга антибиотик ва сульфаниламид дорилар даволаш курси ўтказилади. Аденофлегмонани даволаш, флегмонани даволаш қоидаси бўйича олиб борилади.

Сурункали лимфаденитни даволаш одонтоген инфекция ўчоғини йўқотишдан бошланади. Катталашган лимфа тугуннининг сўрилишини тезлаштириш максадида, тримекаин ёки лидокайнни ферментлар билан қўшиб блокада қилиш, малҳамли боғламлар

били алмашитириб туриш яхши натижа беради. Физиотерапевтик мұолажалар (калий йодид, ферментлар ва димексид билан электрофорез қилиш) пункция қилиб, ташхис цитологик жиҳатдан тасдикланғандан кейин белгиланади. Сурункали лимфаденит узок вакт кечиб, үчөндеги грануляцион түқима сезиларлы үсіб, терида оқма йүллари ҳосил қылғанида, лимфа түгүнини оқма йўли билан бирга кесиб олиб ташланади (некротомия) ва түқималар қаватмакават тикилади.

Лимфа түгүнлар яллиғланишини асоратсиз даволаш мүмкин. Фақат бўйин соҳасидаги аденофлегмоналардагина инфекция контомир-нерв тутами атрофидаги клетчатка орқали яллиғланиш жараёнининг кўкс оралиғига тарқалиши ҳавфидир. Бунинг олдини олиш – оғиз бўшлиғи ва кулок-томоқ, бурун аъзоларининг санациясидан, шунингдек организмнинг резистенлигини (инфекцияга каршилик кўрсатиш кучини) оширишдан иборатdir.

Юз-жаг ва бўйин яллиғланиш касалликлари асоратлари: сепсис, септик шоқ, медиастенит, юз веналари тромбофлебити ва ғоваксимон бўшлиқ тромбози

Юз-жаг ва бўйинда ўткир кечаётган (абсцесс, флегмона, остеомиелит, чипкон, хўппоз) йирингли яллиғланиш касалликлари ён атрофидаги түқималарга тарқалиши, организм заҳарланиши натижасида ҳаёт учун зарур бўлган аъзо ва тизимларни ишдан чиқариши мүмкин.

Медиастенит

Медиастенит – кўкс оралиғи клетчаткасининг яллиғланиши. Оғиз туби, жаг ости, даҳан ости, ҳалкум ёни ва бошқа соҳаларидағи яллиғланиш жараёнларини даволашга қарамай, прогрессив кечиб, бўйин соҳаларига тарқалиши натижасида, қон-томир-нерв тутами, кекирдак ва қизил ўнгач атрофи клетчаткаси бўйлаб кўкрак қафасига тарқалишидир. Кўкс яллиғланиш жараёнларини жойлашишига нисбатан олдинги, орқа ва диффуз медиастенит ажратилади.

Олди медиастенит яллиғланиш жараёни икки йўл билан юзага келиши мүмкин: ҳалкум атрофидаги йирингли жараён мушаклар оралиғи ва мушак-фасциал ораликлардан қон-томир-нерв тутами атрофи бўйлаб олдинги кўксга ўтади, ёки оғиз туби, тил

флэгмоналарида бўйиндан эндоцервикал фасция ораликларидан кекирдак ва трахея атрофидан олд кўксга ўтади. Орка медиастенит йирингли- некротик жараён умуртка устунининг бўйин соҳасидаги фасция атрофидан орка кўксга таркалса ривожланади.

Тотал йирингли медиастенит ёки чиринди некротик медиастенит бўйин ва ҳалкум атрофидаги тарқалган яллиғланиш жараёнлар ҳамма фасциал ораликлардан кўкс олди ва орка томонларига тушганда ривожланади.

А.А.Вишневский ва А.А.Адамян (1977) патолог-анатомик ўзгаришлардан келиб чикиб, ўткир зардобли, ўткир йирингли ва сурункали медиастенитни ажратишни таклиф килганлар.

Медиастенитни клиник кечиши.

Бемор ахволи оғир, тана ҳарорати $39\text{-}40^{\circ}\text{C}$ ёки ундан ҳам баланд. Даствори бемор йўтал ва ҳансирашга шикоят қиласи. Кейинчалик, кўкс орқасида оғриқ пайдо бўлганига, энгашганда ва ён томонига қайилганда, оғриқ кучайишига, ютинганда кўқракда оғриқ пайдо бўлишига ҳам шикоят қиласи. Беморда гемодинамик бузилишилар кучаяди ва нафас олиш қийинлашади. Бемор ўзига кулай мажбурий ҳолатни олишга харакат қиласи, айрим беморлар букчайиб ўтирадилар, бошни тушириб, оёқларини йифиб оладилар, айримлари ярим ётган ҳолда оёқларини йифиб, гужанак бўлиб оладилар. Тахикардия, кон босими ўзгарувчан бўлади. Юза нафас олиш ва кучайиб бораётган ҳансираш кузатилади. Кейинчалик, бадан териси ушланганда муздек, ранги кетиб, сарғайиш аломатлари кузатилади, муздек тер чиқади, инъекция қилинган соҳаларда тарқалган конталаш ҳосил бўлади. Беморда алаҳсираш кузатилади, кома ҳолатига тушиши мумкин. Ўпкада, аускультатив: ўчокли ёки тарқалган яллиғланиш, абсцессланиш ёки гангренагача етиш аломатларини кузатиш мумкин.

Медиастенитга хос белгилардан бири бу Герке белгиси – беморни бошини орқага- пастга қилинганда, тўшорти соҳасидаги оғриқнинг кучайиши; А.Я.Иванов белгиси-бўйин кон томир-нерв тутамини юқорига сурганда кўкс орқасидаги оғриқ кучаяди; оғриклар bemор чукур нафас олганида ва овқат луқмасини ютишга уринганида ҳам кучайиши мумкин; Равич- Шчербо белгиси - чукур нафас олганда буйинтурук чуқурчанинг ичка тортилиши; медиастенитли bemорга хос доимий юза йўталиш ҳам унинг умумий ахволини оғирлаштиради.

Ташхис кўйинш учун, юкорида келтирилган клиник белгиларни аниклаш ва рентгенологик текширувлар уч проекцияда (олди, ён ва кия) ва компьютер томографияси ўтказилади, текширувларда: кўкс оралиғининг ўрта қисми кенгайганилиги, 5-8 кунларга келиб плеврал бўшлиқда-ажралма аникланади.

Даволаши: медиастенит аникланishi билан шошилинч операция килинади. Қиска тайёргарликдан сўнг, умумий оғриқсизлантириш остида кўкс оралиқларини юкори ва ўрта очиш учун бўйин орқали Разумовский усулида медиастинотомия ўтказилади. Агарда жараён, кўкс орка қисмида бўлса, медиастинотомия Насилов усулида бажарилади. Тотал ёки диффуз медиастенинда, операция жарроҳлик клиникаларининг тарокал бўлимида ўтказилади.

Операциядан сўнг, яллиғланиш жараёни доимий дренажланиб, дори воситалари билан ювилиб, ажралмалар фаол сўриб олиниши керак. Организм куватини оширишга қаратилган барча чоралар - экстра корпорал детоксикация-гемосорбция, плазмоферез, экстракорпорал талоқда қон тозалаш, метаболизм ва иммунитетни кучайтирувчи дори дармонлар ишлатилади.

Медиастенитда пировард натижа, ҳамиша хам яхши бўлмайди. Айниқса, медиастенит сепсис билан баробар кечса.

Юз веналари тромбофлебити

Юз веналари тромбофлебити, юкори жағ суяги ва атрофидаги юмшоқ тўқималар йирингли яллиғланиши (юкори жағ остеомиелити, кўз ости соҳаси абсцесс ва флегмонаси, юкори лаб ва бурун йўли чипқон ва хўппози ва бошқалар) касалликларида юз венасини тармок томирлари деворларининг яллиғланиб, тромб ҳосил килишиидир.

Юз ва бурчак веналар йуналишида шиш ҳосил бўлади. Пай-пастлаганда тери билан бириккан инфильтрат аникланади, устидаги тери қизаради, заҳарланиш кучайган сари бемор аҳволи ёмонлашади, тана ҳарорати кўтарилади, безгак тутгади, бадани увишади, қалтирайди.

Тромбофлебит юз венаси тромбозига ўтади, ўз навбатида юз венаси тромбози инфекциянинг мия қаттиқ пардаси ғоваксимон синусига тарқалишига олиб келади.

Ғоваксимон бўшлиқ тромбози

Хос бўлган белгилар: пешона соҳасинда бош оғриғи, умумий аҳвол оғирлашади, организм заҳарланиши ошади- тана ҳарорати

40⁰С гача ва ундан ҳам юқорига чикади, бадан увишиб қалтирайди карама қарши томондаги күз косаси ичиде оғрик күз сокқаси шиллик пардаси шишиб чикади (хемоз), күз косасидаги түкималар шишиб, экзофталм ҳосил бўлади. Бу ўзгаришлар иккинчи кўзда ҳам пайдо бўлади. Кейинроқ офтальмоплексия, күз тубида шиш ва кўз нерви атрофияси, кўз кўриш қобилияти пасайиб, бемор бутунлай кўрмай қолиши мумкин.

Менингит. Менингоэнцефалит. Мия абсцесси.

Яллиғланиш жараёнларини тарқалиши натижасида менингит (бош мия пардасининг яллиғланиши), менингоэнцефалит (бош мия пардаларининг яллиғланиши) юзага келади. Бу касалликларга хос белгилар: бош оғриғи кучайиши, кўнгил айнаши, қусиш, хушдан кетиш кузатилади. Бу белгилар анча узоқ туриши мумкин, неврологик белгилардан фақат Кернинг симптоми баъзида, Бабинский-Опенгейм симптоми аниқланади.

Юз ва кўз косаси флегмоналари тарқалиши натижасида мия тўқимасида абсцесс шаклланиши мумкин. Белгилари: кучайиб бораётган бош оғриғи (энцефалитик даври), умумий ҳолсизлик, кўнгил айнаши, қусиш (латент даври). Бу давр нисбатан чўзилиши мумкин. Миядаги йирингли жараён ёрилиб, мия қобиғи остига ёки коринчаларига тарқалиши, умумий аҳволнинг кескин ёмонлашишига олиб келади. Бемор ҳаракатлари бесаранжом бўлиб токсик инфекцион синдром белгилари намоён бўлади (терминал давр). Ҳаётни таъминлаб берувчи аъзо ва системаларнинг ишдан чиқиши, нафас олиш марказини фалаж килиб, ўлимга сабаб бўлади.

Ташҳис қўйиш. Маҳаллий ва умумий ҳолатини ҳисобга олиб, катор мутахассислар (офтальмолог, невропатолог, нейрохирург) ва динамик қон анализлари ва компьютер, магнит-резонанс, ультратовуш текширувлар натижаси ҳисобга олиниб, диагноз қўйиш мумкин.

Даволаши. Комплекс равишда, касаллик босқичларини эътиборга олган ҳолда, жарроҳ стоматолог, офтальмолог, невропатолог, нейрохирург назорати остида реанимация ва интенсив палаталарда ўтказилади. Даволаш чоралари йирингли яллиғланиш жараёнлари ни қабул қилинган услублар асосида бартараф этиш, шунингдек ҳаёт учун зарур бўлган аъзо ва тизимлар функцияларини фаоллаштиришга қаратилади.

Пировард натижа таҳмин қилиниши кийин, аммо бемор хаёти ҳамиша ҳаф остида бўлади. Шунинг учун ҳамма имкониятларни тўлиқ ишга солиш ва тузалишга умид килиш керак.

Сепсис

Сепсис-организмнинг умумий йирингли инфекцион касаллиги. Юз-жағ тўқималарида таркалган йирингли жараёнлар ва улар асоратларидан йиринг ва заҳарли моддалар конга тушиши натижасида ривожланади. Сепсис кечишида йирингли – резорбтив, бошлангич, септицемия, септикопиемия ва сурункали сепсис даврлари ажратилади.

Йирингли резорбтив безгак даврида bemor шикоятлари кўпайиб боради у умумий ҳолсизлик, уйқусизлик, бош оғриши, қалтираш, иштаҳа йўқолишига шикоят қиласди. Йирингли яллиғланиш жараённида олиб борилаётган даво сезиларли ўзгаришлар бермайди.

Сепсис бошланғич даври. Ўтказилаётган интенсив давога қарамасдан, bemor ахволи оғир ёки жуда оғир бўлади, у ҳаяжонланган, тўлкинланган ёки, ноўрин хурсанд, ёки хушидан кетган бўлади. Тана ҳарорати $39\text{--}40^{\circ}\text{C}$, териси оқарган, муздек, тупроқ рангда, ёпиккоқ тер билан қопланган, петехиялар (майда кон томирларни ёрилиши натижасида, терида пайдо бўладиган жуда майда-тарикдек, тўқ кўкимтири доғлар) эритемалар, инъекция ўрнида қон қуюлишлар кузатилади.

Венадан олинган қонда, микробиологик текширувлар билан патоген микроблар топилса, септицемия ёки сепсиснинг токсик даври дёйилади. Септицемияга хос белгилар бу ички аъзолар: ўпка, жигар, буйрак, юрак ва бошқа ички аъзоларни касаллиги белгиларини маҳаллий яллиғланиш аломатларидан (устунрок) кўпроқ намоён бўлади.

Септицемиядан сўнг –касаллик септикопиемия даврига ўтади. Бу даврга ички аъзоларда ўпка, жигар, бош мияда ўтириб колган инфекциянинг таъсирида йирингли жараёнлар ривожланади. Сепсисни терминал фазасига хос ўзгаришлар кузатилади: диспротеинемия, гиперкоагуляция, электролит балансини кислота –ишқор тизими бузилиши ва ҳ.к. кузатилади.

Сепсис ривожланиши билан у септик (эндотоксик) шок (микроблар ва уларни заҳарлари таъсирида организм функцияларини оғир бузилиши) билан асоратланади. Септик

шоқда хаётни таъминлаб берувчи аъзолар фаолияти бузулади. Шулардан бири ўткир нафас етишмовчилиги, ўнга хос белгилар – умумий ахволни кескин оғирлашиши, кучайиб бораётган ҳолсизлик, қалтираш, бетоқатликнинг кўркувга ўтиши, онг хиралашиши, бош оғриги кучайиши билан бир вактда, ҳаво етишмаслиги компёнсациялашган ва ҳансираш кузатилади. Септик шок оғирлашиб бориши билан ўткир нафас етишмовчилиги декомпёнсацияланган шаклига ўтади, ўнга: беморни ўта оғир ҳолати, онги-равшан эмас, терни ранги ўчиб-окариши, шиллик пардаларда –цианоз, кон босими бекарорлиги ва кўпроқ тушиб кетишга моил гиповёйтиляцион гипоксия, ануря. Кон ивиш тизими бузилади, лейкопёния, анемия ва ҳ.к. хосдир.

Ташхис юкорида келтирилган клиник белгилар, бактериологик текширув ва кон тахлилидан келиб чиккан ҳолда қўйилади.

Даволаш. Биринчи навбатда асосий бўлган йирингли ўчокни тўлиқ очиш, тафтиш ўтказиш ва янги соҳаларга таркалишини олдини олиш, иккинчиси яллиғланиш жараёни асоратлари бўлган ички аъзо ва тизимлари фаолиятини тиклаш максадида сепсис боскичларини (реактив, токсик, терминал) эътиборга олган ҳолда, реанимацион тадбирлар ва интенсив медикаментоз даво ўтказиш.

Пировард натижа – 50% ва ундан кўп холларда яхши эмас, бемор хаётини сактаб колиб бўлмайди.



Юз-жаг ва бўйин соҳалари абсцесс ва флегмоналарни даволашнинг умумий принциплари

Абсцесс ва флегмоналарни даволашда жарроҳлик усули асосий усул деб хисобланади. Айникса йирингли жараён чайнов мушагида, канотсимон пастки жаг бўшлиғида, чакка ости чукурчасида, чакка соҳаларида жойлашганда стационарда даволаш максадга мувофиқдир. Стационарда катта ёшдаги беморларда ҳамроҳ касалниклар ҳам бир вактнинг ўзида даволанади.


Жарроҳлик усули билан даволашда, яллиғланиш жараёнининг клиник ривожланиши боскичи, патологик ўзгаришларнинг қўламини ва уларнинг сифати, организмнинг индивидуал ҳусусиятларини, шунингдек инфекциянинг вирулентлиги, инвазивлиги ва захарлигини хисобга олиш зарур.

Шиш ва зардобли газак (целлюлит) босқичида, жарроҳлик усули мақсади - тўқималарда яллиғланиш соҳасини чегаралашга йўналтирилгандир. Яллиғланиш газагини кесишдан мақсад, тўқима таранглигини камайтириш ва уларда ажраладиган суюкликлар чишиб кетиши учун шароит яратиш. Заараланган тўқималар атрофига антибиотиклар билан тримекайнли ва лидокайнли блокадалар қилишдан иборатдир. Бир вактнинг ўзида сабабчи тишдан экссудат ажралиши учун шароит яратилади ёки кўрсатма бўлса тишлар олиб ташланади.

Йирингли ўчоқлар кесилганда, ярага бирламчи жарроҳлик ишлови берилади, некротомия қилинади, ажралмаларга кенг йўл очилади ва яраларга антисептик воситалар ёрдамида таъсир қилинади. Яллиғланиш ўчоғидан йиринг ажралиб чиқиши учун дренажлашнинг ва диализнинг ҳар хил усуллари - яъни экссудатни вакти- вакти билан ёки доимий сўриб олиш, ювиш, боғлам қўйиш ва бошқалар кенг қўлланилади.



Тарқалған, флегмоналарда йириングли бўшликка бирламчи жарроҳлик ишлови, айрим пайтлари қайта-қайта некротомия килиш билан олиб борилади. Оғриқсизлантириш усулларини танлаш яллиғланиш жараёнининг кўламига - тарқалганлигига (абсцесс, флегмона, тарқалган флегмона), организмнинг функционал ҳолати ва операция ўтказиш шаротига боғлиқ бўлади. Бир анатомик соҳада жойлашган абсцесс ёки флегмонани керакли медикамёнтоз тайёргарликдан сўнг, маҳаллий оғриқсизлантириш остида операция қилинади. Яллиғланиш 2-3 ва ундан кўп соҳаларда жойлашганида, наркоз ёрдамида операция қилинади. Умумий оғриқсизлантиришни ўтказишида йириングли ўчоқнинг жойлашиши катта аҳамият касб этади. Йирингли жараённинг оғиз тубида, тил илдизида, ютқин атрофи соҳасида ҳамда чайнов мушаклари соҳаларида жойлашиши наркоз кўллашни чегаралайди. Ҳамроҳ касалликлари бор беморларда маҳаллий оғриқсизлантириш умумий (азот оксиди ёки пентран) билан биргаликда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Умумий анестетиклар субнаркотик концентрацияда кўлланилади.



Тўқималар шу соҳанинг анатомик ва эстетик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда кесилади. Кесмалар юз нерви тармоклари йўналишини, табиий тери бурмаларини ҳисобга олган ҳолда, пастки жағ кирраси остидан кесилади. Операцияда кесилиши керак бўлган тўқималар қаватлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш жуда муҳимдир.

Экссудат етарли даражада ажralиб чиқиши ва яра четларининг ёпишиб колишининг олдини олиш мақсадида, ичидаги резинали, полихлор винилли ҳар хир диаметрдаги тешикли найчалар ва кўлқоп резинасидан чикаргичлар ишлатилади. Гипертоник эритмалар (10% натрий хлорид эритмаси) шунингдек кучсиз антисептик-

лар(0,4% этакридин лактат, 1-2% хлорамин ва хлорфилипт ва бошқалар) билан боғламлар кўйиш мақсадга мувофиқдир. Кесилган йирингли бўшликларга ўсимлик ёғи шимдирилган дока 2% тетрациклин гидрохлорид ёки 10% синтомицин эмульсияси, тетрациклини конуслар киритиш, шунингдек ярани стафилококкли ва стрептококкли бактериофаглар ва ферментлар билан ювиш мақсадга мувофик.

Йирингли некротик ярани 3% калий перманганати, шундан сўнг водород пероксид эритмалари билан мунтазам равища кайта-кайта ювиш яхши натижа беради. Шундан сўнг ярага натрий хлориднинг гипертоник эритмаси билан намланган боғламлар кўйилади. Шу мақсадда грамицидин С 0,05 % хлоргекседин ёки хлорфилипт ишлатилса самарадорлик янада ошади. Оператив даволашнинг классик схемаси бўйича йирингли ярага бирламчи ишлов беришни, актив дренажлаш усули, маҳаллий диализнинг ҳар хил усуллари, экссудатни вакуум сўриш билан кучайтирилади. Ярани диализи учун натрий хлорид эритмалари, натрий гипохлорид, 4-8% натрий бикарбонат эритмаси, антисептиклар, антибиотиклар, детергентлар, ферментлар, Рингер эритмаси, кокарбоксилаза С ва В гурух витаминалари, аминокислоталар кўлланилади.

Фаол маҳаллий диализ, яллигланиш фазаси ва кесмали жараёнга дориларнинг керакли таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Бу унинг кечишини бошкариш имкониятини беради.

Яллигланишнинг 1 фазасида - механик, физико-химик, химико-биологик антисептика ишлови ўтказилади, 2-фазасида пролиферация ва регенерация фазасида-яранинг химико-биологик ва биохимик санацияси ўтказилади. 3- фазасида тикланиш ва чандик ҳосил бўлиш даврида даволаш муолажалари ярадаги репаратив регенерацияни тезлаштиришга қаратилган бўлади.

Абсцесс ва флегмоналарда умумий патогенетик даволашнинг режасини тузганда куйидагилар назарда тутилади: 1)Кўзгатувчига таъсир килиш; 2)организмнинг иммунобиологик кучини, умумий кувватини ошириш; 3)аъзо ва тизимларнинг фаолиятини коррекция килиш. Абсцесс ва флегмоналарнинг даволаш режасини тузиш организмнинг функционал ҳолати ва яллигланиш реакциялари нормергик, гиперергик, гипергик кечишини ҳисобга олиб яллигланиш жараёнини жойлашиши маҳаллий хусусиятларига асосланган бўлиши керак. Асосий эътибор, бирламчи ва иккиламчи

иммунтансылыгы бўлган беморларда инфекцияга карши химоя реакциясини коррекция килишга қаратилган бўлади.

Нормергик яллиғланиш реакцияли абсцессларда антибиотиклар, сульфаниламидлар, нитрофуранлар, десенсибилизацияловчи ва умумий қувватни оширувчи воситалар қўлланилади. Лунж ва жағ-тил чукӯрчаси абсцессларини комплекс даволашда айрим беморларда факат сульфаниламид, яллиғланишга қарши ва десенсибилизацияловчи дорилар комплекси қўлланилади.

Гипергик реакция билан кечайтган абсцесс ва флегмоналарда умумқувватловчи актив иммунотерапия ва раҳбатлантирувчи терапиядан бошланади. Флегмоналарни даволашнинг умумий принциплари жағлар ўткир остеомиелитини даволашга ўхшаш (жағлар одонтоген остеомиелити мавзусига қаранг).

Беморга, антибиотикограмма олинганга қадар таъсир доираси кенг спектрдаги ёки синергист препаратлар биргаликда (пёнициллин, пёнициллин ва стрептомицин, пёнициллин ва оксациллин) белгиланади. Антибиотикограмма қилингандан сўнг кўзғатувчи микроблар сезувчан бўлган препаратлар белгиланади (цефорин, ампициллин, фузидин, линкомицин, эритромицин, канамицин ва бошқалар).

Антибиотиклар заарли таъсирини олдини олиш мақсадида замбуругга қарши препаратлар: нистатин, леворин, гризофульвин белгилаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ичаклардаги ҳазм жараёнида иштирок этувчи нормал микрофлора мувозанатини сақлаш мақсадида бифидум бактриум, лактобактерин, нарине, линекс препаратларини тайинлаш фойдадан ҳоли эмас.

Бактериологик таҳлиллар натижасига кўра стафилококк ажратиб олинганда, ярим синтетик пёнициллинлар: метициллин, оксациллин, ампиокс, натрий тузли диклоксациллин, гёнтамицин. Анаэроб микроблар ажратиб олинган йирингли чиринди флегмонларда ичишга ёки вена ичига қўшимча, метронидазол белгиланади. Ундан ташқари мушак орасига ёки тери остига асосий анаэробларга қарши зардоллар аралашмасини (қўлланма бўйича зардоб З маҳал берилади) қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Микрофлорани текширишни 3-4 кунда қайтариб турилади ва антибиотикограмма бўйича дорилар белгилаш коррекция қилинади. Организмнинг иммунобиологик хусусияти ва умумий қувватини ошириш учун биологик фаол моддалар, ферменто терапия ва иммунотерапия қўлланилади.

Парчаланиш маҳсулотлари ва заҳарларни организмдан чиқариш учун суюқликлар керакли даражада кабул қилинишини кузатиб туриш зарур. Оғрикли ва кийин ютинишда тұғри ичакка 1-1,5 литргача томчиловчи ҳукна сифатида (минутига 60-80 томчи) суюқлик юбориш керак. 0,85% натрий хлорид эритмаси, 5-5,5% глюкоза эритмаси, 2,5% кальций хлорид эритмаси, 8-8,5% шакар-камыш эритмалари юборилади.

Гиперергик яллиғланиш реакцияси хос бўлган тарқалган флегмонали беморларга алоҳида эътибор бериш зарур. Медиастенит, юз ва мия томирлари, мияннинг каттиқ пардаси синуслари тромбофлебити ва тромбози; сепсис билан асоратланган тарқалган флегмонали беморларни даволаш жуда мушкилдир. Қатор умумий касалликлар (диабет, юрак-томир етишмовчилиги, геморрагик диатезлар, оғир аллергик касалликлар ва реакциялар) бўлган беморларга ҳам эътибор бериш керак. Бу беморларга қабул қилингандек нафас, кон айланиш фаолияти, моддалар алмашинуви, асад ва эндокрин тизимларини яхшилашга каратилган интенсив терапия ўтказилиши зарур. Реанимацион тадбирлар билан бирга ўтказилган комплекс даволаш оғир, баъзан умидсиз беморларнинг соғайиб кетишини таъминлайди.

Страфилококка сенсибилизацияланган, аллергик касалликлари бор, тарқалган флегмонали беморларга дорилар: сульфаниламидлар, антибиотиклар анальгетиклар ва бошқаларни белгилашда жуда эҳтиёт бўлиш зарур. Бу беморларда ҳар томонлама кесишган аллергик реакцияларнинг сони кўп мартаға ортади. Уларга антигистамин препаратлар, коннинг ўрнини босувчи дорилар ва витаминалар белгиланади. Антиген стимуляторни кўллаш иммуногёнезни ва организмнинг маҳсус бўлмаган реактивлигини оширишга ёрдам беради. Иммуногёнез коррекцияси организмнинг функционал резервларини ҳисобга олинган тақдирдагина ўтказилиши мумкин. Ҳаётни таъминловчи тизимларнинг мутаносиблашган ҳолатларида страфилококкли анатоксин, левамизол белгиланади. Гипергик реакциялар билан кечадиган ва страфилококка юқори сезувчанлиги бўлган, тарқалган флегмонали беморларга, айниқса оғир умумий касалликларда антиген стимуляторлар юбориш тавсия этилмайди. Жуда оғир кечувчи флегмоналарда, иммунитетни коррекция килиш учун буйракусти бези гормонлари-преднизолон ва гидрокортизон самаралидир.

Комплекс даволашда физикавий усуллар қўлланилади. Яллиғланиш жараёнларининг бошланғич босқичларида ультрабифильтрацияниш нурлантириш (УБН), ультра юқори частота (УЮЧ) ток, гелий-неон лазерлари билан нурлантириш белгиланади. Йирингли ўчоклар кесилгач кўпинча ярадан йиринг ажралиши тўхтагач, УБН, УЮЧ, ультра товуш, флюкторизация, антибиотиклар билан электрофорез қўлланилади. Операциядан кейинги даврда физик усуллар билан таъсир этишни 5 дан 10 сеансгacha гипербаротерапия билан кўшиб олиб бориш яхши натижа беради.

Яллиғланиш жараёнлари қайта ривожланиши, айниқса йирингли ўчоклар мушаклар соҳасида жойлашганида, даволовчи физкультура белгиланади, у тўқималарда кон айланишини яхшилайди, фаолият тикланишини таъминлайди ва жараённинг сўрилишига олиб келади.

Беморлар сифатли овқатланишлари шарт. Оғиз очиш кийинлигига ва оғрикли ютинишда овқатни бўтка ҳолигача майдалаб, ўнга бульон ёки сут қўшилади ва жумрақли идиш орқали ичирилади. Беморлар етарли даражада, айниқса С ва В гурухи витаминларини қабул қилишлари зарур.

Оқибати. Юз, бўйин соҳасидаги флегмоналар ўз вақтида ва тўғри даволангандаги бемор тузалиб кетади. Асоратнинг ривожланиши-медиастинит, мия суяги ичи йирингли жараёнлари, сепсис сингари узоқ вақт иш қобилиятининг йўқолишига, ногиронликка, айрим пайтлари ўлимга ҳам олиб келади.

Юз-жаг ва бўйин соҳаси абсцесс ва флегмоналарини комплекс даволаш принциплари.

Даволаш ватифаси	Кўйилган вазифани ечиш йўллари	Тавсия қилинувчи тадбирлар
1.Инфекцион яллиғланиш жараённинг тарқалиш зонасини чегаралаш ва инфекцион ўчоқ билан бемор организмни орасидаги бузилган мувозанат-	Касаллик ўткир босқичи 1.Инфекция вирулент-лигини пасайтириш. а) бирламчи инфекцион ўкоқдан микроблар, заҳарлар, тўқима парчаланиши маҳсулотларининг тушишини тўхтатиш. б) иккиласи инфекцион ўкоқдан микроблар,	Жағдаги “сабабчи” тишни олиш, бирламчи инфекцион ўчокни эрта очиш ва дренажлаш. Ноодонтоген тавсифдаги бирламчи инфекцион ўчокларни, яра, эрозиялар эпителизациясини тезлаштирувчи антимикроб препаратлар ва воситалар ёрдамида йўқотиш.

- ни тиклаш.
- захарлар ва тўқима парчаланиши махсулотларини олиб ташлаш.
- в) касаллик кўзгатувчиларнинг ҳаёт фаолиятини бостириш.
- Г) Бактериялар захарларини нейтраллаш.
- 2.Иммун реакцияларнинг йўналтириш:
- а) Гипергик тип реакцияли беморларда гипосёнсибилловчи терапия ўтказиши.
- б)гипергик тип реакцияли беморларда: инфекцион ўчок зонасидағи имунологик жараёнларни фаолластириш.
- в)организмнинг умумий иммунологик реактивлигини ошириш.
- 2.Микроциркул- 1.Тўқималар ичидағи яциянинг бузи- бо-симиш ва операция лиши билан бօғ- пайтида тўқималарлик бўлган жароҳатини бартарафтўқималардаги қилиш.
- кайтмас (нек- 2.Қоннинг реологик ху- роз)
- ярани диализ қилиш, экссудатни фаол аспирация қилиш билан эрта дренажлаш, сорбентлар кўллаш, левомекол малҳами билан боғлам кўйиш.
- Микрофлоранинг сезувчанлигини ҳисобга олиб антибиотикларни умумий ва маҳалий мақсадида кўллаш, сульфаниламид ва бошқа микробга карши препаратлар, стафилококкли бактериофаг, ярага УБ-нурлантиришни кўллаш.
- Гипериллемунли гамма-глобулин, стафилококга қарши плазма, гангренага қарши зардоб(анаэроб инфекция), донор конини кўйиш йўли билан пассив иммунлаш.
- Гистаминга қарши препаратлар: димедрол, дипразин, супрастин, диазолин ва бошқалар. Кальций препаратлари (кальций хлорид, каль-ций глюконат, кальций лактат). Салицил кислотаси ва пиразолон хосилалари: ацетилсалацилли кислота, антипирин, амидопирин, анальгин. Нейролептик воситалар: аминазин, пропазин, этаперазин ва бошқалар. Буйрак усти бези қобиги гормонлари ва унинг синтетик ўхшаchlари: гидрокортизон, преднизолон, дексаметазон
- Айрисимон без препаратлари: тималин, тимогён, дезоксикортикостеронацетат. Физиотерапия: илик чайиш, оғиз бўшлиғи ирригацияси, электр майдони билан таъсир қилиш (УЮЧ, ЖЮЧ), гелий-неонли лазер билан нурлантириш.
- Сутли, усимликлек пархез таомлар. Витамин терапия (биринчи навбатда В витаминлари, С гурухи. Адаптогён гурухи препаратлари: дивазол, жёньшёнъ, элеутерококк, пантокрин, хитой лимонники.
- Инфекцион ўчокни эрта кесиш ва дренажлаш. Операция пайтида тўқималарга авайлаб муомала қилиш.
- Венага гемодез, реополиглюкин, полиглюкин, Рингер-Люкк эритмаси, 5% глюкоза

Гаришларнинг	Олдини олиш.	3. Гиперкоагуляция коррекцияси.	Эритмаси юбориш.
3. Моддалар алмашинуви бузилишини коррекциялаш ва хаёт учун мухим аъзолар ва тизимлар	фаолиятини яхшилаш.	1. Сув-туз ва оксил тэнг-лиги бузилиши коррекцияси.	Антикоагулантлар: гепарин, ацетилсалациил кислотаси.
		2. Юрак-томир тизими-нинг фаолиятини яхшилаш.	Кўп ичиш, тузли ва оксилли эритмаларни парёнтерал юбориш.
		3. Нафас тизими фаолияти бузилишиларни бартараф килиш.	Аналептиклар: камфора, кордиамин. Юрак гликозидлари: дигитоксин, дигоксин, строфантин, коргликон ва х.к. Юрак мушагидаги алманиши жараёнларини яхшиловчи воситалар: кокарбоксилаза, АТФ ва х.к.
			Шишга ва яллигланишга карши таъсириллар (венага кальций хлорид, глюкоза гипертоник эритмаларни юбориш) гистаминга карши препаратлар (димедрол, дипразин ва х.к.) буйрак усти бези кобиги гормони ва унинг ўхшашлари (гидрокортизон, преднизолон), сийдирувчи воситалар (фуросемид, ланнитол ва х.к.). Оксигенотерапия – намланган кислород билан нафас олиш. Метаболик ацидозни венага натрий гидрокорбонат эритмасини юбориб бартараф килиш. Трахеостомия (асфиксияда).
		4. Жигарнинг захарларга каршилик фаолиятини ошириш.	Венага инсулин ва витаминлар (В ₁ , В ₂ , С, Рр) билан бирга глюкоза эритмасини, эссенциал-фортёни юбориш. Ичишга бёнзонал, фёнобар-биттал бериш.
		4. Операциядан кейинги яра-нинг битишини яхшилаш	Касалликнинг ўткир ости боскичи
		1. Некроз тўқималарининг ажраби чикишини тезлаштириш.	Протеолитик ферментларни маҳаллий кўллаш: трипсин, химопсин, химотрипсин, рибонуклеаза, терримитин. Юзаки фаол моддалар (роккал, хлоргексидин биглюконат). Некрэктомия. Ярага ультратовуш билан ишлов бериш.
		2. Репаратив жараёнларни фаоллаш.	Физиотерапия. УЮЧ, ЖЮН электр майдонлари билан таъсир килиш. Тўқима алманишини яхшиловчи моддалар: метилурацил, пёнтоксил, А ₁ В ₁ В ₂ , С, РР витаминлари.
		5. Касаллик кайталаниши олдини олиш	1. Касаллик кўзгатувчиларнинг хаёт фаолиятини бостириш.
			Антибиотиклар, сульфаниламидлар ва бошқа антибактериал препаратлар, стафилококкли анатоксин, аутовакцина билан иммунлаш.
		2. Махсус ва маҳсус	

бўлмаган иммунитетни кучайтириш.

Биоген стимуляторлар: аутогемотерапия, алоз, фибрс, бактериал полисахаридлар (пирогёнал, продигиозан, родексман, зимозан) умумий УБ-нурлантириш.

6. Доимий контрактурали олдини олиш ва уни бартараф килиш.
1. Патологик рефлексларни бартараф килиш.
 2. тўқималар чандигининг хаддан зиёд ривожланишини тұхтатиш
 3. Механотерапия
- Чакка ости соҳасига тригеминосимпатик ёки Берше-Дубов бўйича блокада.
Физиотерапия: ультратовуш, калий йодид, лизаза балан электрофорез. Рентген терапия.
Даволовчи физкультура.

6 БОБ. Юз -жаг соҳаларининг инфекцион яллиғланиш касалликлари

Актиномикоз. Актиномикоз-инфекцион касаллик бўлиб уни организмга тушган нурсимон замбуруғлар чакиради. Касаллик барча аъзо ва тўқималарда учраши мумкин, аммо 80-85% юз-жаг соҳасига тўғри келади (Т.Г.Робустова 2000).

Касалликни чакирувчи инфекция бу нурли замбуруғлар бўлиб, аэроб ва анаэроб культуралари фаркланади. Касаллик 90% беморларда анаэроб турли замбу-руғлар (проактиномицетлар), 10% эса аэроб актиномицетларнинг маълум турлари (термофиллар) чакиради. Актиномицетлар паст поғонадаги ўсимлик организмлари – замбуруғлар тоифасига мансуб бўлиб, бактерияларга якин туради. Актиномицетлар табиатда кенг тарқатган. Уларнинг айримлари оғиз бўшлиғи сапрофитларидир. Анаэроб актиномицетлар касаллик чакириши (автоинфекция) хусусиятига эга. Актиномицетлар тищдаги юмшок карашда, кариес кавагида, патологик милк-тиш чўнтагида, бодом безларида учрайди. Актиномицетлар тиш тоши ўзагини ташкил киласиди. Оғиз бўшлиғида яшовчи актиномицетлар одатда инфекцион касаллик чакирмайдлар, модомики организм иммунологик механизmlари ва замбуруғ антигенлик хусусиятлари орасида табиий мувозанат мавжуд.

Касаллик ривожланиши учун макроорганизмга ўзгача шароит вужудга келиши керак: организм иммунологик реактивлигини сусайиши ёки актиномицетларга нисбатан сезувчанлик (сенсибилизация) ортиши лозим. Иммунитет сусайиши бирламчи ва иккиласилик чакирувчи

касалликлар оқибати) бўлиши мумкин. Актиномикотик инфекция юз-жаг тўқималарига тиш кариес каваги, патологик милк-тиш чўнтағи, оғиз ҳалқум, бурун ва сўлак йўллари шиллиқ пардаси ва терининг шикастланган ёки яллигланган соҳаларидан кириб боради. Инфекция тўқимага тушган жойидан қонтакт, лимфоген ва гематоген йўллар орқали тарқалади. Актиномицетлар купинча қон билан яхши таъминланган тўқималар (тери ости клетчаткаси, мушак ва органлар оралиқларидаги бириқтирувчи тўқима)га урнашиб ривожланади.

Актиномицетлар тўқималарга тушганидан сўнг, касаллик белгилари намоён бўлгунига кадар бир неча кундан 2-3 ҳафтагача баъзан бир неча ойгача инкубацион давр ўтади. Тушган тўқимада специфик гранулёма ҳосил бўлади.

Патологик анатомия. Актиномицетлар тўқимага тушган жойида кўпайиб, актиномицетлар колонияси тугун (друза)ни ҳосил қиласди. Тугун атрофида майнин кон томирларга бой грануляцион тўқима таркибида думалок, плазматик, эпителиоид хужайралардан ва фибробластлар бўлади, қсантом ва кўп ядроли катта хужайраларни учратиш мумкин. Маълум вақт ўтгандан сўнг, актиномикоз гранулёмаси марказидаги хужайралар некробиозга учрайди ва парчаланади. Шу вазиятда макрофаглар тугунчадаги замбуруғ мицелияларини ўз ичига олиб, атрофдаги тўқималарга миграция қиласдилар. Ўрнашган жойида, иккиласми гранулёма ҳосил бўлади ва жараён шу йусинда такрорланади, касаллик диффуз сурункали тус олади. Специфик гранулёма атрофидаги грануляцион тўқима тақомиллашиб, оддин фиброз тўқимага айланиб кейинчалик қаттиқ чандикли бириқтирувчи тўқима ҳосил қиласди. Актиномикозда морфологик ўзгаришлар тўғридан тўғри организм реактивлиги унинг специфик ва носпецифик ҳимоя омилларига боғлик.

Организм реактивлиги тўқимадаги экссудатив ва пролифератив ўзгаришларнинг қайси бири устун келиши ёки биргаликда кечишини белгилайди. Иккиласми инфекция (кокклар, бактериоидлар) кўшилиши натижасида йирингли некротик жараён кучаяди ва ён атрофга тарқалади.

Клиник кечиши организм умумий ва маҳалий ҳимоя омилларининг индивидуал хусусиятлари ва специфик гранулёма юз-жаг соҳасида жойлашишига боғлик ҳолда намоён бўлади. Актиномикоз, аксарият ҳолларда ўткир ёки сурункали кечувчи

ўткирлашиб турувчи ва нормэргик реакция билан ҳарактерланувчи жараёндир. Иммун танкислиги бўлган (оғирлаштирувчи ҳамкор хасталиклари оқибатида) bemорларда эса касаллик узок (2-3 ой) гипергик яллиғланиш реакцияси билан кечади. Касаллик клиник кечиши ҳамда специфик гранулёманинг жойлашишини эътиборга олган ҳолда, Т.Г.Робустова актиномикознинг юз-жаг ва буйин соҳасидаги куйидаги клиник шаклларини ажратади :

- 1)тери актиномикози
- 2)тери ости актиномикози
- 3)шиллик ости актиномикози
- 4)шиллик парда актиномикози
- 5) одонтоген актиномикотик гранулёма
- 6)тери ости мушаклараро (чукур) актиномикози
- 7)лимфа тугун актиномикози
- 8) жаг суюги қобиги(периост)актиномикози
- 9) жаг суюги актиномикози
- 10) оғиз бўшлиғи аъзолари (тил, бодом безлари, сўлак безлари, юкори жаг бўшлиғи).

Тери, тери ости, шиллик қават ва шиллик парда ости актиномикози кечиши деярли бир бирига ўхшаш бўлади. Инфекция шикастланган тери, шиллик парда, ёки тиш илдизидан тўқимага тушади ва тушган жойда бирламчи гранулёма шаклланади. Касаллик тана ҳарорати кўтарилемасдан, умумий холатдаги ўзгаришларсиз кечади. Гранулёма ҳосил бўлган жой пайпаслагандан бир ёки бир нечта тугунча сезилади. Аста секин, тугунча ташқарига ўсиб катталашади, тери ва шиллик пардани юпқалаштиради, рангини ўзгартиради. Айрим ҳолларда пуфакча ҳосил бўлиб, ичida зардоб ёки йиринг тўпланади. Айрим ҳолларда грануляцион тўқимада дўпайиб, дўнгча шаклида бўртиб чиқади, устидаги юпқалашган тери ёки шиллик парда товланувчи қизилдан бўғик кўк рангача тус олади. Беморлар оғриққа, тана ҳарорати кўтарилишига шикоят қиласидар.

Патологик ўзгаришлар

Оғиз ичida жойлашганида, bemорлар оғиз очиш, гапириш, ютиниш кийинлигига шикоят қиласидар. Пуфакча ёки тугунча пировардида ташқарига ёри-либ оқма ҳосил қиласиди ва ичидан грануляциялар бўртиб чиқади. Оқма йўли пайпасланганда чукур бўлмаган чандик аниқланади. Юмшоқ тўқималарда жойлашиб, кечадиган тери ости мушаклараро, лимфатик тугунлар

актиномикози чукур актиномикоз хисобланади. Даастлаб тери ости мушаклар ораси, фасцияларо клетчаткада, лимфа тугулнларда ривожланган жараён тери, мушаклар, жағ ва юз сүякларига ўтади. Жараён юз ва бўйин барча соҳаларида учраши мумкин. Касаллик даастлаб кичик “тугунч” куринишида, аста секин катталашиди, кейин абсцес ёки аденоабсцес шаклида намоён бўлади. Жараён ўз-ўзидан ёрилиб, ёки кесма ўтказилиб, йиринг чикарилгандан сўнг, узок вакт битмайдиган яра ҳосил килади. Шу давр ичидагрофида яна бир нечта тугунчалар найдо бўлади ва улар хам очилгандан сўнг, окма ҳосил бўлади. Атрофдаги юмшок тўқималарга актиномицетлар инфильтратив ўсиб кириб чайнов ва мимик мушакларни хам заарлайдилар. Натижада оғиз очилиши чегараланади ва тарқалган флегмона шаклланади. Бундай ҳолларда оғриқ, тана ҳароратининг кўтарилиши кузатилади. Актиномикоз учоги очилгандан сўнг, ўткир яллигланиши аломатлари камаяди. Инфильтратив атрофдаги (периферик) соҳаларда тахтасимон қаттиклик, марказида окмали юмшок кисмлар кузатилади. Заараланган тўқималар устидағи тери қоплами билан биришиб кетган, тери кўқимтирир (цианотик) рангда. Яллигланиши жараёнининг кейинги ривожланиши инфильтратининг секин аста сурилиб, чегараланиши ёки кунни тўқималарга тарқалиши билан давом этиши мумкин. Атроф тўқималар заарланиши юз сүякларининг актиномикоз билан иккиласми заарланишига олиб келади. Камдан-кам актиномицетлар қон орқали ички аъзоларга метастаз бериши хам мумкин. Беморлар умумий ҳолати ўзгаришлари жараён тарқалганини кулямига қараб ўзгариади. Жараён лимфа тугунида гинериластик шаклда кечса, тугун катталашиб, ўсма ҳолатида намоён бўлади. Оғриқсиз, секин катталашиб, ичидан некрозга учрайди ва ташқарига ёриб чиқиб, окма ҳосил килади.

Тиш кариес кавагидан актиномицетлар найда орқали периодонтга, периостга ва жағ сүягига тушиши ва тўқималарда бирламчи гранулёмани ҳосил қилади. Сурункали гранулёматоз периодонтитга ҳос белгилар билан кечадиган актиномикозни аниқлаш қийин. Матъум вақтгача чегараланган жараён атрофдаги тўқималарга (сүяк қобиги - периост, тери ости, гери, шиллик ости) ёриб чиқади ва уларга ҳос клиник белгилар билан кечади.

Актиномикотик периостит экссудатив ва пролифератив шаклда кечади. Оғиз дахлизида шиш ҳосил бўлиб, утув бурма

силликлашиб шиллик парда кизаради. Пайпаслаганда қаттиқ инфильтрат аникланади. Бир қанча вакт ўтиб, инфильтрат ўртасида юмшаш ҳосил бўлади. Продуктив шаклда кечадиган периоститда жағ танаси қалинлашганлиги ва шакли нотуғри (деформацияланган)лиги аникланади.

Жағ суюги актиномикози одатда пастки жағда, деструктив ёки деструктив-продуктив остеомиелит кўринишида учрайди. Агарда бирламчи гранулёма сужуда ривожланса, суюкичи абсцесси ёки суюкичи гуммаси кўринишида намоён бўлади. Бирламчи продуктив-деструктив шаклдаги жағ актиномикози одатда болалар ва ўсмирларда сужак қалинлашиши, прогрессив катталашиши ва зичлашиши билан кечади. Касаллик бир неча йиллар давом этиши, вақти –вакти билан ўткирлашиши мумкин. Шу даврда жараён суюқдан юмшок тўқималарга тарқалиб, абсцесс ва флегмона ривожланишига олиб келиши мумкин.

Юкори жағда актиномикоз ўткир ва сурункали гайморитга ҳос белгилар билан кечади. Узоқ давом этган сурункали яллиғланиш натижасида қалинлашаётган сужак бўшлиқ торайишига олиб келади.

Оғиз бўшлиги аъзолари актиномикози бирламчи актиномикотик гранулёма ҳосил бўлган жойда намоён бўлади. Тилда актиномикоз 1-2 ой давомида ривожланаётган абсцесс ва флегмона кўринишида намоён бўлади.

Сўлак безларини актиномикози бирламчи ва иккиламчи бўлиши мумкин. Инфекция безга сўлак найчасидан тушади. Бирламчи гранулёма сўлак безида жойлашиши ва кечишига қараб актиномикозни қўйидаги шакллари фарқланади:

- 1) чегараланган ва диффуз экссудатив актиномикоз
- 2) чегараланган ва диффуз продуктив актиномикоз
- 3) сўлак бези чуқур ва қулоқ олди соҳаси лимфатик тугунлари актиномикози.

Актиномикоз диагностикаси мураккаблиги касаллик яллиғланиш ва ўсма касалликларига ҳос белгилар билан кечиши ва клиник манзараси турли хиллигидадир. Яллиғланиш жараён узоқ ва суст давом этиши, ўtkазилаётган даво нафсизлиги актиномикозга ҳос белгидир. Албатта микробиологик, актинолизат билан тери-аллергик синама ўтказиш, иммунологик ва рентгенологик, патоморфологик текширувлар ўтказиш ташҳис учун қимматли маълумотлар беради.

Киёсий ташхис: Актиномикозни абсцесс, флегмона, периостит, остеомиелит, сил, захм, ўсма ва ўсмасимон ҳосилалардан фарқлаш керак.

Актиномикозни даволаш комплекс равища үтказилади ва ўз ичига ку-йидагиларни олади.

1) Жарроҳлик усулида йирингли жараённи очиш ва ярага маҳаллий даво үтказиш.

2) Специфик иммунитетга таъсир этиш.

3) Организм реактивлигини ошириш.

4) Иккиламчи инфекция (йирингли)га қарши даво үтказиш.

5) Яллиғланишга сенсибилизацияга қарши даво үтказиш.

6) Физиотерапия ва даволовчи жисмоний тарбия үтказиш.

Актиномикотик йирингли ярани даволаш ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат: ярани узок дренажлаш; бекилиб қолса, грануляцион тўқимани кириб ташлаш; 5% йод настойкаси билан ишлов бериш; йодоформ кукуни сепиш; актинализат ва бошқа иммуномодуляторларни куллаш, трансфузион терапия үтказиб заҳарланишга қарши даволаш. Иммунитетни оширишга қаратилган дори-дармонларни буюриш ва бошқалар. Бир неча бор комплекс равища даво үтказилгандан сўнг актиномикотик яллиғланиш бартараф этилиши мумкин.

Профилактика. Вактида стоматоген ва одонтоген яллиғланиш ўчокларини санация қилиш ва организмни инфекцияга қаршилик кучини ошириш лозим.

Сил

Юз-жағ соҳасида сил касаллиги терида, оғиз шиллик кавати, шиллик ости, тери ости клетчаткасида, сўлак безларида ва жағ суякларда учрайди. Касалликни ту-беркулез микобактерияси чақиради.

Патогенез. Инфекция манбаи кўпинча сил билан касалланган одам, камдан-кам ҳолларда алимёнттар йўл билан, касалланган сигир сутидан юқиши мумкин.

Сил билан бирламчи ва иккиламчи заарланиш ажратилади. Туберкулез микобактерияси тиш, бодом безлари, оғиз ва бурун шиллик пардаси, тери орқали тўқималарда яллиғланиш чақирса касаллиги бирламчи ҳисобланади. Иккиламчи туберкулез (сил), касаллиги юз-жағ соҳасига бошқа соҳа ва аъзоларда актив кечеё-тган сил жараёнидан; масалан ўпка, ичак, суюк ёки бир неча аъзолардаги ўчоклардан ўтганда юзага келади.

Патологик анатомия. Морфологик жиҳатдан тўқимада сил микобак-териялари тўплами атрофида ҳужайравий реакция ҳосил бўлиб туберкулез дўмбок-часини шаклланишига олиб келади. Атрофида яллигланишга ҳос ўзгаришлар содир бўлади. Туберкулёз дўмбокчаси емирилиб, ичидан творогсимон ажралма чиқади. Бирламчи туберкулёз камдан – кам ҳолларда юз жағ соҳаси терисида, оғиз бўшлиғи шиллик пардасида, лимфатик тугунларида учрайди. Терида, лимфа тугўнгларида, сўлак безларида ва жағ суюкларида кўпроқ иккиламчи туберкулёз учрайди.

Юқори жағда жараён кўз ости қиррасида ва ёноқ ўсиғида, пастки жағ тана ва шох қисмида учрайди. Суюк ичидаги яллигланиш аста-секин, оғриқсиз кечади ва юмшоқ тўқималарга ёриб чиққандан сўнг инфильтрат ҳосил бўлади, тери таранглашади, қизаради, ўз-ўзидан бир неча жойдан ёрилиб чиқади, ичидан суюқ, творогсимон ажралма чиқади. Яралардан суюкка борадиган окма йўллар шаклланади. Окма йўллар атрофи ичкарига тортилган чандик ҳосил килиб битади, ёнидан янгилари ҳосил бўлади ва ҳ.к. Рентгенологик текширувда суюкда якка ҳолдаги резорбция ўчоклари аниқланади. Улар аник чегарага эга бўлиб, ичида майда секвестрларни кўриш мумкин.

Ташҳислаш учун бир неча услублардан фойдаланилади. Биринчи навбатда туберкулин билан Манту, Пирке, Коҳ усулидан реакцияларни бири кўйилади. Ал-батта кўкрак қафаси рентген текшируви, ажралмалар микробиологик ва бактериологик патоморфологик текширувлари ўтказилади.

Киёсий ташҳислаш. Бирламчи ва иккиламчи туберкулёзни бир-биридан, абсцесс, лимфаденит, сурункали остеомиелитдан, актиномикоз, захм ва ҳафли ўсма касалликларидан фарқлаш керак.

Даволаш. Юз-жағ соҳаси туберкулёз касаллигини даволаш ихтисослашган фтизиатрия муассасаларида ўтказилади. Юз-жағ соҳасида жарроҳлик усулида да-волаш, туберкулёзга қарши ўтказиладиган умумий даво яхши натижага берганида бажарилади. Ўз вақтида ва тўғри ўтказилган комплекс даво натижаси яхши бўлади.

Олдини олиш чораси – ўз вақтида ва самарали стоматологик санация. Сил касалликлари олдини олиш ва ўз вақтида комплекс даволаш.

Захм

Захм (сифилис) инфекцион венерик, таносил касаллик бўлиб, барча аъзо ва тўқималарни шу жумладан юз-жағ соҳасини зааралантирувчи касаллик. Бу касаллик терапевтик стоматология ва тери-таносил касалликлари фанида чукур ўргалишини эътиборга олиб, мазкур китобда биз касаллик кўзгатувчи инфекция, унинг ривожланиши ва касаллик кечиши босқичларига тўхтамадик.

Жағ суякларида захмни клиник кечиши. Касаллик иккиламчи кечиши даврида айрим ҳолларда жағ суюгини қобиги заараланади. Захмга хос бўлган ҳолда касаллик жуда секин ва суст кечади. Суяқ қобиги калинлашиб, ҳамирсимон консистёнцияга эга бўлиб йирингламайди. Аста-аста калинлашган суяқ дўнгликлар хосил қиласди.

Захмни учламчи даврида (тахминан 3-6 йилдан сўнг) гуммалар хосил бўлади. Қалинлашган суяқ усти пардаси устидаги шиллик парда ёки тери билан бирикади ва юмшаб ёриб чикади, ўрнида окма йўл ёки четлари бўртиб чиккан ўртаси ботик яра хосил бўлади. Жараён альвеолар ўsicк устидаги кобикда кечса, суяқ билан бир-галиқда тишлар жалб килинади, улар кимирлаб колади ва оғрийди. Учламчи даврда гуммалар жағ суякларида, бурун суяклари ва тўсиғида учраши мумкин. Гуммалар катталашиб, беморда кучли оғриқ, сезувчанлик бузилиши пайдо бўлади. Устидаги шиллик пардадан терига ўтади. Уларда кизариш аломатлари юзага келади. Бир неча жойдан жараён ёриб чикади ва окма шакланади. Секвестрлар камдан-кам ҳолатда хосил бўлади. Гуммалар парчаланиб тугаганидан сўнг суяқ тўқимасида экзостозлар, гиперостоз ўчоклар хосил бўлади, усти чандик билан копланади.

Гумма юкори жағ танглай ўsicги ёки альвеолар ўsicкни, бурун тўсиғи ёки бурун суякларини заарласа тешик шаклида (дефект) кемтиқ хосил қиласди.

Рентгенологик текширувда суяқда хар хил шаклдаги атрофи склерозга учраган деструкция ўчоклари аникланади.

Ташхислаш клиник белгиларидан ташкари албатта Вассерман реакцияси ва бошқа серологик, микробиологик ва патоморфологик текширувлар ўтказилади.

Киёсий ташхислаш. Захмда суяқ ва қобиги заараланишларини носпесифик зараланишидан фарқлаш керак. Суяқ ва қобигини носпесифик зараланишининг захмдан фарқи - доимо ўткир ёки

сурункали тиш касаллиги билан боғлиқ бўлади. Сифилитик гумманни туберкулез, актиномикоз, рак ва саркомадан ҳам фарқлаш керак.

Даволаш. Суяк ва суяк қобигини заараланганида хатто секвестрлар ажралаётганда ҳам актив хирургик муолажалар ўтказилмайди. Секвестэктомия асосий касаллик даволаганидан сўнг ўтказилади. Касаллик тўғри ва ўз вақтида даволанилса тузалиш билан тугайди. Юз ва жағдаги дефектлар режали равишида маълум усуллар билан тикланади.

ОИВ-инфекция ёки ОИТС(СПИД) касаллиги

ОИВ - бу одам инфекцион вирусли касаллиги бўлиб иммунологик танқисликни ҳосил бўлиши билан ифодаланади. Бу касаллик одам иммунтанқислиги вируси(ОИВ), ОИТС - одам иммунтанқислиги синдроми, организмни барча химоя реакциялари ва нерв бошқаруви ишдан чикиши билан ҳарактерланади. ОИВ алоҳида бир касаллик бўлмай балки симптомоқомплекс ҳолатида намоён бўлувчи касаллик.

ОИТС ни одам вирус инфекциясини ретровирусларга мансуб тури чикаради. Вирус оқ кон хужайралари (T_x хужайралар) моноцитлар-макрофаглар ва нерв хужайраларини заарлаб, уларни организм ҳимоялаш фаолиятини сусайтиради ва организмда иммунитет танқислигини юзага келтиради, ҳар хил касалликлар шу жумладан ҳавфли ўсмалар ривожланишига шароит туғдиради.

Бу касаллик этиологияси ва патогенези ҳакида тери-таносил касалликлари ва терапевтик стоматологияси фанларида тўлик маълумотлар берилган.

Бу касаллик юз-жағ соҳаси ва оғиз бўшлиғида лимфаденопатия, кандидоз, лейкоплақия, неопластик касалликлар, стоматитлар, гингивопародонтит ва ксеростомия ҳолатларида намоён бўлади.

Лимфаденопатия юз ва бўйин соҳаларида барча регионар лимфатик тугунлар катталлашиши билан намоён бўлади. Касаллик ривожланиши сабабини аниклаб бўлмайди.

Сўлак безларининг бесабаб катталлашиши, оғиз қуриши, саркома Капоши ва яssi хужайрали рак ҳам ОИТС кўриниши сифатида юзага келиши мумкин.

Ташхис қўйиш ва даволаш принциплари. Оғиз бўшлиғи аъзоларида ва юз-жағ соҳаларида атипик суст кечадиган сурункали ва ўтказилган даво натижасиз бўлган барча беморлар ихтисослашган марказларда текширувдан ўтказилиши шарт. Ташхис аник

күйилгандан сўнг, даволаш асосан бемор иммун тизимини тиклаш, симптоматик даво ўтказиш, айрим яллиғланиш касалликлардан тўлиқ тузалиш имконини беради.

Профилактика. Касаллик аниқланганидан сўнг улар диспансер кузатувга олиниб, кузатувда бўлади, уларга соғлом турмуш тарзи ва керакли тавсиялар мунтазам равишда берилади. Энг дол зарб муаммолардан бири тиббиёт ходимлари касалликни ўзларига ва бошқа одамларга ҳам юктирумасликлари ҳисобланади. Бунинг учун барча муассасаларда эпидемиологик тартиб ва талабларга тўлиқ риоя қилиш талаб қилинади. Тиббиёт ходимлари мунтазам диспансер кўрикдан ўтишлари, доимо беморларда ОИТС инфекцияси бўлиши мумкинлигини едда тутишлари керак.

Юз-жағ соҳалари чипқони, хўппози ва сарамаси

Чипқон, хуппоз. Чипқон–соч фолликули ва атрофидаги тўқималарни йирингли некротик яллиғланишидир. Чипқон кўпроқ 12-40 ёшларда учрайди. Чипқонни ривожланиш ва учрашида беморлар турмуш тарзи, касби, яшаш ва ишлаш жойидаги иқлим шароити катта аҳамиятга эга. Чанг жуда кўп бўлган жойда, иш жараёни юзни чанг, ёғ-мой билан ифлосланиши кузатиладиган соҳа эгаларида (цемент, оҳак, кумир ва бошқа, мазут, машина мойи), соқол олиш, қашиниш вактида, тимдалаб инфекция терига киритилади. Соч толаси ёнидан тушган инфекция кучайиб яллиғланиш ривожланишига совук, ёки ҳаддан ташқари иссик шароит, асад, эндокрин тизимларидаги ўзгаришлар, сурункали заҳарланиш ҳам таъсир этади.

Касаллик ривожланиши ва кечишида модда алмашинувининг айникса, углеводларнинг аҳамияти катта. Кандли диабети бўлган bemорларнинг 20% чипқон билан касалланадилар.

Этиопатогенез. Стрептококк ва стафилококклар, ёғ бези чиқарув найчасидан ёки соч толаси бўйлаб соч фолликулига тушади ва яллиғланиш чақиради. Жараён ёғ бези ва атрофидаги бириктирувчи тўқима – тери ости асоси клетчаткасига тарқалади.

Патологик анатомия. Чипқонда соч фолликули ва ёғ безида йирингли яллиғланиш бошланади ва атрофидаги тери ости бириктирувчи тўқимага ўтади. Даастлаб соч фолликули устида нейтрофил лейкоцитлардан пустула ҳосил бўлади, ўз ичига микроблар ва фибринни олади. Яллиғланиш соч ўзагидан

сүргічсімөн қатламга ва бириктирувчи тұқимага ўтади. Соч фолликули ва ёғ бези некрозга учрайди, атрофіда йириңгли газак ҳосил бўлади. Аста секин газак эпидермисни ёриб чиқади. Некрозга учраган соч фолликули билан атрофидаги йириңг ажралади. Ҳосил бўлган бўшлиқни грануляцион тұқима тўлдиради, етилиб чандик ҳосил қиласи.

Хўйнозда-юқорида келтирилган йириңгли некротик жараён бир нечта соч фолликули ва ёғ безларида кечади, натижада катта соҳани эгаллайди. Тарқалган йириңгли жараён шаклланиб, атрофидаги клетчатка мимик, кам ҳолларда чайнов мушакларига ўтади. Яллиғланиш қон томирлар атрофидан томирларга, қовоқларга тарқалади, флебит ва тромбофлебит юзага келиши мумкин.

Клиник кечиши. Юзда чипқон одатда кўпроқ лаб, даҳан, бурун ва ёноқда, камроқ - лунж, пешона соҳаларida учрайди. Ривожланишида уч босқич ажратилади. Биринчи босқичда-дастлаб, чегараланган, кичкина, усти қизарган, тегса оғрийдиган шиш ҳосил бўлади. Бир икки кун ичиде соч ўзагига кириш жойида, кичкина думбокча ҳосил бўлади, остидаги тўқималарда газак шаклланади, устидаги тери қизаради, оғриқ кучаяди. Ён атрофидаги тўқималардаги шиш катталашади, яллиғланиш қўлами кенгаяди. Иккинчи босқичда 3-4 кўнга келиб, газак марказида некрозга учраган тўқималар ҳисобига юмашаш аниқланади. Пайпаслаганда, билқиллашни сезиш мумкин. Эпидермис ёрилиб, некрозга учраган соч фолликули ва ёғ бези ажралиб чиқади (пинцет ёрдамида олса бўлади). Бу клиник амалиётда «ЙИРИНГЛИ- НЕКРОТИК ўЗАК» деб юритилади.

Шундан сўнг, яра тозаланиб, аста секин иккиласи (reg secunda) битади. Одатда, юзда чипқон ривожланишининг иккинчи босқичи оғирроқ ўтади, яллиғланиш жараёни тери билан чегараланмайди, тери ости клетчаткасига ўтиб, абсцесс ҳосил қиласи, айрим ҳолларда бу жараён кенг таркалиб, флегмонага ўтиши мумкин.

Чипқон ривожланиши регионар лимфа тугунлар яллиғланишини чақириш мумкин. Шундай ҳолларда беморда бош оғиши, холсизлик, қалтираш, эт увишиши каби интоксикацияга ҳос белгилар ҳам кузатилади. Айниқса, юқори лаб ва бурун-лаб бурмаси атрофида касаллик оғирроқ кечади. Юз веналари флебити,

говаксимон, синус тромбози сепсис, менинго-энцефалит билан кечадиган чипкон «хавфли» деб аталади.

Хавфли кечадиган чипконни даволашда консерватив чоралар кам наф беради. Биринчи навбатда, абсцесс ёки флегмона жаррохлик йўли билан очилади ва йириングли ярани даволаш принциплари асосида даво ўтказилади.

Учинчи боскичда, йириングли - некротик яра тозаланиб, ўрни иккиласми битиш даврига ўтади. Аммо, юздаги чипкон хўппозга ҳам ўтиши мумкин. Касаллик тез ривожланади. Дастрраб каттагина газак ҳосил бўлиб, қисқа вакт ичидаги барча қатламлари ва тери ости ёғ клетчаткасига таркалади.

Бир вактда, терида бир нечта йириングли – некротик ўзакчаларни шаклланганлигини кузатиш мумкин. Регионар лимфа тугунлари катталашади. Бемор аҳволи ёмонлашади. Йириングли резорбтив лихорадка (безгак) белгилари намоён бўлади. Тана харорати $39\text{-}40^{\circ}\text{C}$ кўтарилидаги эт увишиб, титрок тутади. Қонда лейкоцитоз, ЭЧТ тезлашади. Яллигланиш жараёни қисқа вакт ичидаги атрофдаги кенг соҳаларга ўтади. Юқори лабдаги хўппоз лунж, кўз ости соҳасига, бурўнга тарқалади. Пастки лаб ва даҳан соҳасидаги чипкон ва хўппоз даҳан ости, жағ ости соҳаларидаги флегмона билан асоратланади. Уз вақтида, адекват ўтказилган жаррохлик ва медикамёнтоз даво натижасида яралар тозаланиб, секин аста биттади.

Ташҳис. Чипкон ва хўппозни клиник кечиши ўзига хос бўлгани учун ташҳис кўйишида катта муаммо йўқ, аммо доим клиникаси ўхшаш бўлган куйдирги касаллигини ёдда тўтиш керак. Бунинг учун бактериоскопия қилиб, куйдирги бациальнини аниқлаш керак.

Даволаш. Юздаги чипкон ва хўппоз оғир ўтиши ҳамда қисқа вакт орасида ҳаёт учун хавфли асоратлар бериши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда, бундай bemorлар стационар шароитида даволанадилар. Даволаш фақат консерватив ёки консерватив ва жаррохлик усуслари биргаликда ўтказилади. Чипконнинг биринчи боскичида консерватив даво ўтказса бўлади. Беморга тушакда ётиш буюрилади. Яллигланиш соҳаси $70^{0+2\%}$ салицил спирт билан артилиб NaCl гипертоник эритмаси билан боғлам кўйилади ва том-чила бойимий хўллаб турилади. Терига ташқаридан ҳар қандай таъсир этиш, тегиниш тақиқланади (айниқса-соқол олиш, тимдалаш, сикиш).



Үнг төмөн баш өн-тепа, чакка, күз ости, күлөк олди чайнов ва жағ ости соҳаларининг таркалган флегмонаси (эн томондан кўриниши)



Үнг томон бош өн-тепа, чакка, күз ости, күлөк олди чайнов ва жағ ости соҳаларининг таркалган флегмонаси (олди томондан кўриниши)



Үнгтомуи чакка, кулок олди чайнов ва жаг ости соҳаларининг флегмонаси



Үнг томон чакка ости, қулоқ олди-чайнов, лунж, жағ орти ва жағ ости соҳаларининг тарқалган аденофлегмонаси



Үнг томон бөш ён, чакка, қулок олди чайнов ва оғиз туби сохаларининг тарқалган флегмонаси (трахеостома қўйилган)



Юкори лабнинг, бурун учнининг ва пастки лабнинг хупози ва унинг асоратлари



Оғиз туби, ўнг томон бўйин ён, кўкрак ва елка соҳаларининг таркалган флегмонаси; кўкс олди соҳасининг медиастенити



Чакка ва бўйин соҳаларининг карбункули



Бүйин ён сохасининг аденофлегмонаси

Йириңгли жараён атрофидағы тұқималарға аnestетиклар нөвокайн, лидокайн, тримекайн (Эритилган антибиотикші) билан блокадалар килинади. Физиотерапевтик мүолажалар ҳам үтказиш тавсия килинади. Умумий даво учун антибиотиклар, умум күвватловчи, сенсибилизацияни туширувчи, детоксикацион ва гемостазни тикловчы дөри восигалар тавсия килинади. Яллиғланиш жараёны атроф тұқималардагы абсцесс ва флегмона билан асоратланса, жаррохлық амалиёті үтказилади.

Сарамас

Сарамас—тери ва шишлиқ пардалар үткір инфекцион касаллинги.

Сарамасни А гурухга мансуб бета - гемолитик стрептококк чакиради.

Ривожланиши. Касаллик шу инфекцияға нисбатан сенсибилизация шаклланғанда, умумий ва маҳаллій инфекцияға қарши химоя сусайганида ривожланиши. Касаллик ривожланишида, терининг инфекцияға чидамлилігі унинг бактериоцидлик активлігі ва теріда стрептококклар тарқалғанлық ҳолати катта аҳамиятта эга. Инфекция теріга кирилган, тирналған майды жароҳатлар, орозиялар оркалы ва стафило-, стрептодермия каби яллиғланиш жарабайларидан киради. Шуннингдек, сарамаста тұғма мойыллық хақида ҳам маълумотлар мавжуд.

Патологик анатомия. Инфекция терининг сүргічесімден қатламида зардобли, зардобли-геморагик яллиғланиш чакиради. Инфекция терининг лимфа томирларида күнәяди, қон ва лимфа томирлар атрофида лимфонид ва ретикуло-гистиоцитар хужайралардан газак шаклланади. Ҳосил бўлаётган экссудат эндермисни ажратади ва фибринга бой пуфакчалар ҳосил қиласади. Бу пуфакчалар зардобли, зардоб-қон аралаш ва йириңгли бўлиши мумкин. Агарда пуфакча ичидеги суюқлик атрофдагы клетчатқага тарқалса - флегмона билан асоратланиб, тұқималарда некроз юзага келиши мумкин.

Клиник кечиши. Инфекция териге тушганидан бир неча соатдан сүнг ёки 4-5 кундан сүнг, үткір яллиғланиш бошланади. Стрептококк токсинің қонға сүрилиши билан, умумий касаллик белгилари намоён бўлади: ҳолензинк, кам күвватлик, бош оғриғи, тана ҳарорати кўтарилиб 38°C ошади. Кейинчалик эт увишади, тана титраб, қақшаб оғрийди, кўнгил айнаб қайд қиласади, нафас олиши кийинлашади. Оғир ҳолатдаги беморлар аллахенрайди.

Касаллик бошланганидан 2-3 кундан сўнг, маҳаллий яллиғланиш белгилари намоён бўлади. Юз териси айниқса бурун атрофи, лунжларда тери капалаксимон шаклда кизаради ва ялтираб тараанглашади. Яллиғланиш бўйин, кулоқ супраси, ковоклар ва бошнинг терисига тарқалади. Жараён оғиз туви, халқум ва томоққа тарқалса, аҳвол оғирлашади.

Касаллик кечиши ва патоморфологик ўзгаришларини хисобга олиб, эритематоз, эритематоз-буллёз, эритематоз-геморрагик, геморрагик-буллёз шакллари ажратилади. Сарамас кечишида тўқималар некрозга учраши ёки флегмона юзага келиши мумкин.

Яллиғланиш жараёни тарқалишига караб енгил, ўрта оғирликдаги ва оғир шаклларга бўлинади. Касалланишнинг бирламчи, қайталаనувчи (кетма кет 1-2 йил ичидан) қайта касалланиш (бирламчи касалликдан икки ва ундан кўп йил ўтганидан сўнг) ажратилади.

Ташхис қўйиш. Касалликнинг ўзига хос кечиши уни бошқа яллиғланиши касалликларидан қийинчиликсиз ажратиш имконини беради. Сарамасни абсцесс, флегмона, лимфаденит юз венаси фебрити каби касалликларидан фарқлаш керак.

Даволаш. Беморни касалхонага жойлаштириш зарур ва бошқа bemорлардан ажратиб қўйилади. Умумий ва маҳаллий даво ўтказилади. Умумий даво антибиотиклар, сульфаниламид препараллар 7-10 кун давомида берилади. Иштоксикацияни олиш учун тузли эритмалар (трисоль, физиологик эритма, гемодез, реополиглюкин) ва боникалар қуйилади. Гемостазни яхшилаш учун - аскорбин кислотаси, витаминалар; поспецифик иммунитетни кўтариш учун - пентоксил, метилурацил тайинланади.

Маҳаллий даво. Нуфакчаларни ёриш, дастлаб антисептиклар билан 3-4 кун, кейинчалик яра битирувчи малҳамлар билан боғламлар қўйинш.

7 БОБ. Тиш чиқини касалликлари

Тиш чиқини аномалиялари қўйидаги касалликларни ўз ичига олади:

1. Тиш чиқини билан боғлиқ бўлган яллиғланиш касалликлари (тиш қийин чиқини – ўгкир ва сурункали нерикоронарит).

2. Тишнинг потўғри жойлашини (тиш чиқиш вақтида сильжиган) -дистонияланинг тиш(тиш дистонияси).

3. Жағ суяги ёки шиллик каватини тиш түлік ёриб чикмаслиги (ярим ретенцияланган тиш).

4. Түлік шаклланган тишининг жағ суяги компакт пластинка остида колиб чикмаслиги (тиш ретенцияси).

Тиши чикиш касаллиги кўпинча ”акл тиш“ и атрофика бўлади.

Перикоронарит – кийин чиқаётган ёки ярим чиккан тиш атрофидаги юмшок тўқималарнинг яллиғланиши.

Этиология ва патогенези.

Ўткир ва сурункали перикоронаритнинг этиологик фактори, асосан оғиз бўшлиғи микрофлораси хисобланади. Пастки акл тиши устини ўраб турган шиллик каватли қалпокча (капюшон –жағ суягидан ёриб чиқаётган тиш тож кисми устидаги суяқ усти кобиги ва шиллик парда) тўқималари остида микрофлоранинг ривожланишига яхши шароит мавжуд. Овкат колдиклари, эпителий, шиллик моддалар бу ерга йиғилиб, шу ердаги стрептококк, стафилококк, таёқчасимон шаклли ва анаэроб бактериялар учун яхши мухит бўлади.

Перикоронит- бу чиқаётган тиш атрофидаги тўқималарнинг яллиғланишидир. Перикоронит патогенези мураккаб хисобланади. Касаллик ривожланиши ҳакида бир канча фикрлар бор. Шу фикрлардан бири – акл тиши чиқаётган вактда тиш тожи устидаги шиллик парда жароҳатланади, эрозия ва яра ҳосил бўлади. Ҳалий иммунитет пасаяди. Кўпинча, акл тишининг медиал ду зоқчаси дастлаб чикади ва унинг атрофика ҳосил бўлган сурункали яллиғланиш хисобига, устидаги шиллик пардада чандик тўқима ҳосил бўлиб, капюшон остидан экссудатнинг чиқиши кийинлашади.

Яна бошқа фикр - пастки жағ анатомо-топографик хусусиятларига асосланади. Фило- ва онтогенез жараённида пастки жағ ки-чиқлашади альвеоляр ўsicк калталашади ва акл тишига жой қолмайди.

Клиник кечиши: Перикоронит ўткир ва сурункали кечиши мумкин. Ўткир перикоронити бўлган касаллар, пастки учинчи жағ тиши атрофидаги оғриқка, чайнаш қийинлашганилгига, баъзан ютин-ганда қийиналишга шикоят қиладилар. Беморнинг умумий ҳолати қоникарли, тана ҳарорати 37,2дан 37,5°C гача бўлади. Жағ ости лимфа тугунлари катталашган ва пайпаслаганда оғриқли бўлади. Оғиз очилиши дастлаб эркин ва кам оғриқли бўлади, қейинчалик оғиз очилиши чегараланади ва оғриқли бўлади (I-даражали

яллиғланиши контрактурасы). Яллиғатиниш жараёни секин ўсиб бориши мүмкін, лекин оғиз очилицы четараланиши ошиб боради (2-даражаты яллиғланиш контрактурасы), ютинганды оғрик хам ошиб боради.

Ақт тиши атрофи канотсимон –пастки жағ бурмаси ва пастки жағ моляр тишилари соҳаси ўтув бурмаси соҳалариды, тарқалған шиши шиллик парда кизарған бўлади. Баъзи ҳолатларда яллиғланиш жараёни, танглай-тил чодирига, лунжга тарқалади. Ақт тиши капюшон билан тўлик бёқилған бўлиб, караганда кўринмаслиги мүмкін. Капюшон босилғанда унинг остидан сероз-йиринг экссудат ажратиши мүмкін. Тиш атрофидаги яллиғланиш капюшон остидаги экссудатни чиқиши имкониятига караб, ҳар хил кечиши мүмкін. Кўпинча, капюшон атрофидаги чандикли ўзгариш хисобига, экссудатнинг чиқиши кийинлашади. Касатлик кечишига ақт тишининг альвеоляр ўсикда жойлашиши хам таъсир килади. Аксарият ҳолатларда, тиш тож килеми лунж томонга, кам - тил томонга силжиши кузатилади. Баъзан ақт тиши олдинга эгилган, шунда дистал думбокчалари оғиз ичидан кўринади, медиал думбокчалари эса пастга йуналиб олдиндаги иккинчи моляр тишига тиралиб туради.

Ўткир перикоронит тўлик даволанмай яллиғланиш ўткирлашуви, икки уч марта кайталанса сурункали шаклига ўтиш мүмкін. Бу ҳолатда экссудатнинг тўлик чикмаслиги, яллиғланиш жараёнининг суюкка ўтишига сабаб бўлади.

Ўткир перикоронитнинг асоратларидан бири, моляр тиш оркаси периостити хисобланади. Маргинал периодонт ёки капюшон остидаги инфекциянинг тарқалиши натижасида суюк кобиги остида субпериостал абсцесс ривожланади. Касатлик перикоронит симптомлари билан намоён бўлади. Яллиғатиниш жараёни моляр орти соҳасидан канотсимон пастки жағ шиллик кавати бурма дахлиз, пастки гумбази, юмшок танглай, лунжларга тарқалади. Чайнов мушакларининг контрактураси кузатилади (II-III даражали), пастки жағ ости учбурчаги ва лунж соҳаси юмшок тўқималаризда шиш пайдо бўлади. Пастки жағ ости лимфа түгунлари катталашади.

Перикоронит диагнози, клиник ва рентгенологик белгилар засосида кўйилади. Пастки жағ ён проекциясида олинган рентгенограммадан ақт тишининг ҳолати, унинг периодонти ҳолати, пастки жағ каналига ниебатан жойлашиши ҳакида маълумот олса бўлади.

Сурункали жараёнда тиши бүйин қисмидан илдизигача сүяк резорбциясини күриш мүмкін.

Даволаш: Ўткір перикоронит поликлиника шароитида даволанади. Перикорониттің давоси, касалликнің умумий ва маҳаллій клиникаси, рентген белгилари, яллиғланиш ривожланиши инфодаланишига боғлиқ бўлади. Биринчи навбатда, ўткір яллиғланиш жараёнини бартараф қилиш керак. Яллиғланиш бошланишида, ақл тиши ва капюшон оралигини антисептик суюқликлар билан ювиб, ингичка йодоформли дока қўйинши етарли бўлади.

Йирингли перикоронитда - ақл тиши устидаги ва ретромоляр соҳадаги юмшоқ тўқималар кесилиб, ювилиб, резина чиқаргич қўйилади. Бир -икки марта лидокайн, тримекайн билан ўтказувчан ва инфильтрацион оғриқисзлантириши усулида блокадалар қўллаш (кўпинча антибиотик, протеолитик ферментлар билан) яхши фойда беради. Анальгин, амидопирин, димедрол, супрастин ичиш тавсия қилинади. Оғизга ванина қилиш, илиқ суюқликлар билан чайиш, ирригация қилиш тавсия қилинади, физикавий усуллардан -УЮЧ, 5-7 муолажа магнито-микротўлқун терапия, гелий-неон лазери билан нурлантириш яхши фойда беради. Жағ атрофи юмшоқ тўқимасига яллиғланиш тарқалиб, лимфаденит ҳосил бўлса, ташқи томондан малжамли боғламлар тавсия қилинади, соллюкс лампаси билан даволаш буюрилади. Яллиғланиш жараёни тутатилгандан сўнг, тиши тақдири ҳал қилинади. Агар даволангандан сўнг, тиши тўлиқ очилган, альвеоляр ўсиқда жойлашган, антогонисти билан тишламда тўғри муносабатда бўлса, даволаш шу ерда тугалланади. Агар тишига альвеоляр ўсиқда жой кам бўлиб, антогонистига ҳалакит берса, унда тиши олиб ташланади.

Ретромоляр периоститин даволаш. Йирингли ярага бирламчи жарроҳлик ишлови бернишдан иборат бўлади. Бунинг учун қанотсимон настки жағ бурмасидан оғиз даҳлизи настки гумбазигача кесилади, баъзан кесма моляр тицилар соҳасигача давом этади. Даволаш умумий схема бўйича юкорида келтирилгандаи олиб борилади, албатта сульфаниламиндлар буюриш, ярани ҳар куни ювиб туриш мухимдир.

Асорати: Йирингли яллиғланиш жараёни ретромоляр соҳадан оғиз даҳлизи настки гумбазига, лунж соҳасига, ичкари - қанотсимон настки жағ бурмаси томонига, юмшоқ тангтайга, ташқари ва орқага - настки жағ шоҳи, тана қисмига тарқалади.

Инфекция тарқалиши натижасида, пастки жағ танаси ёки шохининг остеомиелити, лунж, тилости, жағ-тил чуқурчаси, канотсимон жағ –ҳалкум атрофи, кулоқолди-чайнов, чакка, жағости ва бошқа соҳалар флегмоналарига олиб келиши мумкин.

Ретромоляр периоститда ўткирлашув қайталаనавериши пастки жағ шоҳи компакт пластинкасининг емирилиши ва иккиламчи кортикал остеомиелитига олиб келиши мумкин.

Тиш дистопияси (нотўғри жойлашиши).

Чиқкан тишининг тиш каторида нотўғри жойлашиши ёки тиш ёйидан ташқарида жойлашиши - яъни ўз жойидан силжиши дистопия деб аталади.

Бу ҳолат асосан тиш чиқиши муддати ўзгариши, кетма-кетлиги бузилиши натижасида келиб чикади ва тиш ўз жойини тўғри эгалламайди. Бу ҳолат, пастки ва юкори жағларда - акл тишда, юкори жағда, қозиқ тиш ва премолярларда кузатилади. Юкори жағда, тиш оғиз даҳлизи томонга ёки оғиз хусусий бўшлиги томонга, каттиқ танглай томонга силжийди, пастки жағда – оғиз даҳлизи, ёки альвеоляр ёйидан ташқари, тил томонга силжийди. Бундан ташқари, тишининг ўрта чизиқдан медиал, дистал, ҳамда пастга ёки баландга силжиши ва ўз ўки атрофида айланиши кузатилади. Юкори ва пастки жағлар акл тишларини ҳар томонга силжиши кузатилади. Юкори жағда акл тиши лунж томонга силжиб эрозия ва декубиттал яралар пайдо бўлишига олиб келади. Пастки жағда акл тишига жой кам бўлганлиги сабабли оғиз даҳлизи ёки тил томонга силжийди.

Ташҳис: Клиник ва рентгенологик белгилар асосида кўйилади.

Даволаш. Асосан аралаш тишлам прикусда, 14-15 ёшгача ҳар хил ортодонтик аппаратлар ёрдамида тўғриланади. 15 ёшдан сўнг бу даво баъзан фойдасиз бўлиши мумкин. Юкори жағдаги акл тиши одатда олиб ташланади, ёки дўмбокчалари чархлаб ташланади. Пастки жағнинг акл тиши, кўпинча поликлиника шароитида олиб ташланади. Ўтказувчан ва маҳаллий оғриқсизлантириш остида пастки жағ альвеоляр ўсиги ташқи томонидан учбурчаксимон килиб кесма ўтказилади, суяқдан шиллик - суяқ усти пардали лахтак ажратилади, тўғри элеватор билан ёки Леклюз калити ёрдамида кимирлатиб, силжитилади ва кейин текислик бўйича эгилган омбир билан олиб ташланади. Бошқа ҳолатларда, тишни қоплаб турган суяқ, бормашина билан очилиб, тиш элеватори билан олиб ташла-

нади. Силжитаётгандың пастки иккинчи моляр жароҳатланиши; пастки жағ канали жароҳатланиши ва қон кетиши кузатилиши мүмкін. Шунинг учун тишин олиш вақтида, шу холларнинг олдини олган ҳолда, ўрни ювилиб, сұяқ усти лахтакларини жойига күйиб, чоклар күйилади. Операциядан сүнг анальгин, амидопирин, сульфаниламидлар. 4-6 күн физикавий даволаш усуллари күлланилиши тавсия килинади.

Асорати: Перикоронаритда кузатылған холатлар ривожланиши мүмкін.

Тиш ярим ретенцияси- тиш тож кисмининг сұяқ ва шиллик каватдан түлік чиқмаслиги. Юқори жағда қозык тиш, иккінчи кесувчи тиш, ақл тиши, пастки жағда ақл тиши ярим ретенцияланған ҳолда қолиши мүмкін.

Клиник манзараси: альвеоляр үсікдан чиққан тиш тож кисмининг ярми күринади. Ярми чиқиб турған тиш атрофидаги шиллик қават жароҳатланиши натижада яллиғланиши мүмкін. Альвеоляр үсікнинг қалинлашуви, атрофдаги түкималарнинг кизариши, шишенгендегі күринади.

Диагноз: Асосан, клиник күриниши ва рентген тасвирига караб күйилади, рентгенда тиш альвеоляр үсікден ярим чиқиб турғанлиғи күринади.

Даволаш: Ярим чиққан тиш операция йўли билан олиб ташланади. Ёшларда ва үсмирларда ортодонтик йўл билан даволанади, ақл тишелари эса олиб ташланади.

Чиқмаган (ретенцияланған) тиш - түлік шаклланған тиш жағ сұяғи ичіда колиб кетса, түлік ретенция дейилади. Бу тиш-жағ тузылиши касаллуклари билан боғлук бўлади. Асосан юқори қозык, пастки иккінчи моляр тишелар ва пастки ақл тишеларнда кузатылади.

Клиник куриниши: Ташки белгиларсиз кечади ва рентгенда тасодифан аникланиши мүмкін. Альвеоляр үсікда тиш камлиги кўзга ташланади. Унинг ўрнида сут тиши бўлиши мүмкін. Айрим холатларда альвеоляр үсікнинг ён томонидан бўртиб чиққанлиги күринади, баъзан тиш контурини пайпаслаш мүмкін. Чиқмаган тиш ёнидаги тишелар силжишига олиб келиши мүмкін. Беморлар тиш чиқмаганлигига шикоят қиласидар. Чиқмаган тиш нерв толалари охирига босиб, неврит ва невралгиядаги оғрикларни, анестезия, парестезия пайдо қилиши мүмкін. Шунингдек, чиқмаган тиш яллиғланиш манбай бўлиши ҳам мүмкін.

Даволаш: Безовта күлмаса ва асорати бўлмаса, хеч кандай даво талаб килинмайди. Оғрик бўлса, тиш силжиса, кийин чикса олиб ташланади. Чикмаган тишни олиш анча кийинлик тұғдиради. Операциядан олдин тишнинг жағ асосига, жағ каналига, юкори жағ бўшлиғига, бурун бўшлиғига, кўшни тишга нисбатан жойлашишини аниклаш керак.

Бунинг учун рентгенография килинади, юкори ва пастки жағда тиш олишнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Юкори жағда козик тиш, кесув тишлар ва акл тиши олинади.

Алоҳида тиш гурухларини олиш хусусиятлари.

Юкоридаги кесув ва козик тишларини олишда, чикмаган тиш проекциясидан, юкори жағ даҳлиз гумбазидан альвеолляр ўсикка 2 та бурчак остида туташдиган кесмалар ўтказилади, лахтак суяқдан ажратилади, тиш устида турган суяқ бормашина ёрдамида очилади. Тиш элеватор ёки омбир билан олиб ташланади. Агар тиш олинганды, ёnidаги тиш илдизи учи кўриниб колса, унда, илдиз учи резекцияси, ретроград пломба килиш тавсия килинади. Козик тишлар тож кисми танглай томонга, тиш илдизи оғиз даҳлизига караган холда, алоҳида кийинчиликлар туғдиради. Бу холда, тишни 2 кисмга бўлиб, кейин олинади. шиллик каватга кетгут чоклар кўйилади. Юкори жагни танглай ўсигига якин жойлашган кесувчи, козик тишларни олиш учун трапециясимон кесма ўтказилади ва тиш омбур билан ёки элеватор билан олиб ташланади. Юкори иккинчи премолярни олганда, юкори жағ бўшлиғига якин жойлашганилиги ҳисобга олинади. кесма оғиз даҳлизи томонидан ўтказилади, суяқ бормашина билан очилиб, тиш олиб ташланади. Агар юкори жағ бўшлиғининг бутунлиги бўзилса операцион жароҳат ювилмайди, перфорацион тешик зич килиб тикилади. Юкори жағ акл тишини олишда альвеолляр ўсик устидан кесма ўтказилиб, муко-периостал лахтак ажратилади, суяқ очилиб, тиш олинади, кейин шиллик каватга чоклар кўйилади.

Пастки жағ акл тиши пастки жағ каналига, даҳан тешигига, кўшни тишларга нисбатан жойлашишига эътибор бериш керак. Тиш пастки жағ танаси, альвеолляр ўсигида жойлашган бўлса, унда кесма оғиз даҳлизи томонидан ўтказилади, лахтак ажратилгач, пастки жағ канали якинлиги ҳисобга олиниб суяқ очилади, тиш олиб ташланади, кесма трапециясимон ёки ярим овал шаклида бажарилади, ва тиш элеватор билан олиб ташланади.

Пастки жағ танасини киррасига якин жойлашган тишни оғиз ташкарисидан олинади. Пастки жағ танасига параллел килиб узунлиги 2-2.5 см. кесма ўтказилади, юшшок түкималар ажратилиб, сүяқ очилади. Тиш устидаги сүяқ олинади, сўнг тиш суғуриб олинади. жароҳат каватма-кават тикилади.

Пастки жағ шохида жойлашган тиш ҳам оғиздан ташкари йўл билан олинади пастки жағости учбурчагида кесма ўтказилиб, чайнов мушаги ажратилади, пастки жағ шохида тиш проекцияси бормашина билан очилиб, тиш олиб ташланади. Жароҳатга чоклар кўйилади.

Тиш пастки жағ альвеолар ўсигига якин жойлашганда, оғиз ичидан олинади, 2 та кесма ўтказилади: биринчи кесма тиш ўрнидан, иккинчи кесма - 2 чи моляр тишдан пастга ва кия килиб олдинга тушуриласди. Лахтак ажратилади, сүяқ очилиб тиш олинади. жароҳат тикилади.

Операциядан сўнг анальгин, амидопирин, сульфаниламиналар, физикавий даволаш усуллари, ташкаридан малхамли боғламлар кўллаш керак. Бир хафтадан сўнг. (ЛФК) даволовчи жисмоний тарбия буюрилади.

Асоратлари: Куйидаги асоратлар бўлиши мумкин. Яллиғланиш касалликлари-жағлар ўткир йирингли периостити, жағ-тил чукурчаси абсцесси-флегмонаси, канотсимон жағ ва кулок олди чайнов, ҳалкум атрофи флегмоналари, пастки жағ шохи остеомиелити, юкори жағ синусити каби асоратлар. Операция билан боғлик бўлган асоратлар – тишларни олишдаги асоратларга монанд.

Профилактика: Тишлар тўғри чикишини таъминлаш максадида, оғиз бўшлиғи санацияси, жағ ўсишини назорат килиш, жоиз бўлса ортодонтик даволаш.

8 БОБ. Одонтоген гайморит.

Юкори жағ бўшлиғи шиллик пардасининг яллиғланиши гайморит деб аталади.

Гайморит кўпинча, бурун шиллик пардасининг ўткир яллиғланиши, бошка инфекцион ва респиратор касалликлар окибатида ривожланади. Юкори жағ бўшлиғига инфекция тиш оркали тушган бўлса, гайморит одонтоген деб аталади.

Этиология ва патогенез. Одонтоген гайморит риногён гайморитга ўхшаб, оғизда ва бурунда яшовчи йирингли инфекция

тушиши натижасида ривожланади. Инфекция юкори жағдаги кичик ва катта озиқ тишлар үткір ёки үткірлашган сурункали периодонтити, яллиғлаган радикуляр киста, юкори жағ остеомиелити натижасида тушади. Юкори жағ тишларини олаётганды ёки даволаётганды күпоп харакатлар килиниши туфайли жағ бўшлиғи туби тешилиб, илдиз бўшлиқ ичига кириб кетиши, пломба ашёларининг илдиз учидан бўшлиқка тушиши натижасида ривожланади.

Одонтоген гайморит ривожланишида юкори жағ бўшлиғи туби ва тишлар илдизлари орасидаги сувак қалинлиги жуда катта аҳамият касб этади.

Илдизлар учлари ва бўшлиқ туби орасидаги сувак 0,1мм дан 15-20 мм гача қалинликда бўлиши мумкин. Орадаги сувак нечоғлик юпқа бўлса, илдиз учидан яллиғланиш жараёни юкори жағ бўшлиғига ўтиш эҳтимоли шунча ортади.

Ўткір одонтоген гайморит.

Ўткір гайморитда беморлар одатда кўз ости, лунж соҳаларидаги оғриқка, айрим ҳолларда, оғриқ юзнинг яримини эгаллашига, шу томондаги оғирлик, бурун битишига шикоят қиласидилар. Оғриқ пешона, чакка, энса соҳаларига тарқалиши мумкин. Кичик ва катта озиқ тишлар соҳасида оғриқ сакланиши, тишлаганда кучайиши мумкин. Оғриқ даражаси юкори жағ бўшлиғида йигилган экссудат, йиринг микдорига, дренажга боғлиқ. Агарда йигилган суюқлик табний тешикдан чикиб турса, оғриқ камаяди - тешик бекилиб колса - кучаяди. Бемор аҳволи ёмонлашади ва организм заҳарланиши белгилари кузатилади, тана ҳарорати $37,5-38^{\circ}\text{C}$, ҳолсизлик, бўшашиб, бош оғриғи, иштаҳа бузилиши кузатилади. Ҳид сезиш қобилияти сусаяди ва умуман сезмаслик ҳолатигача етади (йўқолади).

Беморга қаралганда, кўз ости, лунж соҳаларида шишни кўриш мумкин. Шиш бўлмаслиги ҳам мумкин, юкори жағ бўшлиғи олд девори ва ёнок сувгини пайпаслаганда, оғриқ аникланади. Касалланган томонда регионар лимфатик тугунлар катталашади ва оғриқли бўлади.

Оғиз даҳлизида: шиллик пардан қизариши, шиш ва оғриқ кузатилади. Озиқ тишлар перкуссиясида 2-3 тиш оғрийди. Бурун бўшлиғи шиллик пардаси қизариши, шишганлиги аникланади. Ўрта ва пастки бурун чиганокларининг катталашганликлари,

бурун йўлларида йиринг борлиги ва энгашганда, бурун тешигидан окишини кузатиш мумкин. Агарда шиш ҳисобига бўшлиқнинг табиий тешиги ёпилиб қолса, риноскопияда йиринг кўринмаслиги мумкин. Ўрта бурун йўлини ва чиғаногини 1% дикаин эритмасига I томчи 0,1% адреналин кўшиб, суртилса, бурун очилиб, бўшлиқдан йиринг ажралишини кузатиш имконини беради. Юкори жағ бўшлиғи тубининг перфорацияси, ёт жисм, периапикал ўчоклар, бўшлиқ шиллик пардасининг чегараланган соҳасидагина ўзгаришлар юзага келтиради. Юкори жағ одонтоген остеомиелити, радикуляр киста йиринглаши натижасида бўшлиқ шиллик қаватининг бутунлай тотал заарланиши кузатилади.

Патологик анатомия юкори жағ бўшлиғида кечётган яллиғланиш ўткир, ўткирости ва сурункали кечиши мумкин. Шиллик пардадаги микроскопик ўзгаришлар касаллик ривожланиши ва кечишига караб хилма-хил бўлади. Ўткир гайморитда, дастлаб шиллик пардада катарал яллиғланиш шаклланади, шиллик парда қалинлашади, қизариб шишади, натижада юкори жағ бўшлиғининг бурўнга очиладиган табиий тешиги ёпилиб қолади.

Микроскопик жиҳатдан, шиллик парда эпителиал қатламига лимфоцитлар ва полинуклеар хужайралар силжиб киради. Шиллик ости қатлам шишади, қон томирлари тўлишиб, атрофларида инфильтратлар ва конталашлар ўчоқлари хосил бўлади. Айrim соҳаларда псевдокисталар (ҳар хил шаклдаги ёруклар) шаклланади. Шиллик ишлаб чиқувчи хужайралар катталашиб суюқлик чикаради ва оралиқларни тўлдиради, 2-3 кун ўтгач катарал яллиғланиш йирингли яллиғланишга айланади. Ўткир одонтоген гайморит ташҳисини клиник ва рентгенологик текширувлар асосида кўйилади. Ташҳис қўйиш учун:

1) юкорида келтирилган, гайморит учун хос бўлган белгиларни аниклаш керак;

2)тишларга клиник ва рентгенологик баҳо бериш ва илдиз учининг бўшлиққа муносабатини кўриш лозим;

3) бурун ёндош бўшлиқлари рентген суратида гайморитга хос белгиларни аниклаш, юкори жағ бўшлиқларининг диффуз ёки кисман хидалашганини кўриш керак. Айrim ҳолларда, юкори жағ бўшлиғида суюқлик сатҳини кўрсатувчи горизонтал чизикни кўриш мумкин;

4) аниклик киритиш учун, юкори жағ бўшлиғини пункция килиш мумкин. Бурун бўшлиғи шиллик пардасига 1% дикайн эритмасига адреналин томчиси кўшиб, суртилади. Оғриксизлантириб, Куликовскийнинг пункция учун маҳсус найча – нинаси билан буруннинг пастки чиганоғи остидан бўшлиқ тешилади ва 1,0-1,5 см. ичкарига киритилади. Нина бўшлиқка тушганини сезгач, ичидаги суюқлик шприцга тортиб олинади. Шундан сўнг нинани олмасдан, 15-20 мл антисептик, антибиотик, ферментлар билан ювилади;

5) замонавий услублардан ультратовиш билан текшириш мумкин;

6) магниторезонанс томография ўтказиш мумкин.

Даволаш. Ўткир одонтоген гайморитни даволаш комплекс равища ўтказилади. Албатта, инфекция манбан бартараф килиниши шарт, тиш олинади, периостит, остеомиелит радикуляр киста кесиб очилади ва дренажланади. Антибактериал, десенсибилизация қилувчи, яллиғланишга қарши дорилар берилади. Бурун йулларини очувчи томчилар буюрилади.

Бўшлиқдан йиринг яхши чиқмаса юқорида келтирилгандек пункция килинади ва ювиб дори воситалари юборилади. Қўшимча физиотерапевтик муолажалар (УЮЧ, лазер, магнит) ўтказилади. Барвакт ва адекват ўтказилган даво натижасида бемор касалликдан тузалиб кетади. Айрим ҳолларда касаллик сурункали шаклга ўтади.

Асоратлар. Касалликни даволаш ўз вактида ўтказилмаса, ёки етарли бўлмаса, ўткир одонтоген гайморит асоратлар бериши мумкин. Юқори жағ периостити, кўз ости соҳаси абсцесс ва флегмонаси, кўз косаси флегмонаси, яллиғланиш буруннинг бошка ёндош бўшлиқларига тарқалиши. Айрим ҳолларда юз веналари тромбофлебити ва бош мия каттик пардаси, синуслари тромбозини келтириб чиқариши ва ҳаётни ҳавф остида қолдириши мумкин.

Сурункали гайморит.

Сурункали гайморит яхши даволанмаган ўткир гайморитдан сўнг ривожланади. Аммо, сурункали гайморит албатта ўткир гайморитдан сўнг ривожланиши шарт эмас. Кўп ҳолларда бу касаллик ўткир яллиғланиш белгиларисиз ҳам бошланади.


Яллиғланиш ривожланишига юқори озиқ тишларининг сурункали периодонти, пародонтити, юқори жағ бўшлиғи туви

якинида ўтказилган оператив ва эндодонтик мулажалар асосий сабабчилар бўлиши мумкин.

Клиник кечиши

Сурункали одонтоген гайморит узок вакт клиник белгиларсиз кечиши мумкин. Беморларда сўров ўтказилганда узок вакт бурундан яхши нафас олмаганликлари, бурундан йиринг аралаш ажратма келгани, бош оғриб юриши, юкори жағда оғирлик, "таранглик" бўлганлигини айтишади. Айрим кунлари кечга келиб тана харорати $37,2\text{--}37,5^{\circ}\text{C}$ холсизликни кайд этишади. Бемор юз-жаги кўрилганда касаллик автоматларини аниклаш кийин. Факат юкори жағда оғиз ичидан ўтув бурмасини пайпаслаб кўрилганда оғрик сезилиши мумкин. Шиллик кават шу соҳада бир оз шишган ва кизарган бўлади.

Риноскопия ўтказилса: бурун йўлларида куюқ ёки шиллик аралаш йиринг кўриш мумкин. Айримларда, бурун шиллик пардасида полипоз ўсмалар учрайди. Ташхис кўйиш учун рентгенологик текширувлар ўтказилади. Оддий рентген суратида сурункали катарал гайморитга хос белги - бу юкори жағ бўшлигини хидалашганлиги. Пункция оркали рентгенконтраст модда юборилганда бўшлик ҳажми, уни деворларини шиллик пардасини калинлашганлигини кузатиш мумкин.



Сурункали гайморитда шиллик пардадаги патоморфологик ўзгаришларни эътиборга олган холда ялтиғланишнинг уч шакли ажратилади: катарал, йирингли, полипоз.

Йирингли гайморитда юкори жағ бўшлиғи деворларини ноаник, интенсив ва бир текисда хидалашган бўлади.

Полипоз шаклдаги сурункали гайморитда бўшлиқ деворларидаги шиллик парда ўзини текислигини йўқотганлигини

кузатиш мумкин. Контраст модда пункция оркали юборилса бўшлиқдаги пролифератив ўзгаришларни акс эттирувчи шаклда маълумот олиш мумкин.

Киёсий ташҳислаш.

Сурункали одонтоген гайморитни тиш илдизи кистаси ва юкори жағ ҳавфли ўсмаларидан фарқлаш керак.

Радикуляр киста аста секин катталашиб юкори жағ бўшлиғига ўсиб киради ва деворларини кенгайтиради ҳамда деформациялади. Киста босими ҳисобига жағ сүяклари юпкалашади бўшлиқ олд девори пайпаслаганда пергамент қофоз кирсиллаш симптоми ва флюктуация (билкиллаш) белгиси аниқланади. Одатда юкори жағ бўшлиғининг олдинги ва пастки деворлари заараланади. Олдинги тишларининг гранулёма ҳосил қилувчи периодонтитидан ҳосил бўлган киста, бурун бўшлиғи туби ва ноксимон тешик томон ўсади. Натижада буруннинг пастки йўлида бўртиб чиккан шиш (Гербер болиши) кузатилади. Кичик ва катта озиқ тишлардан ҳосил бўлган киста, альвеолар ўsic кенгайиши ва бўшлиқ туби шаклининг бузилишига олиб келади. Учинчи (коzik) тиш сабабчи бўлса, киста кўзости соҳасида шиш ҳосил киласди. Киста катталашган сари юкори жағ бўшлиғи деворларини йириб, оғриқ чакиради, оғриқ уч шохли нерв тармокларидан кўзости, чакка, энса бўйинга тарқалиши мумкин. Бош оғриғи кузатилади.

Рентгенологик текширувда юкори жағ тишларидан ҳосил бўлган киста бўшлиқ тубини суруб, ичига гумбаз шаклида кириб боргани аниқланади. Киста яллиғланса юкори жағ бўшлиғи шиллик пардаси яллиғланишини ёки бўшлиқ ичига ёрилиб, ўткир ёки сурункали гайморитни ўткирлашган шаклини юзага келтиради.

Юкори жағ ҳафли ўсмалари бошланғич даврда сурункали гайморитга хос бўлган белгилар билан кечади. Беморлар бурун битиб қолиши, бир томондан нафас олиш қийинлигига, бурундан нохуш ҳидли ажралма келишига, юкори жағдаги оғриқ атрофдаги тишлар ва чакка соҳасига тарқалишига шикоят қиласдилар. Сурункали гайморитдан фаркли бу оғриқ аста секин кучайиб, доимийга айланади. Бурундаги ажралма бадбўй ҳидли гоҳида кон аралаш келади. Беморлар одатда яллиғланишга қарши ўтказиладиган даво натижага бермаслигини қайд қиласдилар. Айрим bemорларда ўсма катталашиб атрофга тарқалади, кўз косаси


тубининг шакли бузилиб, кўз олмаси олдинга бўртиб чиқади (экзофталм). Бурун бўшлиғида ўсманни кўриш, олинган тиш катакчасидан ўсма бўртиб чикканлигини кузатиш мумкин.

Рентгенологик текширувда юкори жағ бўшлиғини деворлари аник кўринмайди, аксинча, ўсма бор жойда суюк емирилиб, бўшилик ўсма тўкимаси билан тўлганлиги ҳисобига бир текисда хиралашади. Ўсмага шубҳа бўлса цитологик ва патогистологик текширув ўтказилади.

Одонтоген гайморитни риногён гайморитдан ҳам фарқлаш керак, гайморит бўлган томонда: тиш касалликлари (периодонтит, парадонтит, остеомиелит, радикуляр киста,) тиш олингандан сўнг оғиз бўшлиғи тиш катаги орасида тешик ёки окма йўл аникланади. Яллиғланиш юкори жағнинг факат бир томонида бўлади.

Сурункали одонтоген гайморитни даволаш комплекс равишида ўтказилади. Асосий принцип бу яллиғланишни чақирган инфекция ўчоини жарроҳлик усулида бартараф қилиш (тиш олинади, киста очилади ва бошқа муолажалар.) Юкори жағ бўшлиғини йирингдан тозалаш мақсадида пункция қилинади ва ювилади. Иложи бўлса катетер колдирилиб, кун давомида бир неча марта антисептиклар билан (йодинол, риванол, фурациллин) ювилади. Агар йиринг қуюқ, фибриноз парда билан қопланган бўлса, бўшиликқа юбориладиган дори воситаларининг таъсири етарли бўлмайди. Шуни ҳисобга олиб юкори жағ бўшлиғига дастлаб фермент препаратлар (трипсин, химопсин, химотрипсин), юборилса уларнинг (протеолитик, муколитик, фибринолитик, шиш ва яллиғланишга қарши) таъсири натижасида даволаш самарадорлиги ошади. Маҳаллий даволашга физиотерапевтик муолажалар қўшилса (УВЧ, СВЧ, магнит, лазер) мақсаддага мувофиқ бўлади.

Сурункали одонтоген гайморитларни (айниқса шиллик пардада полипоз ва гиперпластик ўзгаришлар бўлганда) консерватив даво тўлиқ тузалиш бермайди. Шундай ҳолларда сурункали одонтоген гайморитни даволаш мақсадида Колдуэлл-Люк радикал операцияси ўтказилади.



Операция маҳаллий инфильтрацион ва ўтказувчан оғриксизлантириш (туберал, инцизив, палатинал ва инфраорбитал; пастки бурун йўли ва чиганоги соҳасида эса 3% дикаиннинг адреналинли эритмасини аппликация килиш билан; маҳаллий кучайтирилган (НЛА) билан) ёки эндотрахеал наркоз остида ўтказилади. **Колдуэлл-Люк операцияси қуидаги босқичларда ўтказилади:**

1. Оғиз даҳлизи юқори гумбази бўйлаб ёки ўтув бурмадан пастроқда иккинчи –еттинчи тишлар орасида шиллиқ қават сүяқ кобиги сүяккача кесилади.

2. Сүяқ кобиги (периост) сүяқдан юмшоқ тўқималар билан ажратилади ва юқори жағни олд девори кўз ости чукӯрчаси очилади.

3. Кўз ости чукӯрчасида ноксимон тешикка яқинроқ килиб 1-1,5 см. диаметрда (бормашина, исказна ёки маҳсус тишлагич омбур билан) сүяқда дераза очилади.

4. Очилган тешикдан синус ичидаги йиринг, полиплар кириб олиб ташланади. Шиллиқ пардани иложи борича саклашга ҳаракат килинади.

5. Бурун пастки йўлидан бўшлиқка йўл очиш мақсадида бурун деворини 1-1,5 см. диаметрда сүяқ синдирилиб олинади, четлари кирилиб силликлаштирилади ва тешик соҳасидаги бурун шиллиқ пардаси бўшлиқ тубига ётқизилади.

6. Бўшлиқ тубига ётқизилган шиллиқ парда лахтагини сүякка ёпишиб туришини таъминлаш, бўшлиқдаги ажралмаларни

чикариш максадида уни йодоформли ингичка дока билан түлдирилиб, учи бурундан чиқарылып күйилади.

7. Операцион жароҳатга чок күйилади.

Радикал гайморотомия юкори жағ бўшлиғи шиллик пардасидаги яллиғланиш жараёнини тўлик бартараф қилмайди. Бурун ва бўшлиқ орасида очилган сунъий тешик аэрация ва бўшлиқдан ажралмани чиқишини яхшилади. Шу сабабли операциядан кейин bemорлар албатта комплекс медикаментоз даво олишлари керак.

Радикал гайморотомия асорати. Радикал гайморотомия ўтказган bemорларнинг кўпчилиги операциядан сўнг юкори лаб, бурун қаноти соҳаларида терининг, альвеоляр ўsicқ шиллик пардаси ва тишларининг сезувчанлиги ўзгарганлигини қайд этишади. А.Г.Шаргородский бу ҳолатни юкори альвеоляр нервни сук ичидан ўтаётган толаларининг узилиши билан тушунтиради.

Юкори жағ бўшлиғи туви тешилиши натижасида ривожланган гайморит.

Юкори жағ премоляр ва моляр тишлар илдизлари учи бўшлиқ тубига кириб ёки якін туриши, шу тишлар олингандан тешилиб қолишига олиб келади (тиш олишдаги асоратларни ўқинг)

Юкори жағ альвеоляр ўсиғида ўтказиладиган ҳар бир оператив муолажа давомида бўшлиқ тубига эътибор бериш ва бутунлигига амин бўлиш керак. Бўшлиқ туви тешилса, албатта гайморит ривожланади дегани эмас. Бу тешик аникланганидан сўнг шифокор тутган йўлига боғлик. Бўшлиқ туви очилиб қолса, биринчи навбатда шиллик парда (яллиғланиш борми ёки йўқми) ҳолатига баҳо берилади. Бўшлиқда яллиғланиш бўлмаса, илдиз ёки бошка ёт жисм йўқлигига ишонч ҳосил килиб тешикни шу куниёқ операция усули билан беркитиш керак. Агар олинган тиш катакчасидан йирингли ажралма бўлса, унда сурункали гайморитни даволаш принципларига риоя қилинади. Перфорацион тешик пластика қилиш усуллари кўп, шароит ва вазиятдан келиб чиқкан холда иш тутилади.

Стоматологик кабинетда жарроҳлик аралашувини ўтказиш учун имконият бўлмаса-оддий усул билан чегараланилса бўлади – бир неча қатлам йодоформли тасмасимон докани тиш катакчаси устига кўйилади. Тусиб қолмаслиги учун атрофдаги юшшок тўқималарга чок кўйиб маҳкамланади. Ёки лигатура сими билан кўшни тишларга bogлаб кўйилади. Тиш катакчасида ҳосил бўлган

кон куйкаси яллигланишдан сақлаб колинса, бириктирувчи түкимага айланиб тешик беркилиб кетади. Имконият бўлса тешик жарроҳлик усулида ёпилгани маъқул. Бунинг учун оғиз дахлизида альвеоляр ўсиқнинг олинган тиш соҳасида асоси ўтув бурмага караган трапеция шаклида лахтак кесилади, асоси томондан ўтув бурма бўйича ёнга кесма давом эттирилади ва суяқ қобиги билан ажратилиб лахтак учи тешикни танглай томондаги четига тортиб тикилади.

Юкори жағ бўшлиғига очилиб қолган тиш катакчасини лунждан олинган шиллик парда эркин лахтаги билан ёпиш усулини ўзбек олимлари С.У.Бурихонова, Э.У.Мажкамов (1968) кашф этиб амалиётга тадбиқ килганлар.

Тиш олиш жараёнида юкори жағ бўшлиғи туби очилганида олинган тиш ёки илдизини реплантация усулида жойига ўрнатиб тешикни беркитиш мумкинлигини А.М.Холмуҳамедов (1993) ишлаб чиқкан.

Тиш олиш жараёнида юкори жағ бўшлиғи туби тешилганлиги аниқланиб юкорида келтирилган консерватив ва жарроҳлик усууллар натижа бермаса ёки тешилганлик вақтида аниқланмаса сурункали йирингли ёки полипоз гайморит ривожланади. Тиш катакчасида оқма йўл шаклланади. Бундай ҳолларда беморлар оғиздаги суюқлик бурундан чиқишига, тешикдан оғизга йиринг оқишига шикоят қиласилар. Сурункали гайморитни даволаш ва перфорацион тешикни бартараф қилиш учун Колдуэл-Люк усулида радикал гайморотомия ва тешикни асоси танглайда бўлган тилсимон лахтак кўчирилиб альвеоляр ўсиқдаги нуксон устига сурилади ҳамда тугунли кетгут чоклар билан тикилади.

9 БОБ. Сўлак безларини ўткир яллигланиши (сиалоденит).

Грипп вируси чакирган ўткир сиалоденит. Бу касаллик гурӯх эпидемияси даврида учрайди. Касаллик даслаб катта сўлак безларидан бирида бошланади ва тез кунда иккинчи жуфт безда ёки катта ва кичик безларда бир вақтда учрайди. Яллигланиш жараёни тез бошланади ва 1-2 кун ичida сўлак бези йиринглаб некрозга учрайди. Кетма кет бир нечата сўлак бези некрозга учраши ҳам мумкин. Қулоқ олди сўлак безларини яллигланишига хос бўлган белгилардан бири бу оғиз очганда, бошни ёнга қаратганда оғрик бўлиши. Сўлак бези атрофида тарқалган юмшоқ шиш бўлиб

пастки жағ ости, пастки жағ орти ва бўйинни юкори кисмларига таркалади.

Пайпаслаганда сўлак безини катталашганлиги газак хисобига каттиклашганлиги, усти силлик бўлганлигини аникланади. Пастки жағ ости сўлак безини яллигланишида bemорлар ютинишдаги оғрикка шикоят киладилар. Пастки жағ ости, даҳан ости, тил ости соҳаларда, бўйинни юкори кисмига тарқатувчи шиш аникланади. Оғиз ичидан тил жағ тарновчани дистал кисмини пайпаслаганда пастки жағ остида катталашган, усти силлик, кимирловчи ўзи зич бўлган, оғрикли сўлак бези аникланади.

Тил ости ўткир сиалоденитида bemорлар тилни харакатида оғрик туришига шикоят киладилар. Караганда без устидаги шиллик кават кулранг тус олганлиги, айрим жойлари ерилиб йириング чикишини ва без тўкимаси некрозга учраганлигини кузатиш мумкин.

Даволаш. Грипп вируси чакирган ўткир сиалоденитни даволаш принципи этиопатогенетик бўлиши керак. Барча харакатлар вирус ва уни асоратларини олишга каратилади умумий даволаш билан бир вақтда оғизни интерферон билан 4-5 марта чайиш. Сўлак найчаларидан йирингли ажралма бўлса уни ювиш ва антибиотиклар юбориш. Катта эътибор bemорни харакатни камайтириб, етиб даволанишга, сўлакни хайдашга каратилган диетада бўлиш ва симптоматик медикамёнтоз давога каратилади.

Без некрозга учраса капсуласи дархол кесилади шу билан таркалишни олди олинади. Одатда касаллик тўлик тузалиш билан тугайди аммо асоратлар ҳам бўлиши мумкин сўлак бези найчасини битиб колиши, ёки чандиклар билан тораиши.

Инфекцион касалликлар ва жарроҳлик амалиётидан сўнги ўткир сиалоденит.

Бундай сиалоденит кўпроқ кулок олди ва камдан кам холларда бошка сўлак безларida кузатилади.

Сабабчиси ва патогенези. Ўткир сиалоденит ҳар кандай оғир кечган юқумли касалликда учраши мумкин, кўпроқ тиф касаллигидан ва катта хажмдаги жарроҳлик амалиётидан сўнг учрайди.

Сабаби бу касалликлар натижасида рефлектор сўлак ишлаб чиқариш камаяди, сўлак йўлларида истикомат килувчи аралаш инфекция: стафилококк, стрептококк ва бошка микроблар стомато-

ген, лимфоген ва гематоген йўллар билан безга тушади ва яллиғланиш чакиради.

Патологик анатомияси. Даслаб безда зардобли яллиғланиш ривожланиб тўқимада гиперемия, шиш ўртамеёна лейкоцитар инфильтрацияси шаклланади.

Безни чиқарув йўлларида шиш кузатилади, оралиғида епишкок, эпителиал хужайра ва кўп микдордаги микроблар бўлган ажралма тўпланиб қолади. Енгил кечаетган касалликда без фолияти тикланса юкорида келтирилган ўзгаришлар оркага кайтади. Инфильтрат ва шиш сурилиб аста секин яллиғланиш жараёни камаяди.

Касаллик оғирлашса зардобли яллиғланиш йирингли яллиғланишига ўтади. Без тўқимасидаги инфильтрация кучайиб йирингли ҳолатга ўтади. Қон томирлар тулишиб атрофидаги шиш кўпаяди ва майда конталаш ўчоклари ҳосил бўлади. Майда ва ўрга диаметрли чиқарув йилларда кўп микдорда лейкоцитлар ва дегенерацияга учраган эпителиал хужайралар аникланади. Безни айрим кисимлари йиринглаб эриди ва микроабсцесслар ҳосил қиласи, улар қўшилиб катта йирингли бўшликлар ҳосил қиласи, гоҳида йирингли некротик жараён безни бутунлай эгаллади.

Клиник кечиши. Ўтқир сиалоденит ўзини тез кечиши билан ажралиб туради.

Инфекцион касалликлар ва операциядан сўнг ривожланадиган сиалоденит одатда жуфт безларни баробар яллиғланиши билан кечади. Даставал бир без, бир неча кундан сўнг иккинчи без яллиғланади. Яллиғланиши даражаси ҳар хил бўлиши мумкин.

Сероз ва йирингли паротит енгил кечаетган бўлса адекват ўтказилаётган даво таъсирида 10-15 кунда аста секин тўзалади.

Оғир кечаетган гангреноз паратитда 1-2 кун ичida без бутунлай некрозга учрайди. Беморни ахволи оғирлашади. Кучли интоксикация аломатлари намоён бўлади. Жараён бўйин ён соҳаси ва уйку артерияси ва венаси соҳасидаги клетчаткага тарқалади, ундан кўкс оралиғига ўтади, айрим ҳолларда ташқи эшичув йўлига ёриб чикади.

Катта қон томирлар атрофига кечаетган йирингли яллиғланиш, томирлар деворини емириб қон кетишига, тромбофлебит, бўшликлар тромбозига сабаб бўлади.

Фақат шошилинч ўтказилган операция йирингли ўчоқларни кенг очиш билан асоратларни олдини олиш мумкин. Некрозга уч-

раган без түкимаси аста секин ажралиб яра тозаланади. Без сақланиб қолған кисимлари сұлак оқма йүлини шакллайды.

Ташхис одатда клиник белгилар асосида қўйилади.

Лимфоген ўтқир сиалоденит.

Бу касалликни ривожланиши қулоқ олди сұлак бези ичидаги лимфатик аппаратни яллиғланиши билан боғлик. Малумки без ичиди бештадан унтағача ва ундан хам кўпроқ лимфа тугунларни таркибиға олган лимфатик аппарат мавжуд. Лимфатик тугунтүкимаси айрим жойларда ацинар түкимага ўсиб киради ва безни чикарув йўллари билан тушашади.

Без ичиди жойлашган лимфа тугунлар ҳалкум, тил, оғиз шиллиқ пардаси, тиш илдизлари, пешона, чакка, қулоқ бурун ва киприклардан келаётган лимфа йўллари билан боғланган. Шу соҳалардаги инфекция без ичидаги лимфатик тугунларни яллиғланишини чакиради. Лимфатик тугун сұлак йўлига ўсиб кирган бўлса лимфоген паротит ривожланади, агарда лимфа тугун сұлак йўли билан боғланмаган бўлса унда лимфаденит (Герценберг ёлғон паротити) юзаги келади.

Касаллик белгилари. Даслаб безда кичкина, оғрикли шиш пайдо бўлади. Енгил кечаетганда 2-3 хафта давомида шиш катталашади атрофидаги тўкималарни жалб килади. Сұлак найидан сұлак чикиши камаяди, ранги хидалашади ва куюлиб ёпишқоқлиги ошади. Умумий аҳвол деярли ўзгармайди.

Ўтқир ўрта оғирликдаги лимфоген паротитда беморни ҳарорати кўтарилади шиш катталашади, оғрик кучайиб пулсация беради. Без устидаги тери кизаради ва тагидаги тўкималар билан жипслашади.

Ўтқир оғир лимфоген паротитда яллиғланиш бошлангандан сўнг киска вакт орасида бездаги яллиғланиш абсцесс ва флегмонага ўтади.

Контакт сиалоденит. Бундай сиалоденит без атрофидаги (қулоқ олди-чайнов, пастки жағ ости, тил ости) соҳалардаги абсцесс ва флегмоналардан инфекция ўтиши хисобига ривожланади. Контакт сиалоденит одатда енгил шаклда кечади. Без катталашиб, каттиклашади, оғрик пайдо бўлади. Сұлак ранги хидалашиб, чикиши камаяди. Асосий йирингли жараён очилиб антибактериал даво ўтказилиши билан сұлак безидаги перифокал яллиғланиш орқага қайтади. Контакт сиалоденитни олдини олиш учун сұлак

бези атрофидаги яллиғланиш жараёнларини жадал даволаб без фаолиятини тиклашга каратилиши лозим.

Ёт жисимларни сұлак бези йўлларига тушиши натижасида ривожланган сиалоденит.

Оғиз бўшлиғидаги майда жисимлар (донлилар, чуп, усимлик парчалари) сўлак йўлига тасодифан тушиб қолиши мумкин. Бу ҳолатни беморлар аниқ ва батоғсил айтиб беришлари мумкин. Беморлар сўлак безини ухтин-ухтин катталашишига, сўлак чикиши камайишга шикоят қиласидар. Безни пайпаслаганда оғрик бўлмайди. Айрим ҳолларда овқат ёғанда без тулишиб катталашади ва яна ўз холига келади. Вахт ўтиши билан ед жисим атрофидаги сўлак йўлида ва безда ўткир яллиғланиш бошланади. Ўткир йирингли яллиғланишга хос белгилар намоён бўлади. Натижада без эриб яллиғланиш атроф тўқималарга ўтади. Айрим ҳолларда йиринг билан бирга ед жисим ажралиб чиқади.

Базан узок муддат сўлак безида колиб кетган ед жисим атрофидаги сўлак тоши ҳосил бўлишига сабабчи бўлади.

Диагноз асосан клиник белгилар, анамнез ва сиалография на-тижалари асосида қўйилади.

Даволаш жарроҳлик усули билан ед жисимни сўлак йўлини очиб олиш. Паренхимада ёки майда сўлак йўлларида бўлса без бутунлай экстирпация қилинади.

Ўткир сиалоденитни даволашни умумий принциплари.

Ўткир сиалоденитда биринчи галда без фаолиятини активлаштиришга каратилган тадбирлар: кўп микдорда суюқлик ичиб, сўлак ажралишини кўпайтиришга каратилади-маҳсус диета ва пордон мевалар хусусан лимон, 1% пилоқарпин гидрохлорид эритмасини 5-6 томчидан кун давомида 3-4 марта ичиш. Сўлак бези йўлидан антибиотиклар юбориш, оғриқ қолдириш учун 0,5% новокаин эритмасини 1,0-1,5 мл., ювиш учун антисептиклар (диметилсульф-оксид (ДМСО) димексид хлоргекседин.) ферментлар (трипсин химотрипсин) ишлатиш мумкин. Компреслар 30% димексид билан 30-40 минут давомида кунига бир маротаба 5-10 кун тўзалгунича. Физиотерапевтик муолижалар УВЧ СВЧ лазер.

Касаллик урита оғир ҳолатга утса ўтказилаётган давога қўшимча сўлак бези атрофидаги клетчаткага 50-60 мм 0,5% новокаинга антибиотик кушиб блокада қилиш тавсия этилади. Анти-

биотиклар мушак орасига сульфаниламид ва сенсибилизацияни тушурувчи дорилар қўшилади. Стационар шароитида ётган беморларга вена ичига трасилол ёки қонтикал юбориш яхши натижа беради.

Ўткир яллиғаниш натижасида без эриб кетса шошилинч жарроҳлик амалиёти ўтказилади. Кесма Г.П.Ковтунович усулида ўтказилади.

Сўлак тоши касаллиги

Сўлак безини тош касаллиги (сиалолитиаз, калкулез сиалоденин) деганда сўлак йўлларида тош ҳосил бўлиши тушунилади. Касаллик эркак ва аелларда деярли баробар, ҳамма ёшда учрайди.

Касаллик ривожланиши. Тош ҳосил бўлиши сабаблари охиригача аникланмаган. Модда алмашуви айниқса кальций минерал тўзлар ичидаги алмашувини бузилиши, гипо-авитаминоз (А витамины етишмовчилиги) безни секретор фаолиятини бузилиши ва сурункали яллиғаниши сабаб бўлиши аникланган. Тош асосан катта сўлак безлари кулок олди, жағ ости сўлак безлари ва шу безларни чиқарув йўлларида ҳосил бўлади.

Тошларни катталиги ва шакли хилма хил бўлади. Без ичидаги ҳосил бўлган тошлар думарок, усти ғадир-дудур, сўлак йўлларидағи чўзик ва ўтиш силлик бўлади.

Клиник кечигчи. Сўлак тош касаллиги кечишида уч давр ажратилади: бошлангич линик белги ари намоён бўлмасдан, яширин кечаетган), ривожланган ва тез қайталанувчи сурункали сиалоденит дав рва утаezган сурункали яллиғаниш.

Касалликни бошлангич даври ёки яширин даври деб аталишига сабаб тош ҳосил бўлганлигига карамай бемор бирон бир шикоят килмайди. Тош тасодифан, тиш ва жағларни бошқа сабаблар билан рентгенологик текширув ўтказилганида аникланниши мумкин.

Тош касаллигига хос бўлган биринчи шикоят бу сўлак чиқишини сустлиги. Тош сўлак йўлларда жойлашса сўлакни чиқишига йўл бермайди.

Оғизга бирон ёғулик олиш билан сўлак чиқиши кўпаяди ва у без ичидан бемалол чиқиб кета олмайди, шишади ва оғриқ пайдо бўлади (сўлак коликаси). Бир неча дакикадан сўнг бу ҳолат ўтади, аммо яна овқатланиш билан қайталанади.

Бу ҳолатда безни пайпаслаганда шиш юмшоқ факат бир кисмида тош жойлашган қаттиқлик аникланади. Икки бармоқ орасига олиб сўлак йўлини пайпаслаб курганда пастки жағ ости ёки

кулок олди сүлак безларини чикарув йўлларида ед жисим (тошга) хос бўлган каттиклик сезиш мумкин. Оғиз бўшлиғида сўлак йўлини очилиш жойида шиллик пардада ўзгариш одатда бўлмайди. Найичига зонд киритилса олди ёки ўрта кисмида жойлашган тошга кадалиш мумкин. Агарда касалик бошлангич даврида аникланниб тош олиб ташланмаса ва уни ҳосил бўлишини олди олинмаса у кейини ривожланган даврига ўтади.

Бу даврда сўлак тутулиши белгиларидан ташқари сурункали сиалоденитни ўткирлашуви намоён бўлади. Касалликни сиалоденитга хос белгилар билан бошланишини сабаби узоқ вакғ сўлак йўлида ҳосил бўлаетга тош атрофидан сўлак тўлик бўлмаса ҳам ўтиб туради ва сўлак коликаси бўлмайди.

Беморлар одатда тусатдан сўлак безида шиш ҳосил бўлганига, овқатланганда шиш катталашганга, тана ҳарорати кўтарилишига, умумий холсизликка шикоят килади. Бемор ташки кўринишида кулок олди, ёки пастки жағ ости соҳасида бир томонлама шиш, пайпаслаб катталашган, оғрикли сўлак безини аниклаш мумкин. Гоҳида сўлак бези атрофидаги тўқималар яллиғлангани (периадёнит) кузатиш мумкин. Оғиз ичига қаралганда лунж, тил ости, тил жағ тармовчаси соҳаларида шиллик пардани қизариши ва шишганлигини кузатиш мумкин. Пайпаслаб сўлак йўлларини шишганлигини ва йўғонлашиб тасм.адай каттиқлашганини аниклаш мумкин. Бундай вазиятда сўлак йўлида тош борлигини аниклаш кийин. Факат қалинлашган ва шишган сўлак йўлини бир қисмида бир оз оғрикли жойида тошни тахмин қилиш мумкин. Сўлак безини ва чикарув йўлларини пайпаслаб укаланса найчадан шиллиқ аралаш куюқ йиринг чиқиши мумкин.

Касаллик ўткир даврида охиригача (тўзалгунча) даволанмаса утаезган сурункали даврга ўтади. Бу даврга хос белгиларидан бири бу сурункали кечаетган сиалоденит тез тез хуруж қилиб турushi бўлади. Сўлак безини аста секин катталашганлиги. Пайпаслаганда без катталашиб тўқимаси зичлашганлиги, оғриқ йўқлиги, безни уколаганда сўлак бези найчасидан куюқ шиллиқсимон йиринг аралаш ажралма чиқиши аникланади. Пайпаслаб сўлак чикарув йўлини қалинлашиб, дагаллашганини (сиалодохит) кузатиш мумкин. Пайпаслаш пайтида сўлак йўлини бир қисмида ўткир оғрикли соҳа аникланса у тош борлигини билдиради.

Ўтказиладиган текширувлар: Сўлак тош касаллигини тахмин қилинганда кўшимча ва маҳсус текширишлар бу: сўлак безини фа-

олллигини ўрганиш, сўлак кўп, кам чиқиш уни қуюклиги, ранги, таркибини ўрганиш. Цитологик текширувларда сўлак таркибидаги ҳужайраларни миқдори ва шаклига эътибор қилинади. Сўртамаларда кўплаб дёғёнерацияга учраган нейтрофиллар, ретикуло эндотелий ҳужайралар, макрофаглар моноцитлар, метаплазия ҳолатидаги цилиндрик эпителий ва бокал шакли ҳужайраларни кўриш мумкин. Безни сўлак чикариш фаолияти сусайганда киприксимон ҳужайраларни кўриш мумкин. Сўлак йўлларида тош бўлганида сўртамаларда кубик эпителиоцитлар пайдо бўлади.

Рентгенологик текширувлар.

Сўлак тош касаллигини аниклаш максадида даслаб оддий рентгенологик текширув ўтказилади. Пастки жағ ости сўлак безини тошларини аниклаш учун оғиз тубини рентген қилинади. Бундай текширувда сўлак йўлини олди ва ўртасида жойлашган тошларни аниклаш мумкин. Сўлак йўлини дистал қисми ёки пастки жағ ости сўлак безидаги тошларни аниклаш учун ён томондан С.Х.Юсупов ёки Коваленко усулида олинган рентген суратларда аниклаш мумкин. Кулок олди сўлак бозини тошларини юзни олдиндан тўғри олинган рентген суратида кўриш мумкин. Тош сўлак йўлини чиқарув найчасига яқин жойлашган бўлса оғиз ичидан лунжга қўйилган рентген плёнкада яхши кўринади.

Тош борлигини оддий рентген суратда аникланмаса сўлак безига контраст мода юборилиб (Сиалография) қилинади. Одатда бу текширув усули ўткир ҳолат бартараф қилинганидан сўнг ўтказилади.

Сиалограммада тош касаллигини бошлангич даврида чиқарув йўлини тош орқасида бир текисда кенгайганлиги ва паренхимада ўзгаришлар бўлмаганлигини аниклаш мумкин. Ривожланган даврида сўлак йўлида тошни сояси ва сўлак чиқарув йўлларини кенгайганлиги ва деворлари ўзини текислиги йукотганлиги, узилиб қолишини кузатиш мумкин бундай ҳолат сурункали сиалоденитдан далолат беради. Утаезган сурункали сиалоденитда кетмакет кайталанувчи яллиғланишлар натижасида сиалограммада сўлак йўллари ўзини текислигини екотиб, паренхима қисмida майда бўшликларни контраст моддалар билан тўлганлигини кузатиш мумкин.

Даволаш. Сўлак тош касаллиги ривожланган даврида ўткир ёки ўткирлашган сурункали сиалоденит билан кечастганлиги учун даволаш юкорида келтирилган принцип асосида ўтказилади.

Үтказилаётган даволаш самарасиз бўлиб сўлак чиқишини тош бер-китиб куйса бемор ахволи яхшиланмаса, сўлак тоши устидан кесм.а ўтказилиб очилади. Операция даврида тош кесм.адан то-пилмаса ўзи сўлак босим билан чиқиб кетиши мумкин. Тош чиққанлигини бемор дархол сезади. Тош чиқарув йўлларини дис-тал қисмида, ёки безни ичида бўлса, стационар шароитида без би-лан биргаликда олиб ташланади.

Сўлак безларини дистрофик касалликлари (сиалозлар, сиалоаденозлар)

Сўлак безлари организмда бўладиган барча физиологик ўзгаришлар (хомиладорлик, туғиш, болани эмизиш, клиакс ва бошқа ҳолларда) ва патологик ҳолатлар, хазим, эндокрин системалар, асаб, қон, бирютирувчи тўқима касалликлари) ўзгаришлар билан жавоб берадилар.

Сўлак безларидаги патологик ўзгаришлар билан биргаликда учрайдиган организмдаги касалликлар орасида генетик ўзвий боғланиш борлиги тахмин қилинади. Сўлак безларидаги дистрофик ўзгаришлар унинг катталашишига, секретор ва чиқарув фаолиятини бузилиши билан кечади. Сиалозга сабаб бўлган умумий касалликни апиқлаш жуда қийин. Сабаби аниқланмаган bemорлар дис-пансер кузатувда бўлнишлари лозим.

Аммо бир гурух сўлак бези касалликлари белгилари борки уларни боинқа бир касаллик билан боғланганилиги аниқ. Сўлак безини фаолиятини бузилиши билан боғлик белгилардан бу гипер ва гипосаливация, Микулич синдроми, Шегрен касаллиги.

Гиперсаливация (сиалорея, тиолизм) бу сўлакни кўп чиқарилиши. Сўлак кўп чиқишига ҳар хил касалликлар сабаб бўлади. И.Ф.Ромачева ва В.В.Афанасьев такидлашича кўпсўлаклик стоматиглар, одонтоген яллиганиш касалликлар, ошкозон ва уни икки бармок ичакнинг яра касаллиги, глистилар, хомиладорлик тоқсикози ва кургошим билан заҳарланганда кузатилади. Паросимпатик нерв тизимини периферик ва марказий кисимларини касалликлари ҳам рефлектор кўп сўлакликка сабаб бўлади. Кўпроқ бу ҳолат эркакларда учрайди. Бон мия ўсмаларида кўп сўлаклик диагно-стик белги сифатида курилади. Гиперсаливация Паркинсон касаллигига, эпидемик энцефалитда ҳам учрайди.

Айрим одамлар ноўрин кўп сўлак келишиги шикоят киладилар. Сабаби сўлак меъсрда чиқаётган бўлса ҳам bemор уни

тулук юта олмайди. Үндай ҳолатларда ютиниш акти бузилган бўлиши мумкин.

Гипосаливация (гипосиалия, олигоптиолизм, олигоспалия) капсўлаклик – сўлак чиқишини камашиб кетиши кўп учрайдиган ҳолат, айрим ҳолатда сўлак жуда кам чиқиб оғиз қуришигача етади. Купсўлаклик базан ўтиб кетадиган ҳолат бўлиб ўткир юқумли касалликлар: ичкетар, қорин тифи, эпидемик гепатитда, овқат ҳазим тизими – сурункали гастрит, гепатохолецистит каби касалликларда учрайди. Камсўлаклик бази бир эндокрин касалликларда учрайди: гипотиреоз, патологик гипогонадфизим, физиологик климакс, авитаминозлар, кам қонлик, асад касалликлари (церебросклероз.)

И.Ф.Ромачева ва В.В.Афанасьев камсўлаклики уч даврини ажратишади: бошлангич, клиник ривожланган ва утаезган бу даврлар камсўлаклини биринчи, иккинчи ва учинчи даражасига тўғри келади.

Ксеростомияни бошлангич даврида айрим беморлар тил ва оғиз бўшлиғи шиллик пардасида нохушликка шикоят қиласидар, аммо оғиз курушига шикоят килмайдилар. Базилар ухтин-ухтин, айникса гаплашганда оғиз шиллик пардасини курушига шикоят қиласидар. Бемор оғиз бўшлиғига назар солганда сўлак камлигини кузатиш мумкин.¹¹ Иллик парда меердагидай пушти рангда бўлишига сўлак камлигини кузатиш мумкин, сўлак найдан безин укалаганда тиник, етарли микдорда сўлак ажралишини кузатиш мумкин.

Сўлак безини фаолиятини кучайтириш мақсадида пилокарпин оғизга олинса чикарилаетган сўлак камлиги ва у меъёрни пастки чегарасида эканлигини аниқлаш мумкин. Цитологик текширувлар билан сўлак сўртамасида керагидан кўп яssi ва цилиндрик эпителийни аниқлаш мумкин.

Ксеростомияни клиник авж олган (яққол кўринган) даврида bemорларни доимий оғиз куруши, айникса овқат еганда, узок гаплашганда, эмоционал таранглик ҳолатида кучайшига шикоят қиласидар. Оғиз бўшлиғи шиллик пардасини кўриниши одатдагидан пушти ранг, бир оз куригандай, сулай камлигини кайд этиши мумкин. Безларни пайпаслаб аранг бир икки томчи тоза сўлак олса бўлади. Сўлак суритмасини цитологик текширувда боқал шаклдаги шиллик сақловчи ҳужайралар пайдо бўлганлигини ва сўлак қанча кам чикса уларни сони шунча ошгаңлигини кузатishi мумкин.

Ксеростомияни ривожининг сўнги (утаётган) даврида бемор доимий оғиз курушидан ташқари, овқат еяетганда шиллик пардада оғриқ, кўйиш аломатларига, айниқса аччик ва шур таомлар кабўл килганида куйчайишига шикоят қиласди. Сўлак безини укалаб бирон томчи сўлак чиқариб бўлмайди. Бундай bemорларда катарал гингивит, глоссит, сурункали паренхиматоз паротит ва Шегрен касалигига хос белгиларни кузатиш мумкин.

Сўлак чикишини пилокарпин билан ҳам кучайтириб бўлмайди. Цитологик текширувда сўлак суритмасида кўп микдорда ҳар хил ҳужайралар шулар қаторида кубик эпителиал ҳужайралар ҳам кузатиласди.

Даволаш. Гипосаливация ва ксеростомияни даволашда ўзига хос кийинчиликлар бўлади улар касалликни келиб чикишини аниқ бўлмаганлиги билан боғлик бўлади. Асосий касаллик аникланиб унинг давоси бошлангунча симптоматик медикамёнтоз даво ўтказиласди.

Касалликни бошлангич даврида сўлак безини фаолиятини кучайтириш мақсадида калий йодини электрофорез ёки гальванизация ўтказиласди (ҳар куни жами 30 процедура) Касаллик авжга чиқкан ва ривожининг сўнги (утаезган) даврида, сўлак бези соҳасига новокаин эритмаси билан блокадалар (хафтасига 2 марта жами 10 процедуры) ва KJ гальванизациясини ўтказиш керак, галантамин 0,5% эритмаси 1 мл 30 марта буюриласди. Маҳаллий даво сифатида оғиз шиллик пардасини лизоцим эритмаси, усимлик ёғларини суритиш тавсия килинади.

Шегрен касаллиги ва синдроми

Швед офтальмологи H.S.Sjogren биринчи бўлиб бир вақтда ташки секреция безлари – кўз ёш, сўлак, тер ва ёғ безларини етишмовчилик белгилар йигиндисини симптомкомплексини ёзган ва шунин учун бу касаликка уни номи берилган.

Бугўнги кунда ички медицинада бу жуда катта муаммолардан хисобланади чунки касаллик аутоиммун ва неопластик ўзгаришлар билан кечади.

Шегрен синдроми ревматоид артрит, қизил тери сили, склеродермия каби касалликлар гурухида учрайди.

Аммо охирги йилларда Шегрен синдромини систематик касалликки алоқаси бўлмаса, алоҳида бир нозологик шакл сифатида курилмоқда.

Касаллик келиб чиқиши сабаблари. Шу даврға аниқ әмас. Бази фикирларга күра касаллик ривожланишига инфекция, эндокрин, иммун ва вегетатив нерв тизимларни бузилиши сабаб бўлади.

Охириги маълумотларга қараганда Шегрен касаллигини келиб чиқишида генетик моилликка аҳамият берилмоқда. Чунки бир оиласда она ва кизида, эгизақларда баробар бир вақтда, қизил тери сили ва Шегрен касаллиги учраши далил бўла олади.

Бошқа бир фикир бу иммунологик тизимни етишмовчилиги, хусусан Т-супрессор лимфоцитларни периферик конда камаиши Е хелперларни активлигини ошишига ва В лимфоцитларни сурункали равишда кўзгалишига олиб келади.

Шегрен касаллигига гипергамма ва гиперальфа -2- глуболинемия бўлиши аниқланган.

Текширувларда аниқланган генетик ва иммунологик ўзгаришлар айрим вирус касалликларига (Эпстайн Барр, герпес, идентификация килинмаган ретровирус) ўхшашигидан Шегрен касаллини ривожланишида вирусни аҳамияти бор дёған фикир бор.

Бу касалликни кўпроқ аелларда ва айнан климактерик даврда учрагани учун Шегрен касаллигини ривожланишида жинсий гормонларни аҳамияти бор дёған фикирга далил бўла олади.

Яна бир сабаб бу эмоционал стресс. Малумки эмоционал стресс гормонал тизимда (гипофиз, буйрак усти бези, калқонсимон без ва бошқа ички секреция безлари) катта ўзгаришлар чақиради (айниқса кексаларда ва климактерик даврдаги аелларда). Эндокрин безларни фаолиятини бузилиши организмни компенсатор ва адаптив имкониятларини сусайтиради ва арзигулик бўлмаган стресс ҳам салбий таъсир қилади ва касалликни ривожланишига сабаб бўлади.

Патологик анатомия. Шегрен касаллигига хос бўлган морфологик ўзгариш бу паренхима тўқимасини лимфоплазма хижайралар емириб ўрнини эгаллаши. Лимфоплазма хужайралар инфильтрацияси қанча кўп без тўқимасини эгалласа шунча касаллик оғир кечади.

Инфильтрат ва сўлак чиқарувчи ацинуслар орасида тўғридан тўғри боғланиш борлиги аниқланган. Шунинг учун бошлангич даврга хос бўлган морфологик ўзгаришлар-биринчи даражали, иккинчисига хос-иккинчи даражали ва учинчисига хос – учинчи даражали деб ажратилган.

Биринчи даражали морфологик ўзгаришларда күпроқ интерстициал түкимада хужайраларни тупламларини кузатиши мумкин.

Иккинчи даражадаги ўзгаришларда без түкимасини қисман диффуз лимфоплазма - хужайрали инфильтрацияси кузатилади. Ўзгаришлар паренхимадан ташқари сұлак чиқарув йўлларини де-ворларига ҳам ўтиб уларни деструкциясini чакиради.

Учинчи даражали ўзгаришлар касалликни охирги даврига тўғри келади. Бу даражада лимфоплазма хужайрали инфильтрация диффуз бўлиб, без бўлакчалари архитектоникаси сақланиб қолганига карамай емирилган паренхимани ўрнида миоэпителиал ўчоклар ҳосил бўлади ва склерозга хос ўзгаришлар кузатилади.

Клиник кечиши. Беморлар одатда оғиз кўришига, сұлак безларини катталашишига, умумий холисизликка, тез чарчашга, айрим bemорлар кўз шиллик пардасини кўришига, ерукдан куркувга, кўз ичида кум борлигига, кейинчалик, кулоқ олди бези шишига шикоят киладилар. Беморни анамнезини яхшилаб суруштирилса уларни узоқ вақт давомида ревматолог, дерматолог ва бошқа мутахасисларда даволамаетганлигини аниқлаш мумкин.

Айрим bemорлар оғиз кўриши билан бир вақтда тери кўриши ва пуст ташлашини айтадилар бу эса тер ва ёф безларини фаолиятини бузилишидан далолат беради.

Аеллар бачабон ва кин шиллик пардасини безларини фаолияти бўзулганлиги оқибатида бўладиган куруклигига шикоят киладилар.

Қулоқ олди сұлак безлари вақти вақти билан котмалашади шу даврда bemорни ахволи ёмонлашади, тана ҳарорати кўтарилиди безда қаттиқ оғриқ бўлади сұлак бези найчасидан шиллик аралаш йиринг чиқади.Регионар лимфа тугунлар гоҳида катталашади. Ўтказилган даво тадбирларидан сўнг узоқ вақт без катталашиб турди.Пайпаслаганда қаттиқ ва усти ғадир-будур бўлади аммо оғриқ бўлмайди.Организмдаги асосий касалликни хуружи ва реактивлинин сусаиши ва бошқа сабаблар билан касаллик хуруж бериши мумкин.

Рентгенологик текширувлар. Сиалограммада без паренхимасини яхши ажралиб кўринмайди.Асосан, контраст мода билан ҳар хил шаклдаги чегараси аниқ бўлмаган бўшликлар аниқланади. Сұлак чиқарув йўллари кенгайиб текислигини йўқотади. Майдада сұлак йўллари узилиб кўринади.

Ультратовуш текшируvida сўлак безларини катталашгани, паренхима зичлиги ўзгарганлиги ҳисобига гипоэхоген ва гиперэхоген структурага эгалиги кузатилади.

Сўлак цитологиясида десквамацияга учраган эпителиал ҳужайраларни кўплиги, ҳужайраларда шиш ва парчаланиш кузатилиши, ёф ҳужайраларини дистрофияси ва ёф метаболитлари учрайди.

Қиёсий ташхислаш. Шегрен касаллигидаги сиалоденитни паренхиматоз ва интерстициал носпецифик сурункали паротитладидан, сурункали сиалодохит ва сўлак бези ўсмаларидан фарқлаш керак.

Микулич касаллиги (синдроми)

Кўз ёш безлари ва ҳамма сўлак безларини биргаликда катталашишини Микулич биринчи бўлиб езган ва муаллиф номи билан юритилади.

Касаллик юқорида келтирилган Шегрен касаллигига жуда ухшаб кетади.

Фарқи Микулич касаллигига безлар секрецияси бузилмайди.

Агарда сўлак ва кўз ёши безларини катталашиши, лейкоз, лимфогрануломатоз, туберкулез, захм ва эндокрин ўзгаришлар билан бир вактда кечса унда бу Микулич синдроми без аталади.

Касаллик сабоблари ва ривожланиши. Охиригача ҳал бўлган эмас. Бугўнги кунда бу касалликни келиб чиқиши ва ривожланишини организмни нейтрофик, эндокрин ва аутоиммун ўзгаришлари натижаси деб тушунилмоқда.

Патоморфологик текширувларда кўз ёш ва сўлак безларидага сезиларли лимфоид ҳужайралар тупламлари-лимматоз ўзгаришлар кузатилади. Лимфоматоз таъсирида сўлак йўллари сиқилади аммо сўлак чиқиши тухтамайди.

Касаллик кечиши. Беморлар ҳамма сўлак безларни шишганлигига шикоят қиласидилар. Шиш устида тери ранги ўзгармайди. Пайпаслаганда ҳар бир сўлак бези катталашганлиги, зич бўлганлиги оғриқ йўклиги аниқланади. Сўлак оғиз бўшлиғида старли даражада бўлади. Касаллик узок давом этганида сўлак чиқиши камаяди ва сурункали интерстициал сиалоденитга хос белгилар намоён бўлади.

Сиалография ўтказилса, безларни катталашгани, паренхимаси ва сўлак йўлларида ўзгаришсиз эканлиги аниқланади. Касаллик ривожланишини кечишини көрсатади.

вожланган сари без ўзини текис шаклини йўқотади. Сўлак йўллари тораяди.

Даволаш Сўлак безида кечаетган лимфоматозни тухтатиш мақсадида рентген нурлари билан даволаш тавсия этилади. Сўлак безларини трофикасини яхшилаш мақсадида галантамин берилади ва новокайн блокадалар ўтказилади.

Безларда яллигланиш бошланса сўлак йўлларига бактериофаг, антибиотиклар, димексид билан компресс ва бошқалар. Комплекс даволашда албатта организмни реактивлигини оширишга каратилган дори дармонлар тавсия этилади.

10 БОБ. Чакка-пастки жағ бўғими касалликлари

Чакка пастки жағ бўғими энг кўп ишлайдиган бўғимдир. Кун давомида чайнаш, гапириш, эснаш каби харакатлар бўғим 2000 марта га яқин.

Халкоро соғликни сақлаш касалликлар таснифи (ВОЗ 1978) бўйича бўғим касалликлар скелет-мушак тизими ва биритирувчи тўқималарни касалликлари атропатиялар ва бошқа бўғим касалликлари гуруҳига киритилган.

Чакка пастки жағ бўғими касалликлари орасида кўпроқ куйдагилар учрайди:

1. Инфекцион артритлар: носпецифик йирингли, специфик – ревматоид, Фелти синдроми, ёшлар сурункали полиатрити – Шталл касаллиги.

2. Остеоартроз

3. Анкилоз

4. Контрактура

5. Бўғим дисфункциясини оғрикли синдроми

6. Бўғим жароҳатлари ва шикастлари

7. Чакка пастки жағ бўғими чиқиши

Чакка пастки жағ бўғими жуфт бўғим бўлиб (чап ва ўнг) бир бирига нисбатан симметрик жойлашган ва баробар харакатланувчиdir.

Чакка пастки жағ бўғими пастки жағ бўғим ўсиғи, чакка суюгидаги бўғим чукурчаси, бўғим думбокчаси ва бўғим дискидан ташқил топган. Бу анатомик тўзилмалар бўғим капсуласи ҳалтаси ичидаги жойлашган бўлади. Капсула ташки фиброз ва ички синовиал қатламлардан тузилган, капсулани ички қавати синовиал суюклик ишлаб чиқаради.

Бу суюклик бўғим бошчасини ишқаланишдан асрайди ва сиргалишини текис утушини таъминлайди.

Бўғим капсуласи ичидағи оралиқ (бўшлиқ) бўғим диски билан юкори ва пастки кисимга бўлинади.

ЧПЖ бўғими соғлом одамларда уч тоифаси ажратилади.

1.Юза бўғим. Бўғим чукурчаси саёз, кенг. Пастки жағ бўғим ўсиқси калта. Бўғим думбокчаси яхши бўртиб чикмаган. Бу типдаги бўғим кўпроқ тўғри прикусли одамларда учрайди.

2.Ўртача ботик-бўртаган бўғим. Бўғим чукурчаси ўртача чукурликда ботган. Бўғим бошчаси етарли даражада бўртиб чиккан. Бўғим думбокчаси яхши ривожланган. Бўғими бундай тузилиши ортогнатик прикусли одамларда кўпроқ учрайди.

3.Чукир ботик ва бўртаган бўғим. Бўғим чукурчаси энсиз ва чукур. Бўғим бошчаси чўзик. Бўғим дунбокчаси баланд. Бундай бўғим чукур прикусли шахсларда учрайди.

Бўғим баландлиги ва функционал ҳолати ҳаёт давомида ўзгариб туради у тиш-жағ чайнов аппаратини ҳолати мушакларни таранглиги ва функционал ҳолатига мослашиб ўзгаради. Организм тизимларини касалликлари ҳам бўғим элемёнтларига таъсирини ўтказади.

Чакка пастки жағ бўғимини текшириш усувлари.

Бўғим касалликларини аниқлаш учун тулук анамнез ёғиш, уларни таҳлил килиб объектив текширувлар ўтказилади. Авало тиш чайнов тизимиға баҳо берилади тишлар, тиш протезлари, беморни ёмон одатлари (ва бошқалар). Кейнчалик бўғим бошчасини ҳолати, унинг ҳаракати шакли ва бўғим элемёнтларини ҳаракатда иштироқи, ҳаракатланиш траекторияси, синхронлиги, текислиги (ва бошқа белгилар).

Махсус текширув усувлари:

Рентгенография, мастикационография, аудиометрия, компьютер томографияси, МРТ текширувлар.

Бўғим касалликлари инфекцион бўлиш эҳтимоли бўлган беморларда қон анализлари ўтказилади.

Чакка пастки жағ артрити.(ЧПЖА)

ЧПЖА бу бўғим элемёнтларини специфик ва носпецифик инфекция ёки жароҳат таъсирида яллиғланиши.

Кечиши бўйича яллиғланиш ўткир ва сурункали бўлиши мумкин.

Этиология ва ривожланиш.

Носпецифик инфекцион яллиғланиш одатда бүгим атрофидаги тұқымалардаги йириングли яллиғланиш жараёнларидан (йириングли отит, йириングли паротит, пастки жағ остеомиелит) лимфа ва кон томирлар орқали ёки бевосита бүгим капсуласини атрофдаги йириングли жараёндан ўтиши натижасыда ривожланиши мүмкін.

Клиник кечиши. Йириングли инфекция чакирган артрит одатда сероз яллиғланиш шаклида кечади ва касаллик белгилари яккөл бўлмайди. Бўғимда ҳаракат пайтида оғриқ кучаяди. Бўғим соҳасида шиш ҳосил бўлиб босгандан оғрийди. Умумий аҳвол деярли ўзгармайди.

Кейнчалик яллиғланиш кучайиб йириングли боскичга ўтади. Беморни аҳволи ёмонлашади тана харорати 38⁰С кўтарилади, бушашади, уйку бузилади, иштаха еколади. Бўғим атрофидаги тұқымалардаги шиш кўпаяди, устидаги тери кизаради, қулоқ олди соҳасида оғрикли газак ҳосил бўлади, Пастки жағ ҳаракати камаяди. Оғриқ бутун чакка ва қулоқ атрофига таркалади. Ташки эшитув йўлига бармок кўйиб бўғим бошчасини ҳаракатини шиш ҳисобига аниқлаб бўлмайди.

Регионар лимфа тугунлар катталашади. Одатда йириングли артбири томонда бўлади.

Специфик артрит одатда бошқа аъзолардаги яллиғланиш жарас ғларидан гематоген йўл билан хусусий инфекцияни бўғимга тушганида ривожланади. Бўғим суюклигига тушиб инфекция шу ерда кўпаяди ва яллиғлаш чакиради. Инфекция хилига қараб туберкулез, гонореяли, сифилитик (захимли) актиномикотик, бруцеллез ва бошқа хил артритлар бўлиши мүмкин.

Носпецифик сурункали артритларга ревматик ва ревматоид артрит киради. Малумки ревматизм бу бириктирувчи тўқимани инфекцион-аллергик касаллиги аммо биринчи галда юракни шикастланиши билан кечади.

Ревматоид артрит – бу бириктирувчи тўқима тизимини, кўпроқ бўғимлардаги эрозив деструктив касаллигидир. Бугўнги кунда ревматоид артритни ривожланишини иммунопатологик, аутоиммун ўзгаришлар натижасыда сифатида курилади. Асосий зарбани бўғимни ташкил этган гўқималар (синовиал парда, синовиал суюклик ва бўғим тогаи (диск) олади.

Бошқа артритлардан ревматоид артрит бир вактда кўп бўғимларни шикастланиши билан кечади.

Асосий белгиси синовиал катламда кечаетган сурункали про-лифератив ўзгаришлар натижасыда бўғим катталашиши. Синовиал суюклил ва экссудат сурнлмайди ва биринтирувчи тўқима билан алмашади. Патологик жараён олдин майда бўғимларда бошланиб кийинчалик катта бўғимларга ўтади.

Чакка пастки жағ бўғимларини шикастланишиши бошида сезилар сезилмас оғрик бўлади, жағ ҳаракати оғирлашади, айниқса овқат чайнаетганда, гапираетганда. Бўғим соҳасини кўрикдан ўтказганда сезиларли ўзгаришлар топилмайди. Бўғим бошчасини пайпаслаганда оғрик, ҳаракат доираси чегаралангандиги аниқланади.

Ревматоид полиартрит ўткирлашганда бўғимдаги артрит ҳам ўткир артрит шаклида қайталайди ва бу асосий касалликни ке-чиши билан баробар қайталаб туриши мумкин.

Травматик артрит ўткир ва сурункали жароҳатлардан сўнг ривожланади. Жароҳат натижасыда бўғинга қон куйилиши тўқималарни лат ёниши, ва ерилиш бўғим усугини синиши яллиғланиш ва дистрофик ўзгаришларга олиб келади.

Асоратлар. Ўз вақтида ва тўлиқ даволаниши ўтказилмаса ўткир артритлар сурункали касалликка ўтади. Сурункали артритга хос белгилар бу бўғимда ҳаракатда шовкин сезилиши, кирсиллаш бўғимлар биргаликда ҳаракагини симметрияси бузилиши – бир томонга тортиб кетилиши билан кечади. Кейинчалик фиброзли ёки сук янкилози бўлиши.

Рентгенологик текширувда бўғимдаги ўзгаришлар дастлаб ос-теопороз, бўғим бошчасини атрофияси, бўғим ёруғини тораниши билан намоён бўлади.

Даволани. Чакка пастки жағ бўғими артритини даволаш ка-саллик сабабига қараб ўтказилади. Аммо сабобидан каттий назар биринчи галда бўғимдаги ҳаракатни камайтириш ва дам бериш за-тур. Иккинчиси антибактериал, антигистамин, седатив ва носпе-цифик яллиғланишга қарши даво ўтказилади. Бўғимда ва атрофида йирингли яллиғланиш ўчоклари жарроҳлик усулида очилади. Бўнга актив ҳаракат буюриллади ва физиотерапевтик муолажалар ўтказилади. ЧПЖБ артрити биринтирувчи тўқима тизимиши ва бошқа касалликлар билан биргаликда кечаетган бўлса шу соҳа мутахасис-лар билан биргаликда даволанади.

Остеоартроз-чакка пастки жағ бўғимини сурункали дистро-фик касаллигиdir. Касаллик модда алманиувини бузилиши, пейро-

дистрофик ўзгаришлар, сурункали артрит, сурункали бўғим жароҳатлари, нотўғри протезлаш, иккиламчи адётия, чайнов мушакларини миодинамик мувозанатини бузилиши ва бошқа сабаблар натижасида ривожланади.

Соғлом адётияси бўлмаган одамларда чайнов мушакларини кискариши ва чайнаш жараёнидаги босим бўғимга оғир тушмайди чунки куч ҳамма тиш ва периодонтга бир текисда тахсим бўлади. Тиш каторида тишлар камаиши, айниқса чайнов тишларини, бўғимга ортиқча харакат таъсирида ўз жоидан суримишга мажбур килади. Бу эса бўғимга босим кўпайтиради. Босим таъсирида бўғим ва бўғим чукурчасида сүяқ атрофиясини кучайишига олиб келади.

Узок вакт давомида таъсир этивчи сурункали жароҳат бўғим тогайда ва бўғим ишқаланаётган юзаларда дегенератив яллиғланишни чакиради натижада бўғим бошчасида ўзгаришлар содир бўлади, сүяқ калинлашади зичлашади атрофидан сүяқ ўсиши кузатилади. Ўзгаришларни кечишига караб остеоартрозни икки тури ажратилади склеротик ва деформацияланувчи.

Склеротик остеоартрозга бўғим бошчасини юзасида ва уни тагида етган сүяқ катламида склеротик ўзгаришлар кечади. Деформацияловчи остоартрозда бўғим бошчаси юзасида сүяқ ўсиб текислиги бузилади атрофидан ускан сүяклар экзостозлар ва остеофитлар хисобига шакли ўзгаради.

Клиник кечиши. Остеоартрозли беморлар одатда чакка пастки жағ бўғимидағи оғрикка шикоят киладилар. Оғрик овқат чайнаганда, гапирганда кучаяди. Оғиз очганда жағ касал томонга силжийди, бўғимда кирсиллаш ва шовкин сезилади.

Даволаш: Асосан физиотерапевтик усуллар КJ, Лидаза, гидрокортизон электрофорези, миодинамик мувозанатни яхшилаш учун миогимнастика, массаж. Овқатланиш-факат чайнамасдан истемол килинадиган овқатлар тавсия этилади.

Чакка-пастки жағ анкилози.

Чакка-пастки жағ анкилози деганда пастки жағни бўғим ўсигини чакка суюгидаги бўғим чукурчаси билан фиброз ёки сүякли бирикиши тушунилади.

Касаллик асосан болалар ва ўсмирларда учрайди (шунинг учун батафсил маълумотлар болалар жарроҳлик стоматология фанида еритилади).

Сабаб – бўғим бошчасини жароҳатлари, инфекцион артрит, остеомиелит натижасида бўғим тогайи емирилиб кетади натижада

бүгім бошчаси ва бугум чукурчаси оралғи даслаб фиброз тұқима билан тұлади. Кейинчалик бу тұқима сұяклашади.

Касаллик қанча ёшлиқда бошланған бўлса асоратлари шунча кўринарли бўлади.

Ёш болада бўғимдаги ўзгаришлар пастки жағни усиш зонасига таъсир этиб сүякни ўсишини бузилишига олиб кела-ди. Заараланған томон усишдан колиб шу томонда микрогёния ҳолати шаклланади. Шикастланиш икки томонда бўлса пастки жағ ўсмайди ва беморни ияги кўринмай қолади. Ташки эшитув йўли томондан пайпаслагандан бўғим бошчасини ҳаракати аникланмайди.

Рентгенологик текширувда. Бўғим бошчасини кўзиқорин бошчасидай кенгайиб ва катталашиб чакка суяги билан бириккан-лигини кўриш мумкин. Пастки жағ шох ва тана кисимлари калта-лашганлиги ва шакли бўзулганлиги кузатилади.

Даволаш. Анкилоз фиброз шаклда бўлса дастлаб консерватив даво ўтказилади. Асосан физиотерапевтик муолижалар, сўрилишини таминлаш мақсадида КJ, лиаза, гиалуронидаза, гидроқортизон электрофорез ёрдамида юборилади. Айрим олимлар бўғимга 25 мг гидроқортизон юбориш яхши натижа бериншини та-кидлайдилар. Аммо бундай даво усулларини самараси кам. Натижа бўлмаса фиброз анкилозни сүякли анкилоз каби жарроҳлик усули-да даволаш тавсия этилади.

Жарроҳлик усулинни асоснй принципи бу ўзгарган бўғим бош-часини асосидан кесиб ташлаш, ўзгарган кичик бўлакни чакка суя-гидан ажратиб олиб ташлаш ва пастки жағни олдинга ва пастка су-риб маҳкамлаш. Чакка суягидан пастки жағ қанча узокроқ қилиб котирилса шунча пастки жағ суягини чакка суяги билан қайтадан бирикиш эҳтимоли камаяди.

Хосил бўлган кемтикни айрим клиникалар бир вақтда аuto, алло трансплантат ёки имплантатлар ёрдамида бартараф қилишини тавсия этадилар. Бошқа клиникалар икки босқичда қилишини афзал деб биладилар.

Чакка пастки жағ контрактураси.

Чакка пастки жағ контрактураси деганда пастки жағни қнеман ёки тўлиқ ҳаракатини чегараланишини тушунилади. Ҳаракат чегараланишини бўғим ён атрофдаги тұқималарни ўзгарини билан боғлиқ бўлади. Контрактурани (тириинишини) икки ялнигланиш ва чандикли шакли фарқланади.

Яллиғланиш контрактураси – тризм, атрофдаги яллиғланиши үчокларидан чайнов мушакларга рефлектор таъсир килиб оғиз очиллишини чегараланиши айтилади. Тризмни уч даражаси ажратилади. Биринчи даражада оғиз очиллиши бир оз камаяди. Юкори ва пастки жағ фронтал тишларини кесув юзасидан улчаганда оғиз очиллиши 3-4 сантиметрга етади иккинчи даражада шу масофа 1-1,5 см., учинчи даражада 1 см. дан хам кам очилади.

Чандыкли контрактура. Пастки жағ атрофидаги некротик яра (нома, скарлатина, тиф, юрак кон томир етишмовчилги ва бошқалар) сурункалы специфик жараёнтар (сифилит, туберкулез, актиномикоз) термик ва кимевий куюшлар, жарохатлар, хавли ва хафсиз ұсмаларни олиш иккиламчи битган яралардаги чандыктар сабаб бўлади.

Чандыкни хосил килган тўқимага нисбатан И.С. Карапетян ва Ю.И. Чергештов дерматоген, десмоген (бириктирувчи тўқимадан) миоген, муқозоген ва суякли контрактураларни фарқлашди.

Чандыкли контрактурати беморларда чакка пастки жағ бўғимида ташки кулок эшигув йўлидан пайпаслагандаги харакат аникланади.

Даволаш. Яллиғланиш билан боғлик бўлган контратурани даволаш бу биринчи галда яллиғланиш ўчоғини бартараф килишни таказо килади (йирингли ўчончи очиш, сабабчи тишини олиш) мушакдаги спазмни блокада ёрдамида бартараф килиш ва физиотерапевтик мусолижатар ўтказилади.

Чандыкли контрактурани бартараф килиш учун кўп боскични тиклов ва реконструктив операциялар ўтказилади.

Чакка пастки жағ бўғими дисфункцияли оғриқ синдроми.

Чакка пастки жағ бўғими касалликлари орасида энг кўп учрайдигани 80-95% у бўғим дисфункциясидир. Бу касалликк артритларда учрайдиган клиник белгилар билан кечади. Беморлар одатда чайнов мушакларини доим таранглигини ва жағи сикилгандай сезаетганлигини кайд килади. Оғиз очиб ёпганда бўғимда шовкин, кирсиллашни сезади. Оғиз очаётганда жағ бир томонга сурилиб очиллишига икка бўғимдаги харакат синхрон бўлмаётганлигига шикоят килади. Бу шикоятлар артритга хам хос аммо артрит бу бўғим таркибига кирган структураларни яллиғланиши бўлса ЧПЖБ бўғими оғриқ синдроми бу бўғимдан ташкаридаги чайнов мушакларини номутанөсиб харакатидан бўтим структураларни дисфункциялайди.

цияси ҳисобига кечади. Мушакларни номутаносиб қискаришига күйдагилар сабаб бўлиши мумкин: чайнов оқклизиясини бузилиши, тусатдан оғизни катта очиш, узок вакт оғизни катта очиб туриш, психоэмоционал стресс ҳолатларда мушакларни зўрикиши, миозит бўлиши мумкин.

Айрим ҳолларда оғриқ латерал қанотсимон жағ мушагини гипертонуси ҳисобига бўғим пайларини ортиқча чўзилиши ҳисобига ҳосил бўлади. Ёши катта одамларда кечаетган атрофик ўзгаришлар ҳам бўғим усушга таъсири этиши ва функционал ўзгаришлар чақириши мумкин.

Рентгенологик текширувларда чакка пастки жағ бўғимда суякларда сезиларли ўзгаришлар топилмайди.

Чакка пастки жағ бўғим дисфункциясини оғриқ синдромини ҳар хил артритлардан, оқклизияли –артикуляцион синдромдан, бўйин остеохондрозидан, уч шохли нерв невралгиясидан, психогён оғруклардан фарқлаш керак.

Ажратиш мақсадида бўғим атрофиға П.М. Еғоров усулида блокада ўтказиш мумкин. Аnestетик таъсирида мушаклар тараанглиги бартараф қилиниб оғриқ йўқолади артрит ёки остеоартроз бўлса оғриқ олдингидан колаверади.

Даволаш. ЧПЖБ оғрикли дисфункция синдромини даволаш жуда мураккаб аввало бу касалликни чакирган сабабни аниqlаш ва уни бартараф қилиш зарур. Мушаклар тонусини тушириш мақсадида аналгетик, транквилизаторлар тавсия этилади, физиотерапевтик муалижалар (магнит, магнито-лазер) массаж, многимистика.

Катта аҳамият бўғимдаги ҳаракатларни камайтиришга каратилиши лозим. Бўғимдаги тогай дискин эзлишини, сиқилишини камайтириш мақсадида прикусин 1-2 мм кашна ёрдамида кўтарни лозим.

Босишга рухсат этилди 11.06.2009 й. Офсет усулида чоп этилди.
Офсет қоғоз. Бичими 60x90 $\frac{1}{16}$. Нашр тобоги 16.
Алади 1000 нусха.

«LIDER PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Муқимий кўчаси, 178. Буюртма №168.